

ЖАҲОН
АДАБИЁТИ
ДУРДОНАЛАРИ

ФРИДРИХ ШИЛЛЕР
МАКР ВА МУҲАББАТ
Шеър ва драмалар



Фридрих Шиллер
МАКР ВА МУҲАББАТ



ШЕЪРЛАР, ДРАМАЛАР

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1985

**«ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДҶРДОНАЛАРИ»
СЕРИЯСИНИНГ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

Зульфия
Уйғун
Комил Яшин
Эркин Воҳидов
Одил Ғубов
Жуманиёз Жабборов
Омон Матжон
Қодир Мирмуҳамедов
Мирмуҳсин
Асқад Мухтор
Марат Нурмуҳамедов
Ғайбулла Саломов
Рубен Сафаров
Иззат Султон
Ҳасан Тўрабеков
Александр Удалов
Улмас Умарбеков
Шоир Усмонхўжаев
Носир Фозилов
Уткир Ҳошимов
Озод Шарафиддинов
Шоислом Шомуҳамедов
Азиз Қажумов
Матёқуб Қўшжонов
Иброҳим Ғафуров
Ҳамид Ғулом

НЕМИС ТРАГЕДИЯСИНИ ЯРАТГАН ДАҲО

*Шиллер ва Гёте — лирик поэзиянинг
икки ялғиз дунёсидир, унинг катталиги
турлича бўлган кўпгина юлдузлар билан
ўралган икки буюк қўёшидир.*

В. Г. Белинский

Буюк немис адиби Ф. Шиллер драматургиясини, қисқаси, унинг бутун бадиий ижодини батафсил адрок этиш, тушуниш — биздан аввало Шиллер яшаган даврда Германиядаги тарихий шароит ва адабий муҳитни чуқур билишни тақозо этади. Шу сабаб, Шиллер ҳаёти ва унинг ижодий фаолияти ҳақида гапиршдан олдин XVII—XVIII аср Германия тарихи, у ердаги ижтимоий шарт-шароитлар, адабий муҳит ва Шиллернинг замондош дўстлари ҳақида қисқача тўхталишга тўғри келади.

Германиядаги феодалларнинг ўзаро курашлари 30 йиллик урушнинг (1618—1648) келиб чиқишига сабаб бўлди. Узоқ давом этган бу уруш туфайли немис халқи асоратда қолди. 1648 йил 2 октябрда Вестфалиянинг Мюнстер шаҳрида имзоланган Вестфалия сулҳи бу урушга барҳам берди. Вестфалия сулҳ шартномасига кўра Европадаги территориал ўзгаришлар натижасида Германияда бир қанча князликлар пайдо бўлди. Ўзининг муҳим географик ўрни жиҳатдан Бранденбург-Пруссия курфюрстлиги (1701 йилдан Пруссия қироллиги) энг йирик герман давлатларидан бирига айланди. 1740—1786 йилларга келиб, яъни Фридрих II (1712—1786) қироллиги даврида прус милитаризми янада авж олди. Германия ўша вақтда сиёсий жиҳатдан тарқоқ, иқтисодий жиҳатдан ўта қолоқ, юзлаб князликлардан иборат бўлган давлат эди. Мамлакатдаги бу тарқоқлик, бошбошдоқлик XVIII асрнинг охирига келганда Германиянинг иқтисодий-сиёсий жиҳатдан мушкул аҳволга тушиб қолишига ва меҳнаткаш немис халқининг ҳар томондан жабр-ситам тортишига сабаб бўлди. Герцог ва князлар орасидаги ўзаро келишмовчилик ва низоларнинг оғирлиги меҳнаткаш омма гарданига тушган, иқтисодий ва маданий ҳаёт эса тамомилан издан чиққан бир палла эди. Черковлар ниҳоятда реакционлашиб кетган эдики, улар фақат айрим доираларнинг манфаатларини кўзлаб халқни революцион уйғонишдан қалғитар, «жаннат» ваъда этиб омманинг онгини диний ақидалар билан заҳарлаб, борган сари ҳийла-найрангларини ошира борардилар.

Айниқса, буюк немис драматурги ва шоири Ф. Шиллер яшаб ижод этган Вюртемберг герцоглигида реакцион сиёсат кучайган, меҳнаткаш халқ оммасига қарши зулм қилиш ҳаддан ошган эди. Герцог Карл Евгений¹ эса жабр-зулм қилишда учига чиққан бе-

¹ К. Евгений — Ф. Шиллер герцог К. Евгений Ҳарбий Академиясида таълим олган. Бу ҳақда кейинчалик батафсилроқ гапирамиз.

шафқат, бераҳм немис князликларининг тиник вакили эди. Мамлакат ичкарисидаги бу аҳвол немис деҳқонлари ва косиб-ҳунармандларининг ҳам тинқасини қуритган эди. Мамлакатда ҳунармандчилик, деҳқончилик, савдо-сотиқ ишлари ниҳоятда орқада бўлишига қарамасдан ҳукмрон синфлар иложи борица фойдани қамайтирмасликка уриниб, меҳнаткашларни эзар, турли йўллар билан қўшимча фойда орттиришга ҳаракат қилишар, аммо энг даҳшатлиси шу эдики, немис князлари ўзга давлатларга олгин, бриллиантлар эвасига «тўп еми»¹ жўнатишарди. Натижада кенг халқ оммаси орасида ҳукмрон синфларга қарши кун сайин порозилик кучаяр эди. Мамлакатда на таълим, на матбуот эркинлиги, на князликлар билан ўзаро фикр алмашув ёки ўзга давлатлар билан савдо-сотиқ ишлари йўлга қўйилган эди. Германия шундай бир қора тун қўйнига чўмган эдики, Ф. Энгельс бу даврда «...Ҳатто немис халқининг энг яхши ва энг кучли донишмандлари ҳам ўз мамлакатининг келажакига мутлақо ишончини йўқотиб қўйган эди»², (таржима бизники) деб тасвирлайди. «Фақат ватан адабиётига яхши замовлар келишидан бир қадар умидлантириб турар эди. Сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан шармандала бўлган бу давр айни вақтда немис адабиётининг буюк даври эди»³.

Германиянинг территориал бўлиниши ва бўлинган давлатларнинг бир-биридан узоқлашуви, биринчидан мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ўсишига халақат берган бўлса, иккинчидан меҳнаткаш халқ оммасини жипслаштириб феодал мустабид ҳокимиятига қарши курашга чорлашга тўсқинлик қилар, шу сабаб уларнинг маънавий ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатарди. Шунинг учун ҳам баъзи бир немис ёзувчи ва шоирларининг ўша даврларда қўшни халқлар адабиётига муурожаат қилиши ва баъзи немис классиклари ижодида қўшни халқлар (Италия, Испания, Қадимги Рим, Франция, Англия, Шотландия) ҳаётининг тасвирланиши бежиз эмас эди, албатта. Бироқ XVIII асрларга келиб сиёсий тарқоқ, иқтисодий қолоқ бўлган бу ўлкада адабий муҳит руҳан анча тетик кўринарди. Германиядаги бу тарқоқлик даври немис фалсафаси ва адабиётининг айни гуллаган пайтига тўғри келди. Мамлакатда маданий ва адабий ҳаётни ривожлантиришга таъсир қилувчи кучлар пайдо бўла бошлади. Германиядаги XVIII асрнинг 70-80-йилларида пайдо бўлган «Бўроц ва ҳужум» адабий ҳаракатининг машҳур вакилларида; немис адабиёти тарихига баракали ҳисса қўшган, ўзига хос оҳанглари, фалсафий теран фикрлари билан ажралиб турадиган, жаҳон адабиётининг йирик намоёндаларидан Гёте, Шиллер ва буларнинг издоши, бир қанча сиёсий лирик асарлар муаллифи Генрих Гейне мамлакатда реакциянинг кучайиши, зулм-истибоднинг авжга чиқиши билан характерланадиган мана шундай бир даврда адабиёт осмонида пор-

¹ Бу ерда 1775—1783 йилларда Англия билан Шимолий Америка халқлари ўргасидаги мустақиллик уруши даврида Англияга сотилган камбағал немис фарзандлари назарда тутиляпти. Импералистлар манфаатини ҳимоя қилиб ўзга давлатларга жўнатилаётган солдатларга Германияда ўша пайтда «тўп еми» дейиларди.

² Ф. Энгельснинг бу фикри Ф. Шиллернинг «Разбойники» (Гос. изд-во, дет. лит-ры, Мин. прос. РСФСР. Москва, 1950, Ленинград) китоби сўзбошисидан олинди. 5-бет.

³ К. Маркс, Ф. Энгельс. Санъат тўғрисида, 2 томлик, 1-том, «Ўзбекистон» нашриёти, 1975, 473—474-бетлар.

лоқ қолдуз янглиғ кўриядилар. Ҳан яшаган даврининг илғор гоилари позициясида туриб ижод қилган бу немис классиклари шу асрда, юқорида тасвирланган «Эски Германия» қўйнида туғилиб, камол топдилар. Умуман Германиянинг илғор фикрли кишилари, файласуфлари, ёзувчилари, филолог олимлари Иммануил Кант (1724—1804), Готлиб Фихте (1762—1814), Вильгельм Гумбольт (1767—1835), Гегель (1770—1831) ва бошқалар мана шу аср фарзандларидирлар. Улар немис миллий маданияти ва санъатини юқори поғонага кўтариб, Германия ҳаёти тарихида ўчмас из қолдирдилар.

Немис прозаси ва поэзиясини кўкларга кўтарган, мазмун ва шакл жиҳатдан бойитган Лессинг, Гёте, Шиллер ва Генрих Гейнеларни жаҳоннинг буюк классиклари сафига қўшган революционер кайфиятдаги асарлари, сиёсий лирикалари, чуқур фалсафий мушоҳадага бой, бадиий етук шеърый драмалари ана шундай ижтимоий-сиёсий муҳитда бунёдга келган эди.

* * *

Немис классик шоири ва драматурги Ф. Шиллер 1759 йилнинг 10 ноябрида Германиянинг Вюртемберг герцоглигида, Некар дарёси яқинидаги мўъжазгина Марбах шаҳарчасида, Германиядаги етти йиллик уруш (1756—1763) айни авжига чиққан бир маҳалда уруш фарзанди бўлиб туғилди. Унинг Нанетта, Луиза, Кристофина исмли опа-сингиллари бўлган. Онаси — Елизавета Доротея мулойим, дилкаш аёл бўлиши билан бирга ўта диндор эди ва ўғли Иоганн Кристоф Фридрих Шиллер¹ га ҳам диний-ахлоқий ақидаларни сингдиришга ҳаракат қилган. Болаларига ажойиб кишилар ҳаётидан ҳикоя қилиб берган. Отаси — Иоганн Каспар эса дунёқараши кенг, ўз даврининг онгли кишиларидан бўлиб, армия офицери эди. Шоирнинг болалиги Лорхда ўтади. 1768—1772 йилларда Людвигсбургда латин мактабини битказгандан сўнг, герцог Карл Евгений номи билан аталадиган Ҳарбий Академияда таълим олади. На таътили, на уйга бориб келиши учун руҳсати бўлган бу мактаб боис Ф. Шиллер оиласидан, қариндош-уруғларидан анча узоқлашади ва машаққатли саккиз йиллик умрини «Қуллар плантацияси» деб аталадиган ушбу Ҳарбий Академияда ўтказади. Бу ерда ёш Шиллер 1774 йилдан адиля, 1776 йилдан бошлаб табобат илмлари билан ҳам шуғулланади. 1780 йилда врачлик дипломини олгач Штутгарт гарнизонида полк врачлиги бўлиб ишлайди. Аммо, бу унинг маънавий дунёсини қониқтирмайди. Уни адабиётнинг сирли олами ўзига мафтун этарди ва шу боис академияда ўқиб юрган чоғларидаёқ яширин тарзда немис классик ёзувчиларининг асарлари билан биргаликда В. Шекспирнинг Виланд таржимасидаги ижоди билан ҳам танишиб чиқади. Шекспир ижоди Шиллерга драматургиянинг қатъий қонун-қоидаларига риоя қилишга ундаган бўлса, Лессингнинг «Эмилия Галотти», И. В. Гётенинг «Гётц фон Берлихинген»

¹ Иоганн — Ф. Шиллерга туғилиши билан Иоганн деб атабоболарининг номи қўйилган. Бунга яна ўзларининг урф-одатларига кўра Кристоф Фридрих деб иккита ном қўйилган ва Иоганн Кристоф Фридрих Шиллер бўлган.

асарлари ҳам бўлғуси ижодкор онги ва дунёқарашининг шаклланишига таъсир кўрсатмасдан қолмади.

Шиллернинг Ҳарбий Академиядаги ўқитувчилари Абель ва профессор Швабларнинг айтишларича, у адлия, табобат илмларидан ташқари эстетика, тарих, мантиқ, метафизика, фалсафа тарихи билан ҳам шуғулланган. Еш врач ва ёзувчи сифатида психология ва билиш масалалари ҳам унинг ўткир нигоҳидан четда қолмаган. Бу борада илмий изланишлар қилган ва бунинг натижаси ўлароқ 1779 йилда «Психология фалсафаси» деган мавзуда диссертация пайдо бўлди. Бироқ бу илмий иш герцогнинг таклиф ва талаби билан четга сурилади. Бу Шиллернинг инсон психологиясини билишдаги уринишларини заррача ҳам сўндирмайди. У изланишда давом этади. Сал ўтмай 1780 йилнинг охирига келиб «Инсоннинг биологик ва руҳий табиатининг ўзаро алоқалари бўйича тажриба» («Опыт о взаимосвязи биологической и духовной природы человека») сарлавҳаси остида пайдо бўлган иккинчи диссертациясида Шиллер инсон ҳаётини материалистик асосда билишга ҳаракат қилади.

Адабиётга ихлос шоирда анча эрта уйғонган эди. У 10 ёшидаёқ шеър машқ қила бошлаган. Унинг биринчи шеъри «Оқшом» 1776 йили журналда босилиб чиққанида, у эндигина 17 ёшга кирган эди. Кейинчалик унинг номи «Швабия» журналича тез-тез кўринадиган бўлди.

Шиллер ижодиётида драматургиянинг камол топишида немис классик ёзувчиси Лессингнинг, француз мутафаккири ва маърифатпарварларидан Дидро, Вольтер, Ж. Ж. Руссонинг таъсири кучли бўлди. Айниқса, буюк немис ёзувчиси И. В. Гёте билан дўстлашуви унинг салоҳиятига улкан таъсир кўрсатди, ижодиди янги янги оламлар кашф этилишига туртки бўлди. Адабиёт ва санъат соҳасидаги бу икки буюк даҳони бир нуқтага тортувчи куч фикрларининг умумийлиги, дунёқарашларининг муштараклиги эди. Гёте билан бўлган учрашувлар, шахсий суҳбат, тинимсиз хат олишув ва фикр алмашувлар, ҳамкорликдаги ижодий меҳнат (1776 йилда Гёте билан ҳамкорликда битилган, сиёсат ва адабиёт муҳолифларини, жаҳолатпарастларни, консерваторларни, руҳоний ва дин аҳллари ҳажв қилган «Ксения» ҳажвий шеърлари) бу дўстликнинг гувоҳидир. Шоирнинг бу даврда яратган балладалари немис поэзиясининг энг сара асарлари бўлиб қолди. Бугунги кунда Веймарда қад кўтариб турган Гёте — Шиллер ҳайкали икки буюк немис санъаткори дўстлигининг рамзидир. Умрининг поёнида яратилган «Валленштейн» (1797—1799) трилогияси, «Орлеан қизи» (1800—1801) трагедияси ва «Вильгельм Телль» (1802—1804) драмаси бевосита И. В. Гёте ижодининг самарали таъсири натижасидир. Бутун поэтик ва эпик даҳоси мужассамлашган «Валленштейн» трилогияси тарихий драма бўлиб, Германиядаги ўттиз йиллик уруш тўғрисидаги воқеаларни қамраб олади. Немис мунаққиди Франц Меринг Ф. Шиллер ижодиётига Гётенинг ёрдами ва таъсирини юксак баҳолаб, «драматургнинг ўша йиллардаги ижоди, классик адабиётимизнинг чўққисини эгаллайди», дейди. И. С. Тургенев эса Шиллер билан Гётенинг адабиёт майдонидаги мавқеини баҳолаб: «...У Гётедан санъаткор шахс сифатида қуйида бўлса-да, инсон ва граждон сифатида юксакдир»,¹— деб ёзади.

¹ И. С. Тургенев. Собрание сочинений т. 10. М., Изд-во «Правда», 1949, стр. 364.

23 ёшлик Шиллерда узоқ рус ўлкаси Петербургга бориш ис- таги пайдо бўлади. Бунга шoirнинг Ҳарбий Академияда бирга ўқишган дўсти Доктор фон Якоби¹ ва синглиси Кристофнага ё- ган мактублари гувоҳлик беради. У хатларида Петербургга врач сифатида боражагини ва шу баҳонада «Умумий библиотека»лар- дан ҳам фойдалана олишга имкони бўлажани ҳақида батафсил ёзади. Ижодининг кейинги йилларида рус воқеълигини акс эттир- моқчи бўлиб бошлаган, ammo тугалланмай қолган «Деметриус» асари Шиллернинг рус ўлкасига ва рус халқига бўлган ҳурмат- эҳтиромининг рамзи эди.

Шоир ижодининг илк даврларида яратилган асарларида ди- ний руҳга мойиллик сезилса, кейинроқ унинг ижодида лирик оҳанглар, курашчанлик руҳи яққол кўзга ташланиб туради. Бу давр шеърлятида борлиқ воқеа-ҳодисаларни романтик руҳда ку- затиш характерли хусусият касб этади. Шоирнинг баҳор, севги ҳақида, вафо, ишонч ҳақидаги шеърлари ижодида алоҳида ўрни тутди. Айниқса Шарқ классиклари назмида ўзгача бир оҳанг билан куйланган бу мавзу Шиллер қаламидан ҳам қочиб қутулма- ди, унинг тасвирида баҳор, бахт, муҳаббат темалари ғарбона ифодасини топди. Унинг 1782 йил антологиясидан жой олган «Шундай ёқимлики...» «Жаранглайди горн садолари» ва 1795— 1805 йиллар ижодининг самарали маҳсули бўлган «Ишонч», «Ама- лия», «Элегия», «Қўлқоп» номли чуқур лиризм билан сугорилган, фалсафий теран, инсон дилини, кайфиятини, унинг ҳис-туйғула- рини, ҳаяжонини ифодаляйдиган шеърлари нозик дидди китоб- хонни нафосат олами сари етакляйди Шиллер ижодидаги роман- тик туйғу, фикрий тераклик, фалсафий мушоҳада унинг «Қўл- қоп», «Амалия» («Қароқчилар»даги) «Элегия», «Ишонч» ва шунга ўхшаган бир қанча кичик жанрдаги асарларида ва «Асоратдаги Пегас» рамзий-мифологик асарида яққол кўзга ташланади.

Немис князликларининг ўзаро келишмовчиликлари, етилмаган ҳаётий проблемалар уни йирик полотнолар, реалистик асарлар яратишга тинмай ундарди. Шоир энди фақат, ҳиссийетга, интим туйғуларга берилиб қолмасдан, кишилар ооздлигини, эрк-ҳуқуқчи- ни, она-юрт таърифини эпик планда ифодалашга кириша борди. Муҳаббат, ооздлик, тенглик учун кураш шоир ижодининг етакчи мавзуларидан бирига айланди.

Ф. Шиллер Германияда VIII асрнинг 70-йилларида пайдо бўла бошлаган «Бўрон ва хужум» адабий ҳаракатининг демократик голяларини чанқоқлик билан қабул қилди ва ўзи бевосита унинг актив иштирокчисига айланди. Драматург ижодининг илк давр- ларида яратилган «Қароқчилар» (1781) ва «Макр ва муҳаббат» (1784) асарлари ўша адабий оқим даври маҳсулидир.

Замонасининг «жабр-зулмига қарши» ўқ бўлиб отилган, ин- қилобий нафас уфуриб турган биринчи драмаси — «Қароқчилар» юқорида айтиб ўтилган Ҳарбий Академияда, яъни немис демо- крат шоири ва публицисти Даниэль Шубарт (1739—1791) таъриф- лаган «Қуллар плантацияси» ҳикояси асосида яширин ҳолда ёзил- ди. «Шиллернинг «Қароқчилари» бамисоли ёшлик ғайратига тў- либ-тошган қалбнинг энг теран жойларидан отилиб чиққан лав- дек оташин, унда воқеалар, характерлар ва турли хил ҳолатлар

¹ Ф. Шиллер. Собрание сочинений, в восьми томах, том 8. Гослитиздат, Москва-Ленинград, 1950, стр. 70.

худди авторни чуқур ҳаяжонга солган ғоялар ва ҳис-туйғуларни ифодалаш учун тўқилганга ўхшайдикки, воқеалар, ҳаракатлар; турли ҳолатлар учун лиризмнинг шакли торлик қилади.¹ Ф. Энгельс таъбири билан айтганда, Ф. Шиллернинг «Қароқчилар» драмаси «Турган-битгани чириётган ва бузилаётган «мода»лардан иборат жуда кўп майда-чуйда давлатларнинг иш тутуши ва ҳукмдорларнинг ўзбошимчалиги истибодига қарши ёзилган асардир». Аввало шуни айтиш керакки, Ф. Шиллернинг деярли барча драматик асарлари трагик йўналишда ёзилган бўлиб, унда ҳаётдаги қарама-қаршиликлар, келишмовчиликлар асар қаҳрамонларининг эмас, балки уларнинг соф ниятлари фожиаси билан тугайди.

Еш драматург 1777 йили асар устида иш бошлаган бўлса, ниҳоят 1781 йилнинг ёзига келиб асарнинг биринчи нашрини босмадан чиқаради. Асар илк бор 1782 йил 13 январь кuni Мангейм (Германия) театрида саҳнага чиқади. Ана шундан кейин «Шиллер идеяларининг жарчиси» (*К. Маркс*) бўлган «Қароқчилар»нинг довруғи оламга тарала боради. Тез орада Францияга етиб келиб, француз буржуа революцияси даврида зўр қизиқиш билан севиб ўқилади. (Францияда бу драма «Роберт, қароқчилар атагани» номи билан пайдо бўлади.) Айниқса, француз мутафаккири Ж. Ж. Руссонинг демократик ғоялари билан тўйинган Шиллернинг бу асари 1786 йили Парижда саҳна юзини кўрганда, француз халқининг дилидаги ўй-хаёллари томошабин кўз олдида бир лаҳза жонлангандай бўлади ва халқнинг бу ижодкорга бўлган меҳр-муҳаббати янада ошади. Ҳатто, француз республикасининг ички ишлар министри Ролан Германияга «Немис публицистига» деган хат йўллаб, унда Ф. Шиллернинг Франция республикасининг фахрий граждани қилиб қабул қилинганини билдирган.² Драманинг марказида «бутун жамятга очиқдан-очиқ уруш эълон қилган ёш олиҳиммат йигит»³ (Карл Моор)нинг жасорати ва шу билан бирга бир-бирига бугундай қарама-қарши бўлган ака-ука Карл Моор ва Франц Моорларнинг конфликтини ётади. Асардаги ака-ука ораларидаги бу конфликт ва шу тўғрисида отанинг чексиз изтироблар уммонига чўкиб қолиши, асарнинг лейтмотивини ташкил қилади ва бу асосий фикр, етакчи ғоя бўлиб асар бошидан-охиригача худди қизил ипдек бўлиб ўтади.

Уз замонининг шафқатсиз қонун-қоидаларига, реакцион ғояларига қарши исёнкор образ — Карл Моорда биз Шиллер идеалларининг ифодасини кўрамиз. Карл Моор — соф муҳаббат соҳиби, дилбар Амалия ёди билан яшайди. У жаҳолат, ёвузлик душмани. У князь ва князликларни, «подшоҳнинг товонини ялаб катта унвоиларга эришадиган» насткашларни кўрарга кўзи йўқ. Унинг олий мақсади сиёсий жиҳатдан тарқоқ Германияни бир бутун овоз республика қилиш ва овоз республика бағрида Амалия билан бахтиёр яшаш. Асарда «Германиядаги сиёсий шуури уйғонаётган

¹ В. Г. Белинский. «Адабий орзулар», Адабий-танқидий мақолалар, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1977, 215-бет.

² Ф. Шиллер. Разбойники, Гос. изд-во, дет. лит.-ры. Минпрос РСФСР, Москва, 1950, Ленинград, стр. 14—15.

³ К. Маркс и Ф. Энгельс. «Об искусстве», М., 1957, том 1, стр. 492.

кишиларнинг типик намоянаси... бу дунёнинг эҳтиросли пафосларини ҳамда ўтмиш Германия учун характерли бўлган яккалик ва кучсизликни ўзида мужассам қилган»¹ (Комил Яшин)... Карл Моорнинг номи Қароқчи Моор деб берилган, аслида у қароқчи эмас. У бой, помещиклардан юлиб олиб камбағалларга тарқатадиган «солиҳиммат қароқчи». Мана у асар қаҳрамонларидан бири Шпигельбергга нима дейди: «..Қовун ҳали бирон буюк шахсни яратган эмас, эркинликни эса баҳодирлар, паҳлавонлар яратади. Мени худди ўзимдек шоввозлар қўшинига бошлиқ қилиб қўйсалар борми, Германия аллақачон республика бўлиб қоларди... Унинг олдида Рим ва Спарта худди аёллар монастирига ўхшаб кўринарди». (Асқад Мухтор таржимаси, театр варианты.)

Карлнинг орау-умидларини унинг бой маънавий дунёсини акс эттирадиган бу сатрлар бутун асар мазмуни билан ҳамохангидир.

Асардаги Карл Моорнинг тамоман тескараси бўлган иккинчи тазод образ Франц Моордир. Франц Моор ўта худбин шахс, «...ўзининг ҳузур-ҳаловати, манфаати олдида кишиларнинг хонумонига ўт қўйишга тайёр турган ярамас бир йиртқич сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади». (К. Яшин.) У Карлнинг туғишган укаси. Асардаги бу икки образ — икки дунё. Бири маънавий етук бўлса, иккинчиси маънан қашшоқ, пуч шахс. Бири ёруғ кун бўлса, иккинчиси қоронғу тун. Бири шу зулматни ёритаман деб ёнса, иккинчиси зулматда милтиллаб турган шамчироқни ўчириш ғамида. Шиллер «отасининг ўлими узоққа чўзилиб кетганидан юраги сиқилган», шафқатсиз, бераҳм, фирибгар, хасис дворянин образини Франц Моор тасвирида яратар экан, уни разиллик, худбинлик, ёвузлик, бузғунчилик, жаҳолат тимсоли қилиб кўрсатади. Ва бу образ орқали ўта пасткаш сарой ахллари ва ифлосланиб кетган сарой муҳитини ранг-баранг бўёқларда жонли қилиб тасвирлайди. Ёзувчи асарда ўз қаҳрамонининг сурат ва сийратини бир-бирига мос қилиб чизиб бера олган. Шиллер ўз қаҳрамони Франц тўғрисида: Хатто, табиат уни ўз инъомларидан маҳрум қилиб қўйган, япалоқ буруну бесўнақай лаблар, ваҳшиёна кўзларини айтмайсизми?!— дейди. Францни ўз тили билан айтганда: «Табиат инсон зотида нимаики жирканч бадбинликлар бўлса барини қўшиб қориштиргану ана шу вожибликдан уни яратган. Нима учун у Карлдек биринчи бўлиб туғилмади? Нима учун у ягона ўғил эмас? Нима учун Карлдаги гўзал фазилатлар унга ато этилмаган? Нима учун Амалия Францни эмас Карлни дейди? Нима учун у Карлдек севила олмайди? Нима учун у шу даража бадбашара бўлиб туғилмайди? Нима учун у..? Нима учун..?» «Мана шу нима учун?.. Ички хаёлий курашлар, руҳий қийноқлар борган сари оловланиб Францнинг бағрини куйдирар, дилини хуноб қиларди. Унинг ягона мақсади ҳукмрон бўлиш, бу йўлда унга халақит берадиган ҳар қандай ғовни таг-томири билан қўпо-риб ташлаш. Бу ғовнинг бири акаси Карл бўлса, иккинчиси суяклари ҳилвираган, хазиналарга кирадиган йўлини» бир ботмон сассиқ гўштдек тўсиб ётган мана шу жони қаттиқ чол», отаси кекса Моор. У ота юрагини титратадиган, қаддини дол қиладиган, ҳаётий кучларга завол бўладиган оғир ҳиссиётлар ахтаради, руҳини кемириб, вужудини емиради. Унинг қалбида кескин кураш ўти ёнади.

¹ К. Яшин. Асарлар, 6 жилдлик, 5-жилд, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1980, 124-бет.

Мана фарзанднинг отага меҳр-муҳаббати, уканинг акага холисона ниятлари. Бу конфликт коллизияни очиб берувчи асардаги Франц Моор монологи гоётда таъсирли бўлиб, бу монолог орқали биз Франц ички дунёсида содир бўлган ва бўлаётган кечинмаларни чуқур ҳис этамиз.

Шундай қилиб, «Қароқчилар» драмаси мавжуд тузумга қарши бош кўтариб чиқишга ундовчи ўз даврининг кураш гимни бўлиб янгради. Бироқ Ф. Шиллер «Қароқчилар»да озодликка ташна халқнинг оғир, фожияли аҳволини рўйи рост, бадиий жиҳатдан бақувват қилиб тасвирласа ҳам, озодликни қандай қилиб қўлга киритиш йўллари топа олмаган эди. Шиллернинг бу давр қаҳрамонлари замона зулмидан нолиб эркин турмуш орауси билан яшайтган бир гуруҳ романтик ёшлар эди.

«Қароқчилар» драмаси XVIII аср немис классик адабиётида немис халқининг гражданлик онгини уйғотишда жуда катта роль ўйнади. Шунинг учун ҳам бу асар немис адабиётида ўзининг оригиналлиги, юксак гражданлик пафоси, муайян ижтимоий актуал проблемаларга қаратилган бўлиши билан муҳим аҳамият касб этади».¹

«Қароқчилар» романтик драмасидан сал кейин, шоирнинг машҳур «Макр ва муҳаббат» фожиасининг (бу асар Ўзбекистонда «Севги, муҳаббат дostonи» деб ҳам шуҳрат тошган) пайдо бўлиши Германияда катта воқеа бўлди. Бу драма дастлаб «Луиза Миллер» деб аталади. Кейинчалик маслаҳатларга кўра ўзгартирилиб, «Макр ва муҳаббат» деб номланади.

«Сиёсий тенденцияли биринчи немис драмаси»² «Макр ва муҳаббат»да немис воқелиги, мешчанлар ҳаёти равшан ёритиб берилган. Драматург асарда табиат султони бўлган инсонни улуғлаб, унинг сариқ чақачалик ҳам қадри йўқлигини, қўллигини ачинарли тарзда баён қилади. Фойда учун замондошларини, ватандошларини ялтироқ тошларга алиштирган, «ўз айбларини шохона либослар билан яшириб юрадиган князлар», ҳаётни фақат айш-ишрат деб тушунадиган хонимлар устидан кесатиб кулади, масхара қилади. Асар икки ёш юракнинг шабнамдай соф, аммо фожиали муҳаббатини қуйловчи мунгли қўшиққина бўлиб янграмадан, балки ўша давр ижтимоий ҳаётининг зиддиятларини, ўша жамиятда ҳукм сураётган бой-феодаллар синфининг жоду афсусларини, социал тенгсизликни фош қилувчи, мискин немис халқининг чексиз азоб-уқубатларини мардона тасвирлаган ажойиб асардир. Асардаги кучли драматик коллизия икки табақага мансуб бўлган асар қаҳрамонларининг (Фердинанд — президентнинг яқкаю ягона ўғли; нозик дидли, гўзал қалб эгаси Луиза бўлса — шаҳар музикачисининг қизи) бир-бирига бўлган самимий муҳаббатларидан келиб чиқади. Драматург асардаги муҳаббат асосида келиб чиққан бу конфликтни ва ижтимоий шароитнинг севишганлар тақдирига кўрсатган аянчли таъсирини рангин бўёқларда ишонарли қилиб далиллайди.

Ўша давр тарихчилари, Шимолий Америка халқларига қарши урушиш учун немис князлари Англияга олтин — бриллиантлар эвазига 1775—1783 йиллар орасида 29166 ёлланма солдат сотганликларини маълум қилдилар. Шулардан 11853 солдат она-Ватани

¹ К. Яшин. Танланган асарлар, 3-том, Тошкент, 1964, 225—232-бетлар.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Санъат тўғрисида, 1-том, Тошкент, 1975 йил, 5-бет.

Германия туфроғига қайтиб кела олмай, хоки ёт ўлкаларда қолиб кетган. Бу аянчли воқеанинг жонли гувоҳи бўлган ва қаттиқ таъсирланиб изгиробга тушган Шиллер бунга бэфарқ қарай олмайди, содир бўлган ва бўлаётган ситамларнинг туб илдизини, ижтимоий-сиёсий моҳиятини чуқурроқ англаб олишга, уларни ўз асарларида ёритишга ва бундай фожиали воқеаларни туғдираётган маккор кучларни фош қилишга интилади. Шу сабабдан асарга «Леди Мильфорд ва хизматчи» сахнаси орқали «Одам сотиш» воқеасини олиб киради.

Шиллер «Макр ва муҳаббат»да бахтсиз Леди Мильфорд образига ҳам кенг ўрин берган. Жамиятнинг жирканч башарасини ёрқин фош қилувчи фожиадаги хизматчи ва Леди Мильфорд нутқи (диалоги) айниқса характерлидир. Унда Шиллернинг дахшатли воқеага муносабати, қалб турғени, ғазabi ва асардаги асосий фигуралардан бири бўлган хизматчи образи орқали намoён бўлган князларига нисбатан нафрати ўз аксини тошган. Шунинг учун ҳам ҳақиқий ҳаёт кўзгуси бўлган «Макр ва муҳаббат» фожиаси икки қалбнинг ишқ достони бўлибгина қолмасдан, реал ҳаёт акс этган сиёсий асар ҳамдир. Бу «қайғули томоша»¹ ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. У ҳамма даврлар учун бирдай хизмат қилади.

Аслида Шиллер яратган йирик жанрдаги асарлар драматик ҳамда трагик характерга эга. «Макр ва муҳаббат» трагик асар бўлиб, асарда фожианинг энг кучли моменти қаҳрамоннинг ўз қилган хатосини ўзи англаб етишида кўринади, бу ерда Ф. Шиллернинг шекспирчасига йўл тутгани яққол сезилади. Ф. Шиллер В. Шекспир анъаналарини давом эттирган ва ривожлантирган ижодкор. «Макр ва муҳаббат»да («Қароқчилар»да ҳам) воқеаларни шекспирчасига ҳал этиш, Ф. Шиллернинг «Шекспир мактаби»дан таъсирланганлигидан далолат беради.

Мозийга қайтиш, тарихий мавзуда асарлар яратиш адабиёт ва санъатда жуда мураккаб, айни замонда ўлмас мавзулардан биридир. Тарихни чуқур билиш, ҳар бир ижодкорга ўз даврининг энг муҳим ижтимоий-сиёсий, фалсафий проблемаларини яна ҳам чуқур англашга ёрдам беради. Шу боис ҳар бир ёзувчи ва шоир ижодида тарихий тема масаласи алоҳида ўрин тутади. Ф. Шиллер ижодининг сўнгги йилларида асосан тарихий темада асарлар яратганлиги бежиз эмас. Шиллернинг кейинги йиллар ижоди тарихий воқеаларга бойлиги, мифлардан, афсона ва ривоятларидан фойдаланиш маҳоратининг юксаклиги билан ажралиб туради.

«Валленштейн» трилогияси, (1. Валленштейн лагери, 2. Пикколомини, 3. Валленштейннинг ўлими.) «Мария Стюарт» фожиаси, «Вильгельм Телль» драмаси, «Асоратдаги Пегас» рамзий мифология асари «Геро ва Леандр» балладаси ана шулар жумласидандир.

У машҳур шоир ва драматурггина бўлиб қолмасдан ўз даврининг донишманд тарихчиси, етук файласуфи ҳам эди. Шоир нигоҳини аянчли узоқ ўтмиш, тарихнинг жонли воқеа-ҳодисалари тортади. Уни немис халқ афсона ва ривоятлари жуда қизиқтиради. Бу қизиқиш бекорга кетмади, тарихий темаларда бир қанча илмий ишлар юзага келди, кўпчилигини бадиийлаштирди, баъзи воқеаларни асарларига мавзу қилиб олди. 1789 йилда 30 ёшлик Шиллер ҳозирги Фридрих Шиллер номи билан аталадиган Йена

¹ Немислар фожиавий асарини «қайғули томоша» деб атаганлар.

университетининг тарих кафедрасига профессор қилиб тайинланади ва тарихдан лекция ўқийди. Энди у тарих билан чуқурроқ шуғулланади. Германия тарихини, тарихий материалларни сингклаб ўрганади. Кейинги йиллар ижодининг тарих билан боғлиқлиги ҳам ана шундан.

1802—1804 йилларда швейцар халқининг афсонавий қаҳрамони Вильгельм Теллнинг мардларча кўрсатган жасоратига бағишланган асарини («Вильгельм Телль») яратиб билан Ф. Шиллер яна эски мавзуга, яъни инсоннинг зулмга қарши кураши темасига қайтди. Энди унинг қаҳрамони эксплуататорларга қарши ўлғиз курашувчи шахс эмас. Бу гал у ҳукмрон синфга қарши адолат учун, озодлик учун бир ёқадан бош чиқариб курашган халқ образини яратди. Ва шундай кураш натижасидагина ғалабага эришиш мумкинлиги ғоясини илгари сурди. Бу билан у «бирлашган ўзар», «куч бирликда» деган ҳикматларнинг социал моҳиятини, унинг таъсир кучини яна ҳам кучайтирган эди. Асарини яратишда адиб XVI аср тарихчиси ва географи Эгидия Чудининг Швейцария ва Ўрта аср тарихига оид ҳикоя, афсона ва ривоятларидан иборат бўлган «Швейцария хроникаси» китобидан фойдаланади. Швейцария халқининг афсонавий қаҳрамони Вильгельм Телль 1307 йилда халқ бошига турли савдоларни солган Австрия империясининг Швейцариядаги зolim ҳокими Геслерни ўлдирди. Бу эса ҳурликни севган бутун немис халқи орзу-умидларининг рўёби эди. Асарга ўша қаҳрамоннинг жасорати асос қилиб олинган ва бу қаҳрамонлик асарнинг авж нуқтаси бўлиб зухур этилади. Асар сюжети ҳам шу асосга қурилган. Машҳур академик шоир Е. Ғулom қаламига мансуб бўлган бу таржима асар 1955 йилда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг чақириғига биноан ўтказилган Ф. Шиллер вафотининг 150 йиллиги муносабати билан таржима қилинди. Аммо ўзбек шоири «Вильгельм Телль»дан парча ўгиришга улгурган, холос. Бу асарнинг тўртинчи пардасидан фақат таржима қилинган учинчи саҳнадир.

Шоир қайси миллат ҳақида ёзмасин, қайси мамлакатни тасвирламасин (Масалан: «В. Телль»да— Швейцария, «Мария Стюарт»да — Англия ва Шотландия, «Макр ва муҳаббат»да ва «Қароқчилар»да — Германия, «Дон Карлос»да — Испания) — ягона бир мақсад, бир ғояни — ўша халқнинг миллий озодлик ҳаракатини қувватлади. Тарқoқ Германияни ягона бир бутун давлат қилиш Шиллер асарларининг етакчи ғояси бўлиб қолди. Бу ғоя унинг Германиядаги 30 йиллик уруш тўғрисидаги воқеаларни ўз ичига қамраб олган «Валленштейн» трилогиясида айниқса кучлироқ ёритилган.

Ф. Шиллернинг ўзбек тилига тўла таржима қилинган ва ушбу тўпلامдан жой олган навбатдаги катта тарихий мавзудаги асари тўрт пардали шеърый фожиа «Мария Стюарт»дир. Бу фожиа шоир умрининг сўнгги йилларида, аммо ижодининг айни раvнақ топган, мавзу ва жанрнинг ранг-баранглиги билан характерландиган даври маҳсулидир. Шиллерда «Мария Стюарт» трагедиясининг ғояси пайдо бўлганда на машҳур романтик драмаси «Қароқчилар», на мешчаилар ҳаёти батафсил ёритилган «Макр ва муҳаббат» фожиаси ёзилган эди. Шиллерда Шотландия қироличаси Мария образини яратишга қизиқиш уйғотган киши Карл Евгений Ҳарбий Академиясидаги истеъдодли ёш тарих ўқитувчиси Готлиб Шотта бўлиб, унинг ҳаяжонга тўлиб гапирган ҳикоялари, суҳбатлари, жонли тарихий воқеалари Шиллернинг бутун ўй-хаёлини банд этган эди. Шиллерда трагедияга асосий материал бўла ола-

диган, қатл қилинган қироличанинг тақдири ҳақидаги сюжет ўшанда пайдо бўлган эди.

Шоир асар устида ишлашдан аввал Англия ва Шотландия тарихини батафсил ўрганди. Узоқ йиллар излашиш ва ўқиш натижасида «Мария Стюарт» дунёга келди. Шиллер 1799 йил май ойида «Мария Стюарт» фожиасини ёзишга бошлаган бўлса, 1800 йили асарни тугатади ва шу йилнинг 14 июнида асар Веймарда сахна юзини кўради. Асар марказида икки дивий мазхабга мансуб бўлган икки аёл — Англия қироличаси Елизавета билан Шотландия қироличаси Мария Стюартнинг катта майдондаги кураши теран талқин этилади. Неча юз йиллар илгари яшаб ўтган, ҳусн ва қадди қоматда тенгги йўқ бўлган қиролича Марианинг аянчли тақдири ҳамда Англия қалъасида тутқунда опаси Елизавета зулмидан чеккан чексиз азиятлари кенг планда реалистик бўёқларда ифодаланади. Шиллернинг бутун ёшлиғи, тақдири, бахти, қувончи, ғами унинг асарларига кўчганидек, «Мария Стюарт» фожиаси қаҳрамонларининг нутқидаги ҳис-ҳаяжонда, қувончу ғамда, дарду аламда, бари-бариди Шиллер овозини, унинг ҳассос қалбини сезиб турамиз.

Асарда кучли драматик тўқнашувлар, ҳаяжонли лаҳзалар жуда кўп. Асар бошдан-охиригача кескин, шиддат билан ўқилади. Асарнинг бош қаҳрамонларидан бири Мария Англия қалъасида тутқунда. Мария — гуноҳкор, айбдор, бироқ шу билан бирга китобхон хайрихоҳлигини уйғотадиган саховатли, фазилатли аёл. У қиролича бўлишига қарамай, баландпарвоз оҳангларда гапирмайди, нутқи босиқ. У ўтмишдаги қилмишларини ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳеч кимдан яширмайди. У шундай бўлиши билан бирга асарда ўта мағрур ва (тутқунда бўлишидан қатъий назар) ғолиб аёл сифатида намоён бўлади. Шотландия қироличасининг бу хислатлари Англия қалъасида тутқунда олмаси Елизавета, билан бўлган кескин драматик тўқнашувларда кўзга ташланади. Бир мисол:

Мария (Ғазабдан ловуллаб, аммо олижаноблик билан).

Тўғри, ёшлик экан, гуноҳ қилганман,
Яширмаганман ҳам уни ҳеч қачон.

Нимаки айбим бор, ҳамма билади.

Шуни айтиб қўяй, бу гаплар, ҳеч вақт
Ёполмайди инсон фазилатини.

Лекин бу мишмиш гап сизнинг юзингиздан

Сидириб ташласа ниқобингизни

Ва ифлос, бузуқлик ишларингизни —

Олиб чиқиб кетса, ҳолларига вой!

Бу ахир мерос-ку насларидан!

Ахир, онангизни — Анна Боленнинг

Жаллод кундасига бошин қўйдирган

Шу ифлос, ярамас бузуқликмасми?!

деб, тутқунда бўлишига қарамай, тортинмасдан, кибр ва нафрат билан тикилиб турган Англия қироличаси Елизаветанинг бетига

чопади. У бу билан чекланмайди. Унинг газаби авжида. Уни итоат қилишга ундаган Тальботга эса Мария:

Итоат? О граф, одамнинг кучи —
Нага қодир бўлса, шунга чидадим.
Бас энди! Англия тахти ҳийлагар,
Беникоҳ туғилган қаллоб қўлида.
Халқни аҳмоқ қилиб сурмоқда иблис.
Хукм сурганида ҳақиқий қонун,
Оёғим остида ётар эдингиз,
Маликангиз билан манави чангда!

деб жавоб қайтаради. Юқорида келтирилган сатрлар Мария характерини, унинг ички дунёсини очишга ёрдам беради.

Мария асар бошидан-охиригача изтироб чекади, ана шу изтироблар эвазига ўз гуноҳини ювади ва шу чексиз изтироблар уммонида фарқ бўлади — опаси, Англия қироличаси Елизавета томонидан қатл қилинади.

«Мария Стюарт»да ҳам асар конфликтни худди «Қароқчилар» (яъни «Қароқчилар»да кучли драматизм ака-ука тўқнашувларидан келиб чиқса, «сахлоқий покланиш фожиаси» (З. Х. Либинзон)¹ деб аталган «Мария Стюарт»да фожа опа-сингил келишмовчилигидан келиб чиқади) дагидек қариндошлик муносабатлари асосига қурилган, шу туфайли фожада драматизм жуда кучли.

Бу фожиани 1970 йилда Туроб Тўла ўзбек тилига таржима қилди. Ўзбек шоири таржимага русча таржималар орасидан Т. Н. Вильмонт вариантини танлаган. Фожа аввало Англия ва Шотландия қироличалари Елизавета ва Мария қалбини кузата оладиган очиқ дарча бўлиб қолган бўлса, иккинчидан ўзбек театр санъатида фарб маданияти ва санъатидаги «буюк мукамалликка эришмоқ йўлидаги олға босилган одим»²дир (И. В. Гёте).

Шиллер фақат саҳна асари устаси бўлибгина қолмасдан, Германияда Лессинг ва Гётедан кейин немис миллий театрининг шаклланишига ва ривожига баракали ҳисса қўшган санъаткорлардан. У бир қанча театр санъатида бағишланган мақолалар муаллифидир. Бу мақолаларида у Германия учун доимий миллий немис саҳнасини яратиш зарурлигини, бу эса немис драматургиясининг ривожига ҳисса қўшажанини, шунинг билан бирга театр санъатининг инкишофи мавжуд жамиятга сиёсий жиҳатдан катта таъсир кўрсатувчи бирдан-бир омил эканлигини айтиб ўтади. И. В. Гётенинг Ф. Шиллер истеъдодига берган қуйидаги таърифи фикримизни яна ҳам қувватлайди. «Шиллернинг истеъдоди театр учун ғоятда мувофиқ эди. Унинг ҳар бир асари — бу буюк мукамалликка эришмоқ йўлидаги олға босилган одимдир. Шиллер ижодиётининг қалби идеаллик дунёсидадир. Шу муносабат билан

¹ З. Х. Либинзон. Трагедии Шиллера, АДД, Ленинград, 1971.

² Эккерман. Разговоры с Гёте, М. 1934, стр. 268.

ҳатто айтиш мумкинки, на немис, на бошқа бирор адабиётда унга тенг келадиган санъаткор йўқ. Ҳаммадан ортиқ унда лорд Байрон билан умумийлик бор...»

Унинг истеъдоди совет театри, жумладан, ўзбек совет театри учун ҳам гоёта мувофиқ эканлигини бугунги кунда ҳаёт тақозо қилмоқда. Драматургининг «Қароқчилар» ва «Макр ва муҳаббат»-дек асарлари эса ҳанузгача саҳнадан тушмай ўзбек томошабинларининг олқишига сазовор бўлмоқда. Актёрларимиз ижодий фаолиятига самарали таъсир кўрсатиб, улар ижодий биографиясида ўчмас из қолдирмоқда. Унинг яна бир муҳим томони ҳақида В. Г. Белинский ёзади: «Байрон, Шиллер ва Гёте шоирона филозоф ва танқидчилардир. Уларни фақатгина шоир деб аташ озлик қилади».¹

Шиллер ижоди кўп қирралидир. Шоир ижодида сюжети афсона, ривоят ва мифлар асосига қурилган асарлар ҳам муҳим ўрин тутади. «Геро ва Леандр», «Асоратдаги Пегас» асарлари ана шундай асарлар жумласига киради.

Ф. Шиллер бадиий ижодида алоҳида аҳамиятга молик бўлган, ҳажм жиҳатдан кичик, аммо маъзи пишиқ рамзий — мифологик асар «Асоратдаги Пегас» памфлетидир. Шиллер ижодиётида масал жанрига яқин бўлган ушбу ягона асар ўша даврдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни фош қилиш мақсадида яратилган. Бу ўткир танқидий шеър 1795 йил 20 июлда ёзилган. Шоир асарни яратишда жуда кўп манбалардан фойдаланган, замондошларининг маслаҳатига суянган. Ижодкор «Асоратдаги Пегас»да мифологияга мурожаат қилар экан, шоир илҳомини қадимги грек мифологиясидаги учқур қанотли от Пегасга менгзатади. Ложувард осмонга интилаётган учар от Пегас асарда шоир илҳомининг аргумоғи бўлиб гавдаланади. Кўкларга парвоз қилиш учун қанот қоқадиган Пегас шеърнинг биринчи сатрлариданоқ намён бўлиб, китобхонда мифологик тушунча пайдо қилади.

Елларин силкитар, кишнар асов от,
Кўкларга сапчийди. Одамлар ҳанг-манг,
Ҳайратдан ёқасин ушлайди: «Ҳайҳот!»
Қанақа зўр от, а! Савлатин қаранг!

Осмон фалакларга айлади парвоз,
Пинҳон қудратини этиб намоеъ.
Қуйида ўрмонлар бўйи чўзмиш, дароз...
Бирдан кетди ҳамма отлардан имон,

Шоирнинг мифдан маънавий озиқланиши, фольклорга суяниши, афсона ва ривоятлар асосида асарлар яратиши унда бадиий

маҳоратнинг юксалганлигидан, ижоднинг энг янги қирралари очилганлигидан далолат беради. Муаллифнинг асотирдан фойдаланиши асарнинг бадиий эстетик қимматини оширибгина қолмай, Шиллер бадиий асарлари галереясига ранг-баранглик бахш этди.

Хорижий ва қардош халқлар адабиётидан ўзбек тилига бир қанча асарларни маромига етказиб таржима қилган истеъдодли шоир-таржимон Муҳаммад Али 1966 йилда «Асоратдаги Пегас»ни ўзбек ўқувчиларига тақдим этиб, бадиий таржимачилик соҳасида Бёрнсдан қилинган таржималар билан бирга муваффақият қозongan эди.

Юқорида зикр этилган кучли эҳтиросга бой, ранг-баранг оҳангли асарлар Шиллер замондошлари даврасида катта шов-шувга сабаб бўлади. Бу асарлар фақат бутун Германияга тарқалиб қолмасдан, узоқ рус ўлкасига ҳам етиб келиб, ўша давр ёзувчи ва мунаққидларининг суҳбат мавзусига айланиб қолади, ўқувчи ва тадқиқотчилар меҳр-муҳаббатига сазовор бўлади. Ҳатто, рус шеърятининг қуёши А. С. Пушкин «19 октябрь» шеърисида:

Кел, сеҳрли ҳикоянг оташи билан
Чин кўнгил нақлини жонлантир шу чоқ;
Сўзлашайлик Шиллер, шараф ва ишқдан
Кавказ кунларини эслайлик узоқ.

(Раъз Бобожон таржимси.)

дея Шиллерга ва унинг асрлар оша сайқал топиб, авлодлар маънавий хазинасида эъзозланиб келаётган асарларига бўлган муҳаббатини, ҳурматини ифодаласа, Ф. Достоевский: «Мен ШиллERNи ёд олдим, унинг руҳида гапирдим, алаҳладим; Ва ўйлайманки, тақдир менга улуг шоирни ҳаётимнинг шундай бир палласида англашдай энг буюк неъматини инъом этдики, кейинроқ мен уни ҳеч қачон бу даражада англаб етмаган бўлардим»¹, *(таржима бизники)* деб Шиллер ижод сарчашмасидан баҳраманд бўлганлигидан мамнун эканлигини билдиради. Бугун Эстонияда шоир шарафига ўрнатилган Шиллер ҳайкали борлиги ҳаммага ҳам аён эмас.² Буларнинг бари совет халқининг Шиллер меросига бўлган эҳтиромидан далолат беради.

* * *

Улуг Октябрь революциясининг шарофати билан ўзбек ўқувчилари ҳам Ф. Шиллер адабий меросидан баҳраманд бўлдилар. Шиллер бадиияти ўзининг инқилобий тароналари билан биргаликда, ўзаро адабий алоқа ва таъсир воситаси бўлган бадиий таржима санъати орқали маданий ҳаётимизга кириб келди. Шиллер

¹ Ф. Достоевский. Рус ёзувчилари адабиёт ҳақида, 2-т. Л. «Советский писатель», 1939, 162-бет.

² Ф. Шиллер. Статьи и материалы, Москва, изд-во «Наука», 1966.

адабий бисотидан қилинган таржима асарлар кишиларимиз дилига, руҳиятига мос келди. Драматург асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, ўзбек ўқувчиларига унинг асарларидаги дардди, курашчанликни, самимийлик ва гўзалликни, ҳаққонийлик ва софликни умуман «энг яхши ва мукаммал идеаллардан ўз оламини яратган» (Н. Гоголь) Шиллернинг нозик, романтик қалбини, унинг ҳаяжонга тўла бағрини борлиғича англаш ўзбек халқининг маданий-эстетик савиясини ўстиришда муҳим роль ўйнади. Ўзбек совет адабиёти ва драматургиясининг ривожига ҳам сезиларли ҳисса қўшди. Ўзбек ёзувчи ва шоирлари бадий ижоди тараққиётига баракали таъсир кўрсатди. Бу таъсир белгиларини биз Ғ. Ғулом, Ойбек, К. Яшин, А. Мухтор, Мирмуҳсин, Раъно Узоқова, Т. Тўла, Муҳаммад Али ижодига кўришимиз мумкин. Улардан баъзилари Ф. Шиллер ижодий лабораториясига бир неча бор экскурсе қилиб, адиб ижод оламини синчиклаб мутолаа қилдилар, ундан ўғирмалар қилиб ва саҳнада кўриб таъсирландилар, унинг бой бадий арсеналидан маънавий озуқа олдилар ва давр талабидан келиб чиқиб, ижодкор илгари сурган гуманистик ғояларга ўз имкониятлари даражасида муносабат билдира бошладилар. 20-йилларда Шиллернинг «Макр ва муҳаббат»ини томоша қилган ўзбек томошабинлари асар қаҳрамони Луиза Ғожиасида юзлаб ўзбек қизлари муҳаббатининг Ғожиасини кўрдилар. Мирмуҳсиннинг «Луиза Ғожиаси» достони (1939 йилда ёзилган) бевосита Ф. Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» пьесасини томоша қилиб ва ундан ижодий таъсирланиш натижасида яратилган асардир. Муҳаммад Алининг «Парвоз»¹ асари «Асоратдаги Пегас»нинг таржимасидан бевосита таъсирланиш туфайли дунёга келган. Т. Тўла ўзида Нодирабегим образини яратиш мақсади «Мария Стюарт»ни таржима қилиш жараёнида пайдо бўлганлигини таъкидлайди. Чунки Мария Стюартнинг ҳаёт йўли Т. Тўлага ўзбек классик поэзиясининг етуқ намояндаси, ажойиб шоира Нодирабегимнинг Ғожиаларга тўла умр йўлини эслатади ва таржимонда чуқур таассурот қолдиради. Ана шу илҳомбахш таъсирнинг натижаси ўлароқ шоирнинг «Қувваи қаҳқаҳа» асари яратилди. Муҳаммад Алининг таржимадан таъсирланиб («Асоратдаги Пегас»нинг таржимасидан) яратган «Парвоз»и, «Мария Стюарт»ни таржима қилиш жараёнида мутаржим (Туроб Тўла — Р. А.) тасаввур оламида бунёд бўлган ўхшаш образ ва сюжетлар, яъни классик поэзиямизнинг гўзал намуналарини яратиб бизга бой адабий мерос қолдирган назм соҳибаси Нодирабегим образи ва унинг амирилик ва хонликлар ўртасидаги зиддиятлар натижасидаги Ғожиона ҳаёти тасвирланган «Қувваи қаҳқаҳа»² асари таржима санъатининг илҳомбахш кучи туфайли пайдо бўлган асарлардир. Академик ёзувчи К. Яшин: «Кейинги йиллардаги ижодимнинг йирик маҳсули бўлган «Ҳамза» пьесасида шиллерона кўтаринки руҳ, тенденциозлик, романтик хусусиятлар устун бўлса, буни мен Шиллер ижодининг бевосита таъсири деб биламан»,— дейди. К. Яшиннинг 30—40-йилларда яратилган «Ёндирамиз», «Икки коммунист», «Ўлим боқинчиларга» асарларида ҳам шиллерона кўтаринки руҳ, риторика ва романтик хусусиятларни сезишимиз мумкин.

Бироқ ҳозиргача Ф. Шиллер меросининг Ўзбекистон билан

¹ Қаранг: Меҳнат ва турмуш, 1970, 2-сон, 8-бет.

² Шарқ юлдузи, 1979, 11—12-сонлар.

боғлиқ томонлари, драматург ижодидан ўзбек тилига қилинган таржималарнинг бадий хусусиятлари ва бу таржиманинг таржимон — санъаткор ижодий эволюциясига таъсири, шунингдек, ўзбек совет театри ва драматургияси эстетик принципларининг шаклланишида Ф. Шиллер аъёналарининг роли каби қатор масалаларнинг етарли даражада ёритилмагани бу соҳада махсус изланишларни, жиддий тадқиқотларни тақозо этмоқда. Жаҳон адабиётининг кўп асрлик тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар қайси бир адабиёт (ёки маданият) бошқа халқларнинг адабиётидан (ёки маданиятидан) ажралган ҳолда, улардан баҳраманд бўлмай туриб ривожлана олмайди. Миллий адабиётларнинг ўзаро алоқа ва таъсири асосида бир-бирини бойитиб бориши жаҳон адабиётининг умумий ва доимий тараққиёт қонуниятларидан бири ҳисобланади. Шу маънода Шиллер аъёналари илк навбатда унинг таржима қилинган асарлари орқали ўзбек совет адабиётидан муносиб ўрни эгаллаб, ўзбек совет драматургиясининг ривожига сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда.

Аммо Ф. Шиллер ижодининг очилмаган кўп қирралари, ҳали ўзбек тилига таржима қилилмаган, аммо ўтирилиши ниҳоятда зарур бўлган асарлари талайгина. Сирасини айтганда шоирнинг «Дон Карлос»¹дек сахна асари, фалсафий ва лирик руҳ билан йўғрилган шеърини, элегиялари, хатлари, бугунги кунимиз кишилари учун ниҳоятда муҳим бўлган эстетикага оид ишлари¹ ўзининг ўзбек таржимонини кутмоқда.

* * *

Санъаткорларимиз бадий ижодига таржима асарлари туфайли самарали таъсир кўрсатиб, улар маънавий дунёсини бойитаётган, инсон руҳий оламини, унинг қалбида жунбушга келган туйғуларни, дилидаги энг нозик тебранишларгача қалбдан ҳис қилган «инсоният ҳимоячиси» (В. Г. Белинский), романтик шоир ва драматург, санъат назарётчиси, файласуф Ф. Шиллер узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг, ижодининг айни гуллаган чоғида 1805 йил 9 майда 46 ёшида вафот этди. «Шиллер, ўзи бир вақт айтиб ўтганидай, маънавий ҳаётининг илк дақиқасидан тортиб — ва биз айтишимиз мумкинки, қабрга киргунига қадар туғма курашчи эдики, ўз даври ҳамда ўз халқи бошига соя солган аччиқ қисмат ва беадад уқубатга қарши тинимсиз курашди. Бу курашда унинг продасини ҳеч нарса буколмади: на ёшлик йилларини барбод этган турмуш қийинчиликлари, на бу қийинчиликлардан қутулганидан сўнг ҳам доимо давом этган мудҳиш касаллик.»² Рус ҳаёти ва воқелигини ифодалашга бағишланган (Демитриус) «Димитрий» асари тугалланмай столда қолиб кетди. Шоир XIX аср ҳисобидан атиги беш йил яшади, холос. Аммо бу беш йил

¹ Письма об эстетическом воспитании человека (1795). О нравственной и сентиментальной поэзии. (1795—96).

² Франц Меринг, Литературно-критические статьи, М.—Л. Academia. 1934, т.—1, стр. 557.

немис мунаққиди Франц Меринг айтганидек, қанчалик қийинчиликларга, азоб-уқубатларга тўла бўлмасин, шоир илҳомини сўндира олмади, аксинча ижодиётидаги энг маҳсулдор йиллар бўлди. Ижодиётида мавзу ранг-баранглиги билан ажралиб турадиган эпик жанрдаги машҳур асарлари ана шу XIX аср маҳсули бўлиб қолди.

Шоир қисқа умр кўрган бўлса-да, асрлар оша барҳаёт, жуда бой, ранг-баранг адабий мерос қолдирди. У ўзининг ҳужумкор поэзияси билан бирга адабиётимизнинг чинакам ихлосмандлари орасида ва миллионлаб томошабинлари қалбида ҳамيشа барҳаёт-дир.

* * *

Ф. Шиллер 1790 йил февраль ойида Шарлотта фон Лёнгефёдга (1766—1826) уйланади. Улар тўртта фарзанд кўрадилар. Икки ўғил, икки қиз. Фарзандларининг исмлари: Карл, Эрнест, Каролина, Эмилия. Иккинчи ўғли Эрнест юрист бўлиб ишлаган. У 1841 йилда 45 ёшида вафот этган, уйланмаган. Қизларидан фақат Эмилия фарзанд кўрган. Карлнинг фарзанди бўлган-у, унинг фарзанди яъни Карлнинг невараси эса авлодсиз қолиб кетган. Шоирнинг энг охири авлоди ёзувчи ва философ Карл Александр фан Глайхен — Русвурм 1947 йилда вафот этган. Шиллернинг онаси эса уларнинг авлодида энг узоқ умр кўрганлардан ҳисобланади. Ф. Шиллер оламдан ўтганда катта фарзанди Карл 12 ёшда кичиги Эмилия 1 ёшда бўлган.

* * *

Шоирнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва эстетик қарашлари, гуманистик концепцияси, панетикаси, тарихга бўлган муносабат,— умуман унинг бой маънавий дунёси ҳақида фақат унинг адабий мероси орқалигина тасаввур ҳосил қиламиз. Ф. Шиллер адабий мероси Совет Иттифоқининг кўп тилларига таржима қилиниб, кўп минг нусхада китоб бўлиб босилиб чиққан, саҳналарда кўйилмоқда, илмий мақолалар эълон қилинган ва қилиняпти. Шиллер адабий меросини илмий аспектда ўрганиш ва таржима асарларини чуқур таҳлил қилишга қизиқиш кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам маълум даражада кучайди. Баъзи кандидатлик диссертация ва монографик асарларнинг маълум бир қисми ёки баъзи бир бобларида кўтарилган проблемалар билан боғлиқ драматург ижодий фаолиятининг айрим қирраларига тўхтаб ўтилган.

Ф. Шиллер қолдирган бой адабий мерос совет халқи учун ардоқли, сеvimли. У ўзбек совет адабиёти ва санъатининг олтин фондига интернационал руҳ баҳш этмоқда.

Шоирнинг ушбу тўплами ўзбек китобхонларига илк марта ба тақдим этиляпти. Тўпламга турли даврларда, турли ўзбек ёзувчи ва шоирлари таржима қилган «Қароқчилар» (Асқад Мухтор)нинг театр варианты, «Макр ва муҳаббат» (К. Яшин ва М. Ҳаним)нинг 1939 йилги лотин алифбосидаги наشري асосида, «Мария Стюарт» (Туроб Тўла), «Вильгельм Телль» (Ғафур Ғулом), «Асоратдаги Пегас» (Муҳаммад Али) асарлари киритилган. Шоир шеъриятидан қилинган янги таржималарни сиз Э. Воҳидов («Геро ва Леандр» балладаси) ва Омон Матжон таржимасида ўқийсиз. Тўпламда ҳар бир асарга изоҳлар ҳам берилган.

Ўйлаймики, «немис трагедиясини яратган даҳо» (В. Г. Белинский) Фридрих Шиллернинг мазкур тўплами ўзбек ўқувчиларининг китоб жавонидан муносиб ўрин олади.

РОВИЯЖОН АБДУЛЛАЕВА
 ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги
 ТАИ илмий ходими.

ШЕЪРЛАР

ГЕРО ВА ЛЕАНДР

Билармисан, олис элда,
Мовий зумрад Дарданелда
Геллеспонт¹ мавж урадир.
Бунда харсанг қирғоқларда
Бир-биридан йироқларда
Икки қаср турадир.
Осиёни, Оврупони
Айирмиш сув икки ён.
Лекин севган икки ёрни
Айирмоққа не имкон!

Сулув Геро қалбида сир:
Купидонга бўлди асир,
Леандрга мубтало.
Қиз ердаги Геба² мисол,
Ошиқ йигит, қилки хаёл,
Тийри камон кўк аро.
Лекин улар ўртасига
Тушди ота ғазаби.
Поймол бўлди ишқ, ногаҳон
Аёз теккан гул каби.

Мана, йигит фироғида
Қоялик Сест³ қирғоғида
Ошуфтаю паришон
Ўлтирарди бечора қиз.
Боқар эди ғамгин, ёлғиз
Олис Абидос⁴ томон.
Не иложким кўприк йўқдир
Леандрга элтгувлик.

¹ Геллеспонт — Дарданел бўғозининг қадимий латинча номи.

² Геба — Мангу ёшлик маъбудаси.

³ Сест — Дарданел кўрғазигаги тоғ.

⁴ Абидос — Дарданел қирғоғигаги шаҳар.

Гов ҳам йўқдир оламда лек
Ишқ йўлин банд этгулик.
Леандрда ёлғиз дард — ишқ,
Офтоб — ўшал олов гардиш —
Мана, сувга ботадир.
Сўнғач унинг ёғдулари
Ери турган қирғоқ сари
Йигит қулоч отадир.
Сузиб борар, билмас қўрқув.
Маст шавқ ила нашъа-ла.
У томонда сочар ёғду,
Қиз ушлаган машъала.

Чиқиб сувнинг оғушидан
Қизнинг иссиқ оқ тўшидан
Олар йигит ҳарорат.
Туташи шунда икков,
Туташигандек икки олов,
Лаззатга йўқ ниҳоят.
Тонготарнинг илк ёғдуси
Висол ичин узади.
Уйғониб ишқ уйқусидан
Йигит ортга сузади.
Ўттиз карра қуёш ботди,
Ўттиз карра тонг уйғотди.
Айланиб чарх — даҳри дун...
Елдек ўтди бу ўттиз кун
Бамисоли илк висол тун —
Илоҳий тун, ойдин тун...
Қим тўлқинлар даҳшатиға
Ўзни отса мардона
Муҳаббатнинг лаззатиға
Муносиб ул ягона.

Чархи фалак бундоқ тездир,
Авроранинг ўрнин Веспер
Эгаллайди, воҳ, шитоб.
Барглар хазон бўлаётир,
Қиш нафаси келаётир.
Яқин ҳижрон — изтироб.
Қисқа бўла борса кундуз
Узоқ бўла борса тун.
Улар шод, лек қиш келар-ку
Балокашу қаттол, тунд.

Мана келди сентябрь ҳам,
Кун билан тун тенг бўлган дам,
Қиз қояда ўлтирар.
Феб¹ оловли арғумоқда
Уфқларга йўл олмоқда
Дам олгали то саҳар.
Атроф сокин, еллар-да жим
Сув жимирлар осуда.
Зангор осмон акс этади
Бу зангори кўзгуда.
Денгиздан кўз узмайин қиз
Ялинади чўкканча тиз,
Зор ила дер: «Эй тангрим!
Билдинг диллар орзусини
Вафосиз ул ўзи, сени —
Вафосиз деб айтса ким.
Меҳр йўқдир одамларда,
Отамда ҳам йўқ шафқат.
Биз бечора ошиқларга
Раҳмдилсан сен фақат.

Не кечарди сенсиз ҳолим,
Мени беишқ чархи золим
Қилар эди хору зор.
Аммо ўзинг бўлиб ҳамдам
Кўприксиз ҳам, қайиқсиз ҳам
Мен томонга келар ёр.
Ваҳималик гирдобларинг,
Тўлқинларинг шиддаткор,
Лек сен мардлик олдида мард,
Ёр аҳлига ўзинг ёр.
Қадим замон сен ҳам ахир
Купидонга бўлдинг асир.
Тарк этиб ўз уйини,
Колхидага ҳамроҳи-ла
Сузганида мағрур Гелла
Миниб тилло қўйини.
Муҳаббатнинг оловида
Ёндинг, тангрим, ўшанда.
Ул гўзални олиб кетдинг
Сув остига — гўшангга.
Унда маъбуд ва маъбуда
Яшайсизлар тинч, осуда.
Мангу шараф сизларга.

¹ Феб — Аполлон. Уни қўбш тимсоли дейилади.

Сиздан ишққа ҳеч офат йўқ,
Ошиқ дилга фалокат йўқ.
Бешафқатсиз бизларга.
Гелла! Гўзал эй маъбуда,
Узат бизга қўлингни.
Бергил менинг ёримга ҳам
Ўшал равон йўлингни».

Тун чўкканда борлиқ аро
Юксак қоя узра Геро¹.
Машғаласи порлайди.
Машғал йўлчи юлдуз бўлиб,
Тун ичра бир кундуз бўлиб
Леандрни чорлайди.
Аммо денгиз қораяди,
Увлар офат шамоли.
Булут билан тўсилади
Юлдузларнинг жамоли.

Гумбурлайди ногоҳ само,
Қуйиб берар ёмғир бало
Ейиб қаро қанотин.
Даҳшат билан гувлар бўрон,
Чақмоқ билан гоҳи бирон
Ёришади қаро тун.
Асов тўлқин кўкка сапчир,
Қутуриши девга хос.
Жаҳаннамнинг қаъри янглиғ
Тубдан келар гулдирос.

Геро йиғлар: «Даҳшат! Даҳшат!
Кронион! Бўлди! Тўхтат!
Қайтар офат балони.
Мен чорладим, менда гуноҳ,
Завол топса мендан, э воҳ,
Леандрнинг ёш жони.
Мана денгиз қушлари ҳам
Қуруқликка қочдилар.
Бандаргоҳлар кемаларга
Қучоғини очдилар.

Фақат менинг севар ёрим,
Ўз аҳдида устиворим

¹ Геро денгиз таягриси Посейдонга мурожаат қилмоқда.

Сузар очиқ денгизда.
Йўлга солган уни вафо,
Бизни ўлим қилгай жудо,
Шундайин аҳд бор бизда.
Шафқат қилинг, о тангрилар,
Бўлинг унга мадаккор.
Холдан тойиб балки кўкка
Қараётир у сўнг бор.

Эй Понт! Бағринг гирдоб экан,
Соқинлигинг ниқоб экан,
Илондек тинч ётгансан.
Офатингни яшириб сен,
Севганимни шошириб сен,
Ўз домингга тортгансан!
Мана энди ҳар иккала
Соҳилдан ҳам йироқда
У муқаррар завол сари
Қулочини отмоқда».
Даҳшат йўқдир сира бундоғ!
Тўлқин келар бўлиб тоғ-тоғ,
Ўзни урар қирроққа.
Бу жаҳаннам! Бу жаҳаннам!
Ҳатто улкан кемалар ҳам
Яқин келмас бу ёққа.
Машғалани қўймас шамол,
Энди сўнгги нажот йўқ.
Ким бу қаърга кирди, унга
Ҳеч умиди ҳаёт йўқ.

Геро яна ёлборар, дер:
«Афродита¹, сен мадад бер
Денгиздаги ёримга.
У безавол келса агар
Атаб қилай қурбонликлар
Сендек мададкоримга».
Барча маъбуд, маъбудалар
Қаршисида эгар бош,
Бу офатни қайтаринг деб
Илтижо-ла тўкар ёш:

«Гирдобларда бино бўлган,
Кўп жонларга даво бўлган

¹ Афродита — денгиз хубобидан (кўпингидан) пайдо бўлган илоҳа. Гўзаллик ва муҳаббат илоҳаси.

Левкотей, сувдан чиқ.
Еримга ҳам бўлгин ҳамдам,
Ташла унинг устига ҳам
Қутлуғ мато — ёпинчиқ.
Чўкаётган бўлса ундан
Қувват олсин севганим.
Халос бўлиб бу офатдан
Чиқа олсин севганим».

Тина бошлар аста бўрон,
Кўк тоқида урар жавлон
Эос арғумоқлари.
Яна денгиз гўё кўзгу,
Яна унда тонгги ёғду.
Заррин қўнғироқлари.
Тиниқ мавжлар суйиб, тараб,
Гўё дафн қилмоққа —
Саҳар чоғи ўлик танни
Олиб чиқар қирғоққа.

Воҳ, у ўша! Севар ёри!
Ўз аҳдида вафодори
Жонсиз ётар соҳилда.
Қотиб қолди қиз мисли тош,
На тилда оҳ, на кўзда ёш,
Сўнгсиз бўшлиқ бор дилда.
Гоҳ осмонга, гоҳ денгизга
Сокингина қарайди.
Қонсиз юзи алланечук
Илоҳий нур тарайди.
«Мен англадим, дунё деган
Тошу тарозулик экан.
Қисматимга кўндим, бас.
Умрим битди — қилмам ўкинч,
Билдим не бахт, недир севинч —
Ишққа бўлдим ҳамнафас.
О Венера, энди ўзни
Топшираман қўлингга.
Қурбон қилар бўлдим энди.
Ёш жонимни йўлингга».

Қиз ўзини жарга отди,
Гўё денгиз ичра ботди
Оппоқ кўйлак кийган ой.
Тангри қилди, ваҳ, июнат,

Икки дилга абадият...
Даргоҳидан берди жой.
У одил, у шафқатпеша,
Тирикликка меҳрибон.
Мангуликнинг чашмасидан
Зилол тўқар жовидон.

АСОРАТДАГИ ПЕГАС*

Хаймаркетда* бўларди от савдоси
Сотиларди ҳатто жуфти ҳалоллар.
Чор-ночор оч қолган шоир Пегасин,
Мана бозорга солар.

Елларин силкитар, кишнар асов от,
Кўкларга сапчийди. Одамлар ҳанг-манг,
Ҳайратдан ёқасин ушлайди: «Ҳайҳот!
Қанақа зўр от, а! Савлатин қаранг!
Фақат қанотлари бўлмаса борми,
Бундайин топмайсан излаб дунёдан.
Айт-чи, ҳай, бу отинг жуда зотдорми?
Миниб олиб тагин юрмай ҳавода?»

Отга яқинлашди харидор бир дам:
«Ҳа, қаноти кўркин бузиб турибди.
Бу — осон гап. Мана, бекор юрибди.
Бу ишлар сардори — уста байтар ҳам,
Сўнг отга ўхшагай. Марҳамат, олгин,
Мана, беш олтин»
Шоир дер: «Бор-барака!»
Отни олиб Ганс жўнар.
Қараганлар-қараган,
Ҳасадчилар ютинар.

Оғир аравага юкларни ортиб
Йўл олар Ганс. Учмоқ истайди Пегас.
Олижаноб ғазаб, қаҳри олийдан
Кўкка интилди-ю, юганин тортиб,
Эс-ҳушин йўқотиб учиб тушди Ганс.

«Ҳа-ҳа-ҳа! — деди Ганс. — Шундайин тулпор,
Юк торта олмасмиш! Ҳеч боқиси йўқ!
Тонг билан почтага ўтарман бир бор,

* Юлдузча билан белгиланган сўз ва ибораларга китобнинг охирида изоҳлар берилган.

Унда аравага қўшишим аниқ!
Унда у уч отнинг ишини қилгай,
Балки шу йўсинда ақли ҳам киргай».

Юки енгиллашган эҳтиётсиз от,
Учқур шамолларни қолдирди ортда.
Арава учади. Ногаҳон, ҳайҳот,
Фоний йўл чангига ўрганмаган от-да! —
Осмон-фалакларга айлади парвоз,
Пинҳон қудратини этиб намоён.
Қуйида ўрмонлар бўй чўзмиш, дароз...
Бирдан кетди ҳамма отлардан имон,
Жилов ҳам, қамчи ҳам йўлга сололмас,
Даҳшатдан титрашар сайёҳлар бари,
Кеч кирди ва мана, тунда бир нафас
Бир тепа ёнида тинди сафари.

«Эҳ-ҳе! — Ганс ўйлайди, — ҳазилми ё чин?
Ахир нима тортар сени осмонга?
Парвозин эсидан чиқарсин учун,
Туну кун ишлатиб олайин кучин.
Ва емдан оз берай қайсар ҳайвонга!»
Айтдими — бас. Емсиз қолган шўрлик от
Тўрт кунда чўп бўлди — қолди танаси.
Бизнинг Ганс шодликдан қоқади қанот:
«Энди сен қушларга қилмассан таъси!
Ва қўшга тушарсан наввос-ла бот-бот!»
Мана шармандали қисматга банди,
Тулпор новвос билан чиқар майдонга.
Беҳуда ер тепар само фарзанди,
Беҳуда интилар она осмонга.
Новвос-чи? Судралар эгганча бошин,
Эгилар дарддан Феб* аргумоғи ҳам.
Фақат занжирлари жаранглар машъум,
Фақат қанотлари қайрилар бу дам.
Худо манглайини силаган тулпор —
Йиқилар, азобда ёш тўкиб зор-зор.

«Эй, ҳайвон! — Ганс қаҳри ловуллар ногоҳ,
Савалай кетади отни беқарор.
Қўшга ҳам ярамас, не гап бу, эвоҳ,
Алдаб кетибди-да, мени ул маккор!»

Ганс тинмай Пегасни калтаклар чунон,
Тоғдан тушиб келди бир йигит шу он.

Созидан қуйилар тотли бир нағма,
Очиқ чехрасидан ёғилади нур.
Манглайн беагаган олтиндан тасма,
Ўзи ҳам куйидан қиларди ҳузур.
«Биродар! Жаҳлингни тарк айла бирпас!
Дехқонга боқади йигитча нохуш,—
Сен ўзи, афтидан, бу ерлик эмас,
Айт, ҳеч кўрганмисан, ҳайвон билан қуш
Бир қўшда юрганин? Диққат бўлма, бас!
Яхшиси, отингни берақол менга,
Сўнг унинг ҳикматин кўрсатай сенга».

Дарҳол эгарланди тулпор; шу замон
Йигит табассум-ла миниб олди тез.
Пегас чавандозни сезгани ҳамон,
Учқунлар чақнади кўзида бу кез.
Ва кишнаб юборди. Қани у Пегас?
Қадим замондаги девлар мисоли,
Турар у занжирдан, таҳқирдан холи.

Гўё қанотида элтмоқда бўрон,
Ложувард осмонга интилар Пегас.
Мана бир дақиқа, мана бир нафас...
Ожиз нигоҳлардан бўлди у ниҳон!

РУССО

Франция шаънига, шу воқеликка
Оғир таъна бўлиб юксалдинг тикка,
Руссо сағанаси, сенга эгдим бош!
Бунда тинч ором ол, тилсиз донишманд,
Оламда осойиш изладинг ҳарчанд,
Зотан ер қаърида суқун топди лош!

Тинмади оламда ўчлар: ёнишлар,
Зулматда маҳв ўлди неча донишлар,
Жаллодлар қолмади дейсизми бугун?!
Жаҳолат танғиди Суқрот қўлларин,
Руссони ўлдирди бидъат қўллари —
Барин одам этмак бўлгани учун.

КОЛУМБ

Жасур сайёҳ, олға! Қўрқма нодонлардан, кулкидан,
Оғир гардиш майли қочсин ҳоргин дарға илкидан.
Ғарбга, фақат ғарбга талпин, ана, яқиндир қирғоқ:
Хаёлингда ёнаётир мафтункор ва ярқироқ!

Идрок-сурур ёринг! Баҳрул Муҳит узра сол сурон,
Ер йўқ эрса, сув қаъридан шаксиз бўлгай намоён!
Азал-абад даҳо билан табиатдир мувасо —
Қўнглимизга нени солса, албат этади бажо!

1795

ЗАМИН ТАҚСИМОТИ

Зевс инсонларга деди: «Мана ер!
Олинг, саховатим инъоми ушбу!
Муқаддас меросга соҳиби таъмир —
Мунда баҳамжиҳат яшанглар мангу!»

Дарҳол аламонга келди тўрт тараф,
Гувраниб кекса-ёш оёққа турди.
Деҳқон кетди олтин қирларга қараб,
Овчи ўрмон сари йўлини бурди.

Тожирга мулк тегди, аббатга — шароб,
Карвон йўлларида қиролда тизгин,
Сарҳадларга соқчи қўйди беҳисоб:
«Қани, тижоратдан бож-хирож чўзгин!»

Бир пайт денг, элдан сўнг, олис йўлдандир,
Шоир етиб келар, не гап беҳабар.
Замин тақсимоти ўтиб бўлгандир,
Унга кафтдек бир жой қолмабди магар.

«Воҳ, мен шўрпешона! Эй исми қодир!
Содиқ бир ўғлингга наҳот ҳеч вақо?!»
Оҳ уриб юзтубан тушаркан шоир,
Шундоқ ваъз айтади ул ҳукми якто:

«Беҳуда хаёллар сарҳадларида
Кезмишсан! Малолдир энди талабинг!
Қайда эрдинг тақсим соатларида?!»
«Сенинг бирлан эрди дилим — матлабим!

Ногоҳи — мунаввар сиймонга пайванд,
Нурли сўзларингга боғлаб имонни,
Афв эт, ҳислари олий комга банд,—
Ерий инъомлардан беҳабар жонни!»

Шунда Зевс деди: «Иложи не, қани,
На мисқол ер қолди», на шахрим-кентим.
Мана, очдим осмон — Арши аълони.
Бунда қачон келсанг, азизсан энди!»

1795

ҚЎЛҚОП

Оғир қафас қошида мағрур
Қирол Франц ўлтирар ёвқур
Арслонларнинг кутиб жангини.
Тахт гирдида кўшкларда юксак
Аҳли кибор — аёлу эркак
Эслатарди чаман рангини.

Ногоҳ қирол соҳиб маҳобат
Бажо этар хос бир ишорат,—
Очилади залворли қафас.
Тез ўртага чиқади шу он
Боши юнгдор баҳайбат арслон
Ва тек туриб қолади бирпас.

Теграсига шопилмай боқиб,
Эснаб, тарс-турс ёлини қоқиб,
Чўзиларкан ерга эринчоқ,
Гал иккинчи қафасга етар,
Зил эшиклар очилиб кетар
Қирол тагин имо қилган чоқ.

Бул қафасдан аччиқ ўкириб,
Гоҳ ўқ, гоҳ ёй шаклига кириб,
Тажанг йўлбарс чиқар майдонга.
Норози, ўч кўрсатиб ўзин,
Жағ ўйнатиб, ёндириб кўзин,
Сўнг чўқади, арслон ёнига.

Қирол тагин имо қилганда
Очилади учинчи тамба

Ва тушгандек гулдирак ерга,
Пайдо бўлар ўртада шу он
Икки нафар ичиккан қоплон.
Зуғум солиб йўлбарсу шерга!

Ташланаркан йўлбарсга икков,
Панжа солар ул ҳам қайтмай, дов,
Тикраяди тишлар ва туклар!
Аmmo бирдан тикланиб арслон,
Ўкираркан, тинчланар майдон.
Жимиб қолар асов мушуклар.

Айни пайтда заррин кўшқдан, воҳ,
Йўлбарс ва шер устига ногоҳ.
Тушиб кетар нафис бир қўлқоп.
Соҳибжамол Кунигунд шу дам
Нозли, нафис киноя билан
Боқар рицарь Делоржга алқаб:

«Жаноб рицарь! Севсангиз ростдан,
Қасам ичманг, қўлқопни пастдан
Олиб чиқиб беролсангиз бас!»
Рицарь Делорж — орият соҳиб,
Пастга тушиб кетар тик боқиб,
Қизнинг сўзи тугар-тугамас.

Қўрқув қайда! Кўзлари чақноқ,
Махлуқларнинг ўртасидан нақ
Бориб олар қўлқопни шоввоз!
Хаяжон ва ҳадикда турган,
Тўда гувва таҳсин ўқиркан,
Юқорига чиқиб борар ғоз!

...Нигоҳида нозик майл, қув,
Уни кутиб оларкан сулув,
Йигит зарра этмайин парво,
Қўлқопини отар жононга:
«Зор эмасман сизнинг эҳсонга!»
Ва тарк этар қизни шу асно.

1797

НЕЧУК ШИРИН БАХТ ЭКАН...

Нечук ширин бахт экан, бўлмоқ
Бир одамнинг севикли ёри!

Жаннатдан ҳам лазиз экан, оҳ,
Битта бўсасининг хумори.

Энди билдим, ҳув қўш кабутар
Ҳу-ҳулашар неларни ўйлаб!
Ва булбуллар ҳар кун тонготар
Нени орзу этишар куйлаб?!

Энди билдим, ҳудудсиз қалбим
Қай ҳасратдин бўлмиш тенгу тор
Ва сарғайиб чеҳраи зардим
Қайси нурга бўлмиш муштоқ, зор?!

Шу пайтгача нечук кулмабди
Менга баҳор, гул юзли зебо?
Нечук кўнглим бир очилмабди
Минг сайраса булбули гўё?

Чунки лаънат дердим тақдирга,—
Нечук қуёш кўрмас меваман...
Бугун бирдан нурга етишдим:
Бахтиёрман! Чунки севаман!

ДРАМАЛАР

МАКР ВА МУҲАББАТ

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

- Фон Ваальтер — Мулдор, герман князининг президенти.
Фердинанд — унинг ўғли. Майор.
Фон Калб — Гофмаршал.
Леди Мильфорд — Герцог маъшуқаси.
Вурм — Президентнинг хусусий секретари.
Миллер — музикант.
Миллернинг хотини.
Луиза — Миллернинг қизи.
Софи — Ледининг оқсочи.
Герцог хизматкорлари. Иккинчи даражадаги
кишилар.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Музикачи Миллернинг уйи.

Миллер студдан туриб, виолончелни бир четга суриб қўяди. Миллернинг хотини тунги кийимида наҳорлик кофе ичиб ўлтиради.

Миллер (*уйнинг у бошидан бу бошига юриб*). Бу гап ҳазил эмас. Иш хунуклашиб кетяпти. Барон билан гап-сўз бўлиб қизим бадном бўлади... Бу гап хонадонимизга уят! Президент пайқаб қолса... Ана унда кўрасан... Гапнинг пўсткалласи, баронни бу даргоҳдан нари қиламан!

Хотини. Ахир сен уни, ўз уйингга алдаб-сулдаб олиб келганинг йўқ. Унга «қизимни ол» деб зўрлаётганинг йўқ.

Миллер. Ўз уйингга алдаб олиб келганинг йўқ. Унга қизимни ол деб зўрлаётганинг йўқ, дейди-я... Одамлар бу гапни суриштириб ўлтиради дейсанми?.. Бу уйнинг хўжаси мен бўламан. Мендан лозими, қизни тийиб олиш эди. Майор билан орани узил-кесил ажрим қилмоқ ёки ўша замон бор гапни ота бўлмиш жаноб олийларига билдирмоқ ҳам менинг ишим эди. Бу ёш бароннинг сувдан қуруқ чиқиши турган гап. Аммо бутун бало скрипкачининг бошига ёғилади...

Хотини (*пиёладагини тагизгача ичиб*). Беҳуда! Тутуруқсиз гап! Сенга нима бўларди? Итингни авахта, мушугингни турма қилармиди? Ўз касбинг билан бандсан. Қаердан бўлса ҳам ўзингга шогирдлар қидирасан.

Миллер. Қани менга айт-чи, бу гапларнинг пироварди нима бўлади? Сен у йигитни қизингга уйланади дейсанми? Бу тўғрида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Қизингни ўзига ўйнаш қилиб олса оладики... Эй худойимей, ўзингга тавба! Бўлмасам-чи! Бу аниқ! Бу оқсуяк афандиларнинг кирмаган бузуқ кўчаси, қилмаган ҳийланайранглари борми? Қизингни асра! Эҳтиёт қил! Ҳар бир тешиқдан кўзингни катта очиб мўрала. Барибир сени бақрайтириб туриб, қизингнинг бошини айлантиради,

нафси қонгандан кейин қизингга қайрилиб ҳам қарамай, этагини силкиб кета беради. Қиз бўлса умри бўйи шарманда... Эрга тегмай умри ўтиб кетади. Борди-ю, кўрпатўшак касби дидига тўғри келиб қолса, яна давом эттираверади. (Пешонасига уриб.) Эй одил эгам!

Хотини. Худо сақласин!

Миллер. Бунда биз ўзимиз кўз-қулоқ бўлайлик. Бундай елқувар одамдан нима ҳам кутар эдинг. Қизинг чиройлик, бежирим, қадди-қомати келишган. Ақли борми, йўқми, уни билган киши йўқ. Сиз хотинларга келганда иш жўн. Ишқилиб худо танаворини бабта қилган бўлса бас. Гунажин кўзини сузгандан кейин иш тамом, буқа ҳам қараб турмайди. Бизнинг Родней* французнинг ҳидини қандай сезса, сиз хотинлар ҳам эрларнинг ҳидини шунча тез сезасизлар. Мен уни айбламайман. Ахир у ҳам одам... Бундан кўз юмиб бўладими?

Хотини. Сен ўқиб кўрсанг эди, барон қизингга қандай мулоим, ширин хатлар ёзади. Эй худо-ей бароннинг қизимизга қанчалик кўнгил қўйганини шу хатларнинг ўзиёқ очиқ кўрсатади-ку! ✓

Миллер. Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит деганлар... Кимки танга маҳрам бўлишни истаган экан, юрагини ўртага қўйсин. Мен ўзим сенга қандай ҳаракат қилган эдим. Кўнгил кўнгилга тўғри келса бас, у ёғи жўн. Ундан кейин икки кўнгилдан ўрناق олиб, танлар ҳам қўшилади. Бир вақт кўрасанки кумушдай ой ҳам қўшмачилик қилаверади.

Хотини. Кўрсанг эди, барон афанди қизингга қандай яхши китобларни келтириб беради. Луиза шу китобларга қараб ибодат қилади.

Миллер (сизғириб). Ибодат қилади! Ана холос, иштаҳангни карнай қил. Табиатнинг тоза, кучли шарбатлари у жанобнинг нозик меъдаларига оғирлик қилади. Шунинг учун уларга аввал бундай заҳарли китоблар билан қизинг қулогини пишитмоқ керак бўлади. Бу китобларни ёқиш керак! Қиз бу китоблардан турли-туман ярамас хаёлларни бошига тўплаб олади. У хаёллар қиз қонини қизитиб қитигига тегади. Ана унда, у, отаси томонидан зўрға-зўрға сақланиб келаётган зиғирдай имонидан ҳам айрилиб қолади. Бу китобларни ёқ дейман! Қиз миясини хом хаёллар билан айнитиб, эрам боғларида сайр этиб бора-бора ўз уйига ҳам йўл тополмай қолади. Отасининг скрипкаси бўлганлигидан уялиб уни унутади... Пировардида мен ўзимга ёрдамчи бўладиган ҳалол куёвдан қуруқ қолган бўламан. Йўқ бўлмайди! (Ҳаяжон

билан юради.) Ҳозирнинг ўзидаёқ ишга кяришиш керак. Майорга ҳам... Ҳа-ҳа, мен унга юрадиган йўлни кўрса-тиб қўяман... (чиқмоқчи бўлади.)

Хотини. Ақлингни бошинга йиғ, Миллер! Бир ҳадянинг ўзидан биз қанча оламиз ахир?

Миллер (қайтади, унга яқин келиб). Ўз қизингни қони бараварига оласанми? Йўқол кўзимдан, разил қўш-мачи! Мен бундан кўра, бир бурда нонни эшикма-эшик скрипка чалиб, тиланиб ейман. Ё бўлмаса мана бу виолончелни синдираману ана ундан кейин гўнг ташиш билан кун кечираман, аммо ёлғиз қизимнинг жонини ва саодатини сотиб олиш учун берилган пулу ҳадяларга асти қўл тегизмасман! Лаънати, кофе ичишингни бас қил, тамаки ўлгурингни ҳам ташла! Ана унда сенга қизингнинг танини бозорга чиқариш ҳам керак бўлмай қолади! Бу барон уйимга ўралашмасдан бурун ҳам қорним тўқ, устим бутун эди!

Хотини. Кўп акиллайверма! Ана буткул ўтлиқиб кетдинг! Сенга шуни айтиб қўйяки, Майор афандининг хоҳишини рад қилиб бўлмайди, нима дейсан, у, ахир президентнинг ўғли.

Миллер. Ҳа, гап бу ерда экан. Мана шунинг учун ҳам бу ишга шу куннинг ўзидаёқ чек қўйиш керак. Агар президент инсофли-ота бўлса, менга раҳмат айтади. Қани қизил чопонимни тозалаб бер! Ҳозир бориб, тўппа-тўғри айтаман: «Сиз жаноб олийларининг ўғилларига менинг қизим ёқиб қолипти. Қизим, сиз жаноб олийларининг ўғилларига хотинликка лойиқ эмас. Аммо ўйнаш қилиб олиш қимматга тушади» дейман. Майли музикачи Миллерни ҳам билиб қўйсинлар.

ИККИНЧИ САҲНА

Аввалгилар, секретарь Вурм киради.

Хотини. Хуш келибсиз, секлетарь афанди. Ниҳоят пойқадамингиз билан тагин бизни мамнун қилдингиз...

Вурм. Ҳай-ҳай. Уйингизни аслзода баронлар обод қилиб турганда... Сизни мамнун қилмоқ бизга йўл бўлсин...

Хотини. Хўп гапларни гапирасиз-да, секлетарь афанди. Тўғри, Майор фон Вальтер афанди ўз олий марҳаматлари билан ора-сора бизни қувонтириб туради-

лар. Аммо биз, бу нарсаларга талтайиб кетиб ҳеч кимни ўзимиздан даст тутмаймиз.

Миллер (*чидамсизлик билан*). Стул бер хотин! Қани шляпангани қўйинг, Вурм афанди!

Вурм (*қалпоқ ва ҳассасини қўйиб ўлтиради*). Хўш, менинг бўлмиш ёки бўлажак қаллиғимнинг қимматли соғлиғи нечук? Мамзеля Луизани кўроламан деган умидим бор.

Хотини. Эътиборингиз учун қуллуқ, секлетарь афанди. Қизим асти кеккайган қизлардан эмас.

Миллер (*жаҳл билан туртиб*). Хотин!

Хотини. Эсизким, шу тобда у, секлетарь афанди, кўрмак шарафига муяссар бўлолмайди. Негаким, ҳозир у ибодатхонада.

Вурм. Ҳей, ҳей, ҳей қандай улуғ гап! Демак, хотиним художўй, диндор хотин бўлар экан!

Хотини (*аҳмоқона такаббурлик ва истеҳзо билан*). Шундай... Лекин секлетарь афанди...

Миллер (*қизариб-бўзариб хотинини қулоғидан бурар*). Хотин!

Хотини. Агар биз, бирон бошқа нарса билан сизни хурсанд қилолсак, жон деб хизмат этардик, секлетарь афанди!

Вурм (*очиқ чеҳра билан*). Қандай бўлак нарса билан? Раҳмат! Бошим кўкка етди! Раҳмат! Ҳимм... ҳиммм...

Хотини. Турган гап, ўзингиз ҳам ўйлаб кўринг, секлетарь афанди.

Миллер (*қаҳр-ғазаб билан хотинини туртиб*). Хотин!!!

Хотини. Балиқ чуқур жойни, одам мойли жойни излайди. Биттаю битта фарзандимизни шўр пешона қилиб қўёлмаймиз... (*Гердайиб*.) Гапимнинг маъзини тушунган бўлсангиз керак дейман, Вурм афанди!

Вурм (*безовталаниб қимирлайди, бошини қашийди ва ёқасини тузатиб*). Тушунгандирсиз дейсизми? Яъни... А тузук. Бу билан нима демоқчи бўласиз?..

Хотини. Мен... Мен ёлғиз... Шуни демоқчи эдим... (*ўйталиб*) хуллас гап, худо буюрса, қизим шухратли бой хотин бўлади...

Вурм (*ўрнидан ирғиб туриб*). Нима дедингиз? Нима?

Миллер. Ўлтуринг, тинчланинг. Вурм афанди. Бу эси даст хотиннинг сўзларига қулоқ солманг. Қаранг-а, бой хотин эмиш! Бу эшак ҳанграгандай бир гап.

Хотини. Майли сўкавер, сўкиб-сўкиб ол. Аммо бу тўғрида менинг билганим-билган... Майор афандининг ҳам дегани-деган.

Миллер (*газаб билан виолончелга ёпишади*). Тилингни тиясанми ёки скрипка билан бошингни уриб ёрайми? Сен нимани биласан? У, сенга нима депти? Қулоқ солманг бу тентакнинг сўзига, Вурм афанди! Чиқ ошхонангга! Вурм афанди, мен худой таолонинг яратганича қолган бир лақма бандаси эмасманки, қизим учун шунчалик баланд дорларга осилсам... Бу одамда шундай ният ҳам бордир, деб ўйламанг.

Вурм. Тузук, мен ҳам боягидай гапларга муносиб эмасман, музикант афанди. Сиз биласизки, мен бир сўзли одамман, сизнинг қизингизга ўз қўлимни туттишим, муҳрланган восиқадай гап! Менинг мансабим билан яхши ичиш мумкин. Президент мени яхши кўради, ҳатто бундан ҳам юқори мансабга кўтарилишимни хоҳласам, шубҳасиз, қўлим етади. Кўрасизки, мамзел Луиза тўғрисида ниятларим жуда зўр. Наҳотки шундай бўла туриб, аллақандай мўлтони елқувар бир дворян қўйнигизни пуч ёнроққа тўлғазиб қўйган бўлса...

Хотини. Секретарь, Вурм афанди! Бир оз ҳурмат билан гапирсангиз бўлмасмикан...

Миллер. Тилингни тий дейман! Парво қилманг унинг сўзига, Вурм афанди. Ҳамма нарса ўз ўрнида қолаверади. Бултур кузақда сизга қандай жавоб берган бўлсам, ҳозир ҳам шу жавобни бераман. Мен қизимни қийин-қистовга олмайман. Агар сиз унинг кўнглиги ёқсангиз жуда соз. Сизга тегсин, бахти очилсин... Борди-ю, кўнглига ёқмасангиз-чи — яна яхши... Яъни ўзи билади демоқчиман... Сиз билан умр қиладиган у, мен эмас. Ужарлик қилиб қизимни, мен ўзи ёқтирмаган эрга берайми? Кексайиб бир оёғимни гўр тортган чоғимда имонимдан ажралайми? Бир стакан винони, бир қошиқ шўрвани «Сен золим ўз болангни ҳалок қилдинг-а!» деган хаёл билан қақшамасдан ичолмайми?..

Хотини. Гапнинг қисқаси шу: сира розилик берамайман. Сизга тушиб қолган қизим йўқ, у тузукроқ одамларга лойиқ... Агар чолим миясини еб, унаб қўйса, судга арз қиламан.

Миллер. Жодугар кампир. Қўл-оёғингни уриб синдирайми?

Вурм (*Миллерга*). Отанинг қизга насиҳатида гап кўп. Мени бўлса яхши билсангиз керак, Миллер афанди?

Миллер. О, ёрилиб ўлгур-ей... Сизни қизнинг ўзи

билсин дейман, бармоқларингизга қараб туриб сиз музика чалишга ярайсизми, йўқми, айта оламан. Аммо хотин кишининг кўнгли эса, ҳатто музика устозлари учун ҳам ҳаддан ортиқ нозиклик қилади. Очиқ айтганда, Вурм афанди,— мен соддадил одамман — берган маслаҳатларим учун, балки унча миннатдорлик ҳам билдирмасиз. Мен қизимга бировга тег, ё тегма деб маслаҳат бермайман. Аммо сизга тегипши маслаҳат кўрмайман, бу турган гап, Вурм афанди! Шошманг, сўзимни тугатай, агар севган киши қизнинг отасини ёрдамга чақирса, ундай одамга сариқ чақани ҳам ишониб топшириб бўлмайди. Агар у бемаъни ва беқадр одам бўлмаса, бу хилда эски чириган йўл-йўриқлар билан севгилисига ўзини иссиқ кўрсатишдаи номус қилади. Борди-ю, унда, қизнинг ўзига айтмоққа дадиллик бўлмаса — демак у қуёндай қўрқоқ... Луизалар эса шундай қўрқоқлар учун яратилган эмаслар. Йигит қизни шундай илинтирсинки, қиз ҳар қандай ота-онанинг баҳридан кечиб шу севганини дейдирган бўлсин. Ёки қиз ота-онасининг оёғига йиқилиб, ёлвориб худо-пайғамбарни ўртага солиб — ўзига ўлим, ё севганини талаб қиладиган бўлсин! Менимча мана бу тантилик! Мана бу ҳақиқий севги бўлади. Лекин кимки қизни мана шу хилда «гаҳ» деб қўлга қўндирилмас экан, туёғини шиқиллатгани яхшироқ!..

Вурм (*қалпоқ, ҳассасини олиб шошилиб кета бошлар*). Қуллуқ, раҳмат сизга, Миллер афанди!

Миллер (*орқасидан аста-секин юриб*). Нима учун, йўғ-ей, сизни бирон нарса билан меҳмон ҳам қилолмадик, секретарь афанди! (*Қайта туриб*.) Қулоқ солмасдан қочди. Бу қора юракнинг афти башарасига қарасам, кўнглим озади. Вой мутгаҳам, вой ғаламис!.. Ўзи ҳам бу дунёга яширинча йўл билан келиб қолган кўринади. Укки кўз, қизил соч... Ияги чиққан... Табиат ҳам адашиб, шундай хунук бир махлуқни яратганига жаҳли чиқиб, жағидан тутиб, тўғри келган бир бурчакка ирғитиб ташлагап бўлса керак! Йўқ! Қизимнинг шундай ўлимтик худо беҳабарга текканидан кўра,— майли у... астаффурулло, тавба!

Хотини (*жаҳл билан тупуриб*). Вой қирчанғи ит-ей!.. Қизимнинг тирноғини раво кўрмасмиз сенга!

Миллер. Сен ҳам ўша лаънати баронинг билан тинкамни қуридинг! Сен ақлли, доно хотин бўлишинг керак бўлган бир жойда, аҳмоқликни роса пул қиласан. Қизинг ва унинг бой хотин бўлишлиги тўғрисида валақлаб ўтириш нимага керак! Вурм-ку,отнинг қашқасидай маълум

киши... У ёлронни ялмамай ютадиган эски ифвогар, бу-
гун бирор нарсани пайқадингми, эртасига юртга карнай
солади. Мана шундай одамларнинг қилмиши ҳар бир
хонадонга тумшурини суқиб кириб фиқу фасод кавлаш-
дан иборат. Бордию оғзингдан бирорта ноҷуя гап чиқиб
кетдими? Худо урди сени! Бу гап хаш-паш дегунча Гер-
цогга ҳам, унинг ўйнашларига ҳам, президентга ҳам бо-
риб етади. Улгунингча бошинг тухматдан чиқмайди.

УЧИНЧИ САҲНА

Бурунчилар, Луиза қўлида китоб билан киради.

Луиза (*китобини қўйиб Миллерга яқин келади ва унинг қўлини сиқиб кўришади*). Салом, отажон!

Миллер (*эркамагиб*). Балли, ақлли қизим, худони сидқидил билан ёдингда сақлашингдан мен шодман. Ҳа-миша шундай бўлсанг, худо сени ўз паноҳида асрайди.

Луиза. Оҳ, отажон! Мен жуда катта гуноҳкорман! (*Онасига.*) Онажон, у келдими?

Хотини. Кимни айтасан, қизим?

Луиза. Оҳ!.. Дунёда ўшандан бошқа ҳам инсон бор эканлигини унутганман. Хаёлим шу қадар паршон-ки... У келмадими? Вальтер-а?

Миллер (*қайғули ва жиддий*). Менинг Луизам лоақал бу исмни ибодатхонада унутган бўлса керак, деб ўйлаган эдим.

Луиза (*бир қанча вақт отасига тикилиб*). Мен сизни англайман, отажон! Сиз виждонимга ништар ураётирсиз, буни сезиб турибман. Лекин кечикдингиз... Менда бурунгидек тақводорлик қолмаган, отажон! Қийналган жонимни яраган эгам билан Фердинанд, ўзаро таллашиб-тортишадилар. Мен кўрқаман... Кўрқаман... (*бир оз жим қолади.*) Йўқ, отажоним! Ясаган суратини томоша қилганда ҳайратда қолиб, рассомнинг ўзини унутган бўлсак, бу унутиш унинг учун энг катта шарафдир... Худо яратган бебаҳо санъатни кўрганда, шодлигимдан худонинг ўзи ёдимдан кўтарилган экан, наҳотки бу нарса, худонинг ўзига хуш келмаса, отажон!

Миллер (*хавфланиб курсига ўлтиради*). Ана хос! Ана даҳрий китоблардан чиққан гап!

Луиза (*ўйчан деразага яқинлашади*). Ҳозир у қайда экан?.. Бой қизлари у билан кўришадилар, гаплашадилар... Мен-чи?.. Мен кўнгли ярим, ғариб бир қиз... (*Ўз сўзидан кўрқиб, отасига ўзини ташлар*). Йўқ, йўқ! Мени

кечиринг, мен ўз тақдиримга йиғламайман, Мен фақат унинг ҳақида бир оз ўйласам дейман... Ахир, бу қийин эмас-ку! Оҳ! Агар шу қалта умримни унинг гул юзларига тегиб ўтган тоза, майин шамол билан нафас олиб адо қилсам эди... Оҳ, агар бу ёшлик чечаги гунафша бўлса-ю, унинг оёқлари остида топталса, жимгина сўлса... Бу мен учун қандай бахт эди, отажон! Наҳотки, қуёш, шу мағрур, азамат қуёш нурларида исингани учун бечора бир пашпани жазоласа.

Миллер (*қаттиқ таъсирланиб, бошини қуйи солади, юзини қўллари билан тўсади*). Қулоқ сол, Луиза, агар сен шу майор билан сира юз кўришмас бўлсанг эди, мен қолган озгина умримни сен учун бағишлар эдим.

Луиза (*қўрқув билан*). Нима? Нима дейсиз? Йўқ, сиз бундай демоқчи эмас эдингиз, меҳрибоним ота! Сиз билмайсиз шекилли, Фердинанд — меники. Худо уни менинг бахтим учун яратган. (*Хаёл суриб туриб*). Мен уни биринчи мартаба кўрган чоғимда (*жуда тез*) юзимга қон югурди, юрагим севинчдан ўйнади. Ҳар юрак тепиши; ҳар бир олган нафасим, менга: «бу, ўшанинг ўзи» деб овоз берарди. Бунга юрагим ҳам сизди ва тасдиқладикки: «У ўшанинг ўзи». Ана ўшанда мен билан тенг қувонган дунё ҳам шу сўзлар билан жаранглаб кетди. Шунда менинг кўнглимда биринчи мартаба тонг ёришди... Баҳор келганда ерлардан бодраб чиқатурган майсалардай минг-минг севги гуллари кўнглимда очилиб кетди. Дунё кўзимга кўринмади, аммо, менимча у ҳеч қачон бу қадар чиройлик кўринмаган эди. Мен худони ҳам ўйлашни унутдим. Лекин уни, бунчалик эзилиб севмаган эдим.

Миллер (*тезгина унинг ёнига келиб кўкрагига болади*) Луиза! Оппоғим! Болагинам! Шу кекса ҳаётимни ол! Ҳамма нарсани ол! Худо ҳозир, лекин майорни, ҳеч вақт сенга беролмайман... (*Чиқиб кетади*.)

Луиза. Отажоним! Менга энди у керак ҳам эмас. Бу шунчаки бир лаззатли хаёл. Бу дунёда мен унинг баҳридан кечаман. Қачонки инсонлар ўртасидаги тафовутлар емирилади, қачонки устимиздан хўжа, қуллик деган нарсанинг жирканч пўстлоғлари арчилиб тушади, қачонки одамлар чинакам одам бўладилар, ана шунда мен, фақат иффиат билан келаман, онажоним! Отам ҳаммаша айтардики: «худо яқин келган сари ҳашаматли мансабларнинг, хазина — зеб-зийнатларнинг қадр-қиммати кетади, соф юракларнинг баҳоси ортади» деб, ана шунда мен бой бўламан. У ерда кўз ёшлари шуҳрат топади, соғлом фикрлар гавҳар ҳисобланади. Шунда донғим чи-

қади, онажон. Ұша вақтда унинг жоннарасидан ортиқ яна қандай бойлиги бўлсин...

Хотини (*ирғиб туриб*). Луиза... Майор! У девордан ошиб ўтди. Мен қаерга бекиндим?

Луиза (*титраб*). Шу ерда ўтиринг, ойижон!

Хотини. Вой худо! Менга уят. Шу кепата билан баронга қандай кўринаман! (*Чиқиб кетар.*).

ТҲРТИНЧИ САҲНА

Фердинанд фон-Вальтер, Луиза. Фердинанд Луизага томон яқинлашади. Луиза ранги ўчган ҳолда стулга ўлтиради. Бир зум бир-бирларита қараб жим қоладилар. Пауза.

Фердинанд. Рангинг ўчган, Луиза?

Луиза (*ўрнидан туриб Фердинанднинг бағрига ўзини ташлайди*). Йўқ, ҳеч! Ҳеч гап эмас! Сен ёнимдасан ку?.. Ҳозир тузукман!

Фердинанд (*унинг қўлларини тугиб лабларига олиб боради*). Луизам мени қадимгидай севадими? Менинг кўнглим, кеча қандай бўлса — бугун ҳам шу! Сеники-чи? Хурсандмикансан деб кўргали ва бу билан ўзимни ҳам хурсанд қилгани келган эдим. Лекин сен хафа экансан!

Луиза. Хурсандман, хурсандман, жонгинам!

Фердинанд. Менга тўғрисиини айт! Сен хафасан! Сенинг кўнглинг мен учун мана бу бриллиант сувдай тиниқ-мусаффо (*узугини кўрсатади*), бу жойга заррача губор қўнса мен уни пайқайман. Бу чехрада пайдо бўлган ҳар маънони уқолмаслигим мумкин эмас. Нима бўлди, сенга. Тезроқ айт! Фақат кўнгил ойнасининг хира эмаслигини била олсам бас. Ана унда мен учун ер юзида ҳеч қандай қоронғилик бўлмайди... Нима сени қайғуга солди?

Луиза (*бир оз жим қолиб, унга маъноли боқар, мунг-қайғули оҳангда*). Фердинанд, Фердинанд, билсанг эди, бу сўзларинг мендай фақир бир қизга қанчалик қувонч беради.

Фердинанд. Нима? (*Таажжуб билан.*) Эшит, Луиза! Бу фикрлар сенга қаердан келди? Сен меники-ку. Сени ўзга бир кимсага бўлсин деб ким айтди? Менга қандай совуқ қарайсан? Агар сен мени севсанг эди, бу хилда ярамас ўйлар ўйлашга вақтинг бўлармиди? Мен ёнингда бўлсам бутун эс-ҳушимни кўз қарашларинг ола-

ди. Якка қолсам, хаёлинг билан яшайман... Сен бўлсанг бу вақтда бўлмагур ўйларга борасан... Уялсанг-чи, Луиза!

Луиза (*қўлидан тугиб, бошини чайқаб*). Сен мени аллаламоқчи бўласан, Фердинанд... Мени ҳалок қиладиган чуқур жардан кўзимни бошқа ёққа бурмоқчи бўласан. Мен келажакка шундай бир кўз ташлайман. Ундан ниятларинг, шухратинг, сенинг отанг, ҳам ўзимнинг ғариблигим кўринади. (*Қўрқиб қўлларини қўйиб юборади.*) Фердинанд! Иккимизнинг бошимизда қилмч яланғочланган. Бизни бир-биримиздан жудо қилмоқчилар!

Фердинанд. Жудо қилмоқчилар? (*Ўрнидан турди.*) Луиза, сенда бундай сезгилар қайдан пайдо бўлди? Ким икки севишган юракни бир-биридан жудо қила олади? Бир пардадан кўтарилган оҳангни ким узаолади? Мен дворянман, аммо, қани айт-чи? Менинг дворянлик васиқам тақдири азалдан кўра кексароқ деб ким исбот қила олади? Қани айт-чи, менинг асл насабим Луизамнинг кўзларига худонинг иродаси билан бу қиз шу эркак учунгина яратилган деб ёзилган сўзлардан кўра ортиқроқми?.. Мен, президент ўғлиман, шунинг учун ҳам отам хонавайрон қилган халқ томонидан бошимга ёғилаётган лаънатларни ёлғиз сенинг ишқингга юриб унута оламан.

Луиза. Отангдан қандай қўрққанимни билсанг эди...

Фердинанд. Энди мени севмай қолишинг хавфидан бўлак мен ҳеч нарсадан қўрқмайман!.. Майли орамизда тоғлардай тўсиқлар бўлсин... Улар менга фақат зинапоялик вазифасини ўтайди. Мен бу зинапоялардан Луизамнинг қучоғига тез-тез кўтарилиб чиқаман! Қара, тақдирнинг чақмоқлари туйғуларимга зўрроқ алангалар беради. Аммо бу хавф-хатар Луизамнинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшади... Қўрқаман дема, жоним!.. Мен ўзим, сени заррин тилсимни қўриқлаган сеҳрли аждарҳо каби қўриқлайман! Менга ишон, сени сақлаш учун менга ҳеч қандай фаришта керак эмас! Мен тақдир билан сенинг ўртангга ўзимни ташлайман, сен учун ҳар қандай оғир кулфатга розиман, ҳар шодлик томчиларини тўшлаб, уни ишқ косасида сенга сузаман. Менинг Луизам бу қучоқда умрини ҳаловат билан ўтказади. (*Уни назокат билан қучоқлар.*)

Луиза (*қўрқув ичида қучоғидан чиқар*). Бас! Сендан сўрайман, жим! Оҳ, сен билсанг эди... Қўй мени...

Сен билмайсанки, бу сўзларинг юрак-бағримни эзиб ташлади (*жетмоқчи бўлар*).

Фердинанд (*ушлаб*). Луиза! Нима дединг? Сенга нима бўлди?

Луиза. Фердинанд! Мен бу хаёлни бошимдан чиқарган ва ўзимни бахтиёр ҳис этган эдим. Энди-чи, энди! Шу кундан бошлаб умримда ҳаловат бўлмас! Кўксимда орзулар қайнар... Кет! Худо сени ўз паноҳида асрасин. Еш, гуноҳсиз юрагимга ўт ёқдинг! Энди бу ўт ҳеч қачон, ҳеч қачон ўчмас!.. (*Луиза уйдан тез чиқар*.)

Фердинанд жим ва ҳайрон унинг кетидан борар.

БЕШИНЧИ САҲНА

Президент зали. Унинг бўйнида орден, кўкрагида юлдуз, орқасидан секретарь Вурм киради.

Президент. Чинакам кўнгил қўйган! Менинг ўғлим! Йўқ — Вурм, мен бунга асти ишонмайман!

Вурм. Жаноб олий буюрсалар, мен ҳамма далил-исботларни кўрсатсам.

Президент. Айтайлик, ўғлим ўшандай фақир бир қизга, ана унга, ҳатто хушомадлар ҳам қилган бўлсин, менимча бунинг зарари йўқ, буни кечириб мумкин... Ҳа, бунинг устига уни музикантнинг қизи дедингиз шекиллик?

Вурм. Музыка муаллими Миллернинг қизи!

Президент. Созми ўзи-а? Буни сўрашнинг ҳам ҳожати йўқ.

Вурм (*ҳаракатга кириб*). Опоқ, момикдай, куйдирма жонларнинг энг ўткири?.. Ўрдадаги бориб турган танноз қизлардан сира қолишмайди десам муболаға бўлмайди.

Президент (*кулиб*). Шундай денг, Вурм, ўзингизга ёққанга ўхшайди. Биласизми, азизим Вурм, агар ўғлим бу қизга кўнгил қўйган бўлса, бу ҳолда, демак, ўғлимни хотинлар севадилар ва унинг саройда ҳам мартабаси ошади, қизни соз дединг. Ўғлимни диди бор экан, бу гапдан хурсандман! Борди-ю, у эси паст қизни қалтисроқ ваъда билан алдаб юрса — яна яхши! Демак, ўғлимда мия бор, ёлғонни сувдай ичиб, тегирмондан бутун чиқаркан. Балки у, президент ҳам бўлиб кетар! Бу нарсаларнинг ҳаммасига эга бўлса — олам гулистон! Бу ҳангомалар бир набира билан тугаса яна соз! Унда мен

уруғимнинг гуллаши учун, одатдагидан ташқари, бир шиша шароб ичиб юбораман ҳам, бу қизни булгаб қўйгани учун полицияга бир оз штраф тўларман — шу!

В у р м. Ҳаммадан мен шуни истар эдим-ки, жаноб олийларига бу бир шиша шаробни кулфатдан қутулмоқ учун ичмак тўғри келиб қолмасай-ди.

Президент (*жиддий*). Вурм, шуни эсда тутингки, агар мен бир нарсага ишонсам бутунлай ишониб кетаман! Борди-ю, жаҳлим чиқса, бир йўла қутураман. Ғазабимни жунбушга келтириш ниятида айтган гапларингизни ҳазилга оламан. Мен астойдил ишонаманки, сиз рақибингизни енголсангиз жон-жон дер эдингиз. Лекин бу қизни менинг ўғлимдан тортиб олмоқ, сиз учун мушкул. Шунинг учун сонни ўзидан чиқаришни мўлжаллаб, мени ишга солмоқчисиз. Бу менга равшан, мен сизнинг бунчалик ҳийлакор одам бўлганингизга хурсандман, фақат, азизим, менинг бошимни айлантирманг. Ёлғиз шуни билингки, ҳийлани эвида қилинг! Аммо менинг йўлимга дахл қила кўрманг.

В у р м. Жаноб олийлари кечирсинлар! Борди-ю, чиндан ҳам сиз, гумон қилгандай — бу масалага рашк қотишганда эди, сиз буни сўзимдан эмас, кўзимдан пайқанган бўлар эдингиз.

Президент. Менимча рашкнинг сира даркори йўқ. Тенгасиз, олтинни тўппа-тўғри хазинадан олмоқ нимаю, банкирдан олмоқ нима? Барибир эмасми? Сиз бу ердаги дворянлардан ўрнак олсангиз бўлади. Улар билиб қиладиларми, билмай қиладиларми, аммо бизда беш-олтита меҳмон билан никоҳ қилишлар жуда кам бўлади. Келиннинг ҳавзи кавсарини чуқур саёзлигини ким ўлчапти дейсиз.

В у р м (*бошими тубан солиб*). Ундай бўлса оддий бир фуқаро бўлиб қолганим яхшироқ эди, ҳазратим.

Президент. Ҳа, бундан ташқари тез кунда рақибингиздан бошлаб қасос олиб димоғингиз чоғ бўлади! Менинг кабинетимда бир буйруқ ётибди... Бу буйруққа кўра герцогнинг ўйнаши Леди Мильфорд, янги герцог хоним келиб қолгани сабабли хўжакўрсинга ўрнидан бекор бўлиши керак... Ҳамда алдовни жойига қўйиши учун тезликда эрга тегиши лозим. Вурм, сиз биласизки, мен бундай баланд мансабга фақат Мильфорд хоним орқасида эга бўлдим. Мен тутган энг ўткир сиёсат ва йўл-йўриқлар герцогнинг айш-ишратига — ҳирсига таянган, герцог Мильфордга куёв изламоқда... Эҳтимол бир бегона киши топилар-да, Мильфордга уйланар ва ўйнаши

билан бирга герцогни ўз қўлига олар, ишончини қозонар. Герцог менинг оиламда, менинг ихтиёримда қолиши керак. Бунинг учун ўғлим Фердинанднинг Мильфорд хонимга уйланиши лозим. Масала равшандир сизга Вурм!

Вурм. Шундай равшанки, кўзларим қамашиб кетди. Президент бўла туриб тўғри фикр қиласиз! Аммо, ота бўла туриб бир оз хато қилмадингизмикан деб қўрқаман. Майор, унга сиз меҳрибон ота бўлганингиздай, у ҳам сизга қобил бир фарзанд бўлса бояги талабингизга қаттиқ норозилик билдирса керак!

Президент. Азизим Вурм, агар мен: «Шундай бўлсин» десам, шундай бўлади. Мен шу куннинг ўзидаёқ фотиҳа бўлишини ўғлимга билдираман. Бу хабарни эшитган чоғда унинг чеҳрасида пайдо бўлган ўзгаришлар ё сизнинг гумонингизни тасдиқлайди ё пучга чиқаради.

Вурм. Зоти олийлари мени кечиргайлар! Ўғлингизнинг чеҳрасида кўришингиз шубҳасиз — аниқ бўлган қайғули ўзгариш, балки сиз таклиф қилаётган келинга ҳам, сиз ундан жудо қилаётган қизга ҳам алоқали бўлур, рухсат этсангиз бўлак бир жиддийроқ синов йўлимини таклиф этардим. Бутун мамлакатни қидириб унга онаси ўлмаган энг гўзал бир қизни топингиз. Агар ўғлингиз шунга «хўп» деса, майли секретарингиз Вурмни бадарга қилингиз!

Президент (*лабини тишлаб*). Ҳа, шундайми?

Вурм. Шундай! Қизнинг онаси — учига чиққан аҳмоқ хотин, лаққа тушиб менга ҳаммасини гапириб берди.

Президент (*уйнинг у бошидан бу бошига жаҳл билан юради*). Яхши! Шу бугун бир ёқлик қиламан!

Вурм. Ёлғиз шуни унутмасинларки, майор менинг хазратимнинг ўғиллари бўлади...

Президент. Хотиржам бўлинг, Вурм!

Вурм. Чунки, тилагим: сизни жинингиз севмаган келиндан қутқармоқдир.

Президент. Бу хизматингиз учун сизни ҳам уйланишингизга бош қўпсам арзийди... Хўп, Вурм!

Вурм (*қувонч билан таъзим қилиб*). Ўлгунимча зоти олийларининг содиқ қулиман. (*Кетмоқчи бўлар.*)

Президент. Вурм, кўп сирларни сизга ишонганимдан гапирдим... (*Дўғ билан.*) Агар бирор ерда оғзингиз бўшлик қилиб...

Вурм (*кулиб*). У ҳолда зоти олийлари менинг томонимдан қилинган қалбаки ҳужжатларни очиб ташларлар... (*Чиқади.*)

Президент. Менинг сендан кўнглим тўқ! Хийла-найранларингни биламан, шунинг учун мендан тилинг қисик!

Хизматчи (кирар). Гофмаршал фон — Кальб келди.

Президент. Худди ўз вақтида келди! Кирсин.

Хизматчи чиқади.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Гофмаршал фон — Кальб ҳашаматли, лекин дидсиз тикилган камергеръ*, калити осилган ўрда кийимида, қилч ва яккита соат тақиб олган, қўлтиғида юмшоқ шляпаси, бутун уйга мускус ҳидини бурқуратиб, президентга қараб ҳаприқиб югуради.

Гофмаршал (Президентни қучоқлаб). Э, салом азизим, бугун қандай яхши туш кўрдилар, қандай фароғат қилдилар, жанобларини кўрмакка кечикканим учун кечиргайлар! Иш кўпайиб кетди. Таом танлаш, чақирув қоғозлари, букун чанада сайру томоша қилмоқ учун ул-фатларни сараламоқ, оҳ... нимасини айтасиз! Бунинг устига аъло ҳазратлари уйқудан туришлари биланоқ, унга букунги обу ҳаво тўғрисида маълумот бериш ҳам керак бўлиб қолади.

Президент. Тўғри маршал, бир минут ҳам бўш вақтингиз йўқ экан...

Гофмаршал. Бунинг устига муттаҳам машиначи ҳам узоқ кутдириб қўйди!

Президент. Шундай бўлса ҳам ҳаммасига улгуролдингизми?

Гофмаршал. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бугун бошимга кулфат устига кулфат тушди... Фақат пича қулоқ берингиз...

Президент (ечилиб). Қизиқ, нима гап экан?

Гофмаршал. Сиз фақат қулоқ солинг! Мен аравадан эндигина тушувдим ҳамки, отлар алланарсадан ҳуркди-ю, шатта отиб, ер депсиб кетдилар. Шундай, кечирасиз, балчиқ-гўнглар сачраб, бутун иштонларимни расвоси чиқди. Энди нима қилмоқ керак? Худо ҳаққи сиз ҳам ўзингизни шундай шарманда бўлишингизни ўйланг-а! Қаққайиб турибман. Вақт зиқ, кеч қоляпман, яна куппа-кундуз кун шу афт-башара билан аъло ҳазратлари олдига кириб бўлади дейсизми? Худога шукур! Шу пайтда миямга нима келиб қолди денг? Жўрт-

тага ҳушимдан кетдим. Мени қўлда қўтариб аравага солдилар. Йўл бўйи отга қамчи босиб уйга бордим, кийимларни алмаштирдим, яна ризиллаганча етиб келдим. Бу эгчилликка нима дейсиз? Шу ҳолда ҳам қабулхонага биринчи келган мен ўзим бўлибман. Бунисига нима дейсиз?

Президент. Бундай ишлар энг чаққон, энг зукко одамнинггина қўлидан келади. Келинг, бу гапни йириштирайлик, Кальб. Демак, сиз Герцог билан гаплашибсиз-да...

Гофмаршал (*гердайиб*). Йигирма ярим минут гаплашдим.

Президент. Мана бу ишга қойилман. Эҳтимол менга бирон янги хабар ҳам топиб келгандирсиз?

Гофмаршал (*бир оз сукутдан кейин, жиддий*). Албатта, аъло ҳазратлари бугун бузоқ теваги тусида нимча кийибдилар.

Президент. Қаранг-а! Қандай қизиқ! Йўқ, маршал, мен сизга бундан ҳам қизиқроқ янгилик топиб қўйдим. Леди Мильфорд хонимнинг ўғлим майор фон-Вальтерга эрга тегиши сизга янгилик бўлса керак, албатта.

Гофмаршал. Ростданми? Бу ҳал бўлганмиям?

Президент. Ҳал бўлган, имзо ҳам чекилган. Агар сиз тезликда Мильфорд хоним олдига бориб уни ўғлимни кутиб олмоққа тайёр қилсангиз ва пойтахтга ўғлим Фердинанднинг ниятларини эшиттирсангиз, мени кўп миннатдор қилган бўлардингиз, Маршал!

Гофмаршал (*хурсанд*). А! Бу хизматни ўйнаб-кулиб қиламан, азизим. Мен учун бундан ортиқ шарафли иш борми? Ҳозир учиб бораман. (*Қучоқлаб.*) Хайр дўстим! Соатига етмай бу хабар бутун шаҳарга дув тарқалади. (*Чиқади.*)

Президент (*унинг орқасидан кулиб*). Шундан кейин ҳам бу зотларни дунёда ҳеч нарсага ярамайди деб кўр-чи!.. Энди ўғлим Фердинанднинг рози бўлмоғи керак! Ахир бутун бошлиқ шаҳар ёлғон гапирмас-ку! (*Қўнғироқ чалар, Вурм киради.*) Ўғлимни чақиринг! (*Вурм чиқади, Президент ўйлашиб у ёқдан бу ёққа юрар.*)

ЕТТИНЧИ САҲНА

Фердинанд, Президент, Вурм пайдо бўлади ва у шу пайтнинг ўзидаёқ чиқиб кетади.

Фердинанд. Буюрган экансиз, ота...

Президент. Ўғлимдан хурсанд бўлишни истаган

чоғимда, бахтга қарши буйруқ бериб қўяман... Вурм, бизни ҳоли қўйинг! (*Вурм чиқиб кетади.*) Фердинанд кейинги пайтларда мен сенинг юриш-туришингга синчиклаб қарайман-у, аммо сендаги мени қувонтирган у — илгариги очиқ чехрали йигитликни, шўхликни кўрмайман... Юзингдан аллақандай қайғу-ҳасрат излари ҳеч аримайди... Мендан, ўз ёру дўстларингдан қочасан... Сени ёшингда қилган ўнлаб ҳаралла-таралла айш-ишратлар, зигирдай қайғунга тенг турмайди. У ғам-қайғуни менга бағишла, жон ўғлим! Бахт-саодатинг тўғрисида ўйлашга менга рухсат бер ва мен чицган чизикдан чиқмасликка ҳаракат қил! Бери кел, қучоқла мени, Фердинанд!

Фердинанд. Бугун жуда раҳмдилсиз, отажоним!

Президент. Ҳа, муғомбир, бугун табиатинг анча тирриқ! (*Жиддий.*) Фердинанд, мен ким учун Герцогнинг юрагига хавфли йўл солиб бордим? Ўз виждоним билан худо ўртасидаги бирликни кимни деб тамомила хароб қилдим? Эшит, Фердинанд! Мен ўғлим билан сўзлашаман. Ўзимдан олдинги президентни йўқ қилиб бу мансабни ким учун тайёрлаб қўйдим?.. У, қонли ханжаримни бу инсонлардан қанча маҳкам яширай деб уринсам-да, бу воқеа, менинг қалбимни баттарроқ ғамга булайди... Тингла, қани менга айт! Мен буларнинг ҳаммасини ким учун қилдим?

Фердинанд (*даҳшат билан чекиниб*). Аммо мен учун эмас-ку, ота? Ахир бу жиноятларнинг қонли шарпалари нечун менинг устимга тушаркан? Парвардигор ҳурматига қасамёд қилиб айтаманки; сизга бу қонли жиноятлардан оқланмоқ учун бир баҳона бўлгандан кўра, сира туғилмагай эдим!

Президент. Бу нима? Бу нима деганинг? Майли, сени сайрона хаёлингни кечирिशга тайёрман, Фердинанд! Мен ғазаб қилишни истамайман! Ҳали менинг уйқусиз тунларим, сен учун чеккан ғам-қайғуларим, тортган виждон азобларим эвазига қайтарган яхшилигинг шуми? Тонгла маҳшаргоҳда худо қози, унинг қаҳру ғазаби мен гуноҳкорнинг бошига ёғилар, сен бўлсанг, қилча ғам емай, иккинчи бир одам баҳонасида бахтингни топасан! Меросга жиноятнинг доғи тегмайди.

Фердинанд (*ўнг қўлини кўкка кўтариб*). Фақат зolim отани эслатгувчи меросдан тантана билан воз кечаман!

Президент. Қулоқ сол, ёш йигит, ғазабимни қайнатма. Агар ҳамма нарса сен айтганча бўлса, умр бўйи суришиб тупроқдан бош кўтаролмас эдинг.

Фердинанд. А, бу ҳар ҳолда тржи тахт олдида сурунгандан кўра яхшироқ, ота!

Президент (*ғазабини босиб*). Ҳимм... Ўз бахтингни англашга сени мажбур қилиш керак! Бошқалар бутун куч-қувватини сарф қилиб тополмаган мансаб-мартабага, сен худди тушингда кўргандай ўйнаб-кулиб кўтарилмоқдасан... Ун икки ёшингда прапоршик бўлдинг! Йигирмангда майорсан! Буларни герцогдан, сен учун мен сўраб олдим. Сен ҳарбий кийимни ечасан, министрликка кирасан. Герцог махфий кенгашчилик мансаби билан элчилик амалини ваъда қилди. Келажагинг порлоқ... Ажойиб... Бу текис йўл билан тахтга қўшни бўлиб, балки тахтнинг ўзига ҳам ета оларсан... Булар ҳам сени асир эта олмайдими?

Фердинанд. Йўқ! Чунки менинг улуғлик ва бахт тўғрисида тушунчаларим, сизникидан тамом бошқача... Сиз тушунган бахт-саодат бошқаларнинг ўлими-ҳалоқатига асосланган. Сиз айтган ҳукмронлик улуғлиги рашк, ҳасад, ваҳима, фитна-фасод деган жирканч ойналарда жилмайиб ўзини кўрсатади. Бахтиёр одамларингизнинг кайф-сафоларига тавон бўлган нарсалар! Булардан маст бўлган бу бахтли одамларингиз, худонинг аршига еткунча — йиқилиб, ҳайқириб маст ҳолда борадилар... Менинг бахт ҳақидаги идеалим ўзгача, бутун орзуларим қалбимда сақланади!

Президент. Жуда соз! Ажойиб, мисли йўқ сўзлар! Ўттиз йилдан кейин янги бошдан одамзоднинг бахти тўғрисида сендан биринчи лекция эшитяпман. Фақат эссизки, сен берган бу дарсларнинг дурри гавҳарларини териб олишга, ошини ошаб-ёшини яшаган эллик йиллик бошим ярамай қолибдир... Аммо, бу ноёб дурри гавҳарлар бекорга кетмасин учун ёнингга бир шогирд топиб қўйдим. Сен бугуннинг ўзидаёқ никоҳга тайёр бўлишинг керак.

Фердинанд (*хайрат ичида чекиниб*). Ота!

Президент. Қўллуқларинг керак эмас. Мен Мильфорд хонимга номингдан хат юбордим. Сен ҳозирнинг ўзидаёқ унинг олдига борасан. Ҳам унга куёв бўлганингни билдирасан...

Фердинанд. Мильфорд. Ота!?

Президент. Ўйлайманки сен уни танисанг керак?

Фердинанд (*ўзини туголмай*). Бу мамлакатда шундай бир шарманда, расво хотинни танимаган ким бор? Сизнинг ҳазилингни тушунмасдан тоза жиғи-бийроним чиқди, шундай эмасми, ота?! Ўз фарлиги билан

саройда иззат топган сатанга уйланган бир ярамас ўғилга, қандай ота бўлмоқни хоҳлайсиз?

Президент. Нимасини айтасан? Агар у эллик яшар кишига тегишга рози бўлсайди, жон деб ўзим ҳам совчи қўярдим. Ана бунда сен нима дер эдинг? Ярамас отага ўғил бўлишни истармидинг?

Фердинанд. Йўқ! Худо ҳаққи, йўқ.

Президент. Бу одобсизлигингни тантилигинг учун кечираман.

Фердинанд. Сизга ялинаман, отажон, ўғлингиз эканимга менда гумон туғдирманг!

Президент. Эсингни едингми, бола? Қайси ақли расо одам ўз подшоҳини ўрнини шу йўл билан эгаллашдай юксак шарафга интилмас экан?

Фердинанд. Гапингизга тушунмадим, ота?! Сиз бунини шараф деб биласизми? Шоҳнинг расво, ифлос ишига шерик бўлиш... шуми шараф? (*Президент қаҳқаҳа билан кулади.*) Кулинг, кула беринг! Майли бу гапни ҳам қўйиб турайлик! Менга шуни айтинг-чи: Мен қайси юз билан кўчага чиқаман? Бир парча куюк кулчага эга бўлмасам ҳам, аммо ўз хотинининг номусига, тоза баданига эга бўлган бир қашшоқ косибга қайси юз билан қарайман, ота! Герпогга, сарой, аҳлларига қайси бетим билан кўринаман? Ўз номусидаги қора доғларни менинг шармандалигим билан ювиб ташламоқчи бўлган ўша бузуқ, сатанг хоним олдига қайси бетим билан бораман?..

Президент. Бундай гапга чечанликни қаердан ўргандинг, ўғлим?

Фердинанд. Ер ва кўкнинг ҳаққи-ҳурмати ёлвораман, ота! Бирдан-бир ўғлингизни қурбон қилиб топтоқчи бўлган бахтингиз, ўғлингизнинг бадбахтлигига тенг бўлолмайди. Мен ўз ҳаётимни, агар сизнинг мартабангиз шу билан улуғланса, сизнинг йўлингизда фидо қиламан, сиз менга ҳаёт баҳш этгансиз, бу ҳаётни бир минут ҳам иккиланмасдан сизнинг улуғлигингиз учун қурбон қилишга тайёрман. Лекин фақат, менинг номусим!.. Агар сиз номусимни тортиб олсангизу, менга ҳаёт бағишласангиз, дунёда бундан ортиқ пасткашлик бўлмайди. Мен бундай отага — бундай қўшмачи отага лаънатлар ўқишга мажбур бўламан.

Президент (*эркалатиб елкасига қоқди*). Балли! Яша ўғлим! Сенинг танти экаңлигингни кўрдим. Бутун мамлакатда ҳуснда ягона бўлган қизни олишга муносиблигингни билдим. Майли айтганинг бўлсин! Шу бугун тушда графиня Остгеймга уйланасан.

Фердинанд (*хайрон*). Бугун мени тамом хароб қилмоқчимисиз?

Президент (*шубҳа билан*). Ўйлайманки, бунга сенинг номусинг қаршилик қилмаса керак?

Фердинанд. Шундай, ота! Фредерика Остгейм мендан бўлак ҳар бир кишини бахтли қила олади, (*ўзича*) бунинг менга қилмоқчи бўлган ёмонлиги юрагимни ўйнатса, марҳамати ёриб ташлагундай!

Президент (*ундан кўзини олмай*). Раҳмат, айтармикансан деб кутиб турибман, Фердинанд.

Фердинанд (*отасига ўзини ташлар, унинг қўлларини ўпар*). Ота, мен учун бундай ғам-ташвиш чекканингиз учун сизга самимий қуллуқлар қиламан. Сиз ташлаган қизнинг тирноғдай айби йўқ... Лекин... Мен... Ўйланолмайман, ахир мени... Менга раҳмингиз келсин... Мен графиняни севолмайман.

Президент (*ундан четланиб*). Аҳа, энди йигитни илинтирдим! Мана энди бу қопқонга тушдинг муғомбир! Демак, Леди хонимдан бош тортишингда гап номусингда эмас экан. Сен ёмон кўрган нарса хотин эмас, никоҳнинг ўзи экан.

Фердинанд бошда ҳайрон бўлиб туради. сўнгра чекиниб чиқиб кетмоқчи бўлади.

Қаёққа? Тўхта! Ҳали отангга ҳурматинг шуни? (*Майор қайтади.*) Хонимга сенинг боришинг хабар қилинган. Герцогга сўз берганман. Буни ўрда ва бутун шаҳар халқи билган. Агар сенинг гуноҳинг билан, азизим, бутун мамлакат герцог Мильфорд хоним ва ўрда аҳли кўзида ёлғончи бўлсам... ёки қандайдир бирон қилмишингдан хабардор бўлиб қолсам... Нега бирдан рангинг ўчиб кетди?

Фердинанд (*тигроқ овоз билан*). Ким? Нима? Мен, ҳеч ота!

Президент (*унга оғир қараб туриб*). Агар бунда бир гап бўлса... қайсарлигингнинг бирор сабабини пайқаб қолсам, шуни яхши билки, жиндек шубҳа ҳам мени қутуртириб юборади. Ҳозирнинг ўзидаёқ жўна. Пароль берилгандан кейин дарҳол Мильфорд хоним олдига борасан. Агар мен истасам бутун мамлакат қалтирайди. Кўрамиз. ўжар ўғлим менинг хоҳишимга қарши тура олармикин? (*Кетмоқчи бўлар тўхтаб*). Ҳой бола, сенга айтаман. Ё ҳозир у ерда бўласан ё бўлмаса менинг газабимга дучор бўласан (*кетар*).

Фердинанд (*бир оздан сўнг ўзига келиб*). Кетдими? Шу гапларни ўз отамдан эшитдим-а! Яхши! Мен

у хотиннинг олдига бораман. Ҳамма нарсани айтаман, ҳам унга ўз башарасини ойнада кўргандай қилиб кўрсатиб қўяман! Агар сен разил, инглиз хоними, шунда ҳам мендан қўл тортмасанг ўрда олдида, қўшин, халқ, герцог олдида сени рад қилиб шармандангни чиқармасам герман боласи эмасман! (*Тез чиқиб кетар.*)

ИККИНЧИ ПАРДА

Леди Мильфорд саройида бир зал. Унг томонда: диван (*софа*), чап томонда фортепиано (*қадимги музика олаги-пианинога ўхшаши*). Леди хоним эрталабки ҳашамдор кийимда, тарқоқ сочлари билан фортепиано олдида хаёл суриб ўтиради. Хизматчи хотин — Софи дераза олдида четланади.

БИРИНЧИ САҲНА

Софи. Офицерлар тарқалаётибди. Парад тугади... Лекин Вальтердан ҳалигача дарак йўқ.

Леди (*зўр ташвиш ичида ўрнидан туриб, залнинг у бошидан бу бошига юради*). Билмадим Софи, бугун менга бир бало бўлди. Мен ҳеч бундай бўлмас эдим... Сен уни бутунлай кўрмадингми? Ҳа, албатта, у шочиқ ҳам нима қилсин. Бу нарса жиноятдай юрагини сиқиб турибди. Софи, бор айт, отхонадаги энг асов отлардан бирини менга эгарлат. Кенгликка чиқай, от чопай, одамларни ва кенг осмонни кўрай, зора кўнглим ёзилса...

Софи. Агар тобингиз қочиб турган бўлса, бугун шу ерга йиғила қолсинлар! Герцогга буюринг, шу ерда овқат қилсин, ёки софангиз ёнида қарта ўйнасинлар! Агар герцог ҳам унинг ўрдаси менинг ихтиёримда бўлсайди, ҳам нима, ҳасрат нима билмас эдим.

Леди (*диванга ўзини ташлаб*). Раҳминг келсин менга! Агар шу одамлар кўзимга кўринмаса, сенга соатига биттадан бриллиант тўлашга тайёрман. Уйимни шу одамлар билан обод қилайми? Улар ҳаммаси ярамас, аяқ одамлар. Менинг оғзимдан битта-яримта ёқимли, самимий сўз чиқиб кетса борми, даҳшат ичида қоладилар. Арвоҳни кўрган кишидай тепа сочлари тикка бўлади. Худди булар ҳаммаси битта ипга тизилган қўғирчоқлар! Буларни бошқариш менга жон тикишдан кўра жўнроқ! Юракларини чўнтақларидаги соатларидан фарқи бўлмаган бу одамлар, менга жуда зарур-да. Сўроғимга берадиган жавоблари нима бўларди, айтмасдан илгари ўзим биламан. Энди улардан бирон гапни сўраб нима мазза топдим? Ёки ўзларидан тузук-қуруқ сўз чиқмаган, мен нима де-

сам ўшани деган одамлар билан тагин фикрлашиб бўладими? Нимани маслаҳатлашаман! Йўқолсин улар. Сулуқ чайнамаган ювош от ҳам жонга тегади (*ойнага яқинлашади*).

Софи. Аммо герцогни бундай гўзал, ёниб турган жазмани ва бугун мамлакатда тенги йўқ донишманд одамни боягилар орасидан ажратиб қўйсангиз керак, хоним?

Ле ди. Софи, мени унга яқин қилган кучсиз сабаблар, фақат унинг мамлакати... герцоглик амалигина холос! Уни ёқтиришимга кучсиз кузер бўлади холос! Гапингга қараганда, ҳамманинг менга кўзи куярмиш, бечора қиз! Менга ачинишлари керак эди! Ўз рисқини тахтдан топганлардан ҳеч бири шоҳларнинг ўйнашларидай ғаму ҳасратда адо бўлмайдилар. Чунки бу ўйнашларнинг тақдири елкасида гадоё хуржуни бор, оти улуғ, супраси қуруқ бойларнинг тақдирига ўхшайди. Тўғри, Герцог кўнглим истаган ҳар нарсани дарҳол ҳозир қилади: истасам унинг улуғлиги бир зумда ер остидан сеҳрли сарой барпо этади. Ҳиндистон бойликларини, чин-мочин хазиналарини олдимга қўяди. Чўлларда жаннат яратади. Бир ишораси билан унинг ерларидаги булоқлар кўкларга ўқдай отилиб, ё бўлмаса халқларнинг пешона терлари ва қонлари мушакбозлик томошаларида ҳар ёққа аланга бўлиб сочилади. Лекин у, алангали бақувват бир юрак ёнида ўз қалбига алангаланиб ёлқинлавишига, буйруқ қила оладими? Ёки у ўзининг қашшоқ кўнглини ажойиб, кучли бир туйғу эгасига бера оладими? Шунча айш-ишрат ичида кўнглим яна оч, яна ташна.

Софи (*таажжуб билан қараб*). Мен сизнинг кўпдан бери хизматингизни қиламан, хоним...

Ле ди. Лекин мени фақат шу бугун билдинг! Гапинг тўғри, жонгинам, Софи, мен герцогга ўз номусимни сотдим: лекин қалбимни эркин сақлаб қолдим. Менинг қалбим, яхши қиз ишқ-муҳаббатига арзигудай! Ўрданинг заҳарли ҳавоси ойнага теккан нафасдай юрагимда из қолдирган эмас. Шунга инонки, азизим, агар мендаги шухратпарастлик истасайди, герцог мени шу ўрдада биринчи малика қилиб қўярди.

Софи. Бу юрак шухратпарастликка бўйсиниб қўйдими?

Ле ди (*сесканиб*). Бу юрак шу аҳволга тушиб қолгани учун ўзидан қасос олаётибдими? Софи! (*Қўлини Софининг елкасига қўйиб*.) Биз хотинлар фақат шу икки нарсадан бирини тавламоғимиз керак, ё буйруқ ёки итот қилмоқ. Лекин севган кишининг қули бўлиш ўзи

энг катта саодат... Бу саодат олдида буйруқ — катталикдан оливатурган лаззатлар ёлғиз маъносиз бир юпанчгина холос.

Софи. Бу ҳақиқатни сиздан яна қайтиб эшитмасам дейман, хоним!

Леди. Нечук Софи, ҳукмдорликни уdda қилолмаслигимизнинг ўзи бизнинг нимага яраганлигимизни билдиради? Мен ўз қалбимда тошиб турган орзуларимни нозу карашмалар, чексиз лаззатлар билан бўғиб ташлаганимни, ажабо пайқамадингми?

Софи (чекланиб). Леди.

Леди (яна кучли руҳ билан). Сен бу орзуларимни жойига еткир! Кўнглимдаги кишини келтир! Мен уни кўкларга кўтарай, Софи! Ё ўлай, ё унга эга бўлай. (*Диққат билан.*) Бизнинг кўзларимиздаги ишқ ёшлари, сочларимизга тақилган ҳар қандай бриллиантдан кўра чиройлироқ порлашини мен унинг ўз оғзидан эштай! (*Алангаланиб*). Унда мен шу йигитнинг оёқлари остига герцогни ҳам, унинг юрагини ҳам, мамлакатни ҳам ташлайману, шу севганим билан ер юзининг узоқ чўл-биёбонларига бошни олиб кетаман...

Софи (қўрқув билан қараб). Вой худо! Бу нима гап? Нима бўлди сизга, хоним?

Леди (уялиб). Нега рангинг ўчди? Оғзимдан ортиқча гап чиқиб кетдими? Ундай бўлса рухсат эт, сенга ишончлик билдирай ҳам бу билан тилингни боғлаб қўяй. Қулоқ сол, ҳамма гапни эшит!..

Софи (хавфсираб аланглаб). Мен қўрқаман, хоним, қўрқаман... Қўйинг, шундай гапларни эшитишнинг менга кераги йўқ.

Леди. Майор билан бўладиган никоҳ фақат ўрда ичидаги бир найранг деб ўйлаб, сен ҳам янглишасан. Ўрдадагилар ҳам хом ўйлайдилар. Қизарма, мендан уялма, Софи, бу иш менинг севгимнинг иши.

Софи. Вой худойим, шу гап кўнглимга келган эди-я...

Леди. Улар алдандилар, Софи, ғайратсиз Герцог ҳам, ўрдадаги маккор Вальтер ҳам, анқов маршал ҳам... Буларнинг ҳар қайсиси мени герцог учун сақлаб қолиш, бизнинг алоқамизни пухталаш учун бу никоҳни энг ўткир баҳона деб топдилар ва улар шунга қасамёд қилишга тайёрлар. Йўқ, бу алоқани бутунлай бузмоқ керак! Бу шармандалик занжирларини мангуга узиб ташлаш керак! Узлари алданган алдоқчилар! Кучсиз бир хотин ҳийлакорликда сизларни йўлда қолдириб кетди. Севга-

нимга мени ўзларингиз қовуштирасиз! Истаганимнинг ўзи ҳам фақат шу эди! Ёлғиз у меники бўлса эди, а... Ана у чоғда абадий хайр, эй, менинг жирканч шаъни-шавкатим дер эдим.

ИККИНЧИ САҲНА*

Бурунчилар. Герцогнинг қари хизматкори қўлида қутича билан киради.

Хизматкор. Жаноб олий герцог ҳазратлари хоним афандига салом дейишга буюрдилар ва тўйга деб мана шу бриллиантларни юбордилар. Бу бриллиантлар ҳозиргина Венеция* шаҳаридан келтирилди.

Ле ди (қутичани очади ва қўрқиб чекинади). Ҳай, бу тошлар учун герцогнинг қанча ҳақ тўлади?

Хизматкор (ғамгин). Булар учун герцог бир чақа ҳам тўлаган эмас.

Ле ди. Нега? Жинни бўлдингми? Ҳеч нарса тўламаган? (Ундан бир қадам тисланиб.) Лекин — сен менга шундай тикилаётисанки, худди тешиб юборгундай бўласан! Бу бебаҳо тошлар учун унинг ҳеч нарса тўламаслигининг сабаби нима?

Хизматкор. Кеча ватанимизнинг етти минг асл ўғиллари Америкага жўнатилди*... Бу тошлар учун ўшалар товон-да!

Ле ди (дарҳол қутини қўяди ва уй ичида тез-тез юради. Бир озгина жимликдан сўнг хизматчига қараб). Чол, сенга нима бўлди? Нега йиғлайсан?

Хизматкор (кўз ёшларини артиб, бутун вужудини титроқ босгани ҳолда, ҳаяжонли товуш билан гапирди). Бу қимматбаҳо тошлар учун менинг ҳам икки ўғлим кетди.

Ле ди (ҳаяжон ичида чолнинг қўлидан тугиб). Лекин зўрлик билан кетмагандир?..

Хизматкор (заҳарханда билан). Эй, худо!.. Йўқ — ҳаммаси ўз хоҳишлари билан... Тузук йигитлардан икки-учта дадили сафдан чиқиб, герцог ҳар жуфт одамни, неча пулдан сотганини полковникдан сўрадилар... Аммо марҳаматли ҳукмдоримиз бутун полкка, бу довюрак йигитларни ўша ернинг ўзидаёқ отиб ташлашга буйруқ берди. Биз милтиқ товушларини эшитдик, уларнинг мияларини тирқираб кетганини ўз кўзимиз билан кўрдик... Шундан кейин бутун армия «Урра! Америкага жўнаймиз!» деб қичқирди.

Леди (*қўрқув билан ўзини софага ташлайди*). Е раббий! Мен бўлса ҳеч нарсани эшитмасдан, сезмасдан бу ерда ўтирибман!

Хизматкор. Мана шунақа, хоним! Одам йиғиш учун ноғора қоққанда, нега сиз герцог билан айиқ овига кетдингиз? Бундай қизиқ томошани кўрсангиз бўларди! Ноғораларнинг садоси кўнларга кўтарилар, етим-есирлар фарёд-фигон кўтариб ўлимга кетаётган оталарининг кетидан чопар эдилар. Эсини йўқотган хотин ўз боласини аскарларнинг найзаларига санчгани югурар эдилар. Унашиб қўйилган қиз-йигитларни қилич солиб бир-бирларидан жудо қилдиридилар. Биздай чоллар умид узиб қараб турдилару пировардида чидолмасдан: «Бизларни ҳам Америкага олиб кетинг», деб йигитларнинг орқасидан қўлтиқтаёқларини ташлайдилар. Парвардигор қулоғига етмасин учун улар ноғора-карнайларни яна қаттиқроқ чалдилар.

Леди (*кучли ташвиш ичида ўрнидан туради*). Йўқотинг кўзимдан бу тошларни! Юрагимга дўзах ўти солди булар! (*Хизматчига.*) Хафа бўлма — бечора чол! Улар қайтиб келадилар, улар тагин ўз ватанини кўрарлар.

Хизматкор. Худо билади буни! Яна шаҳар дарвозаси ёнида орқаларига бир қарадилар-да: «Сиз хотин, бола-чақаларимиз, худога омонат! Яшасин бизнинг Герцог, тонгла маҳшаргоҳда юз кўришиб қолармиз!» деб қичқирдилар.

Леди (*у ёқдан-бу ёққа шахдам қадам билан юрар*). Қандай жирканч! Қандай даҳшат! Тагин менга айтардиларки: Мен мамлакатни йиғи-сиғидан халос қилган эмишман!.. Кўзларим даҳшат-даҳшат билан очилмоқда. Бор, хўжайинингга айт, бу ҳадя учун ўзим алоҳида қуллуқ қиламан... (*Хизматчи кета бошлар. Леди унинг шляпасига халтада пул ташлайди*). Менга ҳақ гапни айтганинг учун ол буни!

Хизматкор (*ҳамённи нафрат билан стол устига ташлайди*). Буни ҳам қолганларига қўшиб қўйинг! (*Кетади.*)

Леди (*ҳайрат билан унинг орқасидан қараб қолар*) Софи, кетидан югур, отини билиб кел! Унинг ўғилларини қайтариш керак. (*Софи чиқади. Леди ўйланиб юрар Пауза. Қайтиб кирган Софига.*) Софи, яқинда ўт тушиб чегарада бутун бир шаҳар ер билан яксон бўлибди ва тўрт юзга яқин хонадон гадойчиликда қолипти деган гап тарқалганми? (*Қўнғироқ чалади.*)

Софи. Бу гап қандай эсингизга келиб қолди? Ҳа, тўғри, энди бу бахтсизларнинг кўпчилиги ўз хўжайинларига пул бандиси бўлиб қолган, ёки герцогнинг кумуш конларида ҳалок бўлмоқда эмишлар.

Хизматкор (*киради*). Хизмат, хоним афанди?

Ле ди (*унга бриллиантларни беради*). Буни тез банкага олиб бор!— Мени буюрди деб айтгин — бу бриллиантларни дарҳол пулга айлантириб, ўтдан зиён кўрган ўша тўрт юз бечораларга тарқатсинлар.

Софи. Хоним, ўйлаб иш қилинг, яна ўзингизга гап орттириб олманг!

Ле ди (*гердаийиб*). Мен сочимга мамлакатнинг бутун лаънати тақиб юрайми? (*Хизматчига имлайди. Хизматчи кетади.*) Еки мени шу кўз ёшларида гарқ бўлишимни истайсанми? Етар, Софи, шундан кўра сочларимга ёлгон тошлар таққанам яхши! Фақат ўз қилмишим билан кўнглинг равшан бўлса бас!

Софи. Лекин қандай тошларни бердингиз-а! Бир хил пастроғини берсангиз ҳам майли эди! Йўқ, хоним! Тузук қилмадингиз, бу ишингизни кечириб бўлмайди!!

Ле ди. Тентаксан! Шу дамнинг ўзида менинг кўнглимда шунча бриллиант, жавоҳиротлар яшнаб кетдики, бунча қимматбаҳо тошлар, ўнлаб подшонинг хазиналарида ҳам топилмайди!

Хизматчи (*киради*). Майор фон-Вальтер келди.

Софи (*Ледининг олдига югуриб*). Вой худо, оқариб кетдингиз!

Ле ди. Мен биргина шу одамдан қўрқаман, Софи! Эдуардга айт, менинг тобим йўқроқ... Тўхта! Ўзи қандай, чехраси очиқми? Куладими? У нима дейди? Эҳ, Софи! Ростдан ҳам бугун менинг чиройим кетган-а?

Софи. Совуқ нафас қилманг, хоним.

Хизматкор. Жавоб бериб юборишга буюрасизми?

Ле ди (*қатъиятсиз*). Йўқ, кирсин!.. (*Хизматчи чиқар.*) Гапир Софи!.. Мен унга нима деяй?! Уни қандай қилиб қарши олай?.. Соқов бўлиб ўлтирсам... У менинг бўшанглигимдан кулса... У менинг... А... Буни кўнглим сезяпти... Мени ёлғиз қолдирасанми? Софи? Кетма, қол! Йўқ, кетма. Майли! Бор! Йўқ, қол! (*Майор эшик олдига кўринади*).

Софи. Ҳушингизни йиринг! У келиб қолди...

УЧИНЧИ САҲНА

Бурунгилар, Фердинанд

Фердинанд (*жириб енгил таъзим билан*). Мен сизни таъзимга солмадимми экан, хоним?!

Леди (*бир оз уялиб*). Ҳеч бир, майор афанди. Жуда шодландим.

Фердинанд. Мен отамнинг буйруғи билан келдим...

Леди. У кишидан кўп миннатдорман...

Фердинанд. Яна сизга шуни эълон қилишим керакки, биз иккимиз куёв билан қаллиқ эканмиз... Отамнинг айтгани шу...

Леди (*оқариб тиграб*). Бу ўз қалбингизнинг айтгани эмасми?

Фердинанд. Одатда, министрлар ва кўшмачилар юрак билан ишлари бўлмайдилар...

Леди (*қийналиб гапиради*). Отангизнинг айтганларига сизнинг ҳеч қандай кўшимчангиз йўқми?

Фердинанд (*Софига кўз ташлайди*). Кўп кўшимчаларим бор, хоним!

Леди (*Софига имлайди, у кетади*). Софага марҳамат қилинг!

Фердинанд. Мен гапни қисқа қиламан, хоним!

Леди. Эшитай!..

Фердинанд. Мен номусли одамман!

Леди. Мен ҳам шундай кишиларнинг қадрига ета оламан.

Фердинанд. Дворянинман...

Леди. Мамлакатдаги дворянларнинг гули.

Фердинанд. Ҳам офицерман.

Леди. Сиз бошқаларда ҳам топиладиган фазилатлардан гапираётисиз; нега ўзингиздаги энг яхши хислатлардан оғиз очмайсиз?

Фердинанд (*совуқ*). Бу жойда улар менга керак эмас.

Леди (*қўрқув билан*). Бу гапнинг маъноси қандай бўлди?

Фердинанд (*секин ва таъкидлаб*). Агар сиз зўрлаб мен билан бир ёстиққа бош қўймоқ ниятида бўлсангиз, у чоқда бу сўзни менинг номусимдан чиққан порозилик деб билингиз!

Леди (*тез юриб*). Бу қандай сўз, майор афанди?

Фердинанд (*бепарво*). Бу меънинг юрак сўзим, насаб сўзим, қиличимнинг сўзи!

Леди. Бу қилични сизга герцог берган.

Фердинанд. Герцог қўли билан бўлса-да, мамлакат берган, юракни худо берган... Насабим эса, беш асрни ўтиб менга келди.

Леди. Герцог номи-чи?

Фердинанд (*аччиғланиб*). Герцог одамзоднинг қонунларини бузолмайди-ку ёки ахлоқни пул босгандай босиб чиқараверадими? Унинг ўзи номусдан юқори турмайди, аммо, ўз олтинлари билан номуснинг кекиртагидан бўға олиши мумкин... У, яна ўз айбини шоҳона либослар билан ҳам яшира олади. Хоним, сиздан сўрайман, шу гапларни бир чеккага қўяйлик... Гап менинг етолмаган ниятларим ва ота-боболарим устида ҳам эмас, мана бу қилич ёки ўрда кишиларининг фикрлари устида ҳам эмас! Агар сиз ҳадянинг қурбондан паст эмас, балки арзигулик эканига мени тўла инонтира олсангиз, мен буларнинг ҳаммасининг юзига оёқ қўйишга тайёрман!

Леди (*ундан чекиниб, ғамгин*). Майор афанди, ҳали мен бунга арзигулик эмасман!

Фердинанд (*қўлидан ушлаб*). Кечиринг. Бу ерда гувоҳликка ўтадиган ҳеч ким йўқ, бизни бир-биримизга биринчи ҳам охириги марта рўпара қилган сабаблар ўзимнинг энг муқаддас юрак сирларимни сизга яширмай айтиб беришга ҳақ беради. Хоним, мен асти тушунолмайман: нечун шундай гўзал, шундай доно ва мард йигитлар севадиган бир хотин, герцог қучоғида хўрланади? Ахир, герцог бу хотинни фақат хотин бўлгани учун қадрлайди-ку!

Леди (*унга тикилиб*). Давом этингиз!..

Фердинанд. Сиз ўзингизни британиялик деб айтасиз... Мени кечиринг, мен сизнинг британиялик эканлигингизга ишоналмайман! Ер юзидаги энг эркин бир халқнинг бошқаларнинг шаъни-шавкатига бўй эгмовчи, ўзгаларга ёмонликни ҳам истамовчи у мағрур халқнинг эркин туғилган қизи эканлигингизга ишонмайман!.. Сиз Британия қизи эмассиз! Ёки Британия томирларида оқиб турган қон қанчалик тоза, қанчалик мардона бўлса, Бригания қизининг юраги шунчалик бачкана.

Леди. Гапингиз тугадими?

Фердинанд. Буни балки хотинлик орзуси, темперамент нафс-ҳирс, айш-ишратга ташналик деб айтса бўлади... Бундай шарманда йўлга қадам қўйган хотинлар, кўпинча ўз олижанобликлари билан жамиятни ўзларига

ром қила олганлар ва жуда нозик йўллар билан ўзларининг бу паст ҳунарларини юқори мартабага кўтара олганлар. Лекин нима сабабдан бизнинг мамлакатда бундай даҳшатли зулм ҳукм суради. Илгари бундай зулм йўқ эди... Мен бутун мамлакат номидан сўзладим. Сўзим туғади.

Леди (*юмшоқлик билан аммо такаббуруна*). Вальтер, бундай гапларни биринчи мартаба юзимга солган сиз бўлдингиз! Буларга жавобни ҳам ёлғиз сизга бераман. Сиз қўлимни рад қилиясиз. Мен бунинг учун ҳам сизни хурмат қиламан, қалбимни хўрладингиз, буни ҳам кечираман! Кимки, унинг ўзини бир кечада бутунлай йўқ қилиб юборишга қодир бир хотинни, юрак ютиб, шундай ҳақорат қилган экан, бу одам шу хотиннинг кўнглини кенглигига, тантилигига тап бериши керак. Буни қилмаслик гўдаклик бўлади. Мамлакатнинг хароба ҳолига тушганини менинг гарданимга юклайсиз, майли, парвардигори олам кўриб тургандир.— Ҳам вақт-соати келарки, мени ҳам, сизни ҳам, герцогни ҳам сўрар. Сиз мендек инглиз қизига таъналар қилдингиз, бундай ҳақоратларга менинг ватанпарастлик руҳим жавоб беради.

Фердинанд (*қилличига суяниб*). Қани эшитайлик-чи...

Леди. Эшитинг! Мен бу сўзларни сиздан бошқа ҳеч кимга ҳеч қачон ишониб айтганим йўқ эди, ҳеч кимга ишонмайман ҳам. Вальтер мен сиз ўйлаганча ҳар кўчага кириб ўзимни ҳар балога уриб юратурган хотинлардан эмасман! Ўзимни хонзодалардан эканлигимни, шотландиялик Мария йўлига қурбон бўлиб кетган бахтсиз Томас Норфольк авлодидан эканимни сизга мақтаниб айтсам бўлар эди... Қиролнинг энг яқини бўлган отамдан Франция билан хоинона тил бириктиришда гумондор бўлдилар, парламент ҳукм қилди: Отамнинг боши кесилди. Бутун мол-мулкимиз подшоликка ўтиб кетди. Ўзимиз эса туғилган юртимиздан бадарға қилиндик. Отам жазоланган кунда онам ўлди. Мен ўн тўрт ёшлик қиз, энагам билан Германияга қочдим: менда бир қути турли қимматбаҳо буюмлар, онам ўзининг ўлими олдидан бўйнимга тақиб қўйган шу мерос бути ҳам бор эди. (*Фердинанд ўйланади ва Ледига юмшоқ назар ташлайди.*)

Леди (*бора-бора ҳаяжон ичида кўтарилиб*). Номнишонсиз, ҳимоячисиз, пулсиз, касал, мусофир, етим бир қиз бўлиб, Гамбургга * келдим. Мен ҳеч нарса ўрганмаган эдим, фақат бир оз французча билар эдим ва оз-моз иш тўқир эдим. Унча-мунча пианино чалардим. Аммо

олтин-кумуш идишларда еб-ичишга, ипак кўрпачаларда ўтишга, қўлимнинг бир ишораси билан ўнлаб югурдакларни ишга солишга ва бу дунёнинг улугларидан ширин-ширин сўзлар эшитишга жуда мазахўрак бўлган эдим. Олти йилни йиғлаб-сиқтаб ўтказдим. Биттагина тўғнағичим қолган эди, шу ҳам кетди! Энагам ўлди... Мана шу пайтда тақдир герцогингизни Гамбург шаҳарига етказди. Шунда мен Элба дарёси бўйида томоша қилиб юрар эдим, дарёга қараб, дарё чуқурмикин ёки менинг қайғуларим?— деган ўйга чўмиб кетган эдим ҳамки, герцог мени кўриб қолди, кетимдан из қувди, турган еримни топди, оёғимга йиқилди, «сени севаман» деб олт ичди. (*Қаттиқ ҳаяжон ичида бир оз тўхтаб, сўнг йиғламсираб давом этади.*) Олтин ёшлигимнинг суратлари кўз ўнгимда пар-пар ёниб жонланиб кетди. Қайғули келажаким мени қора гўрдай кўрқитди... Юрагим иккинчи бир юрак ташналигида олов бўлиб ёнди ҳам ўша юракка ўзимни ташладим... Энди мени қанча қора қилсангиз, ихтиёр ўзингизда!

Ф е р д и н а н д (*ҳаяжон билан ўзини Ледига ташлайди ва уни суяб қолади*). Хоним! Эй, тангрим! Бу гаплар... Мен нима қилиб қўйдим? Ўз қўполгимдан ўзим кўр-қамап. Сиздан ҳатто узр сўрашга ҳам тилим бормапти.

Л е д и (*тинчланишга уринади*). Қулоқ солинг! Тўғри, герцог менинг ҳимоясиз ёшлигимга жон солди. Аммо менда, Норфольк хонадонининг мағрур қони жўш уради. Юрагимдан чиққан товуш айтади: «Эмилия! Вужудингдаги хонзодалар қони, аммо сен бўлсанг, герцогга ўйнашсан!» Герцог мени бу ерга келтиргач, кўз олдимда пайдо бўлган кўрқинчли томошаларни ҳам бу дунёнинг ширинлигига оғзи ҳеккар бўлиб қолган мансабдорларнинг очкўзлик билан ов қидиришларини кўрганда руҳимда мағрурлик билан тақдир ўртасида талаш кетди... Бу мамлакатда жабруситам, зулм-бедодлик ҳаддан ошган: йигитлар билан қизларни бир-бирларидан жудо қиладилар. Ҳатто муқаддас никоҳ ипларини узадилар. Тинчгина, тотувгина ўтиб турган бахтга эгов соладилар. Ҳеч тажриба кўрмаган ёш юракларни ҳалокатли васваса ва талвасага мубтало қиладилар. Шулар туфайлидан ўлимга юз тугган қиз-жувонлар охирги марта шайтонлаб, оғизларидан кўпиклар сочиб, шундай фалиш йўлга бошлаган устозларига даънатлар ўқийдилар... Мен бўлсам кўзи билан қошлон ўртасига кирдим, ҳам айшнинг энг қизиқ бир жойига етганда тантанали ваъда олиб қасамёд қилдирдим, шу-шу бўлиб, бундай кўрқинчли қурбонларга хотима берилиши керак эди.

Фердинанд. (*Қаттиқ ҳаяжон ичида тез-тез юради.*) Бўлди, бас, хоним! Бас!

Ле ди (*қайғули*). Бу қайғули кунлар ўрнига яна ҳам ҳасратлироқ кунлар келди. Сарой ичи ҳам, ўрда ҳам Италиян сайёҳлари билан тўлди. Саройнинг жилови енгилтак, тасқара Париж қизларининг қўлларига қолди. Уларнинг нозу фироқ, ҳою-ҳаваслардан халойиқ қон ютди. Лекин уларнинг давр суришларига хотима чекилди! Мен уларнинг қандай бир шарманда ҳолда кўз олдимда юзтубан йиқилганларини кўрдим. Нимага десангиз, уларнинг ҳаммаси менинг ноз-фироғим олдида иш эшолмай қолдилар. Менинг қучоқларимда эриб, ўзини тамом йўқотган подшодан ҳокимлик жиловини ўз қўлимга олдим... Ҳам шундан кейин, Вальтер, сенинг ватанинг ўз бошида инсон қўли кўрди ва ишонч билан кўксимга бош қўйди... (*Пауза. Муҳаббат билан унга боқар.*) Ҳақ фикрлари менга қимматли бўлган шу ягона киши, мени мақтанишга, ўзимнинг шунчаки бир хизматим билан ҳайратга солишга уни мажбур этади. Вальтер! Мен қоронғи зиндонларнинг эшикларини очдим, ўлим ҳукмномаларини йиртдим, бир талай даҳшатли, умрбод сурғунларни камайтирдим... Тузалмас яраларга ҳеч бўлмаганда, дори қўйиб, ором бердим! Зўр жинояткорларни туپроққа тенг қилдим, ўйнашлик кўз ёшлари билан хароб бўлаёзган бир талай номусларни сақлаб қолдим. Эй, йигитча! Билсангиз эди, булар менга қандай лаззат беради. Хон зотидан деб устимга тушадиган ҳар қандай айбларни менинг юрагим зўр мағрурлик билан рад қила олади! Шу вақтда тўсатдан бир одам пайдо бўлиб қолдики, фақат унинг якка ўзигина, бу ишларим учун мени мукофотлай олади. Мен хаёлимда алангали ишқ билан қучоқлаган бу одам балки шунча тортган азоб-кулфатларим бадалига менга насиб бўлгандир...

Фердинанд. (*Талваса билан унинг сўзини кесар.*) Бас, етар! Жуда ҳам ортиқча, сиз ўз айбларингиздан оқлавишингиз керак! Ҳолбуки мени жиноятчи қилиб қўймоқдасиз... Раҳмингиз келсин, сиздан ўтиниб сўрайман, менинг қалбимни аянгиз! Юрагимни уят-номус, қаттиқ виждон азоблари тирнаб эзмоқда...

Ле ди (*унинг қўлларини ҳирс билан сиқиб*). Бўлса ҳозир бўлади, бўлмаса ҳеч! Мен қаҳрамонларча узоқ сабр этдим. Сен бу кўз ёшларининг нақадар аччиқ эканлигини сезишинг керак. (*Мулойимлик билан.*) Қулоқ сол, Вальтер! Сенга берилган ишқ, дил-жигаридан урган, дардинда адо бўлган бир шўрлик хотин сенинг кўксингга

Ўзининг алангали, туганмас севги билан тўлган кўксини босган бир пайтда ҳам, наҳотки сен ўша номус деган со- нуқ сўзни тилга олсанг?! Наҳотки ўз шармандалиги билан эзилган бир бадбахт хотин, бутун айбларидан юз ўгириб, яхши йўлга интилса-ю, қучорингга шундай ташланиб (*қучоқлайди ва ёлворган товуш билан*) ўзини қутқариб қолишининг ҳам тўрри йўлга бошлашининг ёлвориб сў- раса-ю, сен уни кўкрагингдан итарсанг! Ёки бу, ноумид- лик билан кўнгли синган хотин, сенинг суратининг эси- дан чиқариш учун, наҳотки бундан ҳам даҳшатлироқ гуноҳларга ботса, яна шарманда, яна расво бўлиб қолса?!

Ф е р д и н а н д (*қаттиқ аччиқланиб унинг қучоғидан қутулишга тиришади*). Йўқ, парвардигор ҳаққи-ҳурмати, мен бу синовга туриш беролмайман! Хоним, мен сўз бе- риб қўйганман... Ер-кўк мендан шуни талаб қилади... Сиз- га рост гапни айтишим керак.

Л е д и (*ундан узоқлашиб*). Энди бўлмайди! Энди бўл- майди! Авлиёлар ҳурмати, сизга ёлвораман, энди бўл- майди. Шу минутнинг ўзида менинг қалбимни минг ери- га ханжар тегиб қонга буланди. Сизнинг бу қарорингиз менга истар ўлим, истар ҳаёт берсин, барибир уни ҳозир эшитмоққа менда тоб-тоқат йўқ.

Ф е р д и н а н д. Йўқ, йўқ, хоним! Эшитасиз! Ҳозир- ги айтадиган сўзларим, сизнинг кўз олдингизда менинг айбларимни енгиллатади ҳам ўтмишдаги қилмишларим- ни кечиришингиз учун кучли бир илтимос бўла олади. Мен сизни танишда янглишган эканман. Мен сизни ўз нафратимга лойиқ бир кепадада кўришни истаган эдим, ҳам шуни кутган эдим. Мен бу ерга сизни ҳақорат қил- моқ, бу билан сизга хунук кўринмоқ учун келган эдим. Агар шу айтганим бўлганда эди, ҳар иккимиз ҳам бах- тиёр бўлар эдик. (*Бир оз жим туриб сўнг паст товуш билан.*) Хоним, мен паст табақадан чиққан бир қизни — музикант Миллернинг Луиза деган қизини севаман! (*Леди ранги ўчиб орқасига чекинар, у кўтарилган руҳ билан сўзида давом этар.*) Қандай ишга қадам қўйган- лигимни ҳам биламан. Лекин ақл-идрок, ишқ нафасини ўчирганда ҳам барибир ваъда, йигитнинг лафзи деган нарсалар шунча қаттиқ кучга киради... Айбдор мен! У қизнинг олтин, поклик дунёсини биринчи мартаба буз- ган менман. Кўнглини ширин умидлар билан аллалаган менман!.. Маккорлик билан уни нафс, ҳирс қучоғига олиб кирган менман. Сиз баланд мартабам, насли наса- бим, ҳам отамнинг фикрини ёдимга соларсиз, лекин қан- дай қилиб, мен севаман! Оддий табиат билан урф-одат-

нинг ўртаси қанчалик кўп бузилса, менинг умидларим шунчалик маҳкам бўлади. Ана менинг қарорим — ана эски одат! Кўрамиз, қайси бири енгар экан? Кибри-ҳавоми, одамгарчиликми?! (*Леди шу чоқда уйнинг бир четига кетар. Қўли билан юзини тўсар, Фердинанд унга яқинлашар.*) Сиз менга бирор нарса демоқчи эдингизми, хоним?!

Леди (*гамгин*). Ҳеч нарса, Вальтер афанди, ҳеч нарса! Фақат шуни айтайки, сиз ўзингизни ҳам, мени ҳам, яна учинчи бир кишини ҳам ҳалок қиласиз...

Фердинанд. Яна учинчи бир кишини?

Леди. Биз бир-биримиз билан бахтли бўлолмаймиз. Аммо отангизнинг шошқинлигида қурбон бўламиз. Ноиложликдан менга ўз қўлини берган одамнинг қалбига ҳеч эга бўлолмайман!

Фердинанд. Ноиложликдан дейсизми, хоним? Ҳар нечук берди-ку? Сиз юрак билан қўшиб бермаган қўлни талаб ҳам қила оласизми? Сиз бир бечора қизни ўз жонидан ортиқ севган одамдан қандай маҳрум қила оласиз? Сиз бир йигитнинг бағридан унинг яхши кўрган жононасини қандай тортиб оласиз? Сиз, хоним, бундан бир минутгина бурун ҳавас қиладиган, бир инглиз қизи эдингиз, наҳотки шундай ишлар қўлингиздан келса?

Леди. Чунки шундай қилишга мажбурман. (*Жиддий ва қатъий туриб.*) Вальтер! Ишқ менга, сизга мулоим бўлишимга мажбур этади. Аммо номусим бунга йўл қўймайди. Бутун мамлакатга бизнинг никоҳимиз тўғрисида доврўқ кетган. Ҳамма кўзлар менга ўхталган, мени масхара қилишга тайёр. Герцогнинг итоатида бўлган бир одам мени рад қилиб, мендан қўл силтар экан, бу шармандачиликни ҳеч нарса билан ювиб кетказиб бўлмайди. Ўз отангиз билан курашингиз! Кучингиз борича ўзингизни мудофаа қилингиз! Аммо мен, қиёматни бу дунёда қўпораман! (*Тез кетади. Вальтер жим, ҳайронликдан сўнг тез қадамлар билан катта эшикка боради.*)

ТҲРТИНЧИ САҲНА

Музикант Миллер уйда бир хона. Миллер, Миллернинг хотини, Луиза.

Миллер (*шошиб киради*). Шундай бўлишини билиб айтган эдим.

Луиза (*қўрқув ичида отасига ўзини ташлар*). Нима бўлди, ота? Нима гап?

Миллер. (*У ёқдан-бу ёққа шошиб юриб.*) Қани, чононимни келтир! Қимирла! Бунинг олдини олишим керак! Оқ кўйлагимни ҳам бер! Шундай бўлишини ўша ниқтаёқ сезган эдим.

Луиза. Худо ҳаққи! Нима бўпти?

Хотини. Ахир нима бўпти? Нима?

Миллер (*Паригини ташлаб*). Тездан буни сарта-рошга олиб бор, нима бўпти эмиш? (*Чопиб ойнага боради.*) Соқол тагин тўнғизнинг жунидай ўсипти. Нима бўпти эмиш? Нима бўлар эди, худо урган шаллақи? Бўлар иш бўпти, ҳамма нарса остин-устун бўлиб, икки қўлинг бурнингда қотишти!

Хотини. Ана холос! Ҳозир бор айбни менга тўнкайди.

Миллер. Менга тўнкайди дейсанми? Турган гап, лаънати шаллақи... Бўлмаса кимга тўнкардим?.. Ҳалигина лаънати баронингни мақтаб энка-тенкамни қуритган сен эмасмидинг?.. Мен сенга ўшанда айтганмидим? Вурм ҳамма гапни оқизмай-томизмай президентга етказибди...

Хотини. Оббо! Сен буни қаёқдан била қопсан?

Миллер. Мен қаёқдан била қолганимни?.. Ана у эшик олдида, министрдан одам келиб скрипкачини сўраб турибди!

Луиза. Вой мен ўлай!..

Миллер. Ҳе, сузилган кўзларинг қурсин сенинг ҳам! (*Аччиқ кулади.*) Ойни этак билан ёпиб бўлмайти: Кимни хонадонига шайтон тухум қўйса, ўша уйда чиройли қиз туғилади. Энди ҳамма нарса равшан...

Хотини. Бу нарсанинг Луиза тўғрисидаги иш эканлигини сен қаёқдан била қолдинг?.. Балки сени герцогга мақтагандирлар! Герцог сени ўз оркестрига талаб қилаётган бўлса нима дейсан?

Миллер (*калтагини ушлаб*). Э, ёрилиб ўлгур-эй! «Оркестрига эмиш!» Ҳа, тўғри шундай бир оркестраки, у ерда сен қўшмачи товушининг борича қичқириб, қўшқининг юқори пардаларида юрасан! Менинг моматалоқ бўлган орқамни эса, ногора қилиб чаладилар. (*Креслога ташланиб.*) Худоё ўз паноҳингда асра!

Луиза (*ўлиждай оқарган ҳолда ўтиради*). Онажон! Отажон! Нега мени бирдан ваҳима босди? Қўрқаман...

Миллер (*ўрнидан туриб кетиб*). Бу қора юрак Вурм, ишқилиб, бу дунёдами, у дунёдами қўлимга бир тушса эди! Тан юрагини туғиб сиёҳ қилиб Исо-муса ки-

тоблардаги бутун оят-ҳодисаларни унинг терисига шундай ёзардимки, у хатлар маъшар кунигача ўчмас эди.

Хотини. Ҳа, сўкин, бақиравер, бундан жуда фойда кўрасан! Эй, худо, биз гуноҳкорларга ўзинг раҳм эт, биз энди нима қилдик?.. Гапирсанг-чи ахир, Миллер! *(Уйнинг ичида югуриб юради.)*

Миллер. Шу топда министр олдига бораман! Ҳамма гапни аввал ўзим айтиб бераман. Сен мендан илгари билардинг... Менга шипшитиб қўйгин эди, ақли паст кампир! Ана унда қизимиз бу усти ялтироқ гапларга лаққа тушмаган бўларди. Ўз вақтида олдини олган бўлардик. Лекин бу ишдан сенга манфаатнинг ҳиди келди. Шунинг учун ҳам осмонларга сакрадинг! Ана энди ўзинг пиширган ошни ўзинг е! Мен қизимни оламану «ҳайт» деб чет элларга кетаман!

БЕШИНЧИ САҲНА

Бурунгилар. Фердинанд фон-Вальтер қўрққан, ҳовлиққан бир кайфиятда киради.

Фердинанд. Отам бу ерга келдимми?

Луиза *(қўрқиб сачраб ўрнидан туради).* Унинг отаси? *(Ҳаммаси бир вақтда гапирди.)* Эй парвардигор!

Хотини. Президент! Худо урди бизни!

Миллер. Ўзингга шукур! Тугунлар ечила бошлади!

Фердинанд *(югуриб бориб Луизани бағрига қатиқ босади).* Осмон билан дўзах ўртамизга ғов бўлса ҳам, барибир сен меникисан!..

Луиза. Мен энди ўлган кишиман! Гапиравер — сен қўрқинчли бир номни — отангнинг номини айтдинг-а?..

Фердинанд. Қўрқма, ҳеч гап эмас! Ҳаммаси ўтди-кетди. Мен яна сен билан биргаман. О... кел, сенинг кўксингда бир оз ором олай! Бу қўрқинчли дақиқа эди!

Луиза. Қандай дақиқалар? Ахир, мени ўлдирдинг-ку?..

Фердинанд *(чекинар ва унга маъноли боқар).* У, шундай қўрқинчли бир дақиқалар эдики, унда сен билан менинг қалбим ўртасида ёт бир одам кириб олди. Менинг муҳаббатим ўз виждоним олдида ранги ўчди. Мени Луизам эса Фердинанддан жудо бўлаёзган эди... *(Луиза юзини қўллари билан тўсиб, стулга ўгириб қолади. У тез Луиза ёнига борар, унинг кўзларига тикилиб узоқ жим қолади. Сўнг кучли ҳаяжон ичида орқасига чекинади.)* Йўқ! Йўқ! Ҳеч қачон! Бу мумкин эмас, Леди!

Жуда ҳам ҳаддан ошиб кетдингиз! Яратган тангри ҳаққи-хурмати мен бу гуноҳсиз қизни сен учун қурбон қилолмайман! Мен ичган қасамимни бузолмайман! Бу сўнган кўзларга берилган менинг қасамим, момақалди роқ сингари ҳар чоқ ҳушимни бошимга тўплаб туради. Сиз, бир қаранг мана бунга, Леда! Бу ёққа бир қарасанг-чи, қонхўр ота! Мен шундай малакними ҳалок қилай? Бу илоҳий кўкракларгами дўзах ўтини ёқай (*Луизага яқин боради.*) Тонгла маҳшарда худо қози, мен буни худо тахтигача олиб бораман. Майли, агар менинг ишқим жиноят бўлса, худонинг ўзи айтсин (*Луизани қўлидан тугиб стулдан турғизади*). Асти койима! Хурсанд бўл, гавҳарим! Сен ютиб чиқдинг! Мен даҳшатли ҳаёт майдонидан зафар билан қайтдим.

Луиза. Йўқ, йўқ! Ҳеч нарсани яширма! Ўша кўрқинчли қарорни айтасан! Сен ҳозир отанг ҳам Ледини оғзингга олдинг... Жоним ҳалқумимга келди... Уни эрга тегармиш, дейдилар.

Фердинанд (*Луизанинг оёғига йиқилиб*). Менга тегармиш бечора.

Луиза (*бир оз жимликдан сўнг оқиста лекин дадил товуш билан*). Мен нимадан чўчидим? Ахир, чол отам буни неча мартаба менга уқтирган эди-ку! Мен бўлсам унинг гапига ишонгим келмас эди. (*Пауза. Сўнг бор товуш билан қичқириб йиғлаб Миллернинг қучоғига ташланади.*) Отажон! Қизинг яна сен билан қолади! Кечир мени, отажон. Тушинг бунчалик ширин-шакар бўлишига ҳам... Уйғонишинг бунчалик аччиқ, кўрқинчли бўлишига болагинанг айбдор эмас!

Миллер. Луиза! Луиза! Эй худо! Бу ўзида эмас! Қизим! Бечора болагинам! Сени йўлдан оздирганларга минг лаънат! Лаънат сенга, қўшмачи кампир!

Хотини (*йиғлаб қизига ташланади*). Қизим, мен шундай лаънатга сазовор бўлгудай иш қилдимми? Худо хайрингизни берсин, барон! Нега бу кўзичоқни ўлдирасиз?

Фердинанд (*унга тез яқин келиб*). Аммо мен, унинг ҳийла-найранглари синдираман — бу бидъат-хурофотларнинг темир занжирларини узиб ташлайман, севган ёримни мардларча ўз хоҳишим билан танлайман! Муҳаббатимнинг улуғ ғалабаларини кўрганда бу ифлос жонларнинг кўзлари чаноғидан чиқсин!.. (*Кетмоқчи бўлади.*)

Луиза (*ҳовлиқиб ўрнидан туради, кетидан бориб*). Кетма! Кетма! Қаерга кетасан?! Отажон! Онажон! Боши-

мизга шундай оғир кулфат тушганда у бизни ташлаб кетаётибди!

Хотини (*югуриб орқасидан бориб тутади*). Ҳозир бу ерга президент келади, қўпол, тўнг гаплар билан қизимизни ҳам, ўзимизни ҳам хафа қилади! Шунини била туриб бизни ташлаб кетасизми, Вальтер афанди?

Миллер (*қутирган бир ҳолда кулиб*). Ташлаб кетади! Турган гап. Нега кетмасин? Ахир у қизимиздан ўзига керагини олиб бўлди. (*Бир қўли билан майорни, иккинчи қўли билан Луизани ушлаб.*) Сабр этинг, афандим! Фақат менинг остонамдан Луизани босиб ўтоласиз! Агар сен муттаҳам бўлмасанг аввал отангни кутиб тур! Қандай макр-ҳийла билан бу қизнинг юрагини ўғирлаганингни отангга ўз оғзинг билан айтиб бер, алдоқчи! (*Ғазаб билан қизини унга қарата қаттиқ итариб ташлайди.*) Бўлмаса худо ҳаққи, сенинг ишқингнинг касофати тегиб шундай иснодга қолган бу бахтиқора жонни шу ернинг ўзида ўзинг янчиб ташлайсан!

Фердинанд. (*Қайтади. Чуқур хаёл суриб у ёқдан-бу ёққа юради.*) Тўғри! Президентнинг ҳукми зўр, оталик ҳақи эса шундай улуғ гапки, бунинг тагида жиноятлар ҳам бекиниб ётиши мумкин. Аммо мени, мақсадга фақат муҳаббатгина олиб келади! Кел менга, Луиза! Қўлларингни бер (*куч билан унинг қўлларини олади*). Сўнгги нафасимда худонинг мени ташлаб қўймаслигига қанчалик ишонсам, бизнинг қўлларимизни бир-биридан жудо қиладиган лаҳзада менга ажал келишига ҳам шундай ишонаман!

Луиза. Мен қўрқаман! Менга қарама! Сенинг лабларинг титради, кўзларингдан киши ваҳма олади!

Фердинанд. Йўқ, Луиза, титрама! Бу сўзларим тентаклик сўзларим эмас! Бу энг нозик бир пайтдаги қарор, худонинг менга берган улуғ неъмат! Қисилган кўкрак, зўр куч билан нафас олаётган нозик бир пайтда қилган бу қарорим худонинг менга кўрсатган улуғ ганимати! Мен сени яхши кўраман, Луиза! Сен меники бўлиб қоласан, Луиза! Энди отам олдига борай! (*Эшикка қараб тез юради. Президентга дуч келади.*)

ОЛТИНЧИ САҲНА

Бурунчилар. Президент хизматчилари билан.

Президент (*кириб*). Ўзи ҳам шу ерда экан... (*Ҳамма қўрқувда.*)

Фердинанд (*бир неча қадам орқага чекинар*).
Ҳа, шу ерда, ҳалол одамлар уйида.

Президент. Ўғлига ўз отасига итотат этмоқни ўр-
ганатурган жойдами?

Фердинанд. Рухсат этингиз бизга...

Президент (*унинг сўзини кесиб Миллерга*). Сиз
отаси бўласизми?

Миллер. Ҳа, шаҳар музиканти Миллер.

Президент (*хотинига*). Сиз онасимисиз?

Хотини. Оҳ! Ҳа, онаси бўламан!..

Фердинанд (*Миллерга*). Ота, қизингизни ташқа-
рига олиб чиқинг. У ҳушидан кетаёди...

Президент. Ортиқча меҳрибончилик! Биз уни ҳу-
шига келтириб қўямиз! (*Луизага*.) Сиз президент ўгли
билан кўпдан бери танишмисиз?

Луиза. Мен унинг кимлигини суриштирган эмасман.
Фердинанд фон-Вальтер афанди ноябрдан бери бизники-
га келиб-кетиб туради.

Фердинанд. Уни кўкларга кўтаради!

Президент. У сенга ваъдалар бердими?

Фердинанд. Энг тантанали ваъдаларни — худо-
ни ўртага солиб — бундан бир неча минутгина бурун
берди!

Президент (*ўғлига*). Шошма! Бу жинниликла-
ринг учун узр сўрашга сенга ҳам навбат келади. Ўзимиз
билдирамиз (*Луизага*.) Жавоб кутаман!

Луиза. У менга севги тўғрисида қасамёд қилди.

Фердинанд. Ҳам қасамида қаттиқ туради.

Президент. Жим! деб сенга буйруқ қилишим ке-
ракми? (*Луизага*.) Бу қасамга ишондингизми?

Луиза (*мулоҳим*). Мен ҳам шундай қасамёд қил-
дим.

Фердинанд (*қатъий*). Биз умрбод қовушганмиз!

Президент. Мен буюраман, товушингни ўчир!
(*Луизага*.) Аммо ўғлим ҳар сафар нақд тўлаб турган
бўлса керак?!

Луиза (*ҳайрон*). Гапингизга тушунолмайд туриб-
ман!

Президент (*заҳарханда*). Тушунмайсиз? Хўш,
мен шуни демоқчиман: ҳар бир ҳунарнинг ўз эвази, ҳар
бир оласининг бераси бор. Мен ўйлайманки, сиз ҳам
ширин сўзларингизни текинга бермагандирсиз ёки бир-
гина роҳатнинг ўзи сизга кифоя эдими-а?

Фердинанд (*аччиғланиб яқин келади*). Лаънати!
Нима дединг?!

Луиза (*майорга маъюс ва виқор билан*). Вальтер афанди, энди сиз бўшсиз! Ихтиёр ўзингизда.

Фердинанд. Ота! Гарчи гадолик чопонида бўлса ҳам ифбатга ҳурмат керак!

Президент (*қаҳқаҳа билан*). Ажойиб сўз ўйлаб топибсан! Ота, ўғлига ўйнаш бўлган қизни, ҳурмат қилсин эмиш.

Луиза (*ҳушсиз йиқилар*). Тангрим!

Фердинанд (*Луиза билан сўзлашиб туриб Президентга қилич ўхталар, аммо дарҳол яна туширар*). Ота! Гарданимда болалик қарзим бор эди, энди қарздан узилдим! (*Қилични қинига солар.*) Болалик ҳурмати татом бўлди.

Миллер (*шу дамгача қўрқиб, ўзини панага тортган Миллер шиддат билан илгари чиқади. Талваса ва қўрқувдан тишларини ғижирлатиб гапиради*). Президент ҳазратлари, болага ота сингари меҳрибон бўлган ким бор? Кимки қизни бузуқ деб хўрласа, отанинг юзига шапалоқлаган бўлади. Шапалоққа шапалоқ билан жавоб бериш бизнинг расмимиз, кечиргайлар!

Хотини. Худойим ўзинг сақла! Мана энди чол ҳам тажаанганиб, телба тўнини тескари кийди! Бир балага йўлиқмасак гўрга эди.

Президент. (*Унга қулоқ солмай.*) Ҳ, қўшмачи ҳам бош кўтарди! Ҳозир сен билан ҳам гаплашамиз, қўшмачи!

Миллер. Кечиргайлар, менинг отим Миллер, агар музика эшитмоқчи бўлсангиз, марҳамат! Аммо қўшмачилик менинг ишим эмас! Сизнинг ўрдангиз бу хилдаги одамларга сероб. Бу ишдан биздай фақирларнинг ёрдамига муҳтожлик йўқ, кечиргайлар!

Хотини. Худо ҳаққи, чол! Гап қайтарма! Мени ҳам, қизингни ҳам нобуд қиласан...

Фердинанд. Ота! Бундай найрангбозликни кўрсатишдан илгари, гувоҳ бўлиб турган мана бу одамларни нари қилсангиз бўларди.

Миллер (*Президентга яқин келиб*). Тушунарлик ва равшан айтилган... Кечиргайлар! Президент ҳазратлари! Мамлакатда қандақасига ҳукм сурсангиз суриинг, аммо бу ер менинг уйим — мабодо сизга ишим тушиб арз-ҳол қилмоқ тўғри келса, бош эгиб, арз қиламан. Аммо чақирилмаган ҳар қандай меҳмонни остонадан суриб чиқараман. Кечиргайлар...

Президент (*ғазабидан бўзариб*). Нима? Нима дедимиз? (*Унга яқин келади.*)

Миллер (*эхтиётлик билан чекириб*). Менинг фикрим шу, барон, кечиргайлар.

Президент (*ғазаб билан*). Ҳ! Аблаҳ! Сени бу одобсиз фикринг билан зиндонда чиритаман! Ҳай, полицияни чақиринг! (*Хизматчилардан бир нечаси чиқар.*)

Президент (*ғазаб ва жаҳл билан уйда кезар.*) Отасини зиндонга солинг! Онаси билан бузуқ қизни бозор айлантириб сазойи қилинг! Ҳаққоният, менинг ғазабимга кўмак қилар! Бундай беадабларга берилатурган жазодан қониқишим керак! Шундай муттаҳамлар менинг режаларимни бузишга жасорат қилсинлар! Ота-болани ёвлаштирсинлар! О, лаънатилар! Мен сизни ҳалок қилиб ўзимнинг қаҳру-ғазабимни босаман! Сизнинг бутун уруғ-аймоғларингизни қасос оловларида ёндираман!

Фердинанд. (*Уларнинг олдига келар. Вазминлик билан.*) Тўхтаг — ҳали қўрқмангиз! Мен сизнинг томонда! (*Президентга иззат қилиб.*) Ота, бунчалик ошиқмангиз, агар сиз ўз қадрингизни билсангиз, — зўравонлик қилмасангиз! Менинг қалбимда ҳали «ота» сўзи жарангламаган бир жой бор — шу жойга тега кўрмангиз!

Президент. Жим тур, аблаҳ! Ғазабимни баттар қўзгама!

Миллер (*оғир фикрдан бош кўтариб*). Қизга қараб тур, хотин. Мен герцог олдига бораман. Худо бошимга бир фикр солди! Урдада ишлайтурган тикувчи мендан най ўрнади, герцог олдига киришга ўша ёрдам қилар. (*Кетмоқчи бўлар.*)

Президент. Герцог олдига! Афтидан, унутганга ўхшайсан. Мен шундай баланд говманки, ундан ё сакраб ўтасан, ё бўйнинг узилиб кетади. Герцог олдига эмиш, каллаварам! Қани кўрайлик-чи, дўзахдай қўрқинчли, на товуш, на заррача ёруғлик кирадиган қоронғи зиндонда туриб ҳам герцог олдига бора олармикансан?

ЕТТИНЧИ САҲНА

Бурунгилар, полиция.

Фердинанд (*Луизага томон югуриб боради. Луиза унинг қўлига хушсиз йиқилади*). Луиза! Ердам беринг! Қутқаринг! Аҳволи ёмон! (*Миллер ҳассасини олар, шляпасини кияр, мудрофаага тайёрланар. Хотини президент оёғига йиқилар.*)

Президент (*полициячиларга орденини кўрсатиб*). Герцог номидан буюраман, тутингиз буларни!.. Бола, бу маъжалақидан қўлингни торт! Хушсиз бўлса, жин урмайди! Бўйнига кишан солганда тош-тупроқ отиб бозор

айлантириб сазойи қилинганда тезда ўзига келиб қолади.

Хотини. Раҳм қилинг, жаноб олийлари! Раҳм қилинг! Раҳм қилинг!

Миллер (*ғазаб билан хотинини ердан кўтарар*). Муттаҳамга эмас, худога ёлбор, кампир! Барибир мен зиндонга тушдим.

Президент (*лабини тишлаб*). Қараб тур мохов, дорга ҳам яраб қоларсан! (*Полициячиларга*) Сизга нима дедим? (*Полициячилар Луизага яқин келар.*)

Фердинанд (*Луизага яқин келар, унинг олдида турар*). Қани, ким экан ботиниб келадиган? (*Қилични қини билан ушлаб, сопи билан мудофаага тайёр турар.*) Фақат ўз калласини полицияга сотиб қўйган одамгина бу қизга қўл теккиза олади. (*Президентга*) Ўзингизга раҳмингиз келсин. Жаҳлимни чиқарманг, ота!

Президент (*полициячиларга дўқ уриб*). Агар еган нонингизни ҳалолласангиз... қўрқоқлар (*полициячилар яна Луизага яқин келарлар*).

Фердинанд. Йўқолинг, аблаҳлар! Сизга айтаман — қайтинг! Тағин айтаман, ўзингизга раҳмингиз келсин, жаҳлимни чиқарманг, ота!

Президент (*ортиқ ғазаб билан полициячиларга*). Шуми ҳали ғайратингиз, муттаҳамлар! (*Полициячилар Луизани маҳкамроқ ушлайдилар.*)

Фердинанд. Х, шундайми, ҳали?! Иш шунгача бордими? (*Қиличини яланғочлаб, полициячилардан бир нечасини ярадор қилади.*) Худо, ўзинг кечир мени...

Президент (*қаттиқ жаҳл билан*). Қани, кўрайлик-чи, бу қилич менга ҳам тегармикан? (*Луизани ўзи ушлаб уни кўтариб полициячилардан бирига беради.*)

Фердинанд (*заҳарханда билан*). Ота, ота! Бу қилмишингиз билан худонинг худолигига қора доғ солмоқчисиз. Модомики, у учига чиққан жаллодлардан ёмон министр қилган бўлса, демак, худо одамларни яхши танимас экан.

Президент (*полициячиларга*). Олиб боринг уни...

Фердинанд. Ота! Қиз сазойи қилинади. Аммо президент ўгли майор билан бирга! Сиз ўз фикрингизда қаттиқ турасизми?

Президент. Томоша яна ҳам қизиқроқ бўлади. Олиб боринг!

Фердинанд. Мен ўз офицерлик қиличимни қизнинг оёқлари остига ташлайман. Шунда ҳам фикрингиздан қайтмайсизми?

Президент. Қилич сеники, ҳам сенда туриб хўрликка кўникиб қолган. Олиб боринг! Олиб боринг дейман! Буйруғимни эшитмадингизми?

Фердинанд (*полициячилардан бирини итарар, бир қўли билан Луизани ушлар, иккинчи қўли билан қиз кўкрагига қилчичини тўғриллар*). Ота, рафиқамни сизга хўрлатмасдан бурунроқ ўзим қиличимни кўксига ботираман! Ҳали ҳам фикрингизда қоласизми?

Президент. Нима дейман, агар қиличинг ўткир бўлса...

Фердинанд (*Луизани қўяр, кўкка қўлларини чўзиб тикилар*). Ўзинг кўриб турибсан, парвардигор, бутун одамгарчиликнинг ҳамма йўлларини қилиб кўрдим. Фойда бермади!! Энди иблисларча ҳаракат қилиш керак! Майли, сазойи қилингиз, аммо мен шу чоқда (*президентнинг қулоғига қичқирар*) отамнинг қандай қилиб президент бўлиб қолганини бутун пойтахтга ёяман! (*Тез кетар.*)

Президент (*яшин ургандай саросима ичида*). Нима, нима?! Фердинанд! Тўхтаг, қолдиринг қизин! Фердинанд! (*Майор орқасидан тез чиқар*).

УЧИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Президент саройида бир зал. Президент, секретарь Вурм киради.

Президент. Ишнинг чуви чиқди!

Вурм. Мен шундан хавфсирар эдим, жаноб ҳазратлари! Зўрлик ҳамиша хаёлпараст кишиларни ғазаблантиради, аммо ҳеч бир эпақага келтиролмайд.

Президент. Мен бу планларимга бутун умидимни боғлаган эдим. Агар қиз шарманда қилинса, у офицерлик ғурури билан қиздан айнаб кетар деб ўйлаган эдим.

Вурм. Жуда соз. У ҳолда бу ишни ўша шармандагарчиликка олиб бориш керак эди.

Президент. Ўзим ҳам ўкиниб қолдим, ҳар нима бўлса ҳам, сирни бой бермаслик керак экан... Қанча дўқ урса ҳам, турган гап, у, албатта, бу ишни қилмас эди.

Вурм. Ундай деманг! Ғазабга келган ошиқ, ҳар қандай тентакликка тайёр туради. Майор сизнинг бу хилда юрт сўрашингизни кўриб, ҳамиша бундан норози эканини ўзингиз айтгансиз. Бунга ишонаман! Ўғлин-

гизни академияда ўқиб келтирган фикр-қаноатлари дастлаб менга равшан эмас эди. Бутун ҳикмат каттаю кичик бўлиб тинч роҳат яшаш ва эскидан қолган қонун-қоидаларга мувофиқ умр кечиришда, модомики шундай экан, оққўнгиллик, ўрда ичидаги олижаноблик тўғрисидаги афсона хаёллар нимага ярар эди? У ҳали ёш, қони қизиқ, давлат ишининг бундай суст-бўшанг бориши унга ёқмайди, шунинг учун гурурлик уни аллақандай зўр ишларга етаклайди.

Президент (қайғу билан). Бундай чуқур гапларнинг ишимизга қанчалик манфаати тегади?

Вурм. Бу гап билан мен жаноб олийларига ҳам касални, ҳам давосини кўрсатмоқчи эдим, кечирасиз, бундай одамга ё ишонмаслик, ё ишонгандан кейин у билан жанжал қилмаслик керак эди. Сизнинг мартабангизни кўтарган йўл-йўриқларга у нафрат ўқийди. Балки у, ўғлингиз бўлгани сабабидан, шу дамгача ўз хонлик тилини тийиб келгандир. Унинг ишқини бўғиб бораберинг, сизда оталик меҳри йўқ эканлигини туйдиринг, ана шунда у, биринчи ўринга ватан вазифаларини қўяди. Ҳақ ва адолат йўлида ўз отасини қурбон қилишгача боради.

Президент. Вурм! Вурм! Сиз мени даҳшатли чоҳга олиб кетаётирсиз!

Вурм. Уша чоҳдан сизни қутқармоқчиман, ҳазратим! Очқроқ гапиришим мумкинми?

Президент (ўлгириб). Қандай қиламиз. Айбдор дўстлар каби қимтиниб гаплаша берамиз-да.

Вурм. Ундай бўлса мени кечирасиз. Менимча сизни президентликка кўтарган саройдаги чаққон илмий-ҳунарга тан берсангиз керак. Хўш, ота бўла туриб, нега ўзингизга унда ишонч туғдиролмадингиз? Ҳали-ҳали эсимда! Сиз ўзингиздан олдинги президентни қандай оқ қўнгиллик билан қарта ўйнашга кўндирдингиз, у билан бирга дўстларча мағрурлик қилиб бутун бир кечани ўтказдингиз, аммо худди шу кечанинг ўзида... Унга қарши қўйган бомбангиз портлаши ва бу билан президент тўзғоқдай тўзиб кетиши керак эди... Нега ўғлингизга душманни кўрсатиб қўйгансиз? Унинг ишқ можарасида менинг хабардорлигимни ўзи сира билмаслиги керак эди. Сиз бу ишга қиз томондан туриб аралашганингизда эди, ўғлингизнинг ҳам сиздан кўнгли қолмаган бўларди. Сизга ўз ишига пухта душманининг асосий кучига эмас, унинг тўдаларига ҳужум қилиб тор-мор келтирадиган лашқарбошининг ролини ўйнашга тўғри келади.

Президент. Мен буни қандай қилардим?

Вурм. Жуда осон, иш ҳали ҳам қўлдан кетганича йўқ. Ота эканингизни бир оз унутинг! Ошиқ билан олишмангиз, чунки ҳар бир қаршилиқ унга яна далда беради. Менга ихтиёр беринг, унинг ишқ алангасида қурт пайдо қилайин, токи бу қурт унинг ўз гўштини есин.

Президент. Хўш, қани?

Вурм. Ё мен одамзоднинг руҳини билмайман, ёки майор афанди севгида қандай бўлса, рашк масаласида ҳам шундай қўрқинчли киши. Ҳеч бир асос бўлмаса ҳам унинг кўнглида қизга кичик бир шубҳа туғдирдингиз! Уни куйдириб ошириб-тошириш учун зиғирдай хамиртуруш бўлса бас!

Президент. Бу зиғирдай хамиртурушни қайдан топамиз?

Вурм. Гапнинг лўндасига мана энди келдик! Энг олдин жаноби олийлари, сиз менга шунга айтингиз-чи, борди-ю, майор, бўлганим шу деб туриб олса, бу сизни қанчалик ташвишга солади, ҳам бу қиз билан бўлган нари-бери гапларга хотима чекиш ва Леди Мильфорд тўғрисидаги режангизни юзага чиқариш сиз учун қайси даражада аҳамиятга эга?

Президент. Ҳали бу тўғрида сўраб ўлтирибсизми, Вурм? Агар Леди билан никоҳ бўлмаса, мен ўзимнинг бутун нуфузимни, таъсиримни йўқотган бўламан. Агар майорни мажбур қилсам бошимдан ажраламан.

Вурм (*жонланиб*). Энди марҳамат қилиб менга ҳам қулоқ солсангиз, биз майор афандини ҳийла тузоғига илинтирамиз. Бутун қўлингиздаги ҳукуматни қизга қарши соламиз! Биз бошқа бир кишининг номига қиздан хат ёздирамиз, бу хатни эпчиллик билан майорга етказамиз!

Президент. Аҳмоқона гап! Гўё қиз ўзига ўзи гўр қазир, ўзига ўзи ўлим ҳукмини ясармиш.

Вурм. Рози бўлиши керак. Фақат бунга мени вакил қилингиз, ўз билганимча иш қилишга рухсат этингиз. Мен унинг юрагига қўл солиб кўрганман, яхши биламан! У юракнинг икки нозик нуқтаси бор: бири отаси, бири майор. Шуларни қурол қилиб туриб, унинг виждонини забт этиш мумкин! Майор бутунлай бир чеккада қолади, музикант билан ишни бир ёқлик қилиш эса биз учун яна жўн бўлади.

Президент. Чунончи?

Вурм. Чунончи сиз жаноб ҳазратлари унинг уйда бўлиб ўтган ҳодисани менга гапирган эдингиз. Чол музи-

кантни мана бу иши учун суд билан қўрқитишдан осони йўқ. Президент герцог жанобларининг соялари бўлади. Герцогнинг муҳр сақлагичи энг яқин одамини ҳақорат қилиш, аъло ҳазратни ҳақорат қилиш билан тенг, Қўя-беринг! Мана шундай бир пўписа билан ҳеч бўлмаганда у бояқишни ийнани тешигидан ўтказаман.

Президент. Тагин иш жиддийлашиб кетмасин.

Вурм. Қўлдан келганини қиламиз! Фақат бутун оилани қийин бир ҳолга солиб қўймоқ зарур. Биз энг олдин, киши билмас, музикантни қамаймиз. Яна кўпроқ қўрқитиш учун онасини ҳам қамасак бўлади. Зўр жиноятлар тўғрисида дор ёғочлари ва умр бўйи зиндонга ташлаш тўғрисида гапирамиз. Ҳам булардан қутилиш учун фақат қиздан хат олишни шарт қилиб қўямиз.

Президент. Яхши. Жуда соз. Англадим!

Вурм. Қиз отасини жони-дилидан яхши кўради. Отасининг ўлим хавфида қолиши, энг камида қамалиши, бунга ўзининг сабаб бўлгани учун вужудга келган виждон азоблари, майор билан қовушмоқнинг иложининг йўқлиги, ниҳоят, унинг устига яна мен, миясини ачитиб берсам... Мана буларнинг ҳаммаси қизини тузоққа туширмай қўймайди...

Президент. Аммо ўғлим-чи? Уни нима қиламан? Ахир у буларнинг ҳаммасидан дарров огоҳ бўлмайдами? Яна баттар қутуриб жиғибийрони чиқмайдами?

Вурм. Бу ёғини менга қўйиб бераверинг, жаноби олийлари! Бутун оила, ҳамма гапни сир тутишга, ёлғонини рост дейишга қасамёд қилгунча, биз отаси билан онасини қамоқдан чиқармаймиз.

Президент. Қасам? Қасамнинг нима аҳамияти бор, аҳмоқ?

Вурм. Биз учун балки ҳеч аҳамияти йўқдир, президент жаноблари! Аммо бу хилдаги одамларга қасамдан кўра улуғ нарса йўқ. Шундай қилиб биз иккимиз осонлик билан ўз мақсадимизга эришамиз. Қиз майорга қўйган муҳаббатини ва ўз шуҳратини йўқотади... Ота-онаси эса бу машмашалардан кейин сувдай мулоим, мусичадай сўфи бўлиб қоладилар. Пировардида унга мен ўз қўлимни тутсам, бу билан қизнинг яхши номини ўзига қайтарган бўламан. Ота-онаси эса буни раҳм-шафқатдан деб, мендан миннатдор бўладилар.

Президент (бошини қимирлатиб кулар). Ҳ, муғомбир, сен мени йўлда қолдирдинг! Ипидан игнасиғача хўп пухта ўйлабсан! Шогирд устозидан ошиб тушди!

Хўш, энди гап бу ерда: Хатни кимнинг номига ёзамиз?! Ёлғондан кимни қизга ўйнаш қиламиз?

Вурм. Албатта, ўғлингиз кўрсатадиган бу томоша орқасида ё ҳамма нарсани бой бериб оёғи осмондан келадиган, ё қўли баланд бўладиган одамни топиш керак.

Президент (*бир оз ўйланиб*). Мен гофмаршални биламан холос!

Вурм (*елқасини қисиб*). Агар мен Луиза бўлсам эди, асло у дидимга ёқмаган бўлар эди.

Президент. Унинг нимаси ёқмайди. Қадди-қомати келишган! Усти башанг! Савлати жойида! Ундан энг тоза атирларнинг ҳиди келади. Бутун сўзи аҳмоқона, пули ҳам етарли, наҳотки шуларнинг ҳаммаси қизни қизиқтирмаса? Эй дўстим! Рашик бор жойда ақл бўлмайди, дейдилар. Яхши, маршалга киши юбораман. (*Кўнги-роқ чалар.*)

Вурм. Жаноблари ҳозирча маршал билан машғул бўлсалар ҳам, скрипкачини қамоққа буюрсангиз. Мен бориб керак бўлган ишқий хатни ёза турай.

Президент (*ёзув столига келар*). Ёзиб бўлганингдан кейин олиб кел, мен ўқиб кўраман! (*Вурм кетар. Президент ёзиш учун столга ўлтирар. Хизматчи кирар. Президент ўрнидан туриб қорғозни хизматкорга берар.*)

Президент. Қамоқ тўғрисидаги мана бу буйруқни дарҳол полицияга юбориш керак. Биттангиз гофмаршални чақиринг!

Хизматчи. Гофмаршал афанди ўзлари ҳам ҳозир келаётирлар.

Президент. Яхши бўпти! Айт, қамашда мумкин қадар аҳтиёт бўлсинлар. Ҳеч қандай шов-шув бўлмасин.

Хизматчи. Бош устига, жаноб олийлари!

Президент. Тушундингми? Мумкин қадар оҳисталик билан!

Хизматчи. Бош устига, жаноб олийлари. (*Хизматчи кетар.*)

ИККИНЧИ САҲНА

Президент, Гофмаршал.

Гофмаршал (*шошиб-пишиб*). Йўл устида бир зиёрат қилиб ўтай деб кирдим, азизим! Аҳволлари қалай? Қайфлари чоқми? Бу кеча катта бир опера қўйилди. Ажойиб мушакбозлик бўлади. Бутун бошлик шаҳар ўт ичида қолади. Сиз шаҳарнинг ёнишини бир кўрсангиз эди.

Президент. Менга ўз уйимдаги мушакбозлик ҳам етиб-ортиб турибди. Бу мушаклар ўзимни ва бутун шаъну шавкатимни кулларини кўкка совурмаса деб кўрқаман. Яхшики, азизим маршал, вақтида етиб келдингиз, бу мушкул ишда менга маслаҳат ва астойдил ёрдам беришингиз керак. Бу иш иккимизнинг мартабамизни бундан ҳам баланд қилади ё бўлмаса, тамомила ер билан яқсон қилади! Ўтиринг!

Гофмаршал. Эй, менинг кайфимни учирманг, азизим!

Президент. Сизга такрор айтаман: ё тагин кўтариламан, ё буткул йўқ бўламан! Сиз менинг майор билан Леда ҳақидаги режамни биласиз, тушунаси, ўз бахтимизни сақлаб қолиш ҳар иккимиз учун нақадар зарур гап. Ана шу тахту бахтимиз емириладиган кўринади, Кальб! Менинг Фердинандим кўнмади.

Гофмаршал. Кўнмади? Кўнмади? Ахир мен тўй тўғрисида бутун шаҳарга жар солдим-ку! Буларнинг ниқоҳи ҳамманинг оғзида гап.

Президент. Энди сиз бутун шаҳарга ёлғончи бўлдингиз! У бошқани севаркан!

Гофмаршал. Ҳазил қилиясиз! Шу ҳам гапми? Шу ҳам тўсиқми?

Президент. У ўлгудай қайсар одам. Шунинг учун ҳам бу тўсиқни кўтариб ташлаш анча мушкул.

Гофмаршал. У нима, жинни бўлганмики, ўз бахтидан ўзи юз ўтиради-я?

Президент. Сиз ўзидан сўранг, ҳам жавобини эшитинг!

Гофмаршал. Ё танграм! У нима ҳам деб жавоб беради?

Президент. Сиз билан мени бундай баланд мансабларга эга бўлиш мақсадида қилган қонли жиноятларимизни бутун саройга ошкора қилармиш. Қалбаки қозғоғларимизни, тилхатларимизни кўрсатармиш, ҳам сизни, ҳам мени ўлимга тўғри қилармиш. Сизга берадиган жавоблари шу бўлади!

Гофмаршал. Жинни-минни бўлдингизми?

Президент. У чинакам шу гапларни гапирди! Ҳатто у, айтганларини ўша топда бажармоқчи эди-ю, мен унга ялиндим, ёлбордим, йиғладим, шу билан зўрға уни ушлаб қолдим. Бунга нима дейсиз?

Гофмаршал (*афтини маъносиз буруштириб*). Нон урсин, каллам шишиб кетди.

Президент. Бу ҳалл ҳолваси! Бунинг устига .

айгоқчиларим менга шундай хабар келтирдилар: Обершенк фон Бок Ледига уйланишга тайёр турган эмиш.

Гофмаршал. Сиз мени чинакам жинни қиладиган бўлдингиз! Ким дедингиз? Фон Бок дейсизми? У билан мен бир-биримизга ашаддий душманмиз, бу сизга маълумми? Нима учун эканлигини ҳам биласизми?

Президент. Биринчи эшитишим.

Гофмаршал. Азизим! Агар сизга айтиб берсам тепа сочингиз тик туради. Хў, саройда бўлган бир базми эсланг-а. Бу гапга роса йигирма бир йил бўлди,— биз инглизча кадрил деган ўйинга биринчи мартаба тушган эдик. Граф фон Мершаумнинг қора костюмига катта шамдондан шам томиб кетган эди. Эй, худойим! Албатта булар эсингизда бўлса керак?

Президент. Шундай нарсалар кипининг эсидан чиқади дейсизми?

Гофмаршал. Буни қаранг энди! Маликаи Амалия ўйиннинг авжи қизиғида пайпоқ боғлоғичини йўқотиб қўйди. Ҳамманинг кўнгли ғаш бўлди. Фон Бок билан мен иккимиз у вақтда камер юнкер эдик — бутун зални тўс-тўполон қилиб бойлоғични ахтариб кетдик. Пировардида мен кўриб қолдим. Фон Бок буни пайқаб қолиб унга ўзини ташлади. У сурбет зўрлик билан бойлоғични менинг қўлимдан тортиб олиб, биласизми, маликага берди-ю, менинг тумшуғимнинг тагида туриб маликанинг лабларидан «раҳмат» деган сўзни узиб олди. Бунга нима деса бўлади?

Президент. Бу ўтакетган одобсизлик.

Гофмаршал. Наҳотки меники бўлган раҳматни тортиб олса-я? Оз бўлмаса ҳушимдан кетаёзган эдим. Бундай беорлик ҳеч кўрилганми? Ниҳоят ўзимни тутдим, маликаи шамъи жаҳоннинг олдига бориб дедим: «Маликам, фон Бок сизнинг бойлоғичингизни ўзингизга топшириш бахтига мушарраф бўлди. Аммо бу бойлоғични дастлаб кўрган одам уни кўришдай улуғ насибани ўзи билан шодланиб бир бурчакда жимгина турибди», дедим.

Президент. Қойил, маршал, қойил!

Гофмаршал. Мен, фон Бокни то қиёматгача эсимдан чиқармайман. Айёрликни хотим қилган тулки! Бу ҳали ҳаммаси эмас, иккимиз бойлоғични олиш учун олдинга ташланганимизда фон Бок менинг паригимни ўнг томониغا сепилган бутун упаларни артиб юборди. Шу кеча бутун зиёфатдан қуруқ қолдим.

Президент. Яна шу одам Леди Мильфордга уйланади. Саройда энг сара одамлардан бўлиб қолади!

Гофмаршал. Сиз юрагимга нашта ураётисиз. Уша уйланармиши? Уша-я? Ҳ, нега? Бу нега керак бўла қолти?

Президент. Нимага десангиз, менинг Фердинандим хохламади, шу одамдан бўлак харидор йўқ.

Гофмаршал. Майорни рози бўлишга мажбур қилатурган бирор қаттиқ чорани иложини қилмайсизми? Бу чора ҳар қанча хунук бўлса ҳам майли. Дунёда бўлган ҳар қандай ярамас, паст хойнона ишларга бориш керакки, лекин муттаҳам фон Бокни нари қилиш керак.

Президент. Мен бу чорани биламан. Лекин у сизга боғлиқ.

Гофмаршал. Менга боғлиқ? Бу иш ҳам-а?

Президент. Майорнинг севгилисидан билан орасини бузасиз.

Гофмаршал. Орасини бузасиз?! Нечун? Мен буни қандай қиламан?

Президент. Агар бир майорнинг кўнглида қизга нисбатан гумон туғдиролсак, ҳамма ишни ўришлатган бўламыз.

Гофмаршал. Қиз ўғирлик қилса, дейсизми?

Президент. Эй, йўғ-эй! У бундай гапларга ишонамайди! Қиз бошқа бировга ҳам кўз сузади деган гап билан.

Гофмаршал. У бошқа биров ким бўлди?

Президент. У одам сиз бўлсангиз экан, барон!

Гофмаршал. Сиз бўлсангиз дейсизми? Мен-а? Ўзи дворянин қизими?

Президент. Бу гапнинг нима ҳождати бор? Музикачининг қизи.

Гофмаршал. Демак, фақир — тўпори бир қиз экан-да? Бу иш ярамайди-э...

Президент. Нега ярамайди? Бўлмаган гап? Бу кўркем қизга илиниб қолиши кимнинг фикрига келипти дейсиз?

Гофмаршал. Лекин сиз ўйланг-а, ахир менинг хотиним бор. Ҳаммадан ҳам саройдаги обрўйимни айтинг!

Президент. Ҳ-ҳ, бу бошқа гап, кечирасиз! Мен билмаган эканманки, сизга гап-сўз ўтадиган нуфузли одам бўлишдан кўра, шаънига сира доғ тегмаган одам бўлиш афзалроқ экан. Бас, гапни йиғиштирдик!

Гофмаршал. Оҳ, қўйсангиз-чи, барон! Мен бундай демоқчи эмас эдим.

Президент. Йўқ! Йўқ! Сиз мутлақо тўғри айта-

сиз. Ҳазимни ҳам жонимга теғди. Мен энди қўлимни ювиб қўлтиққа урдим. Фон Бокнинг бахтини тилайман — майли, у биринчи министр бўлсин. Герцогга мени бўшатиб қўйиш тўғрисида истеъфо бераман.

Гофмаршал. Мен-чи? Мен нима қиламан? Сизга айтишга осон! Ҳқиган одамсиз! Мен-чи, эй худо! Борди-ю, мени лутфи шоҳоналаридан бебахра қилиб бўшатиб қўйгудай бўлса, унда қандай кун кечираман?

Президент. Кечаги маъноли сўзларингиз, ўтган йилги янги нусха модаларингиз билан кун кечираверасиз.

Гофмаршал. Ялинаман сизга, азизим, олтиним! Бу фикрларни бошингиздан чиқариб ташланг! Мен ҳам-ҳамма нарсага тайёрман.

Президент. Миллернинг қизи хат ёзса, хатда сиз билан учрашув вақти тайинланса, сиз шунга розилик берасизми?

Гофмаршал. Худо ҳаққи, тайёрман!

Президент. Сиз бу хатни майор кўрадиган бирон жойда атайин тушириб қўясизми?

Гофмаршал. Масалан, мен парадда рўмолча олиш баҳонасида билмасдан тушириб қўйган бўламан.

Президент. Майорнинг олдида, бутун ҳаракатларингиз билан қизнинг ўйнаши ролини ўйнайсизми?

Гофмаршал. Ҳали ҳам ўйнаётиман-ку! Мен у одобсизнинг пок муҳаббатимга ғараз билан қарашига йўл қўймайман.

Президент. Демак ҳамма нарса текис кетаверади... Хат шу куннинг ўзидаёқ ёзилади. Кечга яқин хат учун бу ерга келасиз. Ҳйнайдиган ролларингиз тўғрисида келишиб, маслаҳатлашиб оламиз.

Гофмаршал. Ҳн олти ерда энг муҳим ишларим бор. Шун битиргач, келаман, шунинг учун кечирасиз. Тўхтовсиз жўнашим керак! (*Жўнамоқчи бўлар.*)

Президент (*қўнғироқ чалади*). Мен сизнинг чақонлигингизга ишонаман, маршал!

Гофмаршал. Эй, азизим, ўзингиздан ўтар гап йўқ. (*Кетади.*)

УЧИНЧИ САҲНА

Президент ва Вурм.

Вурм (*кириб*). Скрипкачи билан хотини жимгина қамоққа юборилди. Энди жанобларига хатни ўқиб берсаммикан?

Президент (*хатни ўқиб бўлиб*). Жуда соз, жуда сара, секретарь афанди! Маршал ҳам илинди. Бундай заҳар ҳар қандай соғ танни ҳам моховга ошно қила олади. Хўш, энди ҳозирнинг ўзидаёқ бутун шартларни отасига, сўнгра қизга билдириш керак.
(*Икки гарафга чиқиб кетишади.*)

ТҶРТИНЧИ САҲНА

Миллернинг уйда бир хона. Луиза, Фердинанд.

Луиза. Сенга ялинаман, шу гапларингни қўй! Еруғ кунлар келишига энди ишонмайман. Буткул умидларим қамишнинг тўзғоғидай тўзидилар.

Фердинанд. Лекин менинг умидларим яна кучайди. Отам разаблангач; менинг отам бутун куч-қувватини бизга қарши солаяпти. У, мени одамгарчилиги йўқ ўғил бўлиб қолишимга мажбур қилаётир. Унга бўлган болалик қарзимни менинг учун қиммати қолмади. Бу изтироб, бу аламлар уларнинг қотиллик сирларини очиб ташлашга мени олиб кетаётир. Ўғил ўз отасини жаллод қўлига тошпиради. Энг катта хавф мана шунда. Модомики менинг муҳаббатим катта ғалаба қилиши керак экан, унинг қўрқинчли хавф-хатарларига йўлиқмай иложи борми? Луиза, қулоқ сол! Худди ишқим каби бепоён ва дадил бир фикр кўнглимни қитиқлаётир. Сен бор, Луиза, мен бор, яна муҳаббат бор. Бутун дунё шу уч нарсанинг ичида эмасмикин? Ёки сенга яна тўртинчи бир нарса ҳам керакми?

Луиза. Етар, гапирма! Сўзларингдан юрагим дир-дир титрайди.

Фердинанд. Ахир бундан сўнг сўрайдиган бизнинг ҳеч қандай талабимиз бўлмади, биз нега гадоё сингари унинг хоҳишини сўраймиз? Кишига фойда эмас, зиён берадиган иш учун урунмоқнинг маъноси нима? Бу хумор кўзлар хоҳ Рейн дарёсида, хоҳ Эльбада, Болтиқ денгизида — ишқилиб қаерда бўлса ҳам зиройли акс этади. Луиза мени қаерда севса, ўша ер менинг ватаним! Ёввойи чўл, яланғоч қум саҳроларда босган изларинг менинг учун бу ватанимнинг ҳашаматли олтин кошоналаридан юксакдир! Биз обод шаҳарларни қўмсармидик? Биз қаерга борсак, ўша ерда ҳам қуёш чиқади, қуёш бўлади. Бундай гўзал томоша олдида энг юксак санъатларнинг ҳам ранги ўчади. Биз худога ибодатхонада саж-

да қилмаймиз, ҳар янги ой, тавба-истигфор кунларини бизга кўрсатар. Биз билан бирликда муқаддас юлдузлар ибодат қиладилар. Ажабо, ишқ-муҳаббат тўғрисида лаазатларга кўмилиб, гаплашмакдан чарчаймизми? Менинг Луизамнинг ипак табассуми юз йиллар учун бир дoston. Бу қуралай кўзлардан томган марварид ёшларнинг сабабини тополмасам — ёруғ жаҳон кўзимга тор бўлади.

Луиза. Сенинг севгидан бўлак вазифанг йўқми?

Фердинанд (*уни қучоқлаб*). Сенга осойишталик бериш менинг муқаддас вазифам.

Луиза (*қатъийлик билан*). Ундай бўлса, гапирма, ўз ҳоли-жонимга қўй. Менинг отам бор. Яқинда у 60 ёшга тўлади. Кўзининг оқу қораси ёлғиз қизидан бўлак ҳеч кими йўқ. Мана шу камбағал президент қийноғига мубтало бўлмасин...

Фердинанд (*тезгина унинг сўзини бўлиб*). У бизнинг орқамиздан боради. Қайтарма сўзимни, жонгинам. Мен бориб ўзимнинг қимматбаҳо буюмларимни пул қиламан, отамнинг номига заём ёздириб оламан. Қароқчининг молини таламоқ гуноҳ эмас! Ахир, у ўз бойлигини халқ қони билан йиққан эмасми? Ярим кечада арава тайёр бўлади. Биз аравага ўлтирамиз, ҳайт, деб қочамиз.

Луиза. Отанг бизнинг изимиздан қарғаб қолмай-дими? Қарғиш деган нарса ёмон бўлади. Ҳатто бош кесарларнинг қарғиши ҳам кишига тегмай қолмайди. Қарғиш худди қўрқинчли бир хаёл каби, биз қочқинларни тоғдан-тошга, денгиздан-денгизга қувади. Йўқ, жоним! Агар ёлғиз жиноятгина мени сен билан қовуштирадиган бўлса, мен у чоқда сени тарк этмоқ учун ўзимда куч топаман!

Фердинанд (*қайғули ҳолда сўзлайди*). Чинакамми?

Луиза. Тарк этмоқ! Оҳ! Нақадар даҳшатли фикр бу! Бу шу қадар даҳшатлики, ҳатто ўлмас жонларни ҳалоқ қилишга, шодлик билан ёниб турган юзларни ўчиришга қодир. Сени тарк этмоқ! Лекин ҳар ҳолда биз ўзимиз эга бўлган нарсани йўқотамиз холос. Сенинг қалбинг эса яна ўз мартабанг билан бирга қолади. Мен муқаддас ибодатхона ўғриси каби орзулар қилдим. Энди буларнинг ҳаммасидан титраб-қақшаб туриб воз кечаман.

Фердинанд (*пастки лабини тишлар, қайғули юз билан*). Воз кечасанми?

Луиза. Йўқ! Очиқ чеҳра билан менга бир қара, азизим Вальтер! Яқин кел! Мендан ўрнак ол, кел, ўлаётган мардоналигимга далда бер! Рухсат эт — безиб кетган ўғилни ўз отасига қайтариш билан шу пайтда бир қаҳрамон қиз бўлай. Фақирлар, кўнгли синиқлар дунёсининг расм-одатини бузғувчи, жамият тартибини издан чиқарувчи бундай аҳд-паймонлар ишини узиб ташлай. Мен жиноятчиман: чунки менинг кўнглим аллақандай бўлмагур ҳавас, ярамас орузларга кўмилди. Бахти қоралик эса менга берилган жазо. Шундай қалбаки ширин хаёллар билан кўнглим озгина бўшайди. Буни менга раво кўрмайсанми? *(Фердинанд талваса, ғазаб ичида скрипкани чалмоқчи бўлади. Бирдан симларини узиб ташлайди, скрипкани ерга уриб пачақлайди ва қаҳқаҳа уриб кулади)*. Вальтер! Вой худойим! Бу нима қилиқ? Ўзингни тут! Бундай вақтда ўзингни тута билишинг керак. Бу ахир ҳижрат соати... Сенда юрак бор-ку, жоним Вальтер! Мен биламан у юракни. Сенинг муҳаббатинг ҳаёт каби қизгин ва дунё каби бепоён. Бу муҳаббатни олижаноб ва ўзингга муносиб бир қизга ҳадя қилсанг эди — у қиз, энг бахтиёр хотинларга ҳам сира ҳасад қилиб қарамас эди. *(Ийғидан ўзини куч билан сақлаб)*. Энди бундан кейин мен сени кўрмайин ҳам, куймайин ҳам. Майли, қўй, бу алданган мақтанчоқ қиз тўрт девор қучоғида йиғлаб-йиғлаб кўнглини бўшатсин. Унинг кўз ёшлари билан кимсанинг иши йўқ. Келажагим қоронғи, умидармонларим заволга юз тутди. Ўтмишнинг қонсиз, рангсиз тўплам гулларини гур-гур ҳидлаб қўярман. *(Қайрилиб унга титраб турган қўлларини беради)*. Хайр, Вальтер афанди!

Фердинанд *(ўзига келиб)*. Мен қочаман, Луиза! Сен кетимдан чинакамдан бормайсанми?

Луиза *(уйнинг ичкарасига бориб ўлтиради, юзини қўллари билан тўсади)*. Менинг қарзим, қолишга ва сабр этишга мажбур этади.

Фердинанд. Ёлғон айтасан! Заҳарли илон! Сен бошқа бирорта киши билан топишганга ўхшайсан.

Луиза *(руҳий ғазаб билан)*. Майли, сиз шу фикрда қолинг, зора бу қайғуларимни юмшатса...

Фердинанд. Чўғдай ёнган юракка берган жавобинг қандай совуқ! Бундай тилёғламалик билан кимнинг кўзига тупроқ сочмоқчи бўласан? Сенинг ўйнашинг бор! Эшитиб қўй, мабодо гумоним тўғри чиққундай бўлса, сенинг ҳам, ўша ўйнашингнинг ҳам аҳволи ёмон бўлади *(тез чиқар)*.

БЕШИНЧИ САҲНА

Луиза ўзи ёлғиз бир қанча вақт жим, ҳаракатсиз креслода ўлтирар, кейин турар, қўрқув ичида уёқ-буёққа олазарак қараб, олдинга бир неча қадам ташлар.

Луиза. Отам билан онам қаерда қолишди экан? Отам бир неча минутдан кейин қайтиб келмоқчи эди, ҳозир беш соат ўтиб кетди. Уларга бир бало йўлиқмадимикан? Менга нима бўлди? Юрагим нимага орзиқанти *(шу минутда Вурм киради. Саҳнанинг тўрида тўхтайди, Луиза бунни сезмайди)*. Ҳеч гап йўқ-ку. Қайнаган қонни қўрқинчли бир ўйини бўлса керак... Юрагингга бир ваҳима тушдими, кўзингга ҳар бир бурчакдан алланимарсарлар кўринаверади.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Луиза ва секретарь Вурм.

Вурм *(яқин келиб)*. Кечингиз хайрли бўлсин!

Луиза. Тангрим — ким бу? *(Қайрилиб қарайди. Вурмни кўргач, қўрқув билан чекинади.)* Қандай қўрқинчли! Кўнглимга келган даҳшатли нарсалар бўлмай қолмайди шекилли *(нафрат билан қараб)*. Сиз балки президентни қидирарсиз?.. У киши кетиб қолди!

Вурм. Мен сизнинг олдингизга келдим.

Луиза. Мен сизнинг майдонга бормаганингизга таажжуб қиламан.

Вурм. У ёққа бориб нима қиламан?

Луиза. Ўзингиз уйланатурган қизни сазойиликдан қутқариш учун.

Вурм. Мамзел, Луиза! Мендан гумонсирашингиз ўринсиз.

Луиза *(жавоб қилишни тиламай)*. Сизга нима керак?

Вурм. Мени отангиз юборди.

Луиза *(қўрқиб)*. Отам? Отам қаерда?

Вурм. Гапнинг рости, ўзи унча хушламаган жойда.

Луиза. Худо ҳаққи! Тезроқ айтсангиз-чи! Бир балони кўнглим сезгандек... Отам қаерда?

Вурм. Агар, албатта, билишни истасангиз — зиндонда.

Луиза *(кўкка қараб)*. Тангрим, энди бу кўргулик ҳам бормиди.) Отам зиндонда? Нега? Нима учун?

Вурм. Герцог буйруғи билан.

Луиза. Герцог буйруғи?

Вурм. Герцог ўз вакили орқали ҳақорат эшитгани учун.

Луиза. Нима? Нима дейсиз? Улуғ танграм!

Вурм. Бошқаларга танбеҳ бўлгундай қаттиқ жазо беришга қарор қилди.

Луиза. Менга бу кўргулик ҳам бормиди?.. Албатта... Турган гап. Менинг кўнглимда майордан бошқа бир қанча илинжларим бор эди. Мен улардан кўз юмиб ўтолмадим. Герцогнинг ҳақорат қилиниши — эй парвардигори олам! Ишонч-умидимни барбод қилма! Фердинанд нима қилар экан?

Вурм. Ё Леди Мильфордга уйланиши керак, ёки оқпадар бўлиб меросдан маҳрум бўлиши керак.

Луиза. Қўрқинчли ихтиёр эркинлиги! Шундай бўлса ҳам, у мендан кўра бахтлироқ. Фердинанд ўз отасидан айрилмайди. Отасизликнинг ўзи катта бир кулфат. Менинг отам улуғ герцогни ҳақорат қилишда айбланади, менинг севган ёримга эса, ё Ледини олиш ёки оқпадар бўлиб меросдан айрилиш керак бўлади... Бу чинакам ғалати нарса! Учига чиққан разиллик ҳам бир камолатдир. Камолат! Йўқ, яна бир нарса етишмайди... Онам қаерда?

Вурм. Авахтада.

Луиза (*қайғули табассум*). Энди бўлди! Энди тугади. Ҳаммасидан жудо бўлибман! Мен шодликдан, кўз ёшидан, умид-армондан, ҳаммасидан-ҳаммасидан айридим. Энди менга уларнинг нима ҳам кераклиги бор? (*Мудҳиш жимлик.*) Эҳтимол сизда янги гаплардан тагин бордир. Айтаверинг, мен энди қандай гап бўлса ҳам эшита оламан.

Вурм. Нима бўлганидан ўзингиз хабардорсиз.

Луиза. Аммо нималар бўлади, билмайман-ку? (*Яна пауза. Жимлик орасида Вурмнинг бошидан оёғигача кўз юритиб чиқади.*) Бечора, жуда ҳам паст ҳунаринг бор экан! Бу ҳунар билан ҳеч қачон бахтиёр бўлмайсан. Бошқаларни бахтсиз қилиш жуда ёмон гап. Аммо бундан ҳам хунук, бундан ҳам жирканч нарса уларнинг бадбахтлигини хабар қилиб қарғадай қақиллаш, қонга буланган юракни темир қисқич орасида қандай типирчилашини келиб томоша қилиш ва бир христианнинг худога шак келтиришини эшитиб туришдир. Ўзинг асра, танграм! Агар сенинг кўз олдинда ваҳм, қўрқувдан томган ҳар бир қатра кўз ёши учун менга бир қутидан олтин берганларида ҳам, сенинг ўрнингда

бўлишни истамас эдим. Айт, тагин нималар бўлиши мумкин?

В у р м. Билмадим.

Лу и з а. Сиз билишни истамасиз! Бу ёруғликдан ҳуркиган хабар, ўз товушидан баттарроқ қўрқади, лекин мана бу башарангиздан гўристон жимлигидай қўрқинчли бир шарпа сезаётirman. Хўш, тагин нималар бўлар экан? Сиз ҳозиргина — герцог қаттиқ жазо бермоқчи — дедингиз. Сизнинг фикрингизча қаттиқ жазо нима дегани?

В у р м. Бас, мендан сўрайверманг!

Лу и з а. Қулоқ сол! Сен жаллодга шогирд тушгансан. Йўқса пухта юрак билан ўйнашмоққа бунчалик уста бўлмас эдинг... Отамнинг бошига қандай кулфатлар тушади? Сенинг қулимсираб айтган нарсангнинг ўзи — ўлим. Нега яшириб жим турасан? Гапир! Мени янчиб ташлайдиган ҳамма юкларингни устимга ағдар. Айт, отамни нима қилмоқчилар?

В у р м. Криминал тартибида суд қилинса керак.

Лу и з а. Бу қанақа сўз? Мен сизларнинг бундай қўрқинчли, лотинча сўзларингизга тушунмайман. Криминал судми, нима деганинг?

В у р м. Яққол қилиб айтганда, бу судда ё ўлади, ё қолади.

Лу и з а (*қатъий*). Раҳмат! (*Ен уйга кириб кетади.*)

В у р м (*ҳайрон*). Бу нима қилгани бўлди? Бу тентак қиз яна бир балонинг бошини қўзғамасин... Йўқ, эй!.. Бунинг кетидан чопишим керак. Бунинг ҳаёти учун мен жавобгарман... (*Луизанинг орқасидан кирмоқчи бўлади.*)

Лу и з а (*елкасига плашини ташлаб чиқар*). Кечирасиз, секретарь афанди! Мен эшикни бекитаман.

В у р м. Бундай ошиқиб қаёққа борасиз?

Лу и з а. Герцог олдига (*кетмоқчи бўлади*).

В у р м. Нима? Қаёққа? (*Қўрқиб уни ушлар.*)

Лу и з а. Герцог олдига бораман. Эшитмаяпсизми? Отамни ўлдириш ёки қолдиришга ҳукм этмоқчи бўлган герцог олдига бораман!.. Йўқ! У буни истамаса ҳам, шундай қилишга мажбур! Чунки буни бир неча бош кесарлар, жаллодлар истайдилар. Герцог улуғлиги таҳқирлангани учун қилинадиган бу судда герцог фақат ўз улуғлиги ва герцоглик имзоси билан қатнашади холос!

В у р м (*қаҳқаҳа билан*). Герцог олдига!

Лу и з а. Нима учун кулаётганингизни биламан. Лекин мен у ердан раҳм-шафқат сўраб бормоқчи эмасман, худо сақласин! Фақат нола-фарёдим билан унинг жонига тегмоқчиман, жонига! Менга айтган эдиларки, бу дунё-

даги катта одамлар ғам нима — ҳасрат нима — билмайдилар, билишни ҳам истамайдилар деб. Мен унга билдираман қайғу-ҳасратнинг нималигини! Улим талвасаси билан тасвирлаб бераман қайғу-ҳасратнинг нима эканлигини! Унга миясидан то суяқларигача ботиб кетувчи фарёдларимдан қайғу-ҳасратнинг нималигини билдираман! Гапларимдан сочлари тикка бўлганда унинг қулоғига қичқириб айтаманки: ер худолари ҳам жон берарда оғизларидан кўпиклар сочиб, ғарғара қиладилар. Тонгла қиёмат кўни гадони ҳам, герцогни ҳам битта чиғириқдан ўтказадилар деб, айтаман. *(Кетмоқчи бўлади.)*

В у р м *(масхара қилиб)*. Боринг! Боринг! Бундан кўра маъқулроқ нарса ўйлаб топиш мушкул. Мен боришингизга маслаҳат бераман. Герцог сизга мурувват қилади.

Л у и з а *(бирдан тўхтаб)*. Нима дедингиз? Сиз ўзингиз маслаҳат бераётибсизми? *(Тез қайғар.)* Ҳ-м-м-м? Нима қилсам экан? Агар шу одамнинг ўзи маслаҳат бердиган бўлса, бунда бир қўрқинчли гап борга ўхшайди. Герцогнинг шафқат қилишини сиз қаёқдан биласиз?

В у р м. Чунки текинга эмас-да!

Л у и з а. Текинга эмас. Герцог ўз шафқат-мурувватини неча пулга сотади?

В у р м. Арз билан борган шундай саз бир қизнинг баҳоси бўлса керак, дейман.

Л у и з а *(ранги ўчиб ҳайронликда қолар, сўнгра титроқ товуш билан)*. Тангрим!

В у р м. Отангизни қутқариш учун лозим бўлган тўловга оғирсинмасангиз керак.

Л у и з а *(ғазаб билан уй ичида кезади)*. Хаҳ! Тўғри, асроил ўз қиличи билан сақлангандай, сизнинг бу мартабаси улуг ҳакимларингиз ҳам ҳақиқатдан ўзларининг айбларини қалқон қилиб сақланадилар. Отажоним, сен худонинг ўзига омонатсан. Қизинг, шарманда бўлишдан кўра, сенинг йўлингга ўлишга тайёр.

В у р м. Кимсасиз бечора чол учун бу гапингиз янглик. Отангиз менга: «Менинг Луизам мени тупроққа кўмди, тупроқдан чиқарувчи ҳам Луизамнинг ўзи бўлади», деган эди. Сизнинг жавобингизни тез унга бориб айтий. *(Кетмоқчи бўлган кишидай ҳаракат қилади.)*

Л у и з а *(ошиқиб борар уни тўхтатар)*. Тўхтаг-тўхтаг! Сабр этинг! Бу шайтон, кишини жинни қиладиган ишга қандай ошиқади. Уни мен тупроққа тенг қилган эканман, тупроқдан кўтариб олувчи ҳам ўзим бўламан. Гапиринг! Маслаҳат беринг! Кўлимдан нима келади? Нима қилишим керак?

В у р м. Фақат биргина йўл бор.

Л у и з а. Қандай йўл?

В у р м. Отангиз ҳам шуни маъқул кўради...

Л у и з а. Отам ҳам, бу қандай йўл экан?

В у р м. Бу сиз учун енгил.

Л у и з а. Мен учун шармандаликдан кўра оғир нарса йўқ.

В у р м. Фақат сиз майорни бўшатиб қўйсангиз бўлгани.

Л у и з а. Унинг муҳаббатиданми? Сиз мени калака қилиясизми? Ўзингиз мажбур этган ишни яна ўз ихтиёрига солмоқчи бўласизми?

В у р м. Сиз сўзимни тушунмадингиз! Яхши қиз! Биринчи галда майорнинг ўзи сиздан қайтмоғи керак.

Л у и з а. У қайтмайди.

В у р м. Балки шундайдир. Агар бу ишдан фақат сизнинг ўзингиздан ёрдам керак бўлмаганда эди, сизга ким мурожаат қиларди, дейсиз.

Л у и з а. Мен қандай қилиб уни ўзимни ёмон кўришга мажбур эта оламан?

В у р м. Бир уриниб кўрамиз. Қани ўлтиринг-чи!

Л у и з а (*қўрқув билан*). Ниятинг нима?

В у р м. Ўлтиринг, ёзинг. Мана қалам, қоғоз, мана свёҳ!

Л у и з а (*қаттиқ ҳаяжон ичида ўлтирар*). Нима ёзаман? Кимга ёзаман?

В у р м. Отангизнинг жаллодига!

Л у и з а. Ҳа, тенги йўқ, дилозор. (*Қаламни олар.*)

В у р м (*айтар*). «Ҳурматли жаноб олийларига... (*Луиза титраб ёзар.*) Оғир уч кун бўлдики... оғир уч кун кўришганимиз йўқ».

Л у и з а (*тўхтаб қаламни қўяр*). Кимга бу хат?

В у р м. Отангизнинг жаллодига!

Л у и з а. Танграм!

В у р м. «Майордан аҳтиёт бўлингиз... У, мени, арвоҳ каби изимдан кун-тун пойлаб юради».

Л у и з а (*санчиб турар*). Бу кимса эшитмаган бир хиёнат! Хат кимга?

В у р м. Отангизнинг жаллодига!

Л у и з а (*уй бўйи юринар, қўлларини уқалар*). Йўқ! Йўқ! Йўқ! Бу ўтакетган тошбағирлик! Эй танграм, қилча гуноҳи йўқ кишига нега жазо берасан? Нега мени икки ўт ўртасида куйдирасан? Нега мени ажал билан шармандалик ўртасида гаранг қиласан? Нега бу қонхўр

иблисни менинг бошимга чиқардинг? Нима қилсангиз қилинг — мен ёзмайман!

В у р м (*шляпасини олмоқчи бўлар*). Яна ўзингиз биласиз — мамзел Луиза. Ҳамма ихтиёр сизда.

Луиза. Ихтиёр менда дейсизми? Менинг ихтиёримда? Бир бечорани аввал дўзах ўтларига ташла, орқасидан унинг ўзи шу нарсани хоҳлайдими, йўқми, яна сўраб ҳам қўй! Сен яхши биласан, табиий муҳр деган нарса юракларимизни занжирдан кўра қаттиқроқ боғлаб туради. Энди мен учун барибир! Айтинг, ёзаман. Ўйлаб ҳам ўтирмайман. Бу дўзах макрларига бардош қиламан, йўл қўяман. (*Яна ўлтиради.*)

В у р м. «Кўланка сингари кун-тун ажралмай пойлаб юради» ёздингизми?

Луиза. Давом этинг.

В у р м. «Кеча уйимизга президент келди. Шунда кўнгилчан майор менинг номусимни шундай ҳимоя қилдики, кўрсангиз кулгингиз келади».

Луиза. Жуда соз! Жуда яхши! Жуда сара! Давом этинг.

В у р м. «Мен ҳушимдан кетган бўлдим... Қаҳқаҳа уриб кулиб юбормаслик учун ҳушимдан кетган бўлдим».

Луиза. Э, танграм!

В у р м. «Аммо тез кунда ўз башарамни билдириб ундан қутулсам...»

Луиза (*яна тўхтар, уй бўйи юринар, бошини қуйи солар, бирдан, бир нарса ахтарган кишидай юрар. Яна ўлтурар, ёза бошлар*). «Ундан қутулсам...»

В у р м. «Қуни эрта у хизматда бўлади. Хабардор бўлинг, у менинг олдидан кетганидан кейин ваъдалашган жойимизга келинг» ёздингизми? «Ваъдалашган жойимизга».

Луиза. Ҳаммасини ёздим.

В у р м. «Ваъдалашган жойга — сизни севгувчи Луизангиз олдига етиб келинг».

Луиза. Фақат адреси ёзилмай қолди.

В у р м. «Гофмаршал фон Кальб афандига».

Луиза. Эй улуғ танграм! Бу шарманда хат менинг қалбимга қанчалик ёт бўлса, бу ном ҳам менинг қулогимга шунчалик ёт. (*Турар, хатга қимирламай узоқ жим тикилиб қолар, сўнгра Вурмга хатни берар, ғамли товуш билан сўзлар.*) Олинг, мен ўзимнинг тоза номимни, Фердинандни, бутун бахту саодатимни сизга топширдим. Мен энди бир гадоман.

В у р м. Жуда маъқул! Хафа бўлманг, яхши қиз! Мен

сизга чин кўнглимдан ачинаман. Менга қолса шундай бўлишини истармидим? Мен унча-муўча нарсани назар-писанд ҳам қилмайман. Худо ҳаққи! Тўғри айтаман. Сиз учун кўп афсус ейман.

Луиза (*унга тек, хўмрайиб қарар*). Гапирманг, бўлди! Қўрқинчли муддаонгиз бордай кўринади.

Вурм (*унинг қўлидан ўпмоқчи бўлади*). Хўш, борди-ю, бу нозик қўлчаларни орзу қилсам-чи?.. Сиз бунга нима дер эдингиз, жоним Луиза!

Луиза (*даҳшатли ғурурлик билан*). Сени биринчи никоҳ кечасидаёқ бўғиб ўлдирад эдим. Иннайкейин, кулиб-кулиб ўзимни жаллодларга тошпирад эдим. (*Кетмоқчи бўлар, яна қайтар.*) Энди ишингиз битгандир, афандим. Йўрғалаб қолсангиз ҳам бўлар...

Вурм. Яна жиндек нарсаси қолди, хоним. Сиз мен билан ибодатхонага борасиз. Бу хатни ўз ихтиёрингиз билан ёзганингизни ҳар вақт бўйнингизга олиш учун қаттиқ қасамёд қиласиз!

Луиза. Эй тангрим! Бу иблис ишларига сен ҳам ўз муҳрингни босасанми? (*Вурм уни олиб кетар.*)

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Президент ўрдасида бир зал. Фердинанд фон-Вальтер, қўлида очилган хат ушлаган ҳолда кириб келар. Иккинчи эшикдан хизматкор киради.

Фердинанд. Маршал бу ерга келмадими?

Хизматкор. Президент жаноблари сизни ўз ҳузурларига чақирмоқдалар, майор афанди!

Фердинанд. Лаънат! Мен маршал бу ерга келмадими деб сўраётимман.

Хизматкор. Барон афанди юқоридалар, қарта ўйнамоқдалар.

Фердинанд. Етти дўзах номидан буюраман, маршал афанди ҳозир бу ерга келсин! (*Хизматчи чиқади.*)

ИККИНЧИ САҲНА

(*Фердинанд ўзи ёлғиз хатни ўқир, гоҳ тик қотиб қолар, гоҳ ғазабга чидамай уй ичида кезар.*)

Фердинанд. Бу ҳеч мумкин эмас!.. Мумкин эмас! Ундай илоҳий бир жисм ичида бундай шайтоний бир

қалб яширинмас... Аммо... Барибир! Агар бутун малаклар кўкдан тушиб унинг софлигига гувоҳлик берсалар ҳам,— худонинг ўзи бутун яратганлари билан бирликда бу қизнинг тозалигига кафил бўлса ҳам,— ахир бу қўл Луизанинг қўли-ку! Бу ҳақиқатда мислсиз қўрқинчли бир алдовки, одамзод боласи уни асло қўрмаган! Мен билан қочиб кетишга кўнмаслигининг сири мана бу ерда экан! Шунинг учун ҳам, эй танграм!.. Энди сенинг кўзларинг чарақлаб очилдими, Фердинанд? Энди сенга ҳамма нарса равшанми? Шунинг учун ҳам у, менинг муҳаббатимни қаҳрамонларча рад қилган, ҳатто ўзимни ҳам оз бўлмаса — шу йўлга солай деган экан... *(Уй ичида тез-тез юрар, сўнгера ўйланиб тўхтаб қолар.)* Мени шунчалик ишимдан игнамгача билиб олса-ю, ҳатто менинг қалбимдаги ҳар бир дадил ҳисга, ҳар бир алангали орзуга муносиб жавоб қила олса-ю, кўнглимнинг энг ингичка тутқич бермас, беқарор оҳанглари билан бирга шу қадар чуқур англаб олса, ҳар томчи кўз ёшимиз қурбони, бошимизни айлантирган ҳар бир ишда ҳамроҳим бўлиб, энг қўрқинчли ишқ тоғларига ҳам мен билан бирга қадам ташласа-ю... Эй танграм!.. Танграм!.. Наҳотки пировардида келиб-келиб шу гапларнинг ҳаммаси фақат муғомбирлик, фақат ҳийлакорлик бўлиб чиқса-я?! О, ёлгончиликнинг бунчалик ранго-ранг пухта йўллари бор экан, нега шу чоққача шайтон алдов билан жаннатга кирмади экан? Мен унга муҳаббатимизнинг хавф остида қолаётганини билдирганимда бу ҳийлакор қиз, жуда усталлик билан оқариб-бўзариб кетди. Отамнинг қилган таъна маломатларига кўнгли дарё ботирдай бардош қилди. Шу билан тенг буларнинг ҳаммасига ўзини айбдор ҳам қилиб кўрсатди. Бу бузуқ қиз ҳақиқат ўтига тоб беролмаган шекилли — ҳушидан ҳам кетди. Энди сен қайси юзинг, тилинг билан муҳаббат ҳақида гапира оласан? Сатанглар ҳам ҳушидан кетар эканми? Сен ўзингнинг онаси ўлмаган қиз эканлигингни нима билан исбот этасан? Бузуқлар ҳам ҳушидан кетар экан. Мени қайси аҳволга солиб қўйганини ўзи яхши билади. У менинг бутун кўнглимни билади. Мен уни биринчи марта ўпганимда уялганимдан юзим ловуллаб ёниб — қалбим кўзларимда жуда тиниқ акс этган эди. Шунда ҳам бу қизнинг юраги сира ҳам жизилламаганми? Эҳтимол ўз ҳунарининг таянғаси унинг кўнглини роса қитиқлаган бўлса керак! Мен-чи, мен уни бағримга босганимда бутун дунёни қучоқлагандай бўлардим. Унга ҳеч қандай ёмон кўз билан қарамасдим. Кўнглим, шу қизнинг дарди би-

лан доим ўртаниб ёнишдан бўлак ҳеч нарса билмас эди! Тангрим! Ўшанда ҳам унинг юраги сира жизилламаганми? Бирон нарсани ҳис қилмаганми? Балки у ўз планини ўринлатадими — фақат шуни ўйлаган бўлса керак. Улим, мени алдамоқчи бўлганларга.

УЧИНЧИ САҲНА

Гофмаршал, Фердинанд.

Маршал (*уйга чаққон келиб кирар*). Мени бир кўрсам деган экансиз, азизим...

Фердинанд (*ўз-ўзига*). Битта аблаҳнинг калласини узмоқчиман! (*Қаттиқ*). Маршал, бу хатни балки парадда чўнтақдан тушириб қўйган бўлсангиз керак, мен (*заҳарханда билан*) бахтга қарши топиб олдим.

Маршал. Сизми?

Фердинанд. Ғалати бир ҳодиса сабаб бўлди! Сиз энди бу дунё билан ҳисоб-китобингизни тугатинг!

Маршал. Сиз мени қўрқитманг, барон!

Фердинанд. Ўқинг! Ўқинг! (*Ундан узоқлашар*). Агар ошиқликка ярамасам, аҳтимол қўшмачиликка яраб қоларман. (*Маршал хатни ўқир экан, Фердинанд девор олдига келар: Ундан икки пистолет — тўппонча олар*.)

Маршал (*хатни столга ташлар ва қочмоқ истар*). Вой лаънати-ей!!

Фердинанд. (*Қўлидан маҳкам тугар ва тўхтагар*). Сабр этинг, қимматли маршал! Хатдаги хабар жуда ёқиб кетган бўлса керак. Буни топиб келтирганим учун сиздан бирор мукофот оларман деб ўйлайман (*унга тўппонча кўрсатар*).

Маршал (*қўрқиб чекинар*). Ақлингизни йиғинг, жоним!

Фердинанд (*қаттиқ даҳшат билан*). Ақлим шунчалик жойидаки, сендай паст ҳайвонни ҳозир нариги дунёга жўнатаман. (*Унга тўппончани зўрлаб берар ва ўз дастрўмолчасини ёнидан олар*.) Олинг! Рўмолчани тугтинг! Мен бунга ўша бузуқ қиздан олганман!

Маршал. Рўмолча орқали отишасизми? Эсингиз жойидами? Буни қаёқдан ўйлаб топдингиз?

Фердинанд. Сенга айтаман! Ушла, бу учидан, бўлмаса отолмай қоласан... Қўрқоқ!.. Бу қўрқоқнинг қалтирашини!.. Худога шукур қил, умрингда биринчи мартаба лоақал бошингга бирон нарса кириб қолди, қўрқоқ!

(Маршал қочар.) Қочиб овора бўлмасалар ҳам бўлади.
(Қувлаб етар, эшикни қулфлаб олар.)

Маршал. Уйнинг ичида отипасизми, барон?

Фердинанд. Сен узоқроққа боришга ҳам арзимайсан! Уқ товуши уйнинг ичида гумбирлаб чиқади, сен умрингда биринчи мартаба қаттиқ бир овоз чиқарган бўласан. Нишонингни ол!

Маршал (манглайини артиб). Сиз ўзингизнинг ҳам шундай азиз жонингизни хатарга қўясизми? Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган йигитсиз-ку, ахир.

Фердинанд. Нишонингни ол, дейман! Бу дунёда ортиқ қилатурган ишим қолмади.

Маршал. Лекин менинг қилатурган ишларим кўп, севиқли барон!

Фердинанд. Сенинг ишинг кўпми, ҳўкиз? Қандай ишлар улар? Ўрда ақлларига лаганбардорлик қилишми? Бир минутда етти букилиб таъзим беришми? Улуғингни неча мартаба таҳорат ушатганини ҳисобга олиб боришми? Сендай ҳайвонни у дунёга бирга олиб кетмак ўзи катта гап! Сен у ерда ғазаб ичидаги гуноҳларнинг нолафарёдларига — худди ўргатилган маймуңдай — ўйинга тушиб берасан. Икки оёғинг билан тик турасан, югуриб-югуриб хизмат қиласан. Абадий ғам-қайғуга мубтало бўлганларни саройда ўрганган ҳунаринг билан хурсанд қиласан...

Маршал. Нима десангиз — ҳўп. Нима десангиз — майли! Фақат тўппончани нари қилинг!

Фердинанд. Бу аблаҳ қандай кўрқди! Худо одамларни олтинчи куни яратган. Бу лаънати эса мана шу кун учун катта бир қора доғ. Буни худо яратган эмас, балки буни ёлғондан аллақандай китобфуруш ясаган! Шу арзимаган қовоқ каллада ҳам ўсмай боқилиб ётган бир неча мисқол мия бор. Мен шунга ачинаман, холос! Агар шундаги мия, маймуңда бўлсайди — албатта, одам бўлиб кетарди. Бунда бўлса тирноқча ақл йўқ. Луиза ҳали кўнглини шундай одамга берганми? Бу ғалати бир гап! Кечириб бўлмас бир ҳол! Бундай пастарин одам, бундай афт-ангорликлар, кишини гуноҳ қилишга тортади, балки гуноҳдан тияди.

Маршал. Худога шукур! Гапга овора бўлиб қолди!

Фердинанд. Хайр, бунга ҳам раҳм этай. Чувалчангга қилинатурган шафқатдан бу ҳам баҳра олсин. Буни бўлак бир кимса кўрса энсаси қотиб ташландиқлар, ювиндилар билан жонворларнинг ризқини берган дор ёғочдаги қарғани, тожи тахт боғида подшоҳларнинг нафсини қон-

дирган парвардигорнинг қудратига, қолаверса, орзусини олмоқ нияти билан дунёсида ҳам илон-чаёнларни яратган худонинг қудрат кучига тан бериб, ҳайрат бармоғини тишлаб қолади. (*Яна ғазаб қайнаб.*) Аммо менинг гулноримга бу ҳашарот ифлос қўлларини тегизолмас! (*Маршалнинг елкасидан тутиб уни қаттиқ силкийди.*) Йўқса, буни янчиб ташлайман! Махф этаман!

Маршал (*ўзи тўғрисида ўйланиб*). Эй худо! Мен нима қилсам бунинг қўлидан қутуламан. Бунинг чангалига тушгандан кўра юз чақирим нарида Бисетридаги жиннихонада — Парижда бўлишга рози эдим.

Фердинанд. Ҳой ифлос! Агар қизнинг номуси кетган бўлса! Ҳой аблаҳ (*ғазаб билан*), мен эътиқодимни қўйган нарсга билан сен роҳат қилган бўлсанг, мен ўзимни худо деб билган бир жойда сен бор-йўқни вайрон қилган бўлсанг (*бирдан жим қолар, сўнгра ҳайратли говуш билан*). О Шиллиққурт! Менинг ғазабимга дучор бўлгандан кўра дўзахда қочиб бекинганинг минг мартаба яхшироқ. Айт, қизни нима қилдинг? Ростини айт?!

Маршал. Менга тегманг, ҳаммасини айтиб бераман!

Фердинанд (*Пистолет — тўппончани маршал кўкрагига тақаб*). О! Бошқа билан энг юксак хаёлларга берилгандан кўра бу қиз билан ўйнашмоқ жуда ширин бўлса керак? Раҳм-шафқат қилсанг ҳам у ўз ҳайвоний ҳирсининг баҳосидан наст тушмайди. Ростини айт, бўлмаса теңкисини босиб юбораман.

Маршал. Ахир ҳеч нарсга бўлгани йўқ! Худо ҳаққи ҳеч нарсга қилганим йўқ! Бир минут сабр этинг. Сизни алдашипти, алдашипти ахир.

Фердинанд. Ҳали сен ҳам буни юзимга солмоқчи бўласанми? Баттол! Қиз билан нималар бўлди? Ростини айт, бўлмаса, ҳозир ўлдираман!

Маршал. Вой худо-ей! Ўзингга тавба-ей! Айтиб турибман-ку ахир... Менга бир оз қулоқ беринг... Қизинг отаси... Ўз отаси...

Фердинанд (*қаттиқ*). Сенга қизини қўшиб бердим? Сен қизнинг ишини тамом қилдингми? Ростини айт, бўлмаса, ўлдираман сени!

Маршал. Ақлингиз жойида эмас, ахир қулоқ бермайсиз, мен ўзим у қизни умримда кўрган эмасман. Ҳатто танимайман ҳам. Худо урсин, мен унинг ҳақида ҳеч нарсга билмайман.

Фердинанд (*чеканиб*). У қизни умрингга кўрмагансан? Танимайсан? У қиз ҳақида ҳеч нарсга билмай-

сан? У сени деб ҳалок бўлди-ю, сен жонингнинг борича ундан тонасанми? Йўқол кўзимдан, разил! (Уни тўппонча дастаси билан урар, уйдан суриб чиқаради.) Сендай одамга ўқ ҳам ҳайф.

ТҮРТИНЧИ САҲНА

Фердинанд (башарасида даҳшатли фикр пайдо қилган, узоқ жимликдан кейин). Ҳалок бўлди! Ҳа, бахтсиз! Сен ҳам, мен ҳам ҳалок бўлдик! Парвардигор ҳақиқага қасамёд қиламан! Агар мен ҳалок бўлсам, сен ҳам ҳалок бўласан! Эй парвардигори олам, уни мендан жудо этма! Бу қиз меники! Мен шу қизни деб ёруғ дунёдан кечаман! Мен сен яратган бор гўзалликларни баҳридан ўтаман! Фақат бу қизни меники қилиб қолдир! Эй тангрим! (Қўлларини кўтариб.) Наҳотки сонсиз-саноқсиз нарсаларни яратган бўлсангу шу биргина қизни — барча яратганларнинг орасида энг ярамас, энг паст бир жонни мендан қизгансанг? Бу қиз меники! Мен бир вақтлар унинг олдида фаришта эдим, энди иблис бўламан! (Бир нуқтага тикилиб.) Иккимиз жазони бирга тортиб, абадийликка бирга кетамиз. Кўзларимиз кўзимизга термилиб қолган бўлади. Тик бўлган тарқоқ сочларимиз ва бўғиқ инграшларимиз бир-бирига қўшилиб кетади. Ушандай вақтда ҳам мен унга яна муҳаббат тўғрисида гапирарман. Унинг менга берган тантанали қасамини ёдига соламан. Эй худо! Эй тангрим! Қандай қўрқинчли, лекин бу абадий биргалик! (Тез чиқиб кетмоқчи бўлар, президент киради.)

БЕШИНЧИ САҲНА

Президент ва Фердинанд.

Фердинанд (чекиниб). О, Ота!

Президент. Яхши бўлдики — сени учратдим, ўғлим! Мен сенга ёқимли хабар келтирдим. Ултирайлик.

Фердинанд (унга узоқ тикилиб қарар). Ота! (Кучли ҳаяжон ичида унга яқин келади, қўлини тутади.) Ота!.. (Қўлини ўпади, қаршисида тиз чўкади.) Ота!

Президент. Сенга нима бўлди, ўғлим, тур! Қўлинг мунча қалтирайди, мунча иссиқ?

Фердинанд (*кучли хаяжон билан*). Менинг бе-
бошлигимни кечиринг, ота! Мен энди ҳалок бўлган одам-
ман! Мен сизнинг яхшилиқларингизга ишонадим. Мен
учун сиз оталарча куйдингиз! Сизнинг кўнглин-
гиз ҳар нарсани кўрувчи тоза кўнгил экан. Энди жуда
кечикдик... Кечиринг! Кечиринг! Дуо қилинг мени, ота-
жон!

Президент (*юмшоқ товуш билан*). Тур, ўғлим!
Сен бўлмагур нарсаларни алжираяпсан!

Фердинанд. Бу Миллернинг қизи — ота... О! Одам-
ларни сиз яхши танир экансиз. Сизнинг оталик меҳри
билан газабга келганингиз шу қадар ҳақ, шу қадар са-
мимий, шу қадар оташин эканки... Аммо эсизким, бу
меҳрибонлик мени кўрқинч йўлдан қайтаролмаяпти. Бу
Миллер деган қиз...

Президент. Мени қийнама, ўғлим? Мен ўз раҳм-
сизлигимдан хафаман. Мен сендан узр сўрагани кел-
дим.

Фердинанд. Мендан узр сўрагани? Сиз билиб
танбехлар берган экансиз! Сизнинг топюракли бўли-
шингиз ўғлингиз учун жон куйдиришдан экан! Бу Мил-
лер деган қиз, ота!

Президент. Жуда ҳалол, яхши қиз экан! Мен
ўзимнинг шошилиб ўйламасдан қилган гуноҳларимдан
пушаймонман. Мен энди уни ҳурмат қиламан.

Фердинанд (*чуқур таъсирланган ҳолда сачраб
турар*). Нима? Сиз ҳам шу фикрдамисиз, ота? Ҳақиқатан
бу қиз, ота, ифбат-номус деган нарсанинг ўзгинаси эмас-
ми? Бу қизни севмаслик мумкин эмас!

Президент. Уни севмаслик жиноят — дея қол!

Фердинанд. Бу қандай кўрқинчли гап! Сиз ки-
шининг кўнглида нима бор — дарров топасиз! Сиз унга
нафрат билан қараган эдингиз! Утакетган мунофиқ экан,
бу Миллер деган қиз, ота!

Президент. У, менга қиз бўлишга арзийди! Унинг
яхшилиги ўзининг паст бир авлоддан эканлигини ювиб
ташлайди. Гўзаллиги эса, катта бойликдир, ўғлим! Мен
сенинг ишқингга йўл қўяман. Майли, рухсат бераман,
сен шу қизни ол!

Фердинанд. Менга шу етмай турган эди!
Хайр, ота! (*Эс-хушини йўқотган ҳолда уйдан чиқиб ке-
тар.*)

Президент (*орқасидан*). Тўхта! Тўхта! Қаёққа
қочасан?.. (*Чиқади.*)

ОЛТИНЧИ САҲНА

Ледининг саройида зиннатли бир зал. Леди билан Софи киради.

Леди. Сен қизни кўрдингми? Келадими?

Софи. Ҳозир келади! У уй ичи кийимида экан, апил-тапил кийинмоқчи бўлиб қолиб эди.

Леди. Унинг ҳақида сира гапирма менга! Жим тур! Бу бахтли қизни кўра қолсам эди деб, рашким келиб, худди жиңоятчи хотиндай дир-дир титрайман. Қани, сен чақирсанг, у нима деди?

Софи. У ҳайрон қолгандай бўлди: кўзларини катта-катта очиб менга қаради-ю, хаёлга чўмиб жим турди. Мен уни гапга солиш ниятида сўз бошламоқчи эдимки, у менга хўмрайиб туриб: «Сизнинг Ледингиз мени чақиршти, ўзим ҳам эртага ижозат олиб кирмоқчи эдим», — деди.

Леди (*ҳаяжон билан*). Ўз ҳолимга қўй, Софи! Менга раҳминг келсин! Агар у энг тўпори хотинлардан бўлса қизараман, ундан ҳайиқаман.

Софи. Лекин бундай кайфият билан кундошга кўриниш бериб бўлмайди! Сиз кимсизу, у — ким? Бундай танангизга ўйлаб кўрсангиз-чи, ахир! Ўз насл-насабингизни, мартабангизни, қўлингиздаги ҳукуматни ёрдамга чақиринг, ишга солинг! Юрак мағрур бўлса — қиёфат ҳам шунчалик кеккайиб кетади.

Леди (*паршон*). Нималар деб вайсай ётибсан, тен-так?

Софи (*аччиқ билан*). Эҳтимол сиз ҳали шу қизга кўриниш учун шунча тоза бриллиантларни тақиб овора бўлиб ўлтургандирсиз? Ҳали шу қизга кўз-кўз қилиш учун ҳашамдор куйлак кийдингизми? Шунча махрамлар, шунча қуллар чақиртиришингизнинг нима кераги бор эди? Фуқародан чиққан бир қизни ўрдангиздаги энг чиройли уйларингиздан бирида кутиб олмоқчисиз?

Леди (*титраб-қақшаб у ёқ-бу ёққа тез-тез юрар*). О... бу хотинлар бир-бировининг кучсиз-заиф томонини дарров пайқаб оладилар-а! Мен ҳали шу қадар пастлашиб кетдиммики, шу махлуқ ҳам сирларимнинг ҳаммасини пайқаб юрган бўлса...

Хизматкор (*киради*). Луиза Миллер келди.

Леди (*Софига*). Чиқ бу ердан! Чиқ! (*Бўшанг қаддам ташлаган Софига дўқ қилиб.*) Сенга айтаман, чиқиб кет! (*Софи кетар, Леди залда юрар.*) Яхши! Шунча ҳовлиқиб олганим тузук иш бўлди! Ўзим ҳам шуни истаб

туриб эдим. (Хизматчига.) Айт, кирсин! (Хизматчи кетар. Леди диванга ўзини ташлар, ҳеч нарса билмаган кишидай кеккайиб ётар.)

ЕТТИНЧИ САҲНА

Луиза кирар, ёввошигина Ледидан узоқликда тўхтар, Леди орқаси билан ўгирилиб, қаршисидаги ойнадан бир қанча вақт диққат билан уни кўздан кечирар, жимликдан сўнг.

Луиза. Буйруғингизга ҳозирман!

Леди (Луизага ўгирилиб, боши билан билинар-билимас жавоб қилар, совуқ ва кибр билан сўзлар). Ҳа! Сиз шу ердасиз? Тузук... Сиз... Нима эди? Отингиз нима?

Луиза (бир оз жаҳл билан). Отамнинг оти Миллер, сиз унинг қизини чақиртиргандирсиз?

Леди. Тўғри! Тўғри! Эсимга тушди! Камбағал скрипкачининг қизи. Яқинда унинг ҳақида гап ҳам бўлган эди (ўзича). Жуда истараси иссиқ, лекин чиройли эмас! (Луизага қаттиқ.) Яқинроқ келинг, қизим! (Ичида.) Йиғлайвериб кўзлари қизариб кетгап. Бу кўзлар менга қандай ёқади! (Луизага қаттиқ товуш билан.) Яқинроқ, яқинроқ, яна ҳам! Худди мендан қўрқаётганга ўхшайсиз, қизим?

Луиза (мағрур ва қатъий). Йўқ, хоним! Мен оломоннинг гап-сўзларидан ҳам қўрқмайман!

Леди (ўзича). Бу қайсарлик ҳам ўшанинг ўзидан! Менга сизни тавсия қилган эдилар. Сиз баъзи бир нарсаларни ўрганган эмишсиз, ўзингизни ҳам яхшигина тутар экансиз: албатта, бунга ишонмай иложим йўқ... Сизнинг шундай қизгин ҳимоячингиз ёлгон гапирса, мен бутун дунё бойликларининг баҳридан кечар эдим.

Луиза. Мен учун сизга ўхшаган меҳрибонни топмоқ, дарду машаққатимни ўз устига олатурган ким бор дейсиз, хоним?!

Леди. Агар шундай одам топилса, бу машаққатни ўз устига ким учун олар эди? Сиз учунми? Еки сизга меҳрибон бўладиган хотин учунми?

Луиза. Бундай гапларга тушунишга ҳали бир оз ёшлик қиламан, хоним!

Леди. Бундай аччиқ гапиришингизга қараганда, сизни ҳийлакор деб ўйлаб бўлмайди. Отингиз Луизами? Ёшингизни билиш ҳам мумкинми?

Луиза. Ун олтига тўлиб ўн еттига қадам қўйдим.

Ле ди (*тез ўрнидан туриб*). Энди равшан! Ўн етти яшар! Севги томирларининг биринчи мартаба ура бошлаган пайти! Ҳали қўл тегизилмаган янги создан чиққан қумуш оҳанглар! Йигит киши учун бундан ширин нарса бўлмайди. Ўлтур, азизим, сен менга жуда ёқиб қолдинг! У ҳам биринчи мартаба шу қизни яхши кўрган бўлса керак. Тонг нурлари бир-бирига қўшилиб кетган бўлса бунга ажабланиб бўладими? (*Эркаланиб унинг қўлларини олар.*) Мен сенга бахт эшигини очмоқчиман, жоним! Бу олма юзларга маст-аласт бўлсанг ҳам, лекин булар тушдай тез ўтиб кетади. (*Юзига астагина шапатилар.*) Менинг хизматчим Софи эрга чиқаётипти. Сен унинг ўрнига кирасан, ўн олти яшар! Бу узоққа чўзилатурган нарса эмас.

Луиза (*ҳурмат билан унинг қўлини ўпар*). Бундай меҳрибончилигингиз учун раҳмат, миледи. Аммо мен буни қабул қилолмайман...

Ле ди (*ғазабли товуш билан*). Бунинг нозини... Бу танноз, каттазан хотинни қаранг-а! Сизга ўхшаган паст табақа қизлар агар хўжайин топсалар ўзларини жуда бахтли санайдилар. Мўлжалингиз нима, жоним! Ёки бу бармоқлар ишга жуда ҳам нозиклик қиладими? Ёки бўялган афтингиз билан кеккайиб кетдингизми?

Луиза. Хоним, мен насл-насабим учун айбдор бўлмаганимдай, ҳусним учун ҳам айбдор эмасман.

Ле ди. Ё ҳуснимнинг охири бўлмайди деб ўйлайсанми? Бечора, кимки сенга шундай деган бўлса, — сени ҳам масхара қилипти, ўзини ҳам. Бу юзлар ҳаминша яшнаб кетавермайди. Ойнада сенга чиройлик ва асл бўлиб кўринган қизилликни бугун бўлмаса эртага биронта жазманинг бу ёққа сидириб олади. Ундан кейин нима қиламиз?

Луиза. Устига олтин қошлатилган, сира айнимас олмос сотиб олдим деган жазманнинг ҳолига ачинамиз, холос!

Ле ди (*эшитмаган бўлиб*). Сени тенгингдаги қизларнинг кўз олдида ҳаммавақт икки хил ойна туради. Биринчанакам ойна бўлса, иккинчиси жазманлар бўлади. Жазманнинг ёқимли хушомадлари, чин ойнада кўринган қўполликларни тузатиб туради. Биттаси юзидаги хунук чўтирларни кўрсатса, иккинчиси «Тўғри эмас, бу гўзаллик чуқурчалари» дейди. Жазманингиз қачон сизлардан сови са ана шундан кейин ойнада кўринган ҳақиқатга қойил қоласиз. Охири, бориб-бориб миянгиз айнимагунча ойнадан — жазманга, жазмандан — ойнага югураверасиз... Нега мунча менга тикилиб қолдингиз-а?

Луиза. Кечирасиз, хоним! Мөн мана шу ялт-юлт ёниб турган ёкут-маржонларингизга раҳмим келяпти. Бу бечора ўз эгасининг бўлар-бўлмас нарсаларига куйкиб кулки бўлаётганини билмайди-да!

Леди (*қизариб*). Менга ҳийла ишлатма, доғули! Агар сен ўз чиройингга бино қўймасанг бундай яхши бир жойга — сарой одоби ўрганатурган, оддий урф-одатларингдан қутулатурган бир жойга киришингга дунёда ҳеч нарса тўсиқ бўлолмас эди.

Луиза. Ўзимнинг оддий номусимдан ҳам қутулган бўлармидим, хоним!

Леди. Бу қандай тутуруқсиз гап! Агар бунга биз ўзимиз йўл қўймасак, учига чиққан шарманда эркак ҳам бизни «енгил оёқ хотин» экан деб ўйлаёлмайди. Гап ҳар кимнинг ўзини тутабилишида қолган! Ғунажин кўзини сузмаса, буқа ипини ҳам узмайди. Сиз қадамни эгри ташламасангиз бўлгани!

Луиза. Ҳар ҳолда бу гапингизга ишонмасликка рухсат этингиз, хоним! Ўз саройларида фоҳиш билан кун ўтказмаган машҳур хотинлар жуда оз. Бир бечора скрипкачининг қизидан шундай қаҳрамонликни талаб қилиб бўладимики, у, юқиб қолар демасдан ўзини вабо касали қайнаган жойга ташласин! Леди Мильфорднинг ҳам-мавақт виждон азоби билан қийналгани, шу виждон азобидан бир оз бўлса-да, қутулиш учун ҳар минутда тўрт томонга пул сочишини ким билмайди? Мен очиқ гапирман, хоним. Бирон айш-ишратга кирмоқчи бўлганингизда, менга кўзингиз тушиб қолса яхши бўладими? Ўша айш-фароғатдан қайтган чоғингизда мени кўришга тоқат қила олар эдингизми? Йўқ. Яхшиси шуки, тоғ-тошлар бизнинг орамизни айириб тураверсин, ўртамизда денгиз, дарёлар оқсин. Ўйлаб кўринг, хоним! Соатики келар, ҳушёр бўлиб, кўзингиз мошдай очилар, кўксингизда пушаймонлик илонлари ўрмалар, ўша вақтда ўз хизматкорингиз юзидаги номусли кўкракларга хос бўлган типчлик, осойишталикни кўриш, сиз учун зўр азоб бўлмай-дими? (*Чекиниб.*) Яна бир мартаба кечиршингизни сўрайман, хоним!

Леди (*қаттиқ ҳаяжон ичида юрар*). Ундан бу гапларни эшитиш менга оғир! Аммо бу гапларнинг ҳақлигини билиш — ундан баттарроқ оғир. (*Луизанинг олдига келади, кўзларига тикилиб қарайди.*) Ҳийлада мендан ошиб тушолмайсан! Сен шохида юрсанг, мен баргида юраман! Албатта бундай мағрур одам дилдаги гапни тилга олмайди. Бу гапларингнинг тагида аллақандай қизгин

манфаат ишқибозлик ётади. Мана шунинг учун ҳам менинг хизматимни қилишдан нафратланасан! Шунинг учун ҳам гапирганингда жингагинг чиқиб, куйкиб кетасан, аммо *(дўқ қилиб)* мен ҳаммасини билмай қўймайман!

Луиза *(гурур билан)*. Нима ҳам дейман? Билаверинг! Ургани пўстинлик яхши дейдилар. Хор-зор бўлган бир бечора чумолини оёгингиз остида эзгилаб ўтаверинг! Мен сизнинг ўч-қасосларингиздан қўрқмайман, миледи! Оламини сув босса ҳам дор тагига келтирилган гуноҳкор хотиннинг тўпиғидан келмайди. Менинг дардуқайғуларим шунчалик кўпки, «Билиб оламан» деган нарсаларингиз, қайғуларимни кўпайтиролмайди. *(Паузадан сўнг жуда жиддий.)* Сиз мени тупроқ ичида қолган паст табақа қиз эканлигимдан қутқариб олмоқчи бўласиз. Мен бу шубҳали раҳм-шафқатнинг тагида нима гап бор, уни суриштириб ўлтурмайман! Фақат сиздан бир нарса сўрайман, хоним. Мени паст табақадан келиб чиққан қиз эканлигимдан номус қилгувчи аҳмоқ деб ўйлашга сизни нима мажбур қилди? Ўз бахтимни сизнинг қўлингиздан олиш-олмаслигимни билмай туриб, мени бахтиёр қилиш вазифасини ўз зиммангизга олишга сизга ким ҳақ берди? Мен ҳаммавақт бу дунёнинг ўйин-кулгуларидан ўзимни тортиб келганман! Мен ўз бахтимнинг гулга ўхшаб очилмаганлигидан ўкинмайман. Нега менга яна шу тўғрида гапирасиз? Сиз мақтаган бахт-саодатингиз яна ўша қайғу-кулфат, рашк ва ҳайвонликнинг ўзидан садақа сўрашнинг ўзи эмасми? Ёки сизнинг кайф-сафоларингиз ёнида қайғу-жафони ҳам бўлиши шартми? Оҳ!.. Ўз қора тақдиримга тан беришим учун кўр бўлганим яхшироқ эди! Кучоғида наҳанглар, зўр кемалар сайр этган улуғ денгизни билмаган итбалиқ бир томчи сувнинг ичида ҳам ўзини жаннат боғларида юргандай хурсанд ва бахтиёр ҳис этади. Сиз мени бахтли қилмоқчи бўласиз-ку? *(Паузадан кейин Ледининг олдига келар, уни ўз саволи билан ҳайратда қолдириб.)* Сиз ўзингиз бахтлимисиз, хоним? *(Леди ҳайронликда орқага чекинар, Луиза унинг изидан борар, қўлини олиб кўксига қўяр.)* Дилингиз ҳам, шу тилингиз каби тўғрими? Агар иккимизга қалбимиз билан тақдиримизни алмаштириш тўғри келса, мен сизнинг виждонингизга таяниб, сизни ўз онамдай билиб, гўдак боладай эркалаб, сиздан сўрасам, сиз менга шундай алмаштиришни маслаҳат берар эдингизми?

Леди *(қаттиқ талваса ичида ўзини диванга отар)*. Қулоқ эшитмаган сўзлар! Чидаш мумкин эмас! Йўқ, ази-

зим! Йўқ! Сендаги бу улурлик турма нарса эмас. Мени алдама! Сенинг устозинг отанг эмас, бошқа!

Луиза (*унига кўзларига мулойим ва ўткир боқар*). Бу устоз дейман сизнинг ёдингизга гўё энди тушгага ўхшайди, хоним! Ҳолбуки сиз менга чўрилиқ вазифасини бурунроқ тайёрлаб қўйган эдингиз-ку.

Леди (*сақраб туриб*). Бу қандай безбетлик-а! Бўлар иш бўлди! Мен уни биламан! Ҳамма гапни биламан! (*Бирдан тўхтар, кейин аста-секин даҳшатли ғазабга айланиб кетган шиддат билан*.) Қани сен бадбахт энди ҳам ўшани севиб кўр-чи! Ёки севилиб кўр-чи! Сенга айтаман! Сен уни хаёлингга олиб ёки унинг бирон фикрига кириб кўр-чи, ҳой бадбахт, мен зўравонман, бахтсиз, кўрқинчлиман. Қасамёд қиламанки, сен ҳалок бўласан!

Луиза. Агар ўзингизни севишга уни мажбур эта олсангиз, менинг тамом ўлганим шу, миледи!

Леди. Гапингни англадим. У мени севмас экан... Мен бу шарманда ишқингизнинг куллари кўкка совураман! Ўз қалбимни бўғаман, сеникени пора-пора этаман. Уртангизга тоғларни тикка қиламан, ҳандақлар қазийман... Қасос худоси Фурия сингари сизлар тушган жаннатга бориб-келиб тураман. Менинг номим жиноятчиларнинг арвоҳи сингари сизларни кўрқитиб ўпишмоққа қўймайди. Сенинг ёш, гулдай қоматинг унинг бағрида мўмиёдек қотиб қолади. Мен у билан бахтли бўлмайман. Аммо сенинг ҳам бахтли бўлмаслигинг керак, шунинг биллиб қўйки, шўр пешона, ўзгаларнинг роҳатини бузмоқнинг ўзи бир роҳат!

Луиза. Сиз бу роҳатдан маҳрум этилгансиз, миледи! Ўз қалбингизга бўҳтон ташламанг! Мени кўрқитиш ниятида қилган дўқларингизни юзага чиқаришга қодир эмассиз! Сизга ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмаган, ёлғиз сиз ҳис этган нарсанигина ҳис қилган одамга азоб беришга лаёқатингиз йўқ! Лекин, хоним, ишқ ўтида шу хилда ёниб-қуйганингиз учун мен сизни яхши кўраман!

Леди (*ўзига келиб*). Мен қаердаман? Нималар дедим? Кимга гапирдим? Оҳ, Луиза! Ҳимматли, олижаноб кўнгил эгаси — Луиза! Кечир, ақлдан адашган бечоралик! Сенинг бир тола сочинга ҳам тегмайман, қизгинам! Айт! Талаб қил! Мен сени бошимда кўтараман. Дўстинг, эгачинг бўламан — камбағалсан, мана сенга, ол! (*Қимматбаҳо зеб-зийнатларидан баъзиларини унга узатар*.) Мен бу бриллиантларни сотаман. Бутун кийим-бошларимни, от-уловимни сотаман. Ҳаммаси, ҳаммаси сеники бўлади. Фақат ўша йигитдан воз кеч!

Луиза (*ҳаяжон ичида чекиниб*). Бу хотин менинг ноумидлигимдан кулаётибдими? Ё ҳақиқатда бундай фикс-фасодда унинг қатнашуви йўқми? О... Мен ҳали бир қахрамонлик кўрсатсам, ўз заифлигим билан мақтансам бўлар экан! (*Бир қанча вақт ўйлаб турар, кейин Ледига яқин келар, унинг қўлидан тутиб, кўзларига узоқ ва жиддий тикилар.*) Майли, сиз олинг уни, хоним! Лахта-лахта қонга тўлган юрагимдан, дўзах ўтида қиздирилган омбурлар билан ўйиб-юлиб олинаётган ўша йигитни мен ўз ихтиёрим билан сизга бераман. Сиз балки буни билмассиз, хоним, аммо сиз икки севишганлар жаннатини вайрон қилдингиз: худо иродаси билан азалда қўшилган икки юракни бир-биридан жудо қилдингиз. Ўша йигитга сиз сингари яқин бўлган, сиз сингари уни кўкларга кўтариб мақтаган бир жонни хароб қилдингиз. Энди-чи, энди бу гаплар йўқ, хоним! Аммо янчилган капалакнинг жон талвасасида қилган дод-фиғони худонинг қулоғига етмай қолмайди. Агар тирик бир жонни унинг ўз қўлида ўлдирсалар, худо албатта бунга қараб тек турмайди. Энди, у сизники!! Энди уни ўзингизники қилиб олингиз! Унинг оғушларига ташланингиз! Уни никоҳ маросимларига бошлаб бордингиз! Аммо шуни унутмангизки, никоҳдан сўнг бир-бирингиз билан ўпишиб турган чоғда иккингизнинг орангизда ўзини ўлдирган қизнинг арвоҳи пайдо бўлади. Тангрим, ўзингга тавба... Менга бундан бошқа йўл қолмади. Сира иложим йўқ! (*Тез кетар.*)

САККИЗИНЧИ САҲНА

Леди (*якка, ҳайрон, шошқин, ўзини йўқотган ҳолда Луиза чиқиб кетган эшикдан қараб қолади, ниҳоят ўзига келиб*). Нима бу? Менга нима бўлди? Бу бадбахт нималарни деди? Тангрим, бу даҳшатли, қораловчи сўзлар қулоғимга қандай оғир ботди... «Уни ўзингизники қилиб олинг» эмиш. Кимни олай, шўрпешона, сени жон чиқарган ғарғарангни олайми? Тангрим, тангрим! Мен ҳали шунчалик тубанликка тушдимми? Мен ўзимнинг ҳамма кибру тахтларимдан бирданига ағдарилдиммики, ўлим талвасасида турган бир гадо қизнинг олижаноблигидан очкўзлик билан садақа сўрадим? «Майли, сиз олинг» эмиш! Қандай ғурурланиб гапирди у буни. О, Эмили! Сен машҳур Британия хоними деган шухратли номга шунинг учун эга бўлганмисанки, сенинг шону шавкатинг-

нинг азамат биноти, бир фақир қизнинг баланд қиммати олдида беомон вайрон бўлсин? Йўқ, шум қиз, йўқ! Ҳали гурурланишга вақт эрта! Эмилия Мильфордни уялтириш мумкин, аммо у ўзини ҳеч хўрлатмас! У йигитдан кечиб юборишга менда ҳам куч топилади. *(Киборлик билан уйғи кезар.)* Йўқол энди, заифлик! Яхши қолинг, эй кайф-сафолар, эй муҳаббатнинг олтин суратлари! Бундан сўнг менинг бутун қимматим олижаноблик бўлсин! Майли, менинг иродамни мурувватпаравар идора қилсинлар! Ёки бу ошиқ-маъшуқлар ҳалок бўлади ёки бўлмаса Леди Герцогнинг қалбини юмдалаб ўяди. *(Жим қолар. Яна ҳаяжон билан.)* Мен билан Герцог орасидаги аҳд-паймон иплари шу бугундан узилди ҳисоб! Мен юрагимдаги Фердинанд ишқини батамом емириб ташлайман! Даргоҳингга бош ураман, тангрим! Тавба-тазарру қилаётган Эмилияни ўз паноҳингга ол! О, қандай яхши! Қандай энгил тортидим. Бугун мен ботаётган қуёшдай, ўзимнинг баланд ўрнимдан виқор билан тушаман. Менинг бутун ҳашамдор давлатим, бутун кучим, қувватим — ишқим бирга ўлсин! Бу мағрур қувғинликда менинг қалбим йўл бошласин *(кескин ҳаракат билан ёзув столи ёнига борар)*. Бу севиқли йигитнинг чиройи менинг кўнглимда яна галаба қилмасдан туриб, бу ишларни шу тобда бир ёқлик қилишим керак! *(Ўтириб ёза бошлар.)*

ТУҲҚИЗИНЧИ САҲНА

Леди, хизматкор, Софи кейин Гофмаршал, сўнгра хизматчилар кирадилар.

Хизматкор. Гофмаршал фон Кальб қабулхонада герцогдан топшириқ келтирган.

Леди *(ёзишда давом этиб)*. Сен герцоглик қиёфасига кирган қўғирчоқ, қақшаб ёнгин! Албатта сенинг миянгни ташвишга солишнинг ўзи қизиқ! Бутун ўрда лаганбардорлари калавасини учини йўқотар, бутун мамлакат тебранар!

Хизматкор ва Софи. Гофмаршал келди, хоним!

Леди *(қайрилиб)*. Қим? Нима? Яна яхши бўлипти! Бу хилдаги одамлар дунёда фақат иво тарқатиш учунгина юрадилар. Чақиринг! *(Хизматчи чиқар.)*

Софи *(яқин келиб)*. Агар ижозат берсангиз, хоним... *(Леди қулоқ солмай ёзишда давом этади.)* Миллернинг қизи бу ердан аллақандай бўлиб чиқиб кетди...

Сиз ҳам, хоним, худди ўтдай ёниб турибсиз... Ўз-ўзингиз билан гаплашасиз. (Гофмаршал киради.) Мен кўрқаётибман! Бу ерда нима ҳодиса ўтди?

Гофмаршал. (Ледининг орқасида туриб ҳадеб таъзим қилаверади. Леди пайқамазани учун, унга яқин келиб унинг столи ёнида тўхтайди. Ледининг этак учини олиб оҳиста ўпади ва секин сўзлайди). Жаноб олийлари айтадиларки...

Леди (ёзган хатини кўздан кечириб). Албатта буни кўргандан кейин учига чиққан нонтепкилик деб ўйлайди. Мен ташландиқ, кимсасиз бир қиз эдим. У мени қашшоқликдан қутқарди. Қашшоқликдан? Бунинг авазичи? О, қандай разил бир иш! Эй, кўзбўёвчи одам! Ўз даъвоңгдан кеч! Мен умрбод шармандалигим билан сенинг ҳақингни тўлаганман.

Гофмаршал (Ледини ўзига қаратмоқ ниятида ҳар тарафдан уриниб кўради). Хоним, назаримда бир оз паришон кўринадилар... Гапни ўзим бошлаганим тюзук... (жуда қаттиқ.) Жаноб олийлари сўраб юбордилар, бугун базм қурсакмикин ё комедия томоша қилсакмикин деб!

Леди (кинояли табассум билан). Икковидан биттаси, фариштам. Ҳозирча бу хатни Герцогга элтиб беринг! Овқатдан кейин ейилатурган ширинлик ўрнида бу хатни ўқисин. (Софига.) Аравани қўшсинлар! Ҳамма хизматкорларни бу ёққа чақир, Софи!

Софи (ташвиш ичида чиқар). Тавба, кўнглим алланарсаларни сезаётир. Бир бало бўлмаса гўрга эди!

Гофмаршал. Бир оз паришон кўринадилар, хоним?

Леди. Агар шундай бўлса — сўзларимда ҳақиқат яна кўпроқ бўлади. Урра, жаноби Гофмаршал! Жой бўшаб қоляпти, жой! Қўшмачиларга бахт эшиги очилмоқда! (Маршал шубҳа билан хатга кўз ташлар.) Ўқинг, ўқиб кўринг! Хатимнинг мазмуни ҳеч кимдан махфий қолмасин!

Гофмаршал. Ўқир. (Саҳнанинг бир бурчида хизматчилар йиғилар.) «Жаноб олийлари! Сизнинг томонингиздан шунчалик номаъқуллик билан бузилган аҳд-паймон, энди мени ҳам ортиқ боғлаб туролмайди. Мамлакатингизнинг саодати — муҳаббатимнинг шарти эди. Уч йилдирки алдандим. Оқибат кўзимни бойлаган боғич ечилиб тушди, бечора ожиз фуқароларнинг кўз ёшлари баробарига келган марҳаматларга нафрат билан қарайман. Бундан кейин менга ёт бўлган муҳаббатингизни эзилган

юртингизга берингиз ва халқингизга ачинишни мендан ўрсанингиз. Бир соатдан кейин сизнинг тупроғингиздан чиқиб кетган бўламан. Жон Норфольк».

Хизматчилар (*хайрон, бир-бирлари билан шивирлашарлар*). Чегарадан ташқарига?

Гофмаршал (*қўрқув билан хатни столга қўяди*). Худо сақласин, қимматли хоним! Менинг фақат биттагина бошим бор! Сизда ҳам иккита бўлмаса керак, албатта!

Ле ди. Ҳ-ҳ. Сен ҳали шундан ташвиш тортяпсанми? Бахтга қарши, мен шунга биламанки, сен ва сенга ўхшаган одамлар ҳам бундай хатларни топширишда ўз бошларидан айрилиб қоладилар. Менинг маслаҳатим — хатни чўзмага ўраб берасан, жаноб олийлари чўзма ичидан топиб оладилар.

Гофмаршал. Вой худо, қандай одобсизлик! Озгина андиша қилинг, миледи! Ўз бешингизни балога қўяётганингизни ўйланг ахир!

Ле ди (*тўпланиб турган хизматчиларга кўнгилдан сўзлар*). Яхшилар, сизлар хайрон бўлиб ишнинг пироварди нима билан тутагини ташвиш билан кутиб тура-сиз. Яқинроқ келингиз, азизларим. Менга ихлос билан, ҳалол хизмат қилдингиз! Ҳамёндан кўра кўзларимга кўпроқ қарадингиз, менга хизмат қилишдан шодландингиз, марҳаматим билан мақтандингиз. Тақдирим қандай қора экан, менинг энг оғир кунларим сизлар учун саодат кунлари эди. (*Кўзига жиқ ёш олиб.*) Дўстларим, сизларга ижозат бераман. Энди Ле ди Мильфорд йўқ, аммо унинг қарзларини тўлашга жон Норфольк камбағаллик қилади. Хазиначим менинг бутун бойлигимни сизларга улашсин. Бу зиннатли сарой герцогнинг ўзига қолади. Сизларни орангиздаги энг камбағал қарол ҳам ўз бекасидан бойроқ бўлиб бу ердан чиқиб кетади. (*Қўлларини сиқиб кўришар. Ҳаммасини бир-бир қизгин ўпар.*) Мен сизларни асло унутмайман, хайр энди! Абдий хайр! (*Хурсанд.*) Арава келганга ўхшайди. (*Ташқарига чиқмоқчи бўлар. Гофмаршал йўлини тўсади.*) Сен ҳали ҳам шу ердамисан? Разил одам!

Гофмаршал (*қўрқув билан хатдан кўз узмай*). Мен хатни жаноб олийларининг ўз қўлларига топшираманми?

Ле ди. Ҳа, топширасан! Пасткаш одам! Жаноб олийнинг ўз қўлига топширасан! Яна жаноб олийнинг қулоқларига айтгинки, мен Лореттога пиёда кетолмадим. Аравани қайтариб юбораман. Яна шунга айтгинки, ўз дилим-

ни шармандаликдан пок қилмоқ учун у ерда ёлланган оддий бир мардикор бўлиб ишлайман. (*Тез кетар, қилганлар ҳаяжон билан тарқалишар...*)

БЕШИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Музикант Миллэринг уйи, қоронғилик. Луиза уйнинг қоронғи бир бурчида бошини қўлига тираган ҳолда жим, ҳаракатсиз ўлтирар. Узоқ ва чуқур жимликдан сўнг қўлида фокус кўтарган Миллэр кирар. Ташвиш билан атрофига фокус тутар. Луизани кўрмай шляпасини столга, фокусини ерга қўяр.

Миллэр. Бу ерда ҳам кўринмайди. Бу ерда ҳам йўқ! Бутун кўчаларни қидирдим, ҳамма таниш-билишларникига кириб чиқдим, ҳар бир эшиқдан сўрадим; ҳеч ким қизимни кўрмаган! (*Жим қолар.*) Сабр эт, бахти қора, бечора ота! Эрталабгача кўз тут! Балки тўлқинлар ёлғизгина болангни қирғоққа чиқариб ташлар! Тангрим, Тангрим! Ёки ўз қизимга бино қўйганлигим сенга хуш келмадимики, менга шундай оғир жазо бердинг... Сенга мен ўпкагина қилмайман, аммо бу жазо менга жуда оғир. (*Тўла қайғу, ҳасрат ичида столга ўлтурар.*)

Луиза (*бурчакдан*). Сенинг бу ишинг тузуқ, бечора чол! Айрилиққа олдиндан ўрганиб тур!

Миллэр (*сакраб турар*). Сен шу ердამидинг, болагинам?! Шу ердამидинг! Нега ўзинг ёлғиз, қоронғида ўлтирибсан?

Луиза. Ёлғиз эмасман! Агар теварақ-атрофимни қоп-қора зулмат ўраб турса, ана ўшанда менинг ҳам энг азиз меҳмонларим йиғилишади...

Миллэр. Худо сақласин! Ёлғиз ичи қора, нияти бузуқ бойқушларгина қоронғуликни яхши кўради, фақат гуноҳкорлар ва девпариларгина ёруғликдан қочадилар...

Луиза. Одамзоднинг руҳи билан бевосита гаплашувчи охират ҳам қоронғуликдан иборат-ку, ота!

Миллэр. Болам, нималар деяпсан, Луизам?

Луиза (*турар ва олдинга чиқар*). Мен бошимдан оғир бир курашни кечирдим. Буни ўзингиз биласиз, ота! Тангрим менга қувват бахш этди, мен бу курашда йўл топдим, отажон! Биз аёлларни заиф-нотавон деб айтадилар. Бундан сўнг сиз бунга ишонманг! Биз, ўргимчак кўриб қолдикми кўрқувдан дағ-дағ титраймиз... Аммо, энг ҳайбатли қора ўлимни гўё ҳазиллашгандай ўз бағримизга босамиз! Шунга эсда тутинг, отажоним! Луизагизнинг қайфи чоғ!

Миллер. Қулоқ сол, қизим! Бу ўтиришдан кўра оҳ уриб, зор-фиғон қилсанг тузук эди, қайғумни енгиллатган бўлардинг. Сенга қарашда бу қадар қийинлик чекмас эдим.

Луиза. Мен уни қўлга тушураман! У инсофсиз газандани алдай оламан, отажон, ишқ деган нарса газабдан кўра айёр ва дадил бўлади. Буни ўша юлдузи совуқ одам тушунмаган. Калла билан ишлашга келганда улар ҳам ҳийлани жойига қўядилар. Аммо юрак ишига қолганда, улардан аҳмоқ одам йўқ... У ўз алдовини қасам билан пухталаб олмоқчи бўладими? Қасам деган нарса, отажон, тирикларни бир-бирига банд қилса ҳам, аммо ўлим қасамларни темир тугунларини ҳам ешиб ташлайди-ку? Фердинанд ўз Луизасини таниб олар! Отажон, сиз шу хатни бериб қўярсиз?

Миллер. Кимга, қизим?

Луиза. Саволингиз қизиқ! Фақат унинг тўғрисидаги биргина фикри ёдимнинг ўзи, на бу дунёга сигади, на юрагимга! Мен ундан бошқа кимга ҳам ёзардим.

Миллер (*ташвиш билан*). Менга қара, Луиза! Хатни очиб кўраман!

Луиза. Ўзингиз биласиз, отажоним! Лекин сиз бу хатдан ҳеч нарса тушунмайсиз. Ундаги ҳарфлар ўликлардек совуқ, фақат ишқ кўзлари учунгина тирик, холос!

Миллер (*ўқир*). «Фердинанд, сен алдандинг! Одам боласи билмаган макр-ҳийла юрақларимизни бир-биридан жудо қилди. Менга берилган қўрқинчли қасам тилимни боғлаб қўйди. Отанг ҳам ҳар ерга жосуслар қўйди. Лекин фақат сенда ғайрат бўлса бас, жоним!.. Мен, жосус йўқ, тилимни қасам қисмайдиган жойни биламан...» (*тўхтар ва қизининг юзига жиддий қарар*).

Луиза. Нега менга бундай тикилиб қолдингиз? Охиригача ўқинг, отажоним!

Миллер (*ўқир*). «Аммо бу қоронғи йўллардан ўтиш учун жуда мард бўлишинг керак! Бу йўлларни фақат Луизанг билан худодан бўлак ҳеч ким сенга ёритиб бермайди... Сен бутун умид, армон, орзу-ҳавасларингни қолдириб фақат биргина ишқ-муҳаббат билан келишинг керак. Сенга ўз қалбингдан бўлак ҳеч нарса керак эмас. Агар журъат қилсанг — ибодатхонанинг қўнғироғи ўн икки марта урилганда йўлга туш! Агар қўрқсанг, ўзингдаги фазилатлар рўйхатидан «мардлик» деган сўзни ўчириб ташла! Чунки қиз сени уялтирган бўлади». (*Хатни бир чеккага қўйиб, қайғу билан узоқ тикилиб турар. Охир қизига ўгирилиб қарар, паст товуш билан сўзлар.*) У жой қаерда, Луиза?

Луиза. Сиз у жойни билмайсизми? Чинакам у жойни билмайсизми, отажон? Қизиқ гап! Очиқ-ойдин кўрсатиб қўйибман. Фердинанд ўзи у жойни топади!

Миллер. Ҳим... Очиқроқ гапир!

Луиза. Мен ҳозир у ерга муносиб ном топиб кўёлмайман! Агар хунук бир от билан атаб қўйсам — кўрқманг, отажон! Бу жой... Эҳ, бу жойга нега ишқ-муҳаббат сўз тополмаган?! Ишқ-муҳаббат унга энг бир яхши ном қўя олар эди. У жой, отажон... фақат сўзимни бўлмай туринг! У жой — қабр.

Миллер. *(ағдарилгандай бўлиб столни ушлаб қолар)*. Ё тангрим!

Луиза *(унинг олдига келар ва уни ушлар)*. Бас, бўлди, отажон! Фақат сўзнинг ўзи кўрқинчли холос, кўрқманг! Бу шундай, куёв-қаллиқ чимилдигики, тонглар унинг устига ўз олтин фалакларини ёзарлар, баҳорлар ҳам ранг-баранг чечакларини сочарлар, фақат ноумид гуноҳкор одамларгина ўлимни қуп-қуруқ суяқдан иборат деб сўкадилар. Йўқ, у худди ишқ тангриси сингари яшнаб турган бир йигит, у муғомбирликни билмаган кўнгли юмшоқ, хизматга тайёр шундай улуғ бир зотки, қийналган, эзилган ҳар дайди жангга ўз қўлини узатар, абадий роҳат-фароғатнинг кошонасига, дабдабали саройларига йўл бошлар ва ўзи ғойиб бўлар.

Миллер. Нималарни ўйлаб турибсан, Луиза? Ўз жонингга ўзинг қасд қилмоқчи бўласанми?

Луиза. Бундай деманг, отажон! Мени қучоғига сиғдирилмаган жамиятдан кетмоқчиман. Бормасликни сира иложи бўлмаган жойга тез етай дейман, шу гуноҳ бўладими?

Миллер. Болажоним, ўз-ўзингни ўлдирмоқ бу энг ашаддий, кўрқинчли гуноҳ! Худо ёлғиз шу гуноҳни кечирмайди холос, чунки бунда ҳам ўлим, ҳам жиноят иккиси бирга келади.

Луиза. Тўғри, кўрқинчли! Аммо бунда дарров ўла қолмайсан киши. Ўзимни сувга ташлайману чўкиб бораётганимда кечирим сўраб парвардигорга илтижо қиламан.

Миллер. Бу ҳам ўғирланган молни пухта бир ерга яшириб қўйиб, кейин тавба қилгандай бир гап. Қизим! Қизим! Ўзингни сақла! Худонинг раҳм-шафқатига шунчалик муҳтож бўлиб турган бир вақтингда унинг газабини келтирма! Оҳ, сен ёмон йўлларга кириб қолдинг! Сен ибодат қилмай қўйдинг, худо сендан юв ўғирган.

Луиза. Севмоқ жиноятми, отажон?

Миллер. Агар сен худони севсанг, ёлғиз мана шундай севги сеңи ҳеч вақт жиноятга олиб бормаёди. Қадимни оғир қайғу юклари билан букдинг, болагинам, букдинг! Балки бу оғир кулфат ҳадемай мени гўрга элтар. Сени кўнглингни яна ғам-ғуссага тўлишини истамайман. Қизим, мен бу ерга кириб, ўзимдан-ўзим гапирдим. Ёлғизман деб ўйласам, сен бор экансан. Сўзларимни эшитиб олдинг, энди сендан яшириб ҳам нима қилдим. Сени авлиёдек кўрар эдим. Луиза, агар сенинг кўнглингда ҳали ҳам отанга қилча муҳаббатинг бўлса, қулоқ бер, Луиза! Мен учун ҳамма нарсадан азизроқ эдинг! Энди сен ёлғиз ўзингнигина ҳалок қилган бўлмайсан: мен ҳам бутун борлигимдан айрилган бўламан, уф, менинг сочларим оқармоқда! Биздай оталар учун ўз болаларимиз, ўз қизимни кўнглига жо қилинган жамаргага аста-секин муҳтожлик чоғи келмоқда, ёки сен мени алдамоччимисан, шу жамаргалар билан бирга қочмоқчимисан, Луиза?

Луиза (*қаттиқ таъсирланиб унинг қўлини ўпар*). Йўқ, отажон! Мен бу дунёда сендан катта қарздор бўлиб кетаман! Аммо у дунёда бу қарзимни ортиғи билан тўлайман.

Миллер. Кўзингни оч, яна у ерда ҳисобдан янглишиб қолма, болагинам. (*Қаттиқ ва тантана билан.*) Биз у дунёда кўриша олармикинмиз? Қара, рангинг оппоқ оқарди! Луизамнинг ўзи ҳам биладики, мен, маҳшаргоҳда уни тополмайман, негаки мен у дунёга бориш учун Луизадай ошиқаётганим йўқ! (*Луиза унинг қучоғига ўзини ташлар, Миллер шафқат билан кўкрагига босар ва ёлвориб оҳангида.*) О, қизгинам! Жоним қизим! Йиқилиб-сурилган, ким билсин, балки ҳалок бўлган қизим! Отангни юрак сўзларини эшит! Мен сени бу ишдан тўхтатолмайман! Қўйнингдаги пичоқни олиб қўйсам — игна билан ҳам ўзингни ўлдира оласан! Ичиб турган заҳарингни тўкиб ташласам — ўзингнинг маржонингнинг ипи билан ҳам бўғишинг мумкин. Луиза, Луиза... Қўлимдан келгани: фақат сенга насихат қилишдан бошқа чорам йўқ! Сен худо тахтига борганда гуноҳкор кўзларинг ўша ерда ҳам ўлим ўйинчоғини қидирган бир ҳолда «сени деб келдим, худо» деган ёлғон сўзни айтишга қандай журъат қиласан? Эси-ёдингни ўзига банд этган бу мард йигит ҳам, сен каби бир сиқим тупроқ бўлар. Худо олдига судралиб бориб ўшандай даҳшатли бир лаҳзада сенинг гуноҳкор имонингга жиноят қилар ҳамда ўзига тополмаган илоҳий раҳм-шафқатни сенга ҳадя

қилар! (*Қаттиқ ва тантана билан.*) Шунда нима қиламан, бадбахт! (*Бағрига қаттиқ босади, бир қанча вақт кўзларига қарар, бирдан қўлидан чиқариб юборар.*) Мен бошқа ҳеч нарса билмайман (*ўнг қўлини кўтариб*) парвардигори олам! Бу банданг учун кафил бўлолмайман. Ана энди билганингни қил! Ўз ошиғингга қурбон бўл! Бу билан инсу жинс, дев, шайтонларни қувонтирасан, фаришталарни ўзингдан қочирасан! Кел, шунча гуноҳларнинг биттаси, яхшиси, мана бу пичоқни ол-да, бу гуноҳ даҳшатли бўлса ҳам, лекин жуда осон, мана сенга пичоқ — бۇ билан ўз юрагингни кес (*қўнграб йиғлаб қочмоқчи бўлади*) ҳам ота бағрини ёр!

Луиза (*кетидан югуриб бориб*). Тўхтаг! Отажоним, тўхтаг! Ҳар қандай қаҳру ғазабдан чиқмаган қаттиқ зўрлик, баъзан оталарнинг юмшоқ сўзларидан чиқади! Мен нима қилдим? Нима қилай?

Миллер. Агар майорингнинг ўпишлари отангнинг кўз ёшларидан кўра қизгинроқ бўлса — ўла бер!

Луиза (*ғазабли ички курашдан сўнг, бир қадар қатъият билан*). Отажон! Мана қўлимдан тут! Мен ўлмайман... Тангрим! Тангрим! Мен нима қиляпман? Нима қилмоқчи бўламан? Отажон, тавба қилдим! Пешонам қурсин! Мен жиноятчи, нималар қилмоқчи бўламан? Сизнинг айтганингизча бўлсин, ота! Фердинанд... Худо ўзи билиб турибдир... Фердинанд тўғрисидаги энг охири эсдаликни мана парча-парча қиламан! (*Хатни йиртар.*)

Миллер (*қувонч билан Луизани қучоқлар*). Луизамни мана энди танидим! Менга бир қара! Энди ошиғинг йўқ, аммо, сен бахтиёр этган отанг бор. (*Гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб Луизани қучоқлар.*) Болам, болагинам! Шундай хурсандманки, умримнинг ҳаммаси шу бугунга арзимайди. Тангрим мендай фақир-бечора бир одамга шундай фаришта бир қизни бериб қўйибдир! Луизам! Жаннатим! Э тангрим?! Севгидан унча хабарим йўқ. Аммо севгидан қайтишнинг қанчалик азоб эканини, ҳар ҳолда биламан...

Луиза. Фақат бу юртдан кетайлик, ота! Мени ўртоқларимнинг масхарасига қолдирган, яхши отимни ёмонга чиқарган бу шаҳардан тез кетайлик! Кетайлик, отажон, кетайлик! Қўлимдан кетган бахтнинг сонсиз-саноксиз излари кўзимга кўринатурган бу шаҳардан узоқларга, мумкин қадар жуда узоқларга кетайлик!

Миллер. Қаёққа десанг, шу ёққа кетамиз, қизим! Ҳар ерда ҳам ризқимизни яратамиз!.. Скрипкамни тинг-

лайтурган қулоқ ҳар ерда ҳам топилар! Майли, сен чеккан қайғу-хафаликларни музикага солай, «Отам» деб ўз севгисидан кечган, юрак-бағри пора-пора бўлган қиз тўғрисида қўшиқлар тўқир, биз шу қўшиқларни айта-айта эшикма-эшик юраемиз, шунда, қўшиқларимизга йиғлаган кишилар қўлидан олинган садақа бизга ширин тотади.

ИККИНЧИ САҲНА

Бурунгилар ва Фердинанд.

Луиза (*Фердинандга дастлаб унинг кўзи тушади, қаттиқ қичқириқ билан отасининг бўйнига ташланади*). Тангрим! У келди! Мен энди тамом бўлдим!

Миллер. Қани? Ким?

Луиза (*юзини ўғирмай майорни кўрсатар ва отасига қаттиқ ёпишар*). Уша! Ушанинг ўзи! Отажон, қаранг! У мени ўлдиришга келган...

Миллер (*Фердинандни кўриб орқага чекинаар*). Хўш? Сиз шу ердამидингиз, барон?

Фердинанд (*секин-секин яқинлашар, Луиза тўғрисида келиб тўхтар, синовчи кўзлари билан узоқ жим тикилиб қарар*). Раҳмат сенга, ўз тилидан тутилган — виждон, ўз айбларингга иқрор бўлишинг жуда даҳшатли, лекин мени қийноқдан қутқардинг. Салом, Миллер!

Миллер. Худо ҳаққи, сизга нима керак, барон? Бу ерга нечук келдингиз? Сабаб нима?

Фердинанд. Бир вақтлар бор эдики, менинг келишимни кутиб кунни секунд билан ҳисоблар эдингиз, шопмас соатнинг мили мени тез кўриш орзуси билан тўлган юрагингизни қон қилар эди. Келди деган хабарни кутиб юрагингизга ҳамиша қулоқ солардингиз. Бу галги келишим билан сизни нега бунчалик ҳайратда қолдирдим?

Миллер. Кетинг! Кетинг, барон! Агар сизда заррача одамгарчилик бўлса, агар сиз — ўз сўзингиз билан айтганда яхши кўраман деган қизингизни ўлдирмоқни истамасангиз бу ерда ортиқ бир минут ҳам тўхтаманг, кетинг! Сиз остонамга қадам қўйган кундан буён худо уйимдан баракани кўтарди. Илгари хушнудлик макони бўлган хонадонимга ғам-ғусса келтирдингиз! Ёки сизга бу ҳам камлик қиладими? Яккаю ягона бир қизимнинг сиз билан ошналик тутунгани орқасида қалбимга тушган қонли ярани яна ўйиб ситмоқчи, яна тирнамоқчимисиз?

Фердинанд. Тентак! Мен қизингга севинчли хабар келтирдим.

Миллер. Яна янги ноумидликлар учун янги умидворлик бўлмасин; кет, бахтсизлик элчиси! Сенинг афт-башаранг яхшиликдан хабар бермайди.

Фердинанд. Хайрият, ўйлаган мақсадимга етай деб қолдим! Бизнинг муҳаббатимизга энг қўрқинчли тўғон бўлган Леди Мильфорд ҳозир мамлакатни ташлаб чиқиб кетди. Отам мен танлаган қизни маъқул кўрди. Тақдир бизнинг пайимизга тушмоқдан тўхтади. Бахт юлдузимиз кулди. Мен ваъдамни устидан чиққали ҳам қизни никоҳ маросимига олиб боргали келдим.

Миллер. Эшитдингми, қизим? Алданган, яксон бўлган умидларингни қандай масхара қилаётганини эшитдингми? Барон, хиёнатни қилиб қўйиб, яна гап сотишни ўз ўрнига кўясиз.

Фердинанд. Сен буни ҳазил дейсанми? Худо ҳаққи, йўқ! Луизамнинг менга муҳаббати қандай ҳақ бўлса, бу сўзларим ҳам бундай ҳақ! Луиза ўз қасамида қандай турса, мен ҳам ўз сўзларимни шундай муқаддас тутаман: менга бундан кўра муқаддасроқ нарса йўқ! Сиз ҳали ҳам ишонмайсизми? Менинг чиройли рафиқам юзларида ҳали ҳам шодлик қизиллиги йўқми? Ажаб! Агар ҳақиқатга шунчали ишонч кам бўлса, демак, бу ерда, ёлғон пул сингари қўлма-қўл юраркан... Сиз сўзларимга ишонмайсизми? Ундай бўлса мана бу хатга ишонинг! *(Луизага ўзининг маршалга ёзган хатини ташлайди. Луиза хатни очар, оппоқ оқарар, ҳушидан кетар.)*

Миллер *(буни пайқамасдан майорга)*. Бу нима, барон? Мен буни англамадим.

Фердинанд *(Луизага уни яқинлаштириб)*. Аммо Луиза яхши англайди!

Миллер *(қизига ўзини ташлаб)*. Танграм!.. Луиза!

Фердинанд. Ўликдек оқарди! Мана энди қизинг менга ёқади! Сенинг ёввош, номусли қизинг, ҳеч қачон шундай чиройли бўлмаган эди. Юзига қара, ўлик юзидек. Ҳар қандай ёлғон-яшиқнинг кўз бўёвчи бўёқларини ситатурган юксак ҳақиқат қўли, фаришталарни ҳам алдаб келган қалбаки қизиллигини унинг юзидан ўчириб юборди. Унинг ҳақиқий чиройли юзи — шу! Кел, шу юзингдан бир ўпай! *(Луизага яқинламоқ истар.)*

Миллер. Қайт! Нарг тур! Ота юрагини титратма, бола! Мен қизимни сенинг эркалалашларингдан қўримаган бўлсам ҳам, аммо ҳақоратларингдан сақлай оламан.

Фердинанд. Сенга нима керак, чол? Сен билан мени ҳеч ишим йўқ. Сен бу бой берилган ўйинга ара-

лашмай қўя қол! Еки сен, мен ўйлагандан кўра ақлироқмикансан? Ё сен олтмиш ёшлик донолигинг билан ўз қизингни ишқий кирдикорига ёрдам қилиб, оппоқ сочларингни қўшмачилик касби билан булғатмадингми экан? Оҳ, агар шундай бўлмаган бўлса, эй бечора чол, жонингни жабборга топшир! Ҳали ҳам кеч эмас! Бахтли ота эдим деган ширин хаёл билан гўрда ётсанг бўлади. Яна бир минутдан сўнг — бу дўзах илонини ўзинг дўзахга иргитасан, худога ҳам, бандасига ҳам лаънат ўқийсан, у дунёга беимон кетасан. *(Луизага.)* Гапир, бадбахт қиз! Сен ёздингми бу хатни.

Миллер *(Луизани эҳтиёт қилиб)*. Худо ҳаққи, Луиза, унутма! Ўзингни тут!

Луиза. Оҳ, отажон, бу хат...

Фердинанд. Ўз эгасининг қўлига бориб тушмаптимми? Тасодиф қандай улуғ нарса! Тасодиф ҳар қандай қимматдан ва ҳар қандай ақлдан кўра каттароқ, улуғроқ иш қила оладими? Тасодиф ҳамма донишмандларнинг ақлидан устун келади, тасодиф дуч келиб, қазоси етмаса чумчуқ ҳам ўлмайди. Ажабо, нима учун никоб тортган иблисни фош қилиш керак бўлганда, тасодиф иштирок қилмас экан? Жавоб бер дейман! Бу хатни сен ёздингми?

Миллер *(Луизани бир четга тортиб ёлвориб)*. Қўрқма, маҳкам бўл, қизим! Маҳкам бўл! Маҳкам! Фақат бир «ҳа» десанг тамом, ҳамма нарса битади.

Фердинанд. Ажаб ишлар! Ота ҳам алданган. Ҳамма алданган! Бу ҳаёсиз кизга қаранг! Сўнгги ёлғонини айтишга тили ҳам лол! Парвардигорнинг ҳаққи-ҳурмати, бу хатни сен ёздингми?

Луиза *(ота билан сўзлашгандай бўлиб ғазабли ички курашлардан сўнг қатъий ва дадиллик билан)* Ҳа, мен ёдим.

Фердинанд *(қўрқувдан ўз жойида қотиб қолади)*. Луиза! Йўқ! Қасам жонимга урсинки, сен ёлғон гапирдинг! Қийноқли сўроқ вақтида гуноҳсиз киши ҳам ўзини жиноятчидан деб айтади. Мен сени жуда қийнаб сўрадим. Шундай эмасми, Луиза? Мен қаттиқ сўраганим учун сен айбни устинга олдингми... Шундай эмасми?

Луиза. Мен бор гапни айтдим.

Фердинанд. Йўқ дейман! Йўқ! Йўқ! Сен ёзган эмассан! Бу мутлақо сенинг қўлинг эмас! Луиза, ростини айт менга! Шундай бўлса ҳам бу хатни қалбаки хат деб айтиш, кишининг қалбини вайрон қилишдан қийинми? Менга ростини айт, Луиза! Йўқ, айтма! Агар «ҳа» деб қўйсанг мен хароб бўламан. Ёлғон гапир, Луиза, ёл-

фон гапир, оҳ, ёлгонларингдан бир оз қолган бўлса эди! Уни менга худди фаришталардай кулиб туриб айтар эдинг, бу билан фақат қулоқларимни, кўзларимни ишонтирар эдим, қалбимни эса, яна бояғидай разил бир суратда алдар эдинг, оҳ Луиза! Ҳақиқат шу нафас ичида дунёдан йўқ бўлар эди. Асло эгилмас тўғрилиқ эса, сарой лаганбардорлигига айланиб кетар эди. (*Қўрқувдан титраган говуш билан*) бу хатни сен ёздингми?

Луиза. Қаҳҳор эгам ҳаққи-ҳурмати — мен ёздим!

Фердинанд (*паузадан сўнг чуқур қайғули оҳанг билан*). Хотин! Хотин! Энди сен қайси юзинг билан менга қарайсан. Агар бу юзларинг жаннат роҳатларини улашганда ҳам, ҳатто дўзах ғазабларини тортаётганлар орасидан ҳам, харидор тополмас эдинг! Билармидинг, Луиза, сен менга нима дединг? Бу мумкин эмас! Бутун борлигим сен эдинг! Борлигим! Йўқ, сен буни билмайсан, бу жуда ҳам кучсиз, кўз илинмайдиган кичик бир сўз бўлса ҳам, лекин миллион йилларнинг қучоғига сиймайди! Бутун-бутун дунёлар шу сўзнинг ичида ҳаракат қилади. Бутун дунёлар шу ҳолда бу сўзни жинояткорона масхара қилишади! Оҳ! Даҳшат бу!

Луиза. Мен сизга иқрор бўлдим, фон Вальтер афанди! Ўзимни ўзим қораладим, энди боринг! Сизни шунчалик бахтиқаро қилган бу уйдан кетинг!

Фердинанд. Яхши! Яхши! Мен тинч турибманку... Одамлари вабодан қирилиб битган ваҳимали мамлакатни ҳам тинч мамлакат деб атайдилар. Мен ҳам шундай! (*Бир оз ўйлангандан кейин.*) Луиза, яна охириги бир ўтинчим: қаттиқ иситмам бор. Бир оз ором олай, бир стакан шарбат қилиб бер! (*Луиза кетади.*)

УЧИНЧИ САҲНА

Фердинанд ва Миллер иккови бир қанча вақтгача бир-бирига чурқ этмай, ҳар қайсиси уйнинг ҳар томонида юради.

Миллер (*охир тўхтар ва майорга ғамгин боқар*). Азизим барон, агар сизга чин кўнглимдан ачинганимни айтсам, балки сизнинг қайғуларингизни бир оз бўлса-да, камайтирган бўларман?

Фердинанд. Бас қил гапни, Миллер! (*Яна бир неча қадам юриб.*) Мен ҳали қандай қилиб сенинг уйингга келиб қолганимни ҳам эслай олмайман, Миллер!.. Нима учун келган эдим?

Миллер. Нега эслай олмайсиз, майор афанди! Ахир сиз мендан най ўрганмоқчи эдингиз-ку.

Фердинанд *(тез)*. Қизингни кўриб қолдим *(бир неча секунд пауза)* сен ўз сўзингда турмадинг, ошна! Дарсларимиз хилватда бўлсин, тинч ўқиш керак деб шартлашган эдик, сен мени алдадинг, ҳам менга илон-чаёнлар сотдинг *(Миллерни ҳаяжон ичида кўриб)*. Йўқ, қўрқма, чол! *(Таъсирланиб уни қучоқлар.)* Сенда айб йўқ!

Миллер *(кўзларини артиб)*. Парвардигори олам кўриб-билиб тургандир.

Фердинанд *(яна қайғули фикрларга чўмган ҳолда юрар)*. Ажаб! Оҳ, тақдир бизни ақл етмас қизиқ ўйинларга солди, кўпинча қилдай ингичка ипларда қўрқинчли оғирликлар осилган бўлади, ширин бир мевадан ўлим заҳри тоғишни киши билармиди?.. Ҳим... Буни у билармиди? *(Тез-тез юрар, кучли, ҳаяжон ичида Миллернинг қўлидан тугар.)* Миллер, найдан берган бир неча дарсларинг учун сенга катта баҳода ҳақ тўлайман... Аммо сенга бундан ҳеч қандай фойда йўқ! Сен ҳам йўқотасан... Эҳтимол ҳамма нарсани йўқотасан... *(Ташвишли ҳолда унинг олдидан нари кетар.)* Бу лаънати най эсингга туша қолмаганда, кўп яхши бўларди.

Миллер *(ўзининг ҳаяжонини яширишга уриниб)*. Негадир шарбат кечикиб қолди. Агар рухсат берсангиз мен бориб хабар олсам...

Фердинанд. Бу шошилинч эмас, азизим Миллер! *(Ўзи ичида.)* Айниқса отага. Борма, қол! Сендан нима ҳам сўрамоқчи эдим? Ҳа! Луиза сенинг биттаю битта қизингми? Бошқа боланг йўқми?

Миллер *(таъсирланган ҳолда)*. Йўқ, барон... Бошқа талаб ҳам қилмайман. Луиза менинг бутун оталиғ юрагимни ўзиники қилиб олган... Мен буткул меҳримни шу қизга қўйганман.

Фердинанд *(чуқур таъсирланиб)*. О, яхшиси, азизим Миллер, шарбатдан бир хабар ол-чи! *(Миллер чиқади.)*

ТҲРТИНЧИ САҲНА

Фердинанд ёлғиз.

Фердинанд. Ягона бир фарзанд! Сен буни ҳис этасанми, бош кесар? Танҳо бир қиз! Эй, қотил! Эшитдингми, танҳо бир қиз! Бу чолнинг шу ёруғ дунёда скрипкаси билан шу ягона қизидан бўлак ҳеч нарсаси

йўқ... Сен шуни ҳам ўғирламоқчи бўласанми? Ўғирламоқ? Гадойнинг охирги чақасини, шуни ҳам ўғирламоқчи бўласанми? Нотавон чўлоқнинг қўлтиқтаёғини парча-парча қилиб яна ўз оёғи остига ташламоқчи бўласанми? Бу қандай гап? Мен ҳали бунга чидайтурган бағри тош одамманми? Бечора чол, қизининг юзларига қараб қувониш чоғини кутишга тоқат қилолмай, ошиқиб, уйига қайтар; кириб кўрсаки, сўнгги бирдан-бир, чексиз умиди бўлган қизи янчилган, нафаси ўчган, сўлган бир гулдай ўлиб ётади. Оҳ! У ҳам қизи олдида тўхтаб тетик турар, унинг учун дунёда ҳаёт битгандай сезилар, хираланган ўлик кўзлари кимсасиз қолган бепоён кенгликларга самарасиз сайр этар, нажот истар, худони ахтарар, ортиқ уни тополмагач, яна ноумид қайтар, тангрим, тангрим! Мен ҳам отанинг ёлғиз ўғлиман... Ёлғиз ўғли... Аммо унинг бутун бойлиги ёлғиз шу ўғилда эмас. (*Жим бўлиб.*) Лекин Миллер нима ҳам йўқотар эди? Муқаддас ишқ туйғуларини, фақат ўйинчоқ фаҳмлаган бир қиз, қандай қилиб отасини бахтиёр қила олсин? Ўз отасига ҳам заҳар солмасдан бурун бу илонни янчиб ташлашим керак. Бунинг учун мен, албатта раҳмат эшитаман.

БЕШИНЧИ САҲНА

Қайтиб келган Миллер ва Фердинанд.

Миллер. Ҳозир келтиради, барон! Бечора қизим қон йиғлаб ўтирган экан. Луиза шарбатга қўшилган кўз ёши билан чанқовингизни бостиради.

Фердинанд. Агар ёлғиз кўз ёшларининг ўзигина бўлса, яхши эди-я! Ҳа, Миллер, ҳозир музика тўғрисида гаплашиб турган эдик шекилли!!! (*Ҳамёни олар.*) Мен сендан ҳалигача қарздорман.

Миллер. Қўйинг, барон! Сиз мени ким деб ўйлайсиз? Сизда қолармиди?.. Мени койитманг, ахир худо хоҳласа — яна кўришамиз.

Фердинанд. Ким билади дейсан? Ол, балки ўлиб қоларман...

Миллер (*табассум билан*). Худога шукур, танижонингиз соғ, ёшсиз, ҳали, ўйлайманки сиз учун қўрқмасак ҳам бўлар.

Фердинанд. Аммо эшитганманки, ёш туриб ҳам ҳалок бўладилар. Алданган оталарнинг умид қўйган ўғиллари, қизлари ҳам ўлади. Улим ёшликка, қариликка қарамайди. Қарилик билан касаллик қилолмаган гапни

кўпинча тўсатдан келган офат бажариб, кетади, кўпинча тўсатдан келиб ёқадан сиқаверади, сенинг Луизангни ҳам ўлмас деб бўладими?

Миллер. Худо ўзи берган, яна ўзи билади.

Фердинанд. Гапимни эшит; мен айтаманки, уни ўлмайди деб бўлмайди; бу қиз сен учун кўз қорачиғингдан ҳам азиз, сен бунга жони-танинг билан боғлангансан. Эҳтиёт бўл, Миллер! Фақат ашадий қиморбоаларгина бор-йўғини довкарга тикадилар. Бутун давлатини бир кемага юклаган савдогарни юраги дадил одам дейдилар. Гапимга қулоқ сол! Хушёр бўл! Сен нега пулни олмайсан?

Миллер. Бу нима, жаноблари? Бу оғир ҳамён-ку? Ўйлаб топган нарсангизни қаранг, азизим?

Фердинанд. Бу менинг қарзим, ол! *(Ҳамённи столга ташлайди, ундан олтинлар сочилиб кетади.)* Қачонгача мен бу пучак пулни кўтариб юраман.

Миллер *(ҳайрон)*. Нима? Марҳаматли танграм! Ахир кумуш эмас-ку? *(Столга яқин келар, ҳаяжон ичида қичқирар.)* Азиз-авлиёлар ҳаққи-хурмати, сизга нима бўлди, барон! Сизга нима бўлди? Бу нима қилганингиз?! Барон, паришонсиз, барон? *(Қўлини силтаб.)* Ахир бу ерда... Ё жоду билан кўзим боғланди! Ё жонимни ол, худо! Ахир, бу олтин-ку?! Ахир олтинни нуқул ўзгинаси-ку? Йўқ, шайтон, сен бу билан мени қўлга туширолмайсан.

Фердинанд. Нима, бутун ичиб олганмисан, Миллер?

Миллер *(дағал)*. Ахир қарасангиз-чи, нуқул олтин!

Фердинанд. Ҳа, нима бўлипти?

Миллер. Ҳа, сен шайтон, мен сизга айтаман, худо ҳаққи, бир қаранг, олтин!

Фердинанд. Бу гапнинг нимаси қизиқ экан?

Миллер *(бир оз жимликдан сўнг унга яқин келади, таъсирланган ҳолда гапирди.)* Барон афанди! Мен тўпори, ҳалол бир одамман. Ахир, худо ҳаққи, ҳозир, бу пулни ҳалол ишлаб топмоқ қийин гап! Сиз тагин мени ўғирлик, фирибгарлик йўлига тортаётган бўлманг!

Фердинанд *(таъсирланиб)*. Кўнглингни тўқ тут, азизим, Миллер! Бу пулни олишга кўпдан ҳақинг бор эди. Бунинг бадалига сенинг тоза виждонингни талаб қилишдан мени худо сақласин.

Миллер *(телба кишидай ирғиб-ирғиб)*. Демак, булар меники! Меники! Худонинг марҳамат ва инояти би-

лап булар меники бўлди! *(Эшикка томон чопади, қич-қиради.)* Хой хотин, қизим! Кел бу ёққа! Урра! *(Қайтиб.)* Одил ағам! Бирдан шунча бойлик менга қаёқдан келиб қолди? Қандай хизматимга? Бунинг эвазига нима тўлайман?

Фердинанд. Музыка дарсларининг бадалига эмас, Миллер! Сенга бу пулларни, *(чуқур талваса ичида дудуқланиб)* мен бу пулларни *(қайғу ичида жим қолиб)* қизинг тўғрисида уч ой давом этган бахтли бир туш учун тўлайман.

Миллер *(унинг қўлини қаттиқ сиқиб).* Барон афанди! Агар сиз фуқародан чиққан оддий одам бўлганингизда эди, *(тез)* қизим сизни севмаса, мен ундай қизни сўяр эдим. *(Яна столга келар, пулларга эгилиб қарар.)* Мана энди ҳамма пул менда... Сизда бўлса ҳеч нарса қолмади. Демак мен ҳозирги бутун шодликларим билан ҳам хайрлашиб қоламан шекилли? А?

Фердинанд. Бу тўғрида ташвиш тортма, дўстим! Мен бу пуллар юрмайтургон юртга кетмакчиман.

Миллер *(Миллер ҳамон олтинлардан кўзини узмай қувонч билан).* Булар ҳаммаси менда қоладими? Кетиб қолар экансиз, шунга афсусланаман, холос? Энди қаддимни ҳам кўтариб оламан. Биз энди ўзимизни кўрсатамиз... *(Шляпасини кийиб уй ичида олди-орқага юрар.)* Энди тузукроқ жойларда скрипкадан дарс бераман, подшолар чекадиган бешинчи номерли тамакидан чекаман. Театрда ҳам яхши жойда ўлтираман. *(Кетмоқчи бўлади.)*

Фердинанд. Тўхта! Жим тур, пулларни бекит! *(Таъсирли.)* Фақат шу кеча жим тур! Менга энди ортиқ дарс бермай қўя қол!

Миллер *(яна тўлиб-тошган қизғин қувонч-шодлик билан майорнинг камзулидан тугиб).* Ҳа, мани қизим, барон! *(Яна қўйиб юбориб.)* Эркаклар учун гап пулда эмас... Мен картошка есам ҳам қорним тўқ бўлади. Бу нимчани бўлса ўлгунимча кияман. Фақат тирсагидан кун кўринмаса бас. Менинг учун буларнинг аҳамияти йўқ. Аммо қизимга булар керак. Унинг кўзларига қараб кўнглидаги ҳавасларини пайқайман! Энди унда ҳамма нарса бўлади. Мана энди бу пулларнинг ҳаммаси уники, кўнглига келганини қилсин...

Фердинанд *(тез унинг сўзини бўлиб).* Жим! Жим бўл дейман!..

Миллер *(жуда ҳовлиқиб кетиб).* Французчани ҳам яхши билиб олсин, ашула-ўйинни ҳам ўргансин. Қизим газеталарда мақталиб ёзилади, амалдорларнинг қизлар-

дай зар дўши кийсин. Яна ҳалиги, ҳа — сиз уларни нима деб атар эдиларинг, тунги кийим дейилармиди? Шундай қилиб музикачининг қизи бутун теварак-агрофга дoston бўлсин!

Фердинанд (*қаттиқ ҳаяжон ичида унинг қўлидан тугар*). Етар! Бас! Худо ҳаққи, жим бўл! Фақат яна бир кун жим тургин! Бу, сенинг менга кўрсатган бирдан-бир марҳаматинг бўлади.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Бурунгилар, Луиза шарбат билан киради.

Луиза (*майорга тарелкада стакан келтирар, кўзлари қизарган, титроқ товуш билан*). Агар камлик қилса, ширин бўлмаса, айтингиз...

Фердинанд (*стаканни олиб қўяр ва жуда тезлик билан Миллерга қараб сўзлар*). Оз бўлмаса унутай деган эканман! Сендан бир нарса сўрасам майлими, азиям Миллер! Менга кичкинагина бир хизмат қилиб бера оласанми?

Миллер. Минг хизмат бўлса қиламан...

Фердинанд. Мени овқатга кутиб турган бўлсалар керак. Бахтга қарши овқатга ҳеч тобим йўқ! Жамот ичида бўлиш сира кўнгилга сиғмай турибди. Отам олдига бориб, мени томонимдан узр айтиб келолмайсанми?

Луиза (*қўрқув билан сўзини кесиб*). Мен бора қолай!

Миллер. Президент олдигами?

Фердинанд. Унинг ўзига эмас, бiron хизматчига айтиб қўйсанг бас! Гапимга ишонмасалар, мана соатим. Сен қайтиб келгунча мен шу ерда бўламан. Уларни жавобини ҳам ўша ерда кут.

Луиза (*ёлбориб*). Мен борсам бўлмайдимми?

Фердинанд (*кетмоқчи бўлаётган Миллерга*). Тўхта! Мана буни ҳам ол! Бугун кечқурун отамга топшириш учун, менга хат келган эди... Эҳтимол зарур хатдир, буни ҳам топшир.

Миллер. Жоним билан, барон!

Луиза (*отасини ифода қилинмас қўрқув ичида қучоқлайди*). Отажон, бу ишларнинг бутунисини — ҳаммасини ўзим эплар эдим-ку.

Миллер. Шундай тун қоронғисида, якка ўзинг-а? (*Кетади.*)

Фердинанд. Отангизга шам тутинг, Луиза! (*Қиз отасига шам тутгани кетганда Фердинанд стол ёнига кет*

лади. *Стакандаги шарбатга заҳар қўшади.*) Ҳа, у ҳам қолмайди! Тақдири азал бу ишга даҳшатли ризолигини берди. Илоҳий қасос бунни тасдиқ қилди... Фаришта ҳам ундан узоқлашади.

ЕГТИНЧИ САҲНА

Фердинанд, Луиза. Луиза қўлида шам билан аста-секин қайтар: уни стол устига қўяр, майорнинг рўпарасига келиб ерга қараб турар. Баъзан қўрқув билан ер остидан яширинча қараб қўяр. Майор столнинг нариги томонида ҳаракатсиз ҳолда сергак қараб турар. Узоқ ва чуқур жимлик.

Луиза. Мен билан музыкага машғул бўлишни истамайсизми, фон Вальтер афанди? Мен пионинога ўлтурдим. *(Пионино олдига ўлтуриб музыка қопқоғини очар, Фердинанд жавоб бермас. Пауза.)* Ҳали шахматни ҳам ўйнаб тугатганимиз йўқ... Суриштирайликми — фон Вальтер афанди? *(Яна сукут.)* Вальтер афанди, сизга ваъда қилган ҳамёни тика бошладим. Гулларини кўрмоқ истайсизми? *(Яна жимлик.)* Оҳ, қандай бахтсизман.

Фердинанд *(туришини ўзгартмай)*. Ҳақ гап.

Луиза. Сизни гапга солиб овунтиролмасам, айб менда эмас, Вальтер афанди!

Фердинанд *(нафратли кўлги билан)*. Сенда нима айб, аҳмоқона камтарлигинг билан нима иш ҳам қила олар эдинг.

Луиза. Энди иккимизга бир жойда бўлиш керак эмаслигини билган эдим. Ростини айтсам, отамни ишга буюриб юборганингиздан қўрққан эдим. Менимча, фон Вальтер афанди, ҳозирги минутлар ҳар иккимиз учун ҳам жуда оғир бўлса керак. Агар рухсат этсангиз, таниш-билишлардан биронтасини чақириб келсам...

Фердинанд. Албатта! Мен ҳам ўз танишларимдан баъзиларини айтиб келаман.

Луиза *(унга хижолатлик билан боқар)*. Фон Вальтер афанди?

Фердинанд *(заҳарханда билан)*. Номусим билан онт ичаманки, шу ҳолда, бундан кўра маъқулроқ нарса-ни ўйлаб топиш мумкин эмас, биз бу ёқимсиз лапарларимизни завқ-шавқ билан айтамыз ва маълум лутф-карамлар ёрдами билан севгидан қасос оламиз!

Луиза. Сиз ҳазилкаш одамсиз, фон Вальтер афанди.

Фердинанд. Шундай ҳазилкашки, бутун кўча

болаларини атрофимга йиғиб олсам дейман! Йўқ! Рост айтаман, Луиза! Мен сендан ибрат оймоқчимасман. Сен менинг муаллимим бўлишинг керак! Фақат нодон одамларгина абадий ишқдан гап сотадилар. Умр бўйи фақат бир хил нарса бўлаверса ҳам жонга тегади. Ҳар гулнинг ҳиди бошқа. Тўғри, Луиза, мен бунга қўшиламан! Ишқдан-ишққа ўтайлик, лойдан чиқиб балчиқда тикилайлик, сен у ёққа — мен бу ёққа... Эҳтимол менинг йўқотган ҳаловатим, бирор фахшонадон топилиб қолар... Балки ўйинқароқлик, шўхликни тугатиб, йиқилиб-сурилган биз икки ўлик гавда яна учрашармиз... Ҳа, ҳа... Бу биз учун қутилмаган бир бахт бўлар... Шунда биз, бир-биримизни, бир онанинг эслатувчи туғишган белгиларимиздан танирмиз ва комедияларда кўрсатишича, номус уятга ҳусн бўлгандай, дунёда энг яхши ошиқлар ҳам шараф бўлмаган муҳаббатга эга бўлармиз.

Луиза. О, Фердинанд, Фердинанд! Сен ўзинг бахтсизсан... Яна бошқа бахтсизликлар истайсанми?

Фердинанд (*ғазаб билан тишларини ғижирлатиб*). Мен бахтсизманми? Ким айтди сенга буни? Сен шундай паст махлуқсанки, ҳали бундай нарсаларни фаҳмига бормайсан! Ҳали сен бошқа бировнинг туйғуларини ҳам била оласанми? Мени бахтсиз деган сенми? Оҳ! Сенинг бу сўзларинг! Менинг гўримда тик турғизади! Мени бадбахтлик кутган экан, у бу нарсани яхши билган экан. Ўлим ва лаънатлар бўлсин сенга! Буни била туриб яна менга жиноят қилган — илон! Сенга хайрлашмоқ учун фақат шу нарсагина етмай турган эди. Ўз айбинга ичрор бўлишинг — ўлиминг! Шу минутга қадар мен, бу жиноятингни соддадилликдандир деб ўйлаган эдим, нафратим оз бўлмаса менинг қасосимдан сени қутқараёзган эди. (*Стаканни тез олар.*) Демак сен тентак эмас, аҳмоқ ҳам эмас, малъун экансан. (*Ичади.*) Шарбат сени кўнглинг каби ширин, тотиб кўр!

Луиза. Тангрим, бу суҳбатдан қўрққаним бежиз эмас экан.

Фердинанд (*амирона*). Ичиб кўр! (*Луиза истаристамас стаканни олади ва ичади. Луиза стаканни лабларига яқинлаштирган ҳамон Фердинанд орқасини ўғирар, ваҳима билан ранги ўчар. Ва уйнинг узоқ бурчагига кетар*).

Луиза. Шарбат яхши.

Фердинанд. (*Ўғирилмай тиграб.*) Эсонликка!

Луиза (*Стаканни қўйиб*). Оҳ, Вальтер, қалбимни қандай қаттиқ ҳақорат қилаётганингизни билсангиз эди.

Фердинанд. Ҳим!..

Луиза. Вақт келарки, Вальтер...

Фердинанд (*яна олдинга келиб*). Вақт тўғрисида гапиришмасак ҳам бўлади.

Луиза. ...Бу кеча тўғрисида ўйлаб кўп ачинарсиз...

Фердинанд (*тез-тез юрар, тинчсизлик ҳукм су-
рар, шапшапани ечиб ташлар*). Хайр менинг амалим!

Луиза. Тангрим! Сизга нима бўлди?

Фердинанд. Иссиқ, бўғилиб бораётirman, шундай қилсам бир оз тузук бўлар...

Луиза. Ичинг-ичинг! Парбат ором беради.

Фердинанд. Албатта! Манжалақининг саҳийлигини қара!.. Ундай десанг, буларнинг ҳаммаси ҳам бир қора гўр!

Луиза (*чуқур муҳаббат билан унга ташланар, уни қучоқламоқчи бўлар.*) Шу гаплар ўз Луизангиз ҳақидами, Фердинанд!

Фердинанд (*итариб*). Йўқол! Йўқол! Шу қийғос, жон олувчи қарашларинг билан бирга йўқол! Тоқатим тоқ бўлди! Ўзингнинг ярамас аблаҳлигингни ошкор эт, мараз! Менга ташлан, заҳарли илон! Кўз ўнгимда ўзингни совуқ кулча қилиб ўра! Башарангни шу чоққача, ҳатто дўзах кўрмаган жирканч бир хувуклик билан кўрсат? Менга энди фаришта бўлиб кўринма! Қоч, ортиқ фаришта бўлиб кўринма! Кеч қолдинг, мен сенинг илон бошингни янчиб ташлашим керак ёки бутун ноумидлик қурбони бўлишим керак, менга раҳминг келсин!

Луиза. Оҳ, бу иш қаерга бориб етди!

Фердинанд (*унга қиё қараб*). Бу қандай гўзал бир зот... Бунга ким ишонади? Ким ишонади? (*Унинг қўлини олар ва юрагига кўтарар.*) Мен сендан жавоб истаيمان, тангрим! Аммо, нега сен шундай чиройли танга заҳар солиб қўйгансан? Шундай ювош илоҳий бир қиёфатга қандай қилиб ёмонлик сиға олсин. Ақл етмайди.

Луиза. Оҳ, шундай таъналарни эшитиб тур-да, сира оғиз очолма!

Фердинанд. Қандай майин тор сингари нозик товуш... Қандай қилиб узилган торлардан, яна шундай ёқимли оҳанглар чиқади? (*Унга берилиб қарар.*) Қандай гўзал... қандай соз... Қандай илоҳий бир зот... Қандай илоҳий бир зот! Тангри ҳаққи, бутун дунё фақат шу гўзални яратиш учунгина вужудга келтирилган, наҳотки унинг қалбини яратишга қолганда худо шунчалик зўр бир хато қилса? Бу жирканч махлуқ дунёга бенуқсон келса бўлмасмиди? (*Луизадан тез четланиб.*) Ёки

худо уйинг одам эмас, фаришта бўлиб дунёга келаётганини кўриб қолиб, ўзи хатосини тузатиш учун унга шундай қора юрак солганми экан?

Луиза. Қандай ўжарлик! У худони айбласа — айблайдики, лекин ўз хатосига тан бермайди.

Фердинанд (*аччиқ кўз ёши билан қизнинг елкасида сўянар*). Яна бир карра, Луиза! Иккимиз биринчи марта ўпишган кунда, сенинг ўтли лабларингдан «Фердинанд» ва биринчи мартаба бўлиб «сен» деган сўз узилиб тушган эди. Шу пайтда қучоқларга сиғмас даражада шодликлар пайдо бўлган эди. Мангулик бизнинг ўнгимизда гўё баҳор кунлари каби яшнаб ётар, олтин умр эса, кўнглимизни ипақлар билан ясанган келинчак сингари ўзига тортар эди... Мен ана шу чоқларда бахтиёр эдим. О, Луиза! Луиза! Луиза! Нега сен шундай бевафолик қилдинг?

Луиза. Йиғланг, Вальтер, қон йиғланг! Мен сизнинг ғазабингиздан кўра ҳасратингизга дойиқ кишиман!..

Фердинанд. Янглишасан! Булар ҳасрат ёшлари эмас! Юрак яраларига малҳам бўлувчи, ўлик туйғуларни руҳлантирувчи, ўйноқи шабнам дурдоналари эмас! Булар гурбат томчилари! Булар муҳаббат билан абадий хайрлашув нолалари! (*Қўлини қўрқинчли тангана билан қизнинг бошига қўйиб*.) Бу ёшлар, сенинг кўнглинг ҳасратида оқади. Луиза! Бу ёшлар ўзининг беҳисоб шафқат-марҳаматлари билан сенга боқмаган, яратганлари орасида энг яхши, бебаҳо бир малакни кўриб, билиб туриб ҳалок қилаётган худодан ҳасрат қилиб оқади!.. Одамлар ўзининг кайфу сафосидан махрум бўларкан, бу ҳеч гап эмас. Менимча бутун борлик ўз орасида сендай одамни кун кечираётганини кўриб ҳайрон бўлади ва бундан ўрнак олиб, қора кийиниб олар. Аммо фаришталар орасида вабо касали ҳукмронлик қиларкан, менга қолса бутун дунё мотам тутиб, қора кийсин дейман.

Луиза. Сабр қосамни тўлдирманг, Вальтер! Менинг маънавий кучим оз эмас. Лекин ҳаддан ташқари қийноқларга у ҳам туриш беролмайди. Вальтер, яна бир оғиз сўз, кейин тамомила айрилишамиз. Қора тақдир қалбларимизнинг тилини чувалтириб юборди. Агар оғзимни очолсам эди, Вальтер, мен сизга шундай нарсаларни айтиб берар эдимки... Аммо, нима қилайки, бераҳм Тақдир, ишқим каби тилимни ҳам боғлаб қўйган. Сиз мен паст, бузуқ бир хотин билан гаплашгандай гаплашсангиз ҳам сабр қилишдан ўзга чорам йўқ!

Фердинанд. Сен ўзингни соғлом сезаётгирсанми, Луиза?

Луиза. Бу савол нега керак?

Фердинанд. Бу дунёдан ёлгончи бўлиб ўтишингга ачинаман.

Луиза. Вальтер, ёлвораман сизга!

Фердинанд. Йўқ! Йўқ! Бу қасос ҳаддан ортиқ даҳшатли! Худо сақласин... Мен буни у дунёга қолдиролмайман. Луизам! Сен маршални севар эдингми? Билиб қўй, бу уйдан остона ҳатлаб чиқолмайсан.

Луиза. Майли, нимани истасангиз шуни сўранг. Мен энди, сира жавоб бермайман. *(Ўлтиради.)*

Фердинанд *(жиддий)*. Имонинг қайғусини чексанг-чи, Луиза! Сен маршални севармидинг? Сен бу уйдан чиқолмайсан!

Луиза. Ҳеч қандай жавоб бермайман!

Фердинанд *(қўрқинчли бир ҳаяжон ичида қиз олдига тиз чўқар)*. Луиза? Сен маршални севармидинг? Бу шам ёниб бўлгунча, сен улуғ тангри олдида жавобга ҳозир бўласан!

Луиза *(қўрқиб сачраб турар)*. Танграм! Нима дединг? Аллақандай бўлиб кетаётибман. *(Яна стулга ўлтириб қолади.)*

Фердинанд. Мунча тез? Сиз хотин зотига сира тушуниб бўлмайди! Сизнинг нозик асабларингиз одамзодни таг-томири билан кемирувчи даҳшатли жиноятларга чидаб турган ҳолда зигирдай заҳардан қақшаб қолади.

Луиза. Заҳар! Заҳар! Танграм!

Фердинанд. Сен келтирган шарбат ширинликни жаҳаннамдан олган бўлса керак. Сен уни ўлиш учун ичдинг!

Луиза. Ўлим! Ўлим! Марҳаматли танграм! Шарбатда заҳар ва ўлим! Оҳ, улуғ танграм, ёш жонимга раҳм эт!

Фердинанд. Ҳамма гап шунда. Мен ҳам худодан шуни сўрайман.

Луиза. Отам, онам-чи... Танграм! Менинг ҳалок бўлган бечора отам!.. Шундай ёш бўлсаму наҳотки нажот бўлмаса. Мен шу ҳолда ўлиб кетаманми?

Фердинанд. Нажот йўқ! Ўлишинг керак! Аммо кўнгилни тўқ тут. Бу сафарга икковимиз биргалашиб жўнаймиз!

Луиза. Сен ҳам ичдингми, Фердинанд! Заҳар! Фер-

динанд! Захарни солган сен! Тангрим, уни кечир! Марҳаматли тангрим, уни бу гуноҳдан қутқар!

Фердинанд. Яхшиси ўз гуноҳларингни ҳисобга ол! Уйлайманки, аҳволинг анча ёмон бўлса керак.

Луиза. Фердинанд! Фердинанд! Оҳ! Энди ортиқ жим туролмайман... Улим... Улим бутун ичган қасамлардан мени қутқаради. Фердинанд! Мендай бахтсизни на ер билади, на кўк. Мен гуноҳсиз ҳолда ўлиб кетаётиман, Фердинанд!

Фердинанд (*қўрқув билан*). Нима дединг? Одатда киши бундай сафарга ўзи билан бирга ёлгонни олиб кетмас эди.

Луиза. Гапим ёлгон эмас!.. Ёлгон эмас! Мен бутун ҳаётимда бир мартаба ёлгон гапирдим, холос. Эҳ, вужудим совуқ титроққа тушди, фақат бир мартаба ёлгонладим, у ҳам бўлса... Хат ёзганимда... Гофмаршалга.

Фердинанд. Оҳ, у хат! Худога шукр! Мен яна тетикланиб кетдим...

Луиза (*зўрға гапирар. Бармоқлари жон бериш ҳаракатида*). У хат... Ўзингни дадил тут... Шу тобда энг қўрқинчли сўзларни эшитасан... Бу хатни... қўлим ёзаркан, қалбим жирканарди. У хатни айтиб туриб, менга ёздирган киши сенинг отанг! (*Фердинанд ўликдек, ҳайкалдай ҳаракатсиз туриб қолар, ниҳоят чақмоқ теккан кишидай йиқилар.*) Оҳ! Ёмон бир хато ўтди! Фердинанд! Мени мажбур қилдилар... Кечир... Сенинг Луизанг бундан кўра ўлимни ортиқ кўрар эди... Лекин... Отам... Унинг ҳалокати... Улар шундай макр ишлатдиларки...

Фердинанд (*қўрқув билан сачраб туради*). Худога шукр! Ҳали менга заҳар таъсир қилгани йўқ! (*Қиличини олар.*)

Луиза (*борган сари кучсизланиб*). Нималар қилмоқчисан, ахир отанг-ку!

Фердинанд (*ғазабли товуш билан*). Ўзи қотил, қотилнинг отаси! У ҳам биз билан бирга жўнаши керак. Худо ўзининг бутун қаҳру ғазабини бу гуноҳкор устига тўксин. (*Кетмоқчи бўлар.*)

Луиза. Пайғамбар ҳам ўлар чоғида ҳамма нарса ни кечирган... Сени ҳам, отангни ҳам, худонинг паноҳига топширдим. (*Ўлар.*)

Фердинанд (*тез қайрилиб боқар. Қизни сўнги ўлим талвасасида кўриб оғир изтироб ичида ўлик устига ўзини ташлар*). Тўхта, тўхта! Мени ташлаб кетма, фариштам! (*Қўлларини ушлаб яна тез ташлар*). Совуган, совуқ тер босган! Жони учиб кетган! (*Сачраб турар.*)

Тангрим! Раҳм эт, раҳм эт, Луиза! Беймон қотилга! Уни худога қилган сўнгги илтижоси шундай эди. Ўлган бўлса ҳам қандай яхши, қандай гўзал! Азроил раҳм этиб икки юзидаги қизилликка тегмаган. Бу юмшоқлик, юввошлик ниқоб эмас! У ўлимга туриш берди! *(Паузадан кейин)* бу қандай гап? Нечун мен ҳеч нарса ҳис этмайман? Ёки йигитлик қувватим мени қутқариб қолмоқчимми? Беҳуда ташвиш! Мен бунга рози эмасман! *(Стаканни олади.)*

СЎНГГИ САҲНА

Фердинанд, президент, Вурм ва хизматчилар кирадилар, сўнгра Миллер полициячилар билан киради.
Полиция саҳнанинг ичкарасида қолади.

Президент *(қўлида хат ушлаган ҳолда)*. Ўғлим! Нима бу? Мен ишонмайман...

Фердинанд *(стаканни унинг оёғи остига отар)*. Энди ишон, қотил!

Президент *(қўрқиб чекинар, ҳамма ҳайрон, даҳшатли пауза)*. Ўғлим! Нега бундай қилдинг?

Фердинанд *(унга қарамасдан)*. Оҳ, албатта! Бу ўйинни шу хилда тамомлаш унга қўл келадими, йўқми, даставвал мансабдордан сўраш керак эди дейсан-да?! Рашик йўли билан икки юракни бир-биридан жудо қилдинг! Макр тузоғини тоза ҳам бошлаб қурган экансан. Аммо ғазабга келган ишқимиз, шу ёғоч қўғирчоқларинг каби сени чилдирмангга ўйнамаган!

Президент *(ҳаммани жинниларча кўздан кечирар)*. Наҳотки бу ерда ҳам алам билан ўртанган отага шафқат этувчи бирон кимса топилмаса?

Миллер *(саҳна орқасида)*. Қўйворинг мени! Худо ҳаққи, қўйворинг!

Фердинанд. Бу пок гуноҳсиз бир қиз, бунинг учун бошқа бир киши қасос олсин. *(Оломон ва полиция шиддат билан келаётган Миллерга эшикни очар.)*

Миллер *(даҳшат ичида)*. Болам! Болажоним! Заҳар ичди деб бақирдилар... Заҳар... Қизим! Қанисан?

Фердинанд *(Миллерни қизнинг ўлигига оlib келар ва президентни кўрсатар)*. Айб менда эмас. Ана унга қуллуқ қил!

Миллер *(қизни олдига ташланиб)*. Тангрим!

Фердинанд. Икки оғиз сўзим бор, отам! Бу сўзлар шу топда менга жуда қимматли. Менинг ҳаётим муттаҳамлар томонидан ўғирланди, сен ўғирладинг! Мен ху-

донинг қаҳридан кўрқаман. Ҳеч вақт ёмонлик қилмадим. У дунёда бошимга қандай кулфат келса, албатта, бунга сен жавобгар эмассан!.. Лекин мен, одам ўлдирдим! (*Тоғушини кўтариб.*) Аммо тонгла маҳшаргоҳда, худо олди-га борганда, бунинг учун якка ўзимни жавоб беришим-ни хоҳлайсанми? Аммо бу жиноятнинг кўрқинчли, зўр бир улушини тантина билан сенга ағдараман. Унда сен билганингни қил. (*Уни Луиза олдига олиб келар.*) Боқ, жаллод! Ўз тулкилигингни жирқанч меваларидан лаззат ол! Бу юзга сенинг номинг ёзилган. Уч олувчи фаришталар, номингни ўқиб олурлар. Унинг арвоҳи тунда каравотинг устига ёпилган чойшабни очсин-да, ўз қўлларини сенга узатсин! Унинг арвоҳи, сен ўлаётган чоғингда бошингга келиб турсин-да, қалимага тилинг келмасин! Бу арвоҳ маҳшар куни мазоринг ичида бўлсин, сендан сўроқ бошлаганда худо олдида ҳозир турсин. (*Ҳушидан кетар, хизматчилар ушларлар.*)

Президент (*қўлини осмонга кўтариб*). Э, яратган эгам. Бу ёш жонларни мёндан эмас, ана ундан талаб қил! (*У Вурми кўрсатар.*)

Вурм (*чўчиб*). Мёндан?

Президент. Ҳа, сендан, малъун! Сендан, лаънати!.. Сен... Сен менга иблисона маслаҳат бердинг... Энди жавобни ҳам ўзинг берасан. Мёнда ҳеч гуноҳ йўқ!

Вурм. Мен! (*Заҳарханда билан.*) Ажаб! Ажаб! Энди билдим! Лаънати одамларнинг раҳмати шундай бўлар экан, миясиз қонхўр! У менинг ўғлим эдимми? Ёки мен сенга хўжайин эдимми? Мен жавобгарми? Ҳа, сен кўрсатган томошалар олдида томирларимдаги қон тўхтаб қолади. Майли, булар ҳаммаси менга тўнкарилсин. Мен нобуд бўлай, лекин сен ҳам соғ қолмайсан. Одамлар! Дод денглар! Уйғотинг! Чақиринг, полиция, мени боғлангиз! Мени бу ердан олиб кетингиз! Мен шундай сирларни очиб ташлайки, эшитганларнинг тепа сочлари тикка бўлсин! (*Кетмоқчи бўлар.*)

Президент (*Уни ушлаб*). Эси паст жинни! Наҳот шу ишни қилсанг.

Вурм (*президентнинг елкасига қарар*). Шундай қиламан, ошнам, шундай қиламан! Ҳақиқатан мен жинни бўлдим. Бунга ҳам сен сабабчисан. Мен энди жинниларча иш қиламан. Дор тагига иккимиз қўл ушлашиб бирга борамиз. Қўл ушлашиб дўзахга бирга борамиз. Сен билан бирга ҳукм бўлишимдан хурсандман. (*Уни олиб кетарлар.*)

Миллер (*Луизанинг тиззасига бош қўйиб шу чоқ-*

қача чуқур қайғу ичида ётган Миллер тез сакраб турар. Майордан олган ҳамённи унинг оёғи остига улоқтириб ташлар). Қотил, ол жирканч олтинларни! Буларга қизимни сотиб олмоқчи эдингми? (Югуриб чиқиб кетади.)

Фердинанд (дармонсизланиб бораётган товуш билан). Орқасидан чопинглар!.. Уни қайғу адо қилган... Бу пулларни унинг учун сақлаб қўйингиз. Унга менинг даҳшатли марҳаматим — шу бўлади... Луиза!.. Луиза... Изингдан етдим... Хайр... Ердам этинг!.. Шу пок қиз билан бир қаторда ўлай...

Президент (эс-хушини йиғиб). Ўғлим! Фердинанд! Қайғу ўлдирган отангга бир қиё боқмайсанми? (Майорни Луиза ёнига ётқизадилар.)

Фердинанд. Сўнги боқишим худованди оламга!

Президент (чуқур қайғу билан ўғли олдида тиз чўкар). Ҳам ўғилдан жудо бўлдим, ҳам худонинг газабига гирифтор бўлдим. Лоақал овунтириш учун менга бир боқмасанг? (Фердинанд ҳолсизланган қўлини унга узатар, тезгина ўрнидан туриб.) У мени кечирди! (Атрофдагиларга.) Энди мен сизнинг ҳукмингиздаман! (Чиқар. Полиция унинг кетидан борар.)

ҚАРОҚЧИЛАР¹

«Дори тузатмагани темир тузатар,
темир тузатмагани олов»
Гиппократ*.
In tyranos! — Мустабидларга қарши!*

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Максимиллан — мулкдор граф фон-Моор.

Кара } унинг ўғиллари.
Франц }

Амалия фон-Эдельрайх.

Шпигельберг.

Швейцер

Гримм

Рацман

Шуфтерле

Роллер

Косинский

Шварц

Эмон йўлга кириб кетган ёш йигитлар,
кейинчалик қароқчилар.

Герман — дворяннинг никоҳсиз ўғли.

Даниель — граф фон-Моорнинг эшикоғаси.

Пастор Мозер

Патер

Қароқчилар шайқаси.

Иккинчи даражали шахслар.

Воқеа икки йил атрофида Германияда кечадди.

¹ Қисқартирилган театр варианты.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Франкония.*

Мoorлар қасрида бир зал

Франц. Кекса Moor.

Франц. Тан-сиҳатлигингиз жойидами ўзи, дада? Жуда рангпар кўринасиз.

Кекса Moor. Соғ-саломатман, ўғлим... Менда гапнинг бормиди?

Франц. Почта келди. Лейпцигдаги хабарчимиздан хат бор.

Кекса Moor (*ингилиб*). Ўғлим Карл ҳақидадир?

Франц. Ихм, ихм! Ҳа, шундай. Аммо хавотирданман... билмадим... Саломатлигингиз бу аҳволда бўлса... Йўқ, журъат этолмайман... Чиндан ҳам соғ-саломатмисиз, дада?

Кекса Moor. Соппа-соғман! Хат менинг ўғлим тўғрисидами? Сен нимага мунча безовтасан? Нуқул соғлигимни суриштирасан.

Франц. Агар бетоб бўлсангиз ёки аъзойи-баданингизда бетобликнинг қиттак нишонаси бўлса ҳам ижозат этинг, сиз билан бошқа бир қулайроқ пайтда гаплашай.

Кекса Moor. Ё тангрим! Яна нима кўргилик? Карл, о Карл! Бу қилгиликларинг ота юрагини эзаётганини билсайдинг! Сенинг тўғрингдаги ҳар янги хабар қабримга бир қадам яқинлатади!

Франц. Ундай бўлса, хайр, дада, тобутингиз ёнида ҳаммамиз соч қолиб ўтирмайлик тагин.

Кекса Moor. Тўхта! Менинг бир оёғим гўрда — хоҳлаганини қилсин!

Франц (*чўнгагидан хатни олади*). Бўлмаса бор кучингизни тўпланг. Мени афв этасиз, хатни қўлингизга беролмайман; бунда ёзилган ҳамма гапни кўтара олмасиз деб қўрқаман.

Кекса Moor. Бўпти, ўғлим, бўпти.

Франц (*ўқийди*). «Лейпциг шаҳри, биринчи май.

Агар акангнинг юриш-туриши ҳақида ҳеч нарсани яширмай ёзиб тураман деб қасамёд қилмаганимда, бундай мактуб билан дилингни ўртамас эдим, азиз дўстим. Менга ёзган юзлаб хатларингдан аёنқим, аканг ҳақидаги бундай хабарлар пок кўнглингга азоб бермоқда. Бу ярамас аблаҳ дастидан...»

Кекса Моор дўллари билан юзини тўсади.

Эътибор қилинг, дада, мен тилга олиб бўлмайдиган жойларини ўқимай ўтяпман. Хўш... «аблаҳ дастидан қон-қон йиғлаганингни кўз ўнгимда кўриб турибман. Ҳа-ҳа, йиғладим, қон-қон йиғладим, ғамгин юзларимдан дарё-дарё ёш оқди!.. Хўш...» Бу хатни ўқиганингда юзлари ўликдай оқарган, кекса отангнинг...» Ё парвардигор! Сиз чиндан ҳам ҳозирданоқ докадай оппоқ бўлиб кетдингиз!

Кекса Моор. У ёғини ўқи! У ёғини!

Франц. «...юзлари ўликдай оқарган кекса отангнинг дармони қуриб креслога йиқилгани, ўглининг биринчи бор «ота» деб қўл узатган кунларини лаънатлагани кўз ўнгимда гавдаланмоқда. Менга ҳамма гапни айтмадилар, ўзим билган озгина гапнинг қиттагини ёзаман, холос. Аканг дунёдаги ҳамма пасткашликларни қилиб бўлди. У қирқ минг дукат* қарзга ботиб...» пулнинг ҳазон бўлганини қаранг, дада! Хўш «...ундан олдин, бу ердаги бадавлат бир банкирнинг қизини шармисор қилиб, унинг олий бир хонадондан бўлган опшиқ йиғитини дуэлда оғир ярадор қилиб, ниҳоят кеча кечаси ўзи фахш йўлига бошлаган етти ошнаси билан бирга одил суд ҳукмидан қочиб қарор берди». Дада! Худо ҳаққи, дада, сизга нима бўлди?

Кекса Моор. Бас. Тўхта, ўғлим.

Франц. Мен сизга шафқат қилишга уринаман... «Уни қўлга тушириш ҳақида фармон берилган, ундан жабр-ҳақорат кўрганлар қаттиқ жазо талаб қилмоқда, унинг калласи учун мукофот эълон қилинган, граф Морнинг насли насаби...» Йўқ, отага ажал келтирувчи бу сўзларни айтгани беғуноҳ тилимнинг ҳадди йўқ. (Хатни йиртиб ташлайди.) Ишонманг, дада! Биронта гапга ишонманг!

Кекса Моор (изтиробда йиғлаб). Менинг насли-насабим! Менинг насли-насабим! Менинг беғубор номим!

Франц. (унинг кўксига бош қўйиб). Лаънат сенга, минг лаънат, Карл! Номингизни бошқа қўйинг, дада, бўлмаса кўча-кўйдан ўтганингизда ёш болалар ҳам сизни бармоғи билан туртиб кўрсатадиган бўлади.

Кекса Моор. Сен ҳам, ўғлим Франц, сен ҳам бераҳмсан. О, фарзандларим, нега фақат юракни мўлжаллаб зарб урмоқдасиз!

Франц. Нима ҳам қилай, мен ўша соддадил Францингизман. У арзандангиз соқолингизни ўйнаб тиззангизда ўтирганида, иккимизнинг ўртамиздаги тафовутни кўриб, тақдиримиз тўғрисида нималарни ўйламагансиз!

Кекса Моор. Узр эт мени, жон болам! Умидлари пучга чиққан отангдан даргазаб бўлма. Карл туфайли кипригимга ёш қўндирган тангрим сенинг меҳринг билан кўзларимга нур бергусидир, ўғлим Франц.

Франц. Дада, Францингиз кўзингизга ёш қўндирмас. Умрингизга умр қўшмоқ учун ҳаётини бағишлагуси.

Кекса Моор. Асо бўлдинг менга, асо бўлгайсан, тангри ёр бўлсин!

Франц. Аммо сиз менга айтинг: уни ўғлим деб аташдан воз кечсангиз бахтли бўлармидингиз?

Кекса Моор. Секин! О, секинрок! Доя кампир чақалоқни биринчи бор қўлларимга узатганида, мен уни осмонга кўтариб: «Нақадар бахтли инсонман!» деб хитоб қилгандим!

Франц. Шундай дейишга дебсизку-я, аммо оқибати-чи? Сиз энди ўзингизнинг энг паст бир қўлингизга ҳам ҳавас ва ҳасад билан қарайсиз, чунки у Карлнинг отаси эмас. Токи бундай ўғлингиз бор экан, мусибатдан қутулолмайсиз. Бу мусибат тобора зўрайди. Бу мусибат умрингизга завол бўлади.

Кекса Моор. Бу мусибат мени саксон яшар чолдай бедармон қилди.

Франц. Уни оқ қилсангиз бўлмасми, дада?

Кекса Моор (*ҳаяжонда*). Франц! Франц! Нима деяпсан?

Франц. Бу мусибатларнинг боиси ўша ўғлингизга бўлган муҳаббатингиз эмасми? Шу муҳаббатдан воз кечсангиз бас, у нонқўр сизга ортиқ ўғил бўлолмайди.

Кекса Моор. Ўз ўғлингизни лаънатла, демоқчимисан?

Франц. Йўқ, асло! Асло! Ўғлингизни лаънатлашни ҳожати йўқ. Сиз ўғлим деб кимни айтяпсиз? Сиз унга ҳаёт бағишлаган бўлсангизу, у сизнинг умрингизни қирқиб учун жон-жаҳд билан уринса, яна ўғлим дейсизми?

Кекса Моор. О, бу — аччиқ ҳақиқат!

Франц. Мана арзандангизнинг фарзандлик хизматларини томоша қилинг! Оламдан ўтган кунингиз молу мулкингизнинг хўжайини бўлиб олади, хирсу-ҳавасла-

рини беармон қондиради. Сиз унга мисли бир тўғонсиз, тўғон йўлдан олиними — унинг нафсу-эҳтирослари бе- малол қайнаб-тошади. Унинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг! Унинг бебош дайдишларига халақит берувчи ота ва инисининг ўлимини худодан тиламаган куни йўқ! Ма- на оталик меҳрингизга унинг жавоби! Мана унинг сизга фарзандлик ташаккури! Шу ҳам ўғилми? Гапиринг ахир! Шу ҳам ўғилми?

Кекса Моор. Бевафо фарзанд! Аммо-лекин ме- нинг фарзандим! Ҳар ҳолда ўз фарзандим!

Франц. Ҳа, ажойиб фарзанд, бебаҳо фарзанд, бу- тун дарду ғами отадан тезроқ қутулиш. Э аттанг, токай- гача шуни тушунмайсиз-а! Токайгача кўзингизни парда босиб ётади!

Кекса Моор. Мен сендан юз ўгирдим, деб хат ёзаман.

Франц. Тўғри ва оқилона тадбир.

Кекса Моор. Ортиқ кўринмасин менинг кўзимга.

Франц. Бу унга обдон таъсир этажак.

Кекса Моор (*меҳр ила*). Токи одобга кирма- гунча.

Франц. Виждон азобидан қутулгач, ўзи қайтиб ке- лади.

Кекса Моор. Ҳа, ҳозироқ унга ёзаман, ҳаммаси- ни ёзаман.

Франц. Жаҳл устида дилига оғир ботадиган сўзлар ёзиб ташламамг тагин. Яхшиси, менга қўйинг, дада, мен ёза қолай.

Кекса Моор. Яхши, ўғлим, ёз. Чиндан ҳам, ўзим ёрилгудай жаҳлим чиқиб турипти! Ўзинг ёза қол...

Франц (*шошиб*). Демак, шу маслаҳатга келдик?

Кекса Моор. Ёз, ўғлим, қон-қон йиғлаганларим, азобли уйқусиз тунларим... Лекин меъеридан оширма, ўғлим изтиробга келмасин, хўпми!

Франц. Жиндек ётиб ором олинг, дада. Бу гаплар- дан асабингиз тоза қақшади.

Кекса Моор. Ёз унга, ўғлим, оталик кўнглимнинг ранжиганлари... Лекин, менга қара, меъеридан ошира кўрма, ўғлим изтиробга келмасин, хўпми? (*Ҳасратда чи- қиб кетади.*)

Франц (*орқасидан кулиб қараб қолади*). Хотиржам бўл, чол. Сен уни энди кўксингга боса олмайсан. У се- нинг бағрингдан юлиб олиб ташланди. Ҳорма, Франц! Арзанда четлатилди — энди яйрай бер! Мана бу қоғоз парчаларини йиғиштириб олиш керак, тагин битта-ярим-

таси қўлимни таниб қолмасин. (*Хат парчаларини йиғиб олади.*) Бу аламлар чолни ҳадемай гўрга тикади... Лекин қиз-чи... Мен Карлни унинг ҳам юрагидан суғуриб олиб ташлайман, бунинг учун қизнинг ярим умри ҳазон бўлса ҳам майли. Табиатдан поризо бўлмоққа қанча-қанча ҳаққим бор, қасамёд этаманки, мен бу ҳуқуқлардан фойдаланаман. Нима учун она қорнидан мен биринчи бўлиб тушмадим? * Нима учун мен ягона ўғил эмасман? Нима учун бунақанги бадбашара бўлиб яралдим? Келиб-келиб мени яратганда табиатнинг қурби етмай қолдими? Бу япалоқ бурун нима учун келиб-келиб менга насиб қилди? Мана бу бесўнақай занжит лаблар-чи? Мана бу ваҳшиёна кўзлар-чи? Назаримда табиат инсон зотида нимаики жирканч бадбинликлар бўлса барини қўшиб қориптиргану, ана шу ножинсликдан мени яратган. Лаънат-эй, лаънат! Ҳаммани тақдирлаб, мени маҳрум этмоққа табиатга ким ҳуқуқ берган? Йўғ-е, йўқ! Мен ношукурлик қилипман... Яланғоч ва аянч ҳолимизча, турмуш деган чексиз уммон қирғоғига олиб чиқиб ташлаган бўлса ҳам, бизга бу тадбирли ақлу идрокни баҳш этган табиат эмасми ахир? Ўддаласанг — суз, қурбинг етмаса — ғарқ бўл! Мана табиатнинг берган қонуни. Ҳозир шим устидан тўқали камар боғлаб юриш расм бўлган: истасанг бўшатасан, зарур бўлса тортиброқ боғлайсан. Шунга ўхшаб виждонни ҳам ана шу сўнги фасонга мослаб бичтириб оламиз, токи, агар семириб кетсак, уни ҳам бемалол қўйиб юборадиган бўлсин. Хўп, қани бўлмаса ишга! Мен ўзимнинг ҳукмрон бўлишимга халақит берадиган ҳар қандай ровни таг-томири билан қўпориб ташлайман. Бунинг учун агар одобли воситалар кор қилмайдиган бўлса, зўравонлик билан иш тутаман.

(*Кетади.*)

ИККИНЧИ САҲНА

Саксония* чегарасида бир қовоқхона.

Карл Моор бир нимани берилиб ўқияпти. Шпигельберг стол ёнида ўтириб, ичмоқда.

Карл Моор (*китобни бир четга қўйиб*). Асримизнинг қалбакиликларидан кўнглим лоҳас бўлиб кетди-да... Ҳар гапида бурнига навшадил тутадиган сил профессор куч-қудрат тўғрисида ваъз айтади. «Ҳайт» деганда ҳушини йўқотадиган қўрқоқлар Ганнибал*нинг тактика-

сини танқид қилади. Она сути оғзидан кетмаган гўдаклар Кайна* жанглирию Сципион* галабалари ҳақида айюҳаннос солади. Одамлар ҳар хил ярамас қонун-қондаларга мослашни учун ўзларининг дид-таъбларини расво қиладилар. Хўжайинга мени бир оғиз мақтаб қўймасмикин деб унинг энг паст қулларига хушомад қиладилар, ўзлари қўрқмайдиган беозор бир камбағални таҳқир этадилар. Дабдабали зиёфат бердим деб лоф урадиган одамлар «ким ошди»да бой бериб қўйган эски кўрпа туфайли бир-бирларини бўғизлашдан қайтмайди. Ибодатга қатнамайди деб бировни ёмонлайдилару, ўзлари ибодатхона воситаси билан шилинган процентларни ҳисоблашдан бўшамайдилар. Товуқ сўйганини кўриб ҳушидан кетадиган аблаҳлар ўз рақибларининг тамоман сийиб, биржадан кетганини кўрганда қарсак чаладилар. Энди қўл-оёғимни шу одату, шу қонунлар билан чирмаб ташлайми? Йўқ, қонун бургутдай парвоз қилиши керак бўлган одамни ҳашоратдай ўрмалашга мажбур этади. Қонун ҳали бирон буюк шахсни яратган эмас, эркиндикни эса баҳодирлар, паҳлавонлар яратади. Мени худди ўзимдек шоввозлар кўшинига бошлиқ қилиб қўйсалар борми, Германия аллақачон республика бўлиб қоларди. *(Қиличини столга отиб, ўрнидан туради.)*

Шпигельберг *(сакраб туриб)*. Яша! Қойилман! Мен ҳам худди мана шуни гапирмоқчийдим. Қулоғинга айтадиган гапим бор, Моор, бу гап калламда анчадан бери ўралашиб юрипти. Худди сенбоп иш.

Карл Моор *(жилмайиб унинг қўлидан ушлайди)*. Бўлди, оғайни! Майнавозчиликни бас қиламиз.

Шпигельберг. Энди сен ўша Моор эмассан. Қўлингдаги бутилкани силтаб туриб, хасис отангни масхара қилиб қаҳ-қаҳ уриб кулган сен эмасмидинг: «Майли, пулни жамғариб берсин, мен бўлсам — ичаман, жигилдоним доим ҳўл». Эсингдами? А? Эсингдами? Э, сендақа виждонсиз, аянч мақтанчоқни қара-ю! Тўғри, бу гаплар мардона дворянчасига айтилган гаплар, лекин эндиликда...

Карл Моор. Бу гапларни эсимга солганинг учун лаънат! Бу гапларни гапирганим учун менга ҳам лаънат! Аммо бу кайф билан айтилган гаплар, тилим нима лақиллаганини қалбим эшитгани йўқ.

Шпигельберг. Тўхта; биродар, кўнглимда улуғ фикрлар уйғонмоқда! Ижодкор идрокимда баҳодирона режалар кезмоқда. Мен ўзимга келаётиман, кимлигимни, ким бўлишим кераклигини англамоқдаман.

Карл Моор. Аҳмоқсан! Миянг палагда бўлиб қопти.

Шпигельберг. Тўхта, ҳали Шпигельбергнинг овозаси оламини тутади, сен чумчуқ юраклар, сен ҳашаротлар эса аялч тирикчилигингни қилавер, Шпигельберг қанотларини бемалол ёзиб, абадийлик қасри томон парвоз этади!

Карл Моор. Оқ йўл! Шармандалик ботқоғидан шон-шуҳрат чўққисига ўрмала. Мени эса мислсиз қувонч туғилиб ўсган соя-салқин хиёбонларим сари, дилбар Амалиянинг меҳрибон оғуши сари чорлайди. Ўтган ҳафта отамдан узр сўраб хат юбордим, ҳеч нарсани яширмай ошкора ёзиб солдим, самимият бор жойда раҳм-шафқат бор. Кел, хайрлашайлик, Мориц. Энди сен билан биз ҳеч қачон кўришмаймиз. Почта вақти бўлди, отамнинг афв мактуби шаҳарга кириб келди.

Швейцер, Гримм, Роллер, Шуфтерле ва Рацман киради.

Роллер. Изимизга тушишганидан хабарларингиз борми?

Гримм. Биз ҳар нафас қўлга тушишимиз мумкин.

Карл Моор. Ажаб эмас. Нима бўлса бўлар. Шварцни кўрмадингларми?

Шварц киради.

Моор (*у томон ингилиб*). Биродар! Хат! Хат келди!

Шварц (*хат узатади, Моор дарров кўз югуртириб чиқади*). Ҳай, нима бўлди сенга? Докадай оқариб кетдинг.

Моор. Укамнинг қўли!

Шварц. Ҳа, бу Шпигельбергга нима бўлди яна?

Гримм. Бу оғайнимиз жинни бўлиб қопти! Нуқул қўлини силтайди.

Шуфтерле. Ақлдан чалғипти. Шеър тўқияпти чамамда.

Рацман. Шпигельберг! Ҳой! Шпигельберг! Эшитмаяпти-ку бу ҳайвон.

Гримм (*уни силкиб*). Ҳов бола, алаҳсираяпсанми, ё...

Шпигельберг (*бирдан сакраб туради*). Жонингми, ҳамёнингми! (*Швейцернинг бўғзидан олади, Швейцер бўлса уни совуққонлик билан девор томонга улоқтириб юборади.*)

Моор кўлидан хатни тушириб юбориб, эшикка интилади. Ҳамма ўрнидан туради.

Роллер. Моор, қаёққа, Моор? Нима балони бошламоқчисан?

Гримм. Нима гап? Нима бўлди унга? Мурдадай оқариб кетди.

Швейцер. Хатда яхши-яхши хабарлар борга ўхшайди! Қани кўрайлик-чи!

Роллер (*полдан хатни олиб, ўқийди*). «Бахти қаро акам!»— о-ҳо, бошиданоқ бошляпти-ю!— «Мухтасар маълум қилгайманким, умидларинг беҳуда. Ифлос кирдикорларинг қаёққа судраса, ўша ёққа кета бер: дадам шундай деб буюрдилар. Айтдиларким, отам афв этади деб умид қилмасин, қасримнинг зиндонида сочлари қузгун қанотидай, тирноқлари йиртқич дарранданинг тирногидай бўлгунча қоқ нон еб, совуқ сув ичиб ётишга рози бўлмас экан, оёғимга йиқилиб ёлборганлари менга қор қилмайди дедилар. Мен отамнинг ўз оғзидан чиққан сўзларни ёзълман. Ана, хатни муҳрла деб шошилтираётдилар. Алвидо, сенга жуда раҳмим келади.

Франц фон-Моор».

Швейцер. Зап укаси бор экан, қойилман! Франц эканми аблаҳнинг оти?

Шпигельберг (*секин ёнларига суқилиб*). Қоқ нон билан совуқ сув дептими? Чакки эмас! Лекин мен сенларга бундан кўра тузукроғини ўйлаб топдим. Айтмовдимми, менга ҳали сенлар учун ҳам бош қотиришга тўғри келади деб?

Швейцер. Нима деб лақилляпти бу тўнка? Биз учун бош қотирар эмишми, мана шу эштак-а?

Шпигельберг. Бирон буюк ишга юрагингиз дов бермас экан, қуёнсанлар, маймоқ, чўлоқ, кўппаксанлар!

Роллер. Ҳа, майли, биз қуён ҳам, ит ҳам бўлайлик, лекин сен топган гап бизни мана шу лаънати аҳволдан қутқаза оладими, шуни гапир!

Шпигельберг (*кеккайиб кулади*). Вой бечорасей! Бу аҳволдан қутқазин дейсанми? Ҳа-ҳа-ҳа! Ангиш-вонадеккина калланга бундан тузукроқ гап сизмайди-да-а? Ҳа, сенга шу ҳам етиб ошади. Аммо Шпигельберг бу билангина кифояланса у кўрқоқ бир аблаҳ бўларди. Мен шундай йўл топдимки, ҳей, менга қара, барон бўласан, князь бўласан, ҳей, худо бўласан, эшитдингми!

Рацман. Ҳай-ҳай, бир силташда бунчалиги ортиқ-

ча бўлар дейман! Бу жуда хатарли йўл бўлса керак? Калланг кетмаса?

Шпигельберг. Асло! Бу йўлда фақат мардлик керак, ҳар хил макру найрангларни бўлса менга қўйиб бераверсинлар. Мард бўл, Швейцер! Мард бўл, Роллер, Гримм, Рацман, Шуфтерле! Мардлик керак!

Швейцер. Мардлик дейсанми? Агар ҳамма гап фақат шунда бўладиган бўлса, жаҳаннамни оёқ яланг келиб чиқаман.

Шуфтерле. Алвасти билан жиққамушт бўлам.

Шпигельберг. Гап бундоқ бўпти-да! Кетдик! Богем ўрмонига бориб ошён қурамиз, қароқчилар тўдасини тўплаймиз, кейин... Ҳа, нега менга тикиляпсанлар? Мардман деб мақтанган сенлар эмасмидинг?

Роллер. Сенга ўхшаб осмонга қараб келиб дорга қоқинган ўғри-муттаҳамлар кўп ўтганку-я, лекин бизнинг бошқа нима иложимиз бор?

Шпигельберг. Илож дедингми? Йўқ. Сенларнинг бошқа иложинг йўқ! Еки қарзга ботиб, турмага тушиб, даҳшатли ҳукми* кутиб ётмоқчимисанлар? Еки бир бурда нон топиш учун қўлга белкурак олиб, ўзларингни заҳматга дучор этмоқчимисанлар? Ё кўчада, бировларнинг деразаси олдида ашула айтиб, аялч хайр-садақага қўл узатмоқчимисанлар? Қани гапир!

Швейцер (*унга қўл узатади*). Мориц, сен — буюк одамсан!

Шварц. Ҳа, ажойиб режалар! Энди бизга қўшмачилик қилиш ёки хотин-қиз бўлиб олиб, ўзимизни бозорга солиш қолди, холос.

Шпигельберг. Мен айтган йўлдан юрсанг одам бўласан, шон-шухрат орттирасан, ҳей, рўдаполар, бу ёғини ўйласанг-чи! Ўлганингда ном қолдиришни ўйла, хумпар.

Швейцер (*елкасидан ушлаб силкитади*). Қойилман, Шпигельберг! Ҳей, нимасини ўйлаб ўтирибсанлар, хўб де!

Шуфтерле. Менга қара, Шпигельберг, азбарои шифо! Шайкангга қўшилдим, ол мени!

Рацман. Мени ҳам ол, ичак-чавоғим билан паққос сенга топширдим ўзимни.

Гримм. Қўлингни бер, Мориц!

Роллер. Сен-чи, Швейцер? (*Шпигельбергга қўл бериб.*) Мана, виждонимни шайтонга ижарага қўйдим.

Шпигельберг. Номинг юлдузларга тенг бўлади!

(Сапчиб туриб.) Оғайнилар, қани, тез! Бу ишнинг шавқи-заъқиға теги келадиган нима бор! Юр, оғайнилар!

Роллер. Хай-хай, паштингдан қайт! Қабққа? Хайвонга ҳам калла керак, ахир.

Шпигельберг (ачигиб). Яна нима деб мингиллапти бу эпапанг? Бу вужуднинг аъзолари қимирлаб қолгани калланинг борлигидан эмасми? (Узининг кўксига уриб). Қани, юр, оғайнилар!

Роллер. Ховлиқма дейман. Эркинликнинг ҳам соҳиби бўлади.

Шпигельберг (ён бериб). Ҳа, айтгандай,— Роллер тўғри гапирпти. Доно бир бошлиғимиз бўлиши керак. Тушундингларми? Ақлли, сиёсий бошлиқ! Ҳа, ҳа! Сизнинг бундан бир соат олдинги аҳволингизни, энди эса, ажойиб бир каллада туғилган фикр туфайли ким бўлиб қолганингизни ўйласам... Ҳа, ҳа, албатта, сизларга бир бошлиқ керак. Лекин шу ажойиб фикр қимнинг калласида туғилди, айтинг-чи, энг доно, энг равшан ақли бошлиқ ўша эмасми?

Роллер. Агар ишониш мумкин бўлса-ку... Лекин хавотирдаман, у сира унамаса керак.

Шпигельберг. Дадилроқ гапирсанг-чи! Эҳтимол унаб қолар. Роллер, дадил гапир.

Роллер. Агар у унамаса, ҳаммаси чиппакка чиқади. Карл Моор бошлиқ бўлмаса бизлар калласиз гавдай бир гапимиз.

Шпигельберг (ҳафсаласи тир бўлиб, четга чиқади). Хомкалла!

Моор (даҳшатли ҳаяжонда кириб, у ёқдан бу ёққа тез-тез юради, ўзича сўзлайди). О, инсонлар-а, инсонлар! Қалбаки, найрангбоз авлод! Кўз ёшлари — сув, юраклари — занглаган темир! Лабингдан ўпиб туриб кўксингга ханжар тикади. Арслонлар, қоплонлар ўз болаларини боқишади, ҳатто қузгун ҳам ўз боласига ўлак-са топиб келади, менинг отам-чи...

Роллер. Менга қара, Моор! Қоқ нон билан совуқ сув ичиб зиндонда ўтиргандан кўра қароқчилик қилиш тузук бўлса керак, нима дейсан?

Моор. Қани энди йўлбарс бўлиб туғилган бўлсаму, йиртқич тишларимни шундай инсонларнинг танасига ботирсам! Оталикнинг вафоси шуми? Шуми фарзандликнинг меҳрига жавоб?! Бас, энди мен ҳам ҳеч кимни кечирмайман. Океанларни заҳарлашга тайёрман, токи инсон зоти барча булоқлардан ажал сувини ичсин! Энди менда қатра шафқат қолмади!

Роллер. Менга қара, Моор, сенга гапим бор.

Моор. Йўқ, ишонмайман! Туш бу, босинқираш бу! Шу қадар ялиниб-ёлборишларим, шунчалик арзи-ҳол, тавбаи-тазарруларим — ахир буларнинг ҳаммаси йиртқиқ ҳайвон юрагини эритиб, тошдан кўз ёш оқизиши мумкин эди-ку! Наҳот ота юрагига таъсир этмаса! Қани энди, шундай кучим бўлса-ю, бутун табиатнинг исёнини кўтарсам, еру осмон, денгизларнинг қахру ғазабини ана шу жирканч одамларнинг бошига ёғдирсам.

Гримм. Гапга қулоқ солсанг-чи! Ғазабдан қулоғинг кар бўлиб қошти.

Моор. Йўқол, йўқол кўзимдан! Сенинг ҳам номинг инсонми? Инсон қиёфаси, йўқол кўзимдан! О, мен уни нақадар севардим! Бу дунёда бирор фарзанд отасини бундай севмаган! Мен уни деб бор умримни!.. (*Дарға-заб депсиниб*). О, қўлимга ким ханжар тутқизарки, ичи қора ёвуз инсон зотига қақшатғич зарба еткизсам! Унинг қоқ юрагига қандай қилиб зарб уришни, титиб ташлаш, йўқ қилишни кимки ўргатса, ўша менинг қиёматлик нажоткор дўстим, мен уни худо деб атайман, тиз чўкиб ибодат қиламан!

Роллер. Бизлар сенга худди ана шундай дўст бўлмоқчимиз, гапимизга қулоқ солсанг-чи.

Шварц. Юр биз билан Богем ўрмонларига! Қароқчилар тўдасини тўплаймиз, сен эса бизнинг...

Моор қимир этмай унга тикилиб туради.

Швейцер. Сен атаманимиз бўласан! Сен бизга атаман бўлишинг керак!

Шпигельберг (*аламзада креслога ўзини ташлайди*). Қуллар! Қўрқоқлар!

Моор. Сенинг қулоғингга ким шипшиди бу гапни?.. Менга қара, биродар! (*Шварцни ёқасидан ушлайди*.) Бу гап сенинг ўз инсонлик вужудингдан чиққан эмас-ку! Ким шипшиди қулоғингга бу гапни? Қирқ панжали ажал номи билан қасам ичаман, ҳа, биз буни қиламиз! Биз буни қилишимиз керак. Қаршисида тиз чўкса арзийдиган иш! Қароқчилар, қотиллар! Ҳа, қасамёд этай, атаманингизман!

Ҳамма (*қаттиқ бақриб*). Яша, атаман!

Шпигельберг (*сақраб туриб, ўзича*). Ҳа, яшайди, то мен уни кузатиб қўймагунимча!

Моор. Гўё эндигина кўзим очилди! Орқага, қафас сари интилиб роса аҳмоқ бўлган эканман. Кўнглим мардонавор ишларга ташна, эркин нафас керак кўксимга! Қо-

тиллер, қароқчилар!— бу сўзларни тилга олганда қонун-қондалар оёқ остимда. Инсонликка йўл излаганимда одамлар уни мендан яширдилар. Бас, инсоний раҳм-шафқат, кўнгилчанлик, кўзимдан йўқол! Ортиқ менинг отам йўқ, юрагимда меҳру-муҳаббатдан қатра қолмади, бир вақтлар кўксимда бирор яхши ният бўлган бўлса қон ва қасос ҳаммасини ювиб ташласин! Кетдик! Кетдик! Мен ўзимга даҳшатли ўйинлар топаман. Гап шу — мен сизнинг атаманингизман! Қайси бирингиз ўт қўйишда даҳшатлироқ бўлса, одам ўлдиришда ваҳшийроқ бўлса — қандини урсин, онт ичаман, ундай шоввозга шоҳона мукофот тегади. Атрофимга жипслашинг, ҳар бирингиз то ўлгунча итоаткор ва содиқ бўлишга қасамёд этинг! Мардлик аломати ўлароқ қўлингизни кўтаринг.

Ҳ а м м а (*унга қўл бериб*). Қасамёд қиламизки, то ўлгунча сенга итоаткор ва содиқмиз.

Мо о р. Мен ҳам қўл кўтариб қасамёд қиламанки, ўлгунимча сизнинг содиқ ва оғишмас атаманингизман! Биронтангиз бирон нафас қўрқоқлик қилса, иккиланса ёки чекинса, бу қўлларим ўша зумда унинг жонини суғуриб олади. Агар қасам сўзларимдан бир қилчалик четга чиқсам, менинг ҳам жонимни суғуриб олишга ҳар биттангиз ҳақлисиз! Розимисизлар?

Шпигельберг ўзига жой топа олмай, талвасада у ёқ-бу ёққа тинмай юриб турипти.

Ҳ а м м а (*телпақларини осмонга отишади*). Розимиз!

Мо о р. Ундай бўлса — кетдик! На хатардан, на ўлимдан қўрқиш йўқ. Ҳар кимга бир ўлим бор — биров пар тўшақда жон берса, биров қонли жанг майдонида; биров дорга осилса, биров чархпалакка тортилади. Биронтаси бизга ҳам насиб қилар!

Кетадилар.

Шпигельберг (*орқаларидан қараб қолади, анча жимликдан кейин*). Ҳаммасини санадингу, биттаси қолди: заҳарни унутдинг. (*Кетади.*)

УЧИНЧИ САҲНА

Моорлар қасрида Амалия хонаси.

Франц, Амалия.

Франц. Нега юз ўгирасан, Амалия? Менинг ўша ота лаънатига дучор бўлган ўғилдан қаерим ёмон?

Амалия. Нарн тур! О, меҳр-муҳаббатли, раҳмдил ота, ўз ўғлини бўриларга, йиртқичларга ем қилиб берган ота! Яккаю ягона ўғлини-я!..

Франц. Ягона? Улар икки ўғил эди шекилли?

Амалия. Ҳа, у сендай ўғилга ота бўлса бўлади.

Франц. Сен алаҳлаяпсан, жонгинам, сенга раҳмим келяпти.

Амалия. О, зинҳор гапирма... Сен аканга ҳам раҳмим келяпти дурсан? Йўқ, сен даҳшатли махлуқ, унга нафрат билан қарайсан! Мени ҳам кўргали кўзинг йўқ.

Франц. Амалия, мен сени ўзимни севгандай севаман!

Амалия. Агар севсанг, бир илтимосимни қайтармайсанми?

Франц. Бир илтимос нимаикан, минг илтимос қил. Ҳар бирига жонимни бағишлашга тайёрман.

Амалия. Ундай бўлса — мени ёлғиз қўй.

Франц (*унинг кўксига қўл тегизиб*). Бу ерда, бу ерда Карл ҳукмрон эди: Кундувлари қошингда, кечалари тушингда... сенинг учун бутун жаҳон, бутун ҳаёт Карлдан иборат эди.

Амалия (*ҳаяжонда*). Ҳа, икрорман, бу гапинг тўғри. Бутун оламга жар солишга тайёрман — мен уни севаман!

Франц. Золимлик! Шафқатсизлик! Шундай муҳаббатни оёқ ости қилиш. Шундай маъсумани унутиб...

Амалия (*сесканиб*). Нима-нима? Унутиб? Мени-я?

Франц. Унинг бармоғига олмос кўзли узукни сен таққанмидинг? Меҳри-вафо гарови деб-а? Уники ҳам тўғри-да, фоҳишанинг нозу ишвасига чидаб туролмаган, бояқиш. Уни айблаб бўладими, ёнида шу узукдан бўлак нарсаси бўлмаса... жон олгучи карашма-ю, оташин оғушлар учун бирор нарса бериши керакмиди ахир?

Амалия (*ловуллаб кетади*). Менинг узугимни — фоҳишага-я?

Франц. Тўғу, жуда паст кетипти-э! Яна шунинг ўзигина бўлса майли эди-я!

Амалия (*қизишиб*). Лекин ўша менинг узугим аканми? Меникилиги ростми? Гапир!

Франц. Ҳа, Амалия, сеники! Оҳ, қани энди Амалия тақдим этган шундай қимматбаҳо узук менинг бармоғимда бўлмайди-а! Мени ундан ўлим ҳам ажрата олмасди. Ахир гап унинг қимматбаҳо олмос тошида эмас, у

оташин муҳаббат нишонаси — унинг қимматлиги шунда, нима дединг, Амалия? Сен йирлаяпсанми, жонгинам? Шундай илоҳий кўзлардан бу бебаҳо қатраларни оқизган бадбахтга лаънатлар бўлсин! Сен унинг барча кирдикорларини билсайдинг, ... унинг ўша қиёфасини ўз кўзинг билан кўрсайдинг!

Амалия. Қандай? Қанақа қиёфасини?

Франц. Қўй, қўй, фариштам, сўрама. О, бундай жирканчликларни одамлар кўзидан бекитадиган ниқоб бўлсайкан! Аммо йўқ... Мана унинг косасига чўкиб кетган заъфарон кўзлари, даҳшатли қарашлари; мана унинг эти суягига ёпишган, ёноқлари чўккан, мурдадай қонсиз бадбашара юзлари; мана у инграгандай бўғиқ овоз билан гўнғилламоқда; лабларида вабо юки, ўпганида заҳар томади...

Амалия. Юзсиз иввогар!

Франц. Нима, Карл кўзларингга қўрқинчли кўришиб кетдимми? Ҳали ўзини кўрмасдан-а?

Амалия. Тухмат, бари тухмат! Карлнинг бундай бўлиши мумкин эмас, буни сен ўзинг ҳам билиб турисан.

Франц чуқур ўйга толиб анча туради-да, кейин бирдан қайрилиб, чиқиб кетмоқчи бўлади.

Қаёққа шошяпсан? Ўз шармандалигингдан қочяпсанми?

Франц (*юзини қўллари билан бекитиб*). Қўй, қўйиб юбор мени, кўз ёшларимга эрк берай. Бераҳм отам! Энг яхши ўглини шундай қашшоқликда ўз ҳолича ташлаб қўйди-я! Менга рухсат эт, Амалия! Отамнинг оёқларига йиқилиб, тиз чўкиб ёлбораман — Карлни эмас, мени лаънатласин, мени маҳрум қилсин мол-мулкидан, мени... менинг қоним... ҳаётим...

Амалия (*унинг кўксига йиқилиб*). Менинг Карлнинг туғишгани! Азизим Франц!

Франц. О, Амалия! Акамга сидқидил билан вафодор бўлганинг учун севаман! Кечир, муҳаббатингни синайман деб, хунук гаплар гапирдим, кечир... Лейпцикка кетадиган кун кечаси Карл мени боққа олиб чиқди. Тинч, ойдин кеча, бундай кечалари сиз бу боғда кўп марта учрашиб, ишқий орзулар оғушида ором олгансиз. Биз у билан анчагача жим туриб қолдик... Ниҳоят у менинг

қўлимдан ушлади-да, кўзларига ёш олиб гапирди: «Мен Амалияни қолдириб кетяпман, деди. Негадир кўнглим сезиб турибди — биз абадий ажрашмоқдамиз, деди. Уни ёлғиз қўйма, жон ука! Унинг энг яқин дўсти бўл, агар унинг Карли қайтиб келолмаса, ўрнини бос...» (*Бирдан тиз чўкиб, қизнинг қўлларини эгирис билан ўша бошлайди.*) Энди у ҳеч қачон, ҳеч қачон қайтиб келмайди, мен эса унга муқаддас олт билан ваъда берганман!

Амалия (*ундан ўзини тортиб*). Сотқин, тилингдан илиняпсан! Худди ўша боғда у: «Агар омон келолмасам ўзгани севмагин» деб, мендан сўз олган. Кўрдингми жирканчлигингни! Йўқол кўзимдан!

Франц. Сен мени билмайсан, Амалия, сен мени ҳеч ҳам билмайсан!

Амалия. О, энди билдим! Энди сени яхши билиб олдим! Карл менинг тўғримда келиб-келиб сенга гапирардими? Сенга-я! Ундан кўра отимни эл аро шарманда қилгани афзал эмасми? Йўқол, ҳозироқ йўқол!

Франц. Таҳқир этяпсан сен мени...

Амалия. Йўқол деяпман! Сен менинг бир соат қимматли вақтимни ўғирладинг — худоё умрингдан босиб қолсин ўша бир соатни!

Франц. Сен мени ёмон кўриб қолипсан.

Амалия. Мен сендан нафратланаман. Йўқол!

Франц (*депсиниб*). Шошма, ҳали менинг рўпарамда зир титраб турадиган бўласан! Ўша гадони деб мендан юз ўғирдингми! Сабр қил!

Талвасада чиқиб кетади.

Амалия. Йўлингдан қолма, пасткаш! Мана мен яна ўз Карлим билан ёлғизман. «Гадо» дедими? Демак дунё ост-уст бўпти-да! Гадолар қиролу, қироллар гадо! Унинг садақа тилагандаги кўз қарашлари улугвор, шоҳона қарашдир, бу қараш давлатманд ва ҳукмронларнинг тумтароқли ҳашаматларини ер билан яксон қилади. Йўқол, серташвиш, ялтироқ безаклар (*бўйнидан маржонларини узиб ташлайди*). Давлатмандлар, ҳукмронлар, олтинингиз, кумушингиз, қимматбаҳо дурларингиз бошларингиздан қолсин!

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Франц фон—Моор ўз хонасида хаёл суриб ўтирибди.

Франц. Жуда ҳам чўзилиб кетди-э... Докторнинг фикрича, қайтага тузалиб келаётганмиш... Чолнинг умри, дейман, нима бало, поёни йўқми! Хазиналарга кирадиган йўлимни бир ботмон сассиқ гўштдек тўсиб ётган мана шу жони қаттиқ чол бўлмаганида, рўпарамда эркин, равон йўл очиларди... Мен унинг умрига эгов топишим керак. Оғир ҳиссиётлар ҳаётий қўчларга завол бўлади дейишади. Мен унинг руҳини кемириб, вужудини емираман. Хўш, қайси бир ҳиссиётни танласам экан? Қайси бир ҳиссиёт ҳаётнинг гулини шафқатсиз сўлдира олади? Ғазабми?— Бу оч бўри теда тўйиб қолади. Мусибатми?— Бу илон ҳам ниҳоятда имиллаб ўрмалайди. Даҳшатми?— Унинг йўлини умид тўсиб қўяди. Шуми? Наҳотки қотилларнинг топган-тутгани шу бўлса? Одам ўлдиришнинг воситалари фақат шуми ҳали? (*Ўйга толади*) Йўғ-е? Хўш? Яна нима бор? Ҳа-ҳа! (*Сапчиб ўрнидан туради.*) Қўрқув-чи! Қўрқув ҳар нимага қодир эмасми? Қўрқувнинг совуқ панжалари идрокни ҳам, имонни ҳам исканжага олади! Лекин... Бордию чол бу таҳликага ҳам бардош берса-чи. Борди-ю у... У тақдирда мен қизгангани, изтиробни ишга соламан... Унинг қақшаб қолган ҳаёт томирига бирин-кетин зарб ураман, таҳликадан олиб таҳликага соламан, изтиробда ёндираман! Бу оғир, лекин энг ишончли, энг тўғри режа, чунки, бундай ўлдирилган одам жасаидан анатомлар на жароҳат топадилар, на заҳар юкини...

Герман киради.

Герман. Хизмат, азизим.

Франц (*унга қўл бериб*). Ҳа, ташаккур ва тақдирлашларга анча сахий бўлган бир кишининг хизмати.

Герман. Биламан, мен буни тажрибада кўрганман.

Франц. Сен яқинда яна ҳам каттароқ мукофот оласан, Герман, ҳа, яқинда! Сенга икки оғиз гапим бор.

Герман. Жоғ қулоғим сизда.

Франц. Менинг дадам сени қаттиқ хафа қилипти, Герман.

Герман. Ёдимдан чиқарсам нон урсин агар.

Франц. Сен менга ёқяпсан, Герман. Мана бу ҳам ённи ол, Герман. Агар бу ерда ўзим хўжайин бўлганимда, шубҳасиз, бу ҳамён оғирроқ бўлган бўларди.

Герман. Бу менинг ҳаминчалик орау-илтижом. Та-
шаккур, азизим.

Франц. Ростданми, Герман? Сен чиндан ҳам ме-
нинг бу ерда хўжайин бўлиб қолишимни истайсанми?
Бироқ, менинг отам ҳамон шердай бақувват, бунинг
устига мен кенжа ўғилман.

Герман. Мен истардимки, сиз тўнғич ўғил бўлсан-
гизу, отангиз сил касалдай бемадор бўлса.

Франц. У тақдирда тўнғич ўғил сенга катта муко-
фотлар тайин этарди... Хўш, нима демоқчи эдим... Ҳа,
айтгандай, Герман, сен Амалияни кўнглингдан бутунлай
чиқариб ташладингми энди?

Герман. Лаънат! Нега уни ёдимга солмоқдасиз?

Франц. Уни сендан акам айнитган эди.

Герман. Қилмишига яраша жазосини топди.

Франц (*елкасидан ушлаб силкади*). Сен Амалия-
дан воз кечмаслигинг керак.

Герман. Бўлиши керак! Ҳа, у меники бўлиши ке-
рак!

Франц. Сеники бўлади, ҳа, оласан, менинг қўлла-
римдан оласан. Яқинроқ кел... Сен ҳали, эҳтимол, эшит-
магандирсан: Карл меросдан маҳрум этилди!

Герман (*яқинроқ келиб*). Ажабо! Биринчи эшити-
шим.

Франц. Ўзингни бос, буёғини эшит! Бошқа бир
вақт топиб батафсилроқ гапириб берарман. Хўш, мана,
дейлик, унинг қувилганига яқинда бир йил ҳам бўлади.
Чол ўша вақтда уни бировнинг гапига кириб қувғин қил-
ди-ю, энди афсус қилишти чоғимда. Анави Амалия ҳам
ҳар кунни ёнига кириб арзи-доду таъналари билан тиқи-
линч қилишти. Бир кун эмас бир кун чол уни қидирти-
риб қолиши бор, агар қидиртириб топса-чи, Герман, хаёл-
ларим пучга чиқди деявер. Амалияни ёнига олиб никоҳга
кетаётганида эшик очиб қуллуқ қилиб турасан, Гер-
ман!

Герман. Ибодатга тиз чўкканида бўғиб ўлдираман!

Франц. Сўнгра дадам унга бутун мол-мулкани топ-
шириб, ўзи қасрда ором олиб ётади. Тизгинимиз ўша қу-
турган бебошнинг қўлларида бўлади, ўз рақибларини, ҳа-
садчиларини хор қилиб ўйнатади. Мен-чи, Герман, сени
савлатли амалдор қилиш ниятида бўлган мен ҳам ўша-
нинг остонасида бош эгиб таъзим қилишим керак...

Герман (*қизишиб*). Йўқ, ўшандай бўладиган бўлса,
Герман отимни бўлак қўяман! Қалламда заррача фаросат
бор экан, мен бунга йўл қўймайман.

Франц. Унга ҳали сен тўққинлик қилмоқчимисан? Сен ҳам унинг калтагини татийсан, азизим Герман, кўчада юзинга туфлайди, туфлаганида елкангни қиссанг ёки юзингни буриштирсанг — тамом, фалокатга учрайсан. Мана кўрдингми, у тақдирда Амалияга уйланишинг нима бўлади-ю, келажагинг, ниятларинаг нима бўлади?!

Герман. Гапиринг, нима қилай?

Франц. Менга қара, Герман, энг яқин бир дўстинг каби, тақдирингга чин юракдан қайғуриятман. Бор, кийимингни бошқа қил, сира таниб бўлмайдиган қиёфага қир, чолнинг ёнига бор, тўғри Богемиядан келдим дегин, Карл билан бирга Прага жангларида қатнашдим дегин, унинг жанг майдонида жон берганини ўз кўзим билан кўрдим, дегин,

Герман. Ишонармикин?

Франц. Ҳе-ҳе! Бу ёғини менга қўявер. Мана бу пакетни ол. Бунда сенга йўл-йўриқлар ҳам зарур хўжатлар бор. Энди сен бу ердан ғойиб бўл. Қора йўлдан ҳовлига чиқиб боғнинг деворидан ош. Бу фожиаги томошанинг охирини менга қўйиб бер!

Герман. Охирини биламан: «Яшасин янги хўжайинимиз Франциск фон-Моор!» охири мана шундоқ бўлади.

Франц (унинг яноқларини ишқалаб). Дидингга қойилман! Бу йўл билан биз ҳар қандай ниятга эришамиз. Амалия умидини узади. Чол ўғлининг ўлимига ўзини айбдор деб, соғлиғини йўқотади, чалдеворнинг қулашига эзилзила керак эмас, — чол бунақа шумхабарни кўтаролмайди. Мен унинг ягона ўғли бўлиб қоламан. Таянчини йўқотган Амалия эса кўлимда ўйинчоқ бўлиб қолади. Бу ёғини ўзинг тушуниб олавер... Қисқаси, ҳамма иш биз истаган йўлдан юради, бироқ сен лабзингда туришинг керак!

Герман. Хотиржам бўлинг! (*Шод.*) Мен сўзимдан қайтгунча, отилган ўқ орқасига қайтади. Менга ишонаверинг. Хайр!

Франц (*орқасидан*). Овора бўласан, Амалия эмиш-а...

ИККИНЧИ САҲНА

Кекса Моорнинг ётоқхонаси.

Кекса Моор. Ўғлим! Ўғлим! Ўғлим! Сенмисан? Оҳ! Нақадар аянч қиёфанг! Мунча ғамгин тикиласан кўзимга — мен бусиз ҳам бахти қароман.

Амалия (*уни уйғотади*). Туринг, тоға! Туш кўр-
дасиз. Ўзингизга келинг!

Кекса Моор (*уйғониб*). Қани у? Қани? Мен қа-
ерда ётибман? Амалия, сенмисан?

Амалия. Аҳволингиз қалай? Келсам ширин уйқу-
да экансиз.

Кекса Моор. Тушимда ўғлимни кўраётувдим.
Нега ҳам уйғотдинг! Балки унинг афв этганини ўз оғзи-
дан эшитар эдим.

Амалия. У сизни аллақачон афв этган. (*Маъюс
бир қиёфада чолнинг қўлини ушлайди.*) Менинг Кар-
лимнинг азиз отаси, сизни мен афв этдим.

Кекса Моор. Бечора қизгина! Сени ёшлик қувон-
чингдан маҳрум этган — мен, лаънатла мени!

Амалия (*меҳрибонлик билан қўлини ўпиб*). Йўқ!..

Кекса Моор. Кўнглимдаги азоб-изтиробни билсай-
динг! Мен ўлим тўшагида ётибман, ўғлим Карл эса
ёнимда йўқ. Мени қабристонга элтарлар, гўрим тепшасида
ўғлим ёш тўкмас...

Даниэл киради.

Даниэл. Ташқарида биров сизни йўқлапти. Ўзин-
гизни кўрмоқчи эмиш. Қандайдир муҳим хабарлар келти-
рипти.

Амалия. Агар гадо бўлса, тезроқ қўйвор.

Даниэл кетади.

Франц билан Герман киради. Герман ниқобланган.

Франц. Мана шу киши. Даҳшатли хабарлар кел-
тирдим, дейди. Тингламоққа ҳолингиз етадими?

Кекса Моор. Берироқ кел, биродар, мени аяма.

Герман (*овозини ўзгартириб*). Агар сўзим беихтиёр
қалбингизга ниш бўлиб ботса, мен бечорани марҳаматин-
гиздан маҳрум этманг, тақсир... Ўғлингиз Карлни танир
эдим...

Амалия (*сапчиб туриб*). У тирикми? Тирикми, га-
пир! Қаерда у? Қани? (*Югуриб чиқиб кетмоқчи бўлади.*)

Кекса Моор. Сен унинг тўғрисида нима биласан?

Герман. У Лейпцигда ўқир эди. У ердан кўп узоқ-
ларга дарбадар бўлиб кетди. Бутун Германияни эни-бў-
йига кезди, бош яланг, ялангоёқ, эшикма-эшик юриб ти-
ланчилик қилди. Беш ойдан сўнг Пруссия билан Авс-
трия ўртасидаги фалокатли уруш яна бошланди, бу дунё-
да на таянчи, на ишончи қолган ўғлингиз Фридрих * но-

ғорасининг зафар садолари остида Богемияга * йўл тутди. «Рухсат этинг,— деди буюк Шеърингга * қараб, қахрамонларча жон берай, чунки энди менинг отам йўқ!»

Кекса Моор. Амалия, менга тикилма!

Герман. Унинг қўлига байроқ бердилар, голиб Пруссия бургутининг орқасидан олға интилди. Бизга бир палатада ётишга тўғри келди. У кекса отасини, ажойиб ёшлигини, пучга чиққан умид-орзуларини ҳикоя қилар экан, кўзимиздан тирқираб ёш оқарди.

Кекса Моор (*юзини ёстиққа бежитади*). О, бўлди, бас!

Герман. Бир ҳафтадан кейин Прага ёнида қизгин жанг бўлди*: сизни ишонтириб айтаманким, ўғлингиз ҳақиқий мард жангчи бўлиб танилди. У бутун қўшинда мисли кўрилмаган мўъжизалар кўрсатди. Ёнида беш полкнинг аскарлари қирилиб кетса ҳам, у омон қолаверди. Ўнгу сўлда тўшлар ёғилганда ҳам ўғлингиз тикка олдинга юрди. Ўнг қўлини ўқ янчиб ўтди, аммо у байроқни чап қўлига олиб, яна олға интилди...

Амалия (*беҳад завқ билан*). Эшитяпсизми, у олға юрди...

Герман. Кечқурун мен уни жанг майдонидан топдим, у ўқ еб йиқилган эди: чап қўли кўксидан сапчиган қонни тўсмоқчи бўлиб, ўнг қўли эса жон-жаҳди билан тупроқни чангаллаганича ётарди. Бу буюк инсон кўп ўтмай мана шу қўлларда жон берди...

Франц (*ғазаб билан Германияга ташланади*). Бўтзингга ажал ёпишсин, лаънати! Ёки бемор отамизга машъум хабар билан сўнгги зарба бермоқчимисан? Дада! Амалия! Отам!

Герман. Мана марҳум дўстимнинг энг сўнгги васияти. «Мана бу ханжарни ол,— деди дўстим энг сўнгги нафасида,— уни кекса отамга тошшир, унда қотиб қолган қонни, ўз ўғлининг қонини кўрсин. Қасос хунини олди — вақти чоғ бўлсин, унга яна шуни айтгинким, отамнинг лаънату нафрати мени ўлим қучоғига йўллади, мен аламли изтиробда оғир жон бердим». Мана унинг сўнгги сўзлари. Энг охирги нафасида Амалия номини тилига олди.

Амалия (*жонсиз, уйқудан сапчиб тургандай*). Энг охирги нафасида Амалия номини тилга олди!

Кекса Моор (*даҳшатли фарёд билан сочларини юлади*). Менинг лаънатларим уни ўлим қучоғига йўллапти! Уни аламли изтироб ҳалок этипти!

Франц (*у ёҳдан-бу ёққа чолиб*). Оҳ, дада, нима қилиб қўйдингиз? Дада? Менинг акагинамни-я! Акагинамни!

Герман. Мана унинг ханжари. Бу суратни эса ўлим олдидан кўксидан юлиб олиб берди. Мана бу қизга ўхшайди, ҳа-ҳа, худди қуйиб қўйгандай. «Буни укам Францга тошпир» деб буюрди. Бундан нияти нима, билла олмадим.

Франц (*сохта ҳайрат билан*). Амалиянинг сурати-ни-я? Менга... Карл... Амалияни... Менга-я?

Амалия (*даргазаб бўлиб, Германнинг ёқасига ёпишади*). Сотқин. Фирибгар.

Герман. Янглишяпсиз хоним. Кўринг-чи, шу сурат сизники эмасми? Эҳтимол, ўзингиз тақдим этган суратдир.

Франц. Худо урсин, Амалия, сенинг суратинг! Рост, рост, сеники!

Амалия (*суратни қайтиб бериб*). Ҳа, меники! Ё тангрим!

Кекса Моор (*фарёд чекиб юзини таталайди*). Фалокат ёғилди бошимга! Менинг лаънатларим уни ўлим кучоғига судрапти! Ҳалок қилди уни алам, изтироб!

Франц. Оғир ўлим нафасида мени ёд этипти, мени! Тепасида ажал қузғуни қанот қоққанда фариштадай беғубор кўнглига мен келинман! Мен!

Кекса Моор (*алаҳлагандай*). Менинг лаънатларим уни ўлим кучоғига отипти... Оғир алам уни ҳалок этипти!..

Герман. Йўқ, мен бунга бардош қила олмаيمان. Хайр, тақсир! (*Францга, секин.*) Бу майнавозчиликларнинг нима ҳожати бор эди сизга! (*Тез жўнайди.*)

Амалия (*сапчиб туриб, орқасидан қичқиради*). Тўхта! Тўхта! Сўнгги нафасида нималар деди?..

Герман (*қайрилиб қараб, қичқиради*). Энг охирги нафасида Амалия номини тилга олди (*кегади*).

Амалия. «Энг охирги нафасида Амалия номини тилга олди». Йўқ, бу фирибгар эмас! У ҳам. Демак у — ўлган, ўлган! (*Довдираб йиқилади.*) Улган... Карл ўлган.

Франц. Бу нима? Ханжарга қон билан ёзипти! «Амалия!»

Амалия. Ўз қўли билан-а?

Франц. Ўнгимми-тушимми? Кўрдингми: Қон билан ёзипти, «Франц, менинг Амалиямни ёлғиз қолдирма!» Қарасанг-чи ахир! Бу томонини ўқи: «Амалия, қасам сўзларинг ўлим захри билан қирқилди». Эшитяпсанми? У кўларган тирноқлари билан ёзипти, абадийлик дунёсининг салобатли остонасида юрагининг қайноқ қони би-

дан ёзилти! Арши-аълоларга учаётган жон Франц билан Амалияни қовуштирмақ учун парвозини секинлатипти.

Амалия. Ё парвардигор! Бу унинг ўз қўли, у мени ҳеч қачон севмаган экан! *(Шошиб чиқиб кетади.)*

Франц *(депсиниб)*. Лаънати! Бу ўжар қиз қарши-сида макру муҳаббатим ожизлик қилди.

Кекса Моор. О, фалокат ёрди бошимга! Мени ташлаб кетма, жон қизим! Франц! Франц! Ўғлимни қайтиб бер, ўғлимни!

Франц. Уни ким оқ қилди, ким лаънатлади? Кимнинг сўзи ўлим чангалига ташлади? Изтиробга солиб ҳалок қилган ким? Ўғил эмас, бир фаришта, илоҳий бир хазина эди! Қотилларга лаънат! Лаънат сизга, минг лаънат сизга!

Кекса Моор. Лаънат сўзин лабларимдан юдиб олган сен эдинг, сен, сен! Ўғлимни қайтиб бер, ўғлимни!

Франц. Мени ортиқ дарғазаб қилма. Ўлимнинг ҳукмига топширдим сени.

Кекса Моор. О, даҳшатли махлуқ! Ўғлимни қайтиб бер, ўғлимни! *(Креслодан сапчиб туради, Францнинг бўғзидан олмоқчи бўлади, лекин ўғли уни улоқтириб ташлайди.)*

Франц. Хилвираган суякларингни йиғиштир! Яна қимирлайди-я! Ана, ажал оғзини очиб турипти! Талвасада жон бер! *(Чиқиб кетади.)*

Кекса Моор. Лаънат сенга, Франц, минг лаънат! Сен бағримдан ўғлимни юлиб олдинг *(дарғазаб тўлғанади)*. Фалокатлар ёрди бошимга! Ўлим чангалига ташлаб қочишди. Сочи оқарган қотилдан азиз-авлиёлар ор қилишади. Фалокат, фалокат! Бошгинамини суянгани ёнимда тирик жон йўқ; сўнги сўзаларини кимса эшитмас. На ўғлим бор, на қизим бор ва на дўстларим! Ҳамма бегона... Ҳеч ким йўқ... фақат ўлим...

Амалия *(югуриб киради)*. Ё худо! Сизга нима бўлди?

Кекса Моор. Ўлим... Зулмат босиб келмоқда... Жон қизим... Пасторни чақир...

Амалия *(бирдан чинқириб)*. Ўлди! Ўлиб қолди! *(Фарёд қилиб чиқиб кетади.)*

Франц *(хурсанд, югуриб киради)*. Ўлди дейишяптими?.. Ана энди мен хўжайинман. Бутун қаср бўйлаб хитоб янграйди: Ўлди! Ухлаб қолган бўлмасин тагин? Йўғ-е, ҳа, ҳа, ухлаяпти! Шундай уйқуга кетиптиқи, эрталабки саломларни умрбод эшитмайди. Уйқу билан ўлим — худди эгизак. Баъзан бир-биридан фарқ қилиш

қийин. Мана бундай кўп кутилган роҳат уйқуни ўлим деса арзийди. (*Уликнинг юзини бекигади.*) Қани мени биров судга тортиб кўрсин-чи! Аблаҳ дея юзларимга тик-ка айтсин-чи! Итоат ва раҳмдиллик ниқобини олиб ташлайман! Энди Франц бошқа Франц, даҳшатга келинг! Отам ўз эҳтиёжларини чучук-чучмал гаплар билан зўрға билдирар эди, графлигини эса бачкана бир оилага айлантриб юборган; ўзи бўлса дарвоза тагига чиқиб, ўтган-кетганга меҳр билан илжайиб салом берарди. Менинг қовоқларим ҳаммангизнинг теппангиздан даҳшатли булутдай босиб тушади. Менинг номим ҳалокатли тўфонлар бошлаб келадиган момақалдироқдай даҳшатли янграйди, менинг кўзларимдан машъум тақдирингни ўқийсан! У сенларни эркалар эди. Эркалашу аллалашлар менга бегона. Пошнамнинг тишлари танангизга ботади, қамчимдан қон томади. Бундан кейин менинг мулкимда шолғом билан бўза байрам зиёфати бўлади; сал семириб юзига қизил югурган қул кўзимга чалинса ўзидан кўрсин. Қашшоқлик азоби, қуллик даҳшати — сенларга кийдирадиган либосларим мана шу! (*Керади.*)

УЧИНЧИ ПАРДА

Богем ўрмонлари.

Шпигельберг. Рацман. Бир тўда қароқчилар.

Рацман. Сенмисан, Мориц? Сен шу ерданининг? Кел, оғайни, қучоғимда бўғиб ўлдирай! Хуш келибсан Богем ўрмонига! Жуда ҳам азамат бўлиб кетибсан! Ие, нима бало, янги қароқчилар олиб келдингми?

Шпигельберг. Олиб келганда қандай! Ҳаммаси сара! Газеталарнинг қайси бир сонига қарамай доно, маккор Шпигельберг ҳақидаги хабарга дуч келасан. Қиёфамни бошдан-оёқ тасвир этишади дегин, худди суратдагидай, тугмачамгача қўйишмапти. Шўрликларни тоза аҳмоқ қилиямиз. Яқинда босмахонага кириб бориб, ўша машъум Шпигельбергни кўрдим деб даъво қилдим, ўша ердаги бир бемаза докторнинг қиёфасини тасвирлаб бердим, котиби ёзиб олди. Газетада эълон қилишди, кейин шўрлик докторни қамоққа олиб, қийнаб сўроқ қилишпти. Аҳмоқ бўлса кўрққанидан Шпигельбергман деб ҳамма айбни «бўйнига олибди» — ҳа, ҳа, ўлай агар, Шпигельбергман депти. Магистратга бориб, бу лапашанг менинг номимга иснод келтиряпти деб эълон қилишимга сал қолди. Бу ёғи нима бўлди дегин? Уч ойдан кейин

уни осиб ўлдиришди. Энди ўша сохта Шпигельберг бутун гўзаллиги ва шон-шарафи билан осилиб ётган дорнинг тагидан ўтганимда бурнимга бир ҳовуч тамакини тикиб оламан. Бу ёқда бир Шпигельберг осилиб ётипти-ю, у ёқда бўлса иккинчиси адолатли қонун пешволарига ўч, бармоқдан муаммо кўрсатади! Шўрликларга раҳминг келади киши!

Рацман (*кулиб*). Ҳали ҳам ўша-ўшасан... Тўхта-чи, бу нима шовқин?

Шпигельберг. Момоқалдироқ... Лекин, менга қара, порох ҳиди келяпти...

Рацман. Ҳушёр бўл, назаримда, яқин ўртада бир хунук гап бор. Ҳа, ҳа: хўп дея бер, Мориц, сен ўз йигитларинг билан атаманга жуда қўл келиб қоласан. У ҳам ўз атрофига анча зўр йигитларни тортибди.

Шпигельберг. Ахир меникилар... меникилар...

Рацман. Тўғри! Абжир болалар, лекин атаманинг шуҳрати анча-мунча софдил йигитларни ҳам ўзига тортипти.

Шпигельберг. Бўлмаган гап.

Рацман. Рост! Улар унинг буйруқларини бажаришга сира ор қилмайдилар. У, бизга ўхшаб, мол учун одам ўлдирмайди, назаримда пул ҳақида ўйламайди ҳам. Топган ўлжасини етимларга тарқатар эмиш, умидли камбағал ўспиринларнинг ўқишига инъон қилар эмиш. Лекин агар ўз деҳқонларининг терисини шилаётган бирор помещикни қўлга туширса, ёки адолатнинг кўзини тилла билан кўр қилиб қонунни истаган кўйга солувчи зарбоб либос кийган муттаҳамнинг ҳамда бошқа шунга ўхшаш текинхўр арзанданинг адабини бериш керак бўлиб қолса,— ана шунда атаманинг юрагида ғазаб ўти қайнаб-тошаркан, гўё ҳар бир томирида фалокатли исёнкор куч қўзғалар экан.

Шпигельберг. Ҳм, ҳм! Ҳозир сенга айтган гапларим шу ерда қолсин, оғайни. Бу гапларни у биямагани маъқул. Тушундингми?

Рацман. Хўп, хўп, тушундим.

Шпигельберг. Феълини биласан-ку!

Рацман. Биламан, биламан.

Шварц киради.

Ким бу? Нима гап? Ўрмондан йўловчилар ўтиб қолдими?

Шварц (*кириб*). Тез, қани тез! Бошқалар қаерда? Сенларни қара-ю, лақиллаб ўтирибсанлар-а! Ҳали хабарларинг йўқми? Ҳеч нарсадан-а? Ахир Роллер...

Рацман. Гапирсанг-чи, нима гап ўзи?

Шварц. Роллерни осиишибди, ёнида яна тўрт кийим...

Рацман. Роллерни? Лаънат! Қачон? Сен қайқдан билдинг?

Шварц. Уч ҳафтадан бери қамоқда экан, биз бўлсак беҳабармиз; уч марта сўроқ қилишибди, биз бўлсак ҳеч нарса эшитмабмиз! Атамanning қардалигини айтсан деб роса азоб беришибди. Азамат йигит — айтмабди! Кеча суд бўлиб бугун эрталаб жўнатилибди.

Рацман. Лаънат! Атамanning хабари борми?

Шварц. Кечагина эшитибди. Яраланган қоплондай дарғазаб. Ўзинг биласан, Роллер унга ҳаммадан азиз эди... Унинг қасам сўзларини эшитиб томирларимизда қон музлаб қолди: Роллер шарафига шундай машъал ёқаманки, ҳали бирор қирол ўлганида бундай машъал ёқилган эмас, мен ёққан машъалнинг ҳароратидан қотилларнинг тутуни осмонга чиқади, дейди. Мен шаҳар учун хавотир оляпман. Атаман бу шаҳардаги жирқанч хонларга кўндан бери тиш қайраб юрарди. Ўзингга маълумки, у қиламан дедими, сўзидан қайтмайди.

Рацман. Ҳақ гап. Мен унинг феълини биламан. Роллерни айтмайсанми, о бечора-ей...

Шпигельберг. *Memento mori!* Яъни: ўлимий бдингда тут! Ҳе, бу қанақангиси, парвойимга келмайди. *(Кўшиқ айтади.)*

Дорни кўрсам ҳайронман,
Уйга толаман шу чоқ:
Елғиз осилиб ётибсан,
Сен аҳмоқми, мен аҳмоқ!

Саҳна орқасида шовқин, ўқ овозлари.

Рацман *(сапчиб туриб)*. Тўхта! Ўқ отилди!

Шпигельберг. Ана тагин!

Рацман. Тагин! Атаман!

Саҳна орқасида кўшиқ айтадилар.

Йўқ, нюрнбергликлар, дўстлар, бизни осолмас!
Швейцер билан Роллер *(саҳна орқасидан)*.
Да саро! Холла-ҳо! Холла-ҳо!

Рацман. Роллер-ку бу! Роллер! Улай агар!

Швейцер билан Роллер *(саҳна орқидан)*. Рацман! Шварц! Шпигельберг! Рацман!

Рацман. Роллер! Швейцер! Хей поввозлар!

Югуриб чиқиб кутиб олишади. Қароқчи Моор от устада.

Швейцер, Роллер, Гримм, Шуфгерле ва бир тўда қароқчилар. Ҳаммасининг уст-боши, юз-кўзи кир, тўзон.

Қароқчи Моор (*отдан сакраб тушиб*). Эркинлик! Эркинлик! Хавф-хатардан холиссан, Роллер! Отимни олиб бор, Швейцер, вино билан ювиб қўй... (*Ерга чўзилади.*) Чакана иш бўлмади, куйиб-пишиб кетдик!

Рацман (*Роллерга*). Ҳой, менга қара, сиртмоқни узиб тирилиб келдингми?

Шварц. Ҳой, ўзингмисан? Ё мен кўздан қолдимми? Йўқ, ростингни айтавер.

Роллер (*зўрға нафасини ростлаб*). Ўзим, ўзим. Эсон-омон бояги-боягиман. Қани бир каллани ишлатиб кўр-чи — қаёқдан келиб қолдим?

Шварц. Э, балони биламанми! Бошингда жаллоднинг калтаги синган ахир.

Роллер. Ҳа, худди шундай, ундан ортинги ҳам кўрдик. Бу ерга тўғри дорнинг тагидан келиб ўтирибман. Тўхта, нафасимни ростлаб олай. Мана Швейцер гапириб берсин. Менга бир стакан ароғингдан бер. Ие, Мориц, сен яна шу ердამисан? Сен билан бутунлай бошқа бир учрашармиз деган хаёлда эдим. Ҳай, бир стакан ароқ берсанглар-чи! Мажагим чиқиб кетди-ку. Оҳ, атаманим! Қани менинг атаманим?

Шварц. Ҳозир, ҳозир! Э, гапир, гапираверсанг-чи! Қанақасига қочиб келдинг? Бошим қотиб қолди. Дор тагидан дедингми?

Роллер (*бир бутилка ароқни кўтарвориб*). Оҳ-оҳ-оҳ, мазасини қара-я! Жон киргизади, жон! Ҳа, тўғри дор тагидан. Нима, оғизларингни очиб қолдинглар? Сенлар тасаввур ҳам қилолмайсан: сиртмоқнинг зинасига уч қадам қолганда... уч қадам-а! Уч қадам қўйсам шундоқ азроилнинг қучоғига тушадиганман... суякларимни анатомия кабинетига сотиб ҳам юборишди шекилли, қисқаси, ҳаётим бир чимдим тамакига ҳам арзимамай қолувди. Ҳозир эркинликда нафас олиб яшаб турганим мана бу атаман туфайли.

Швейцер. Зап ажойиб воқеа бўлди. Бундан бир кун аввал биз айроқчиларимиз орқали Роллернинг аҳволи чатоқ эканлигини билиб олдик. Бир мўъжиза бўлмаса, у шу бугун кундузи нариги дунёга жўнайдиган.

«Ўзголинг! — деди атаманимиз, — дўст деганда ҳеч нарсани аяманг! Биз уни қутқамамиз... Борди-ю, қутқаза олмасак, унинг шарафига шундай машъал ёқайликки, ҳали бирор қирол ўлганида ҳурматига бундай машъал ёқилган эмас. Машъалимиз ҳароратидан қотилларнинг тутуни осмонга чиқади. Бутун тўдамиз билан оёққа турдик. Роллерга хат ёздик, бир одамимиз бу хатни унинг овқатига солиб киритди».

Кўчалар бўшаб қолди. Шаҳар халқи жазо майдонига ёпирилди; отлиқлар, пиёдалар, экипажлар — ҳаммаси аралашиб кетди. Ҳаммаёқда шовқин-сурон, аза фарёдлари эшитилади. «Ўани, ўт қўйингиз!» деди атаманимиз. Йигитлар ўқдай отилиб бориб шаҳарнинг ҳамма бурчакларидан бирданига ўт қўйвордилар. Порох складига, бутхонага, омборларга ўт ташладилар. Шамолнинг ҳам бу шаҳарда ўчи борми дейман, чорак соат ичида ёнғинни шундай кўтариб бердики, ҳаммаёқни ёлқин чирмади. Бизлар бўлсак кўчама-кўча югуриб «Ёнғин! Ёнғин!» деб жар солдик. Шаҳар осмонини дод-фарёд, тутун қоплади. Порох омборлари портлаб осмонга учди, ер ёрилиб худди жаҳаннамгача ўпирилиб кетгандай бўлди.

Роллер. Ёнимда келаётган соқчилар орқага қайрилиб қарашса — бутун осмон олов, тутун билан қопланган, бир нималар портлаб, тоғлардан зилзиладай акс-садо келмоқда, ҳаммани даҳшатли саросима босди. Мен ҳам худди шу вақтда лиц этиб ғойиб бўлдим, шабададай эркин, озодман. Соқчилар орқаларига қараганча тошдай қотиб, анқайиб қолишди. Мен оломонни ёриб ўтиб, уст-бошимни ечиб отдим-да, ўзимни дарёга ташладим. Одамлар кўзидан узоқлашгунча сув тагидан сузиб бордим. Қирғоқда атаманим отлар билан ҳозир турарди — мана шундай қилиб қутулдим. Моор! Моор, сен тезроқ мана шундай фалокатга дучор бўлсанг-чи, мен ҳам сени бир қутқазиб, қарзимни узай!

Рацман. Э, нафаси совуқ, сени осипаверса ҳам бўлардику-я!.. Аммо-лекин зап воқеа бўлипти, қойилман.

Роллер. Ёмон кунда яраган деб мана буни айтади, сиз ҳали бунинг қадрига етолмайсиз. Менга ўхшаб, бўйнингизда сиртмоқ билан ўз гўрингиз тепасида туриб кўринг-чи, ўшанда биласиз! Қотилларнинг сени ўлдиришга имиллаб тайёргарлик кўришини ўз кўзинг билан томоша қилгандан кўра тиригингча терингни шилиб олганлари яхши. Қонсираган жаллодларнинг пишиллашлари, жирканч совуқ музыка садолари, мендан олдин ўлдирилган одамнинг сасиб кетган жасади устида айлан-

ган-оч қузғуннинг қағиллашлари ҳали-ҳали қулоғимдан кетмайди... Мана шунинг ҳаммасидан кейин — эркинлик! Тушуняпсанларми! Дарёнинг нариги қирғоғига қадам қўйганимда, дахшатли ўт ичидан чиқиб муздек сувга ташлагандай бўлдим, ҳа!

Шпигельберг (*жулиб*). Оббо бечора-ей! Энди ҳадеб гапиравераркансан-да! (*Унинг соғлиғига ичади.*) Нариги дунёдан эсон-омон келганинг учун!

Роллер (*стаканини улоқтириб*). Ҳой, ўлимнинг дахшати—ўлимнинг ўзидан ёмон экан, билиб қўйинглар.

Шпигельберг. Осмонга визиллаб чиқиб портлаган — порох минораси экан, Рацман, билдингми? Шунинг учун ҳам ҳавони олтингугурт ҳиди тутиб кетди. Яхши ўйлаб топибсан, атаман! Қойилман.

Швейцер. Жаллодларнинг дўстимизни қандай қилиб ўлдиришини томоша қилишга бутун шаҳар кўчиб чиқибди-ю, биз дўстимизни деб шаҳарга ўт қўйсак ёмон бўптими?.. Ўлганларнинг қанчалигини билдингми, Шуфтерле?

Шуфтерле. Саксон уч киши дейишади. Бўлмаган гап. Битта миноранинг ўзи олтиштача одамни босиб қолди-ю.

Қароқчи Моор (*жуда жиддий бир қиёфада*). Роллер, сен жуда қимматга тушдинг.

Шуфтерле. Бе-е, нима бўпти! Эркаклар ўлсайкан — ачинсанг. Беланчагини ифлос қилиб ётадиган гўдаклару, пашшасини қўролмайдиган кампирлару, ўз уйининг остонасидан ўтолмайдиган чоллару, оломон орқасидан қочиб қолган докторни топа олмай чинқириб юрган касаллару... ўлганларнинг бари мана шунақа.

Қароқчи Моор. Шўрликлар! Касаллар, кексалар, болалар деддингми?

Шуфтерле. Бари шунақа, падарига лаънат! Бир хужранинг ёнидан ўтиб кетаётсам — бир нима гингшийди, калламни суқиб қарасам — нима экан денг? Бола! Юм-юмалоқ, қип-қизил. Столни тагида ётибди. Стол бўлса бир четидан энди ўт олган экан. «Ҳов бечора, совқотиб қоласан-ку!» дедим. Оёғим билан шундоқ ўтга туртсам чирсиллаб ёниб кетди.

Моор. Шуфтерле, сен бўлган гапни гапиряпсанми? Менга қара, ўша олов кўкрагингда охиратгача ёнсин, йиртқич! Йўқол, кўзларимга рўпара келма! Нега қараб турибсанлар, раҳминг келдими? Менинг буйруғимдан кейин иккиланиб ўтиришга кимнинг ҳадди бор? Бу йиртқични йўқот деяпман! Орада кўпларинг ғазабимни қай-

патаяпсан! Сени ҳам биламан, Шпигельберг! Яқинда саф тортириб бир кўрик ўтказайки, бутун ўрмон даҳшатга келсин.

Ҳамма қўрқувдан зир титраб чиқиб кетади.

Моор (*ёлғиз, у ёқ-бу ёққа тез-тез юради*). Гўдакларни ўтга отиш! Хотинларни, касалларни ўлдириш! Нақадар пасткашлик! Ёвузликлар юрагимни тилка-тилка қилиб юборди, менинг яхши ўйларимни заҳарлади бу ёвузликлар!.. Бас, баридан воз кечаман, ўрмалаб бораман бирор ёрга кириб ётаман, токи шармсорлигимни офтоб юзи кўрмасин (*югуриб чиқиб кетмоқчи бўлади*).

Бир неча қароқчилар (*чоғиб кириб*). Атаман, аҳтиёт бўл! Иш чатоқ, Богом отлиқлари ўрмонни кезиб юрипти. Изимизга тушишганга ўхшайди.

Яна бир неча қароқчилар. Фалокат, фалокат! Қўлга тушдик, отиламиз, чошиламиз, дорга осиламиз! Тепаликда гусарлар, драгунлар кезиб юрибди, ҳамма йўллар бекик.

Моор чиқиб кетади.

Швейцер, Гримм, Роллер, Шварц, Шуфтерле, Шпигельберг, Рацман, қароқчилар тўдаси.

Швейцер. Инини титиб ташлабсиз лекин! Қувонсанг-чи, Роллер! Шу гарнизон каламушлари билан бир жиққамушт бўлишга қўлим қичишиб турган эди-да! Атама қани? Ҳамма тўпландими? Порохимиз етарликми?

Рацман. Порох-ку етади-я. Лекин ўзимиз бори-йўғи саксон кишимиз, улар биттамызга йигирматадан тўғри келади.

Швейцер. Жуда соз! Битта бармоғимга элликтадан тўғри келмайдими! Улар ҳаётини ўн крейцерга сотган аблаҳлар, биз бўлсак ҳаётимиз учун, эркинлигимиз учун урушаётимиз! Устига тўфондай ёпириламиз, бошига чақмоқдай ёғиламиз. Лекин, қани ахир атаманимиз?

Шпигельберг. Хатарли вақтда ташлаб қочди. Энди биз ҳам битта-битта...

Швейцер. Нима, нима?!

Шпигельберг. Эҳ, ўзимнинг Иерусалимимда ўтиравермайманми-а?

Швейцер. Сен аблаҳнинг кир ўрада бўкиб ўлганинг яхши эдику-я. Монах қизларни кўрганда чиранасану, мушт кўрганда қуёндай қочасан! Ўзингни кўрсат, аблаҳ, бўлмаса тўнғиз терисига тиқиб итга ташлаймиз!

Рацман. Атаман! Атаман!

Моор (секин кириб келади, ўз-ўзига). Буларнинг қуршовда қолишига мен сабаб бўлдим, қани бир жонжаҳд билан бўғизлашин-чи. (Қаттиқ.) Йигитлар! Ҳал қилиш пайти келди! Ўқ еган йиртқидай олишмасак, ҳалок бўламиз.

Швейцер. Тишим билан қорнини ёраман, ичак-чавоғини судраб қочади. Бошлайвер, атаман! Сен бошласанг ўлим қаърига ҳам кириб бораверамиз.

Моор. Ҳамма милтиқларга ўқ жойланг. Порох етарликми?

Швейцер. Порохми, ер қуррасини ойга учаришга етади!

Рацман. Ҳар биримизда бештадан тўппонча, учтадан милтиқ.

Моор. Яхши, яхши! Бир қисмингиз дарахт тепасига чиқинг ёки чакадакзорга бекининг, пистирмадан ўққа тутамиз.

Швейцер. Шпигельберг! Бу гап сенга тегишли.

Моор. Қолганларимиз икки ёндан босиб борамиз.

Швейцер. Ҳа, буниси менбош.

Моор. Ҳамманг ўрмон оралаб кезиб, тинмай ҳуштак чаласан, токи бизни тумонат экан деб ваҳимага келишин. Ҳамма итларни қўйиб юбор, драгунлар саросимага тушиб ўқимизга битта-битта дуч келаверади. Роллер, Швейцер учовимиз уларнинг энг гавжум жойига бостириб борамиз.

Швейцер. Жуда соз! Тўсатдан ҳамла қилсак, фалокатнинг қаёқдан ёрилаётганини билмай гаранг бўлиб қолади. Одамнинг чаккасига тақилган гилосни уриб олган мерганман! Қани дуч келсин-чи!

Шуфтерле Швейцернинг энгидан тортади, Швейцер бўлса атамани бир четга имлаб бир нимани пичирлайди.

Моор. Бас қил!

Швейцер. Илтмос!

Патер* киради.

Патер (ҳайратда атрофга аланглаб, ўз-ўзига). Аждаҳонинг ини шу эканми-а? Жаноблар, ижозатингиз ила мен худонинг бир қулидирман, ана у ерда эса бир мингу етти юз киши ҳозир турур, улар менинг бошимдаги ҳар бир тукка пушти паноҳдирлар.

Швейцер. Ҳа, тузук, тузук! Гапни бошлар экансан...

Моор. Сен жим тур, оғайни! Икки оғиз қилиб айтинг, тақсир, сизга нима керак ўзи?

П а т е р. Сизга мени ҳаёт-мамот соҳиблари, олий ҳакамлар йўлади. Сиз ўғриларсиз, сиз — ўт қўювчи, муттаҳамларсиз, сиз зулматга яширинган, пасткаш жойда заҳар сочувчи газандаларсиз, пес-моҳовлар, дўзахиларсиз, қузғунларга ем бўлишга, чоҳга қоқиб, дорга осиб ўлдиришга лойиқ бўлган махлуқларсиз...

Ш в е й ц е р. Ҳой итвачча, оғзинга қараб гапир, кўп-пак... (*қўндоқни тумшуғига тақайди.*)

М о о р. Швейцер, нари тур! Уни чалғитма, ваъзни жуда қойи қилиб ёдлаб олибди. Давом этинг, тақсир!

П а т е р. Менга қара, абжир атаман, киссавурлар, қароқчилар подшоси, дунёдаги барча ўғриларнинг жўрабошиси! Одам қонини сувдай ичяпсан. Сенга одам ўлдириш совун пуфагини портлатишдай гап...

М о о р. Бу гапингиз тўғри, қани гапираверинг!

П а т е р. «Тўғри-тўғри» дейсан, бу нима, жавобингми?

М о о р. Сиз бундай жавобни кутмаганмидингиз, тақсир? Қани, қани, гапираверинг-чи, нима демоқчи эдингиз?

П а т е р (*қизишиб*). Даҳшатли одам! Ер ютсин кўз ўнгимда! Лаънати бармоқларинг марҳум рейхсграфнинг* қонига бўялган эмасми? Сен эмасмисан ибодат хонасининг муқаддас буюмларини ўғирлаб қочган? Художўй шаҳримизнинг порох минорини портлатганинг-чи! (*Қўлларини ёзиб.*) Сенинг жирканч ёзувликларинг тангрининг қаҳрини ошириб, охиратни яқинлаштирди. Бундай ёвузликлардан срофил сур тортиб, замон охир бўлгуси!

М о о р. Ҳунаринга қойилман, лекин ишдан гапир, муҳтарам магистратинг менга нима демоқчи?

П а т е р. Атрофинга қарагин, қотил! Чор атрофингни отлиқлар қуршаб олган, қочолмайсан.

М о о р. Эшитяпсанми, Швейцер? Хўш, давом этинг.

П а т е р. Эсингни йиғ, ёвуз, ҳокимлар сенга олижаноб меҳр-оқибат кўрсатяпти. Ҳозироқ таслим бўлиб раҳмшафқат тиласанг, қонуний жазони юмшатажаклар, ҳатто чархпалакка тортиш билан кифояланурлар.

Ш в е й ц е р. Эшитяпсанми, атаман? Кўпчакнинг бўғзидан олиб, кекирдагидан тирқиратиб қон оқизайми?

Р о л л е р. Атаман! Атаман! Менга қўйинг азбарои... Оёғини осмондан қилиб қўйиб, чиллақдек учириворай!

Ш в е й ц е р. Атаман, жон оғайни, бизга қўйиб бер буни, бурнини ерга ишқалаб бир кайф қилайлик!

Патер қичқиради.

Моор. Қўлингни торт! Тегма унга! (*Шамширини суғуриб Патерга.*) Кўрдингизми, тақсир, булар бунда етмиш тўққиз киши, мен уларнинг атаманиман. У ерда бўлса милтиқ судраб суяги қотган бир минг етти юз киши турипти. Менга қаранг! Моор гапиряпти, мен қотилларнинг, қароқчиларнинг атаманиман. Рейхсграфингизни мен ўлдирганман, ибодатингизни талон-торож қилган ҳам менман, бу хоинлар шахрининг порох минорини мен портлатганман. Лекин бугина эмас, мен жуда кўп ишлар қилганман. (*Ўнг қўлини кўрсатиб*). Бармоқларимдаги мана бу тўртта қимматбаҳо узукни кўряпсизми? Одамлар ҳаёт-мамотининг соҳиби бўлган ўша ҳакамларингизга бориб айтинг: Мана бу ёқутни бир вазир бармоғидан шилиб олганман. У энг пасткаш бир одам бўлиб, подшоҳнинг товонини ялагани учун вазирлик унвонига етишган, етим-есирларнинг кўз ёши эвазига бойиган эди. Мен уни подшоҳ оёғига тиз чўкиб турганида отиб ўлдирдим. Мана бу олмосни бир бадавлат судхўр қўлидан олдим. Бу одам амал-мансаб олиб сотарди, эл-юртини севган жафокашни таҳқир этарди. Мана бу ақиқни сизга ўхшаш бир руҳонийнинг «хурматига» тақиб юрибман. У одамларни жазолаб ўлдириш камайиб кетди деб черков минбарида йиғларди, шунинг учун уни ўз қўлим билан бўғиб ўлдирдим. Мен бу узукларим тўғрисида яна кўпроқ воқеалар айтиб беришим мумкин эди, аммо сизга шу айтганларим ҳам хайф...

П а т е р. О, иблис, иблис!

Моор (*Патерни кўрсатиб*). Мана шу махлуқлар савлат билан минбарга чиқиб одамларга ювошлигу сабру тоқат ва меҳру муҳаббат тўғрисида ваъз айтадилар, уйда эса саксон яшар оталарини остонадан суриб қувлайдилар! Хасисликни гуноҳ дейдилар, аммо ўзлари сариқ чақа учун аҳолини қирғин қиладилар. Лаънат сизга, ҳақиқатни икки пулга сотганлар! Лаънат сизга, тангрининг маймунлари! Йўқотинг буни кўз олдидан!

П а т е р. Ёвуз ҳам шу қадар мағрур бўлурми!

Моор. Мағрур гапларимни энди тинглагин! Эҳтимол, хоинларга берилган ваъда адо этилиши шарт эмас деб шубҳаланаётгандирсизлар? Йўқ, шубҳаланманг! Ваъдага амал қилмаганининг бурди қолмайди, ахир! Мен қасамёд қилиб айтаман — бу ваъда чин ваъда. Улар сизни мен йўлдан урганимни, интиқомга мен бошлаганимни яхши билишади, сизни эса бегуноҳ деб ҳисоблашади. Сизнинг жиноятларингизни ёшлик бебошлик деб били-

шади. Уларга сиз эмас, ёлғиз мен керакман, мен хун тўлашим керак, шундай эмасми, тақсир?

П а т е р (*ўзига*). Инсонми бу, иблисми? (*Моорга.*) Албатта, албатта, худди шундай... (*ўзига.*) Бу мени ҳам ақлдан оздиради шекилли.

М о о р (*қароқчиларга*). Хўш? Нега жавоб бермаяпсизлар? Қурол билан ёриб ўтамиз деб ўйлаётган бўлманглар тагин? Қаранглар, ахир, атрофларингга қаранглар! Ёриб ўтишни хаёл қилиш — болаларча тентаклик. Ёки ботирларча ҳалок бўлмоқчимисиз? Бу хаёлни мянгиздан чиқариб ташланг, Моор авлодидан эмассиз! Ярамас махлуқларсиз! Менинг режаларимни амалга оширишда аянч қурол бўлиб хизмат қилдингиз. Жаллод кўлидаги арқон сингари жирканч бир воситасиз! Ўғрилар қаҳрамон бўла олмайди. Ўғри ўлим олдида бир қалтирайди. Ана, бурғулари янграяпти, эшитдингизми? Қиличлари даҳшат солиб ялтирайди, кўряпсизми? Хўш, ҳали ҳам ўйлаяпсизми? Эсингиз жойидами? Бу эси пастлигингиздан пушаймон қиласиз, сочингизни юласиз, билиб қўйинг! Мен ўз ҳаётим учун барибир сиздан миннатдор бўлмайман, бу фидокорлигингиздан ор қиламан!

П а т е р (*ҳайратда*). Мен ақлдан озырман, қочиб кетаман! Бу қанақа одам, ё ажаб!

М о о р. Ёки сиз мени ҳозир ўз-ўзини ўлдиради-ю, тирик тутиб бера олмаймиз деб кўрқяпсизларми? Йўқ, оғайнилар, мана мен ханжаримни ҳам, тўппончамни ҳам, заҳар шишачамни ҳам ташладим. Мен шу топда жуда аянч бир ҳолатдаман. Хўш? Ҳали ҳам бир қарорга келмадингларми? Келинглари ахир, мен ўзимни ҳимоя қилмайман, мана қўлларим, ўзим боғлаб берай, мана мен мутлақо ҳимоясизман, ҳозир мени ёш бола ҳам тутиб берса бўлади.

Р о л л е р (*ваҳшатли ҳаяжонда*). Йўқ! Етти қават дўзах ўти билан қуршасалар ҳам, биз сени қутқазамиз (*шамширини олади*). Ҳей, ит эмасман десанг атамани қутқаз!

Ш в е й ц е р (*фармонни йиртиб-йиртиб патернинг башарасига улоқтиради*). Ўзимизни ўзимиз афв этамиз! Йўқол, аблаҳ! Бор, сени бу ерга юборган сенатингга бориб айт: Моор тўдасидан биронта ҳам хоин топилмади дегин! — Атаманга қаранглар, атамани қутқаринглар!

Ҳ а м м а (*шовқин солиб*). Атамани қутқазинг, атамани қутқазинг!

М о о р (*қўлидаги арқонни ечиб, шод*). Энди биз эркинликдамиз, биродарлар! Менинг муштим — бутун бир

қўшиннинг кучига эга! Ё ўлим, ё эркинлик! Тирик қўлга тушиш йўқ!

Хужум бонги чалинади. Шовқин-сурон, қасир-қусур.
Ҳамма найзасини яланғочлаб чиқиб кетади.

Парда

ТҮРТИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ (ИККИНЧИ) САҲНА

Қасрда расмлар галереяси.

Қароқчи Моор билан Амалия киради.

Амалия. Шунча расмлар ичида сиз уни таний олармикансиз?

Моор. Шак-шубҳасиз. Унинг қиёфаси ҳамisha кўз ўнгимда (*расмларни кўздан кечиради*). Бу эмас.

Амалия. Йўқ, бу киши графлик хонадонининг бош бобоси бўладилар. Дворянлик унвонини денгиз қароқчилари устидан қозонган галабалари эвазига Барбаросдан* олганлар.

Моор (*яна портретларни кўздан кечириб*). Булар ичида у йўқ.

Амалия. Нега? Яхшилаб қарап-чи! Уни таниб оларсиз деб ўйлаган эдим...

Моор. Уни ўз отамдан ҳам яхшироқ биламан! Лекин бу расмлар орасида унинг жилмайиб турган меҳрибон қиёфасини кўрмайпман.

Амалия. Ҳайронман. Ун саккиз йил кўрмаган бўлсангиз ҳам...

Моор (*бирдан*). Мана! Мана! (*Жонсиздай қотиб қолади.*)

Амалия (*унинг ҳолатига эътибор қилмай*). Ажойиб одам!

Моор (*ўзича*). Дада! Дада! Кечир ўғлингни! (*Амалияга.*) Ҳа, ажойиб одам! (*Кўз ёшини артади.*) Ажойиб одам!

Амалия. Уни кўриш сизни ҳаяжонга солди шеклилли?

Моор. Ажойиб одам. Оламдан ўтдими-а!

Амалия. Ўтди! Шундай қилиб барча қувончларимиз битта-битта ўтиб кетаркан. (*Унинг қўлига қўл те-*

гизиб.) Бу дунёда қувончларнинг фурсати қисқа, муҳта-
рам граф.

Моор. Тўғри, тўғри. Лекин сиз бундай ғамгин гап-
ларни қаёқдан ўргандингиз? Назаримда ҳали йигирмага
ҳам кирмаган эмассиз-ку?

Амалия. Мен ғамни бошимдан кечирдим. Ҳамма
нарсга ғамгин ўлим учун яратилади. Бизнинг ҳаваслари-
миз, бизнинг қувончларимиз қайғу-мусибатлар бошлаб
келади.

Моор. Мусибатлардан ҳам хабардорман денг?

Амалия. Йўқ... ҳа... йўқ... Қани юринг, граф.

Моор. Нега шошпасиз? Мана бу, ўнг қўлдаги ким-
нинг сурати? Қиёфаси жуда ғамгин кўринадими?

Амалия. Чапдаги — графнинг иккинчи ўғли, ҳозир
у мана шу қасрнинг хўжайини. Юринг, граф, юринг!

Моор. Мана бу ўнгдаги-чи?

Амалия. Боғни томоша қилмайсизми?

Моор. Мана бу ўнгдаги портрет... (ўзича) йиғлама,
Амалия!

Амалия тез чиқиб кетади.

Моор. У мени севади! У мени ҳали ҳам севади!
(Отасининг суратига ҳайратда боқиб.) Сен... Сен... кўз-
ларингда ўт, олов... кўзларингда нафрат, лаънат ёлқини!
Мен қаерда турибман? Ҳаммаёқ зим-зиё... Худонинг
қаҳр-ғазаби! Мен, мен унинг қотилиман! (Югуриб чиқиб
кетади.)

Франц отилиб киради.

Франц. Қиёфаси кўз ўнгимда ўралашмоқда! Йўқол,
йўқол дейман! Э, юраги йўқ, қўрқоқ! Нимага титрайсан,
кимдан қўрқасан? Кейинги пайтда бу уйларда чолнинг
ўзи ивирсигандай, изимдан арвоҳлар кузатиб юргандай
туюлади. Бу ёш графни танигандайман! Тикилганда
одамни қалтиратиб юборадиган ёввойи кўзларида, қо-
райган юзларида аллақандай таниш бир улуғворлик, са-
лобат бор. Амалия ҳам унинг олдида ўзини тутолмай
қоляпти чамамда! Эҳтиросли қора кўзларини ундан ол-
майди. Қўлидаги шаробга кўзларидан икки қатра ёш
томганини кўриб қолдим, ёш граф эса менинг кўзларим-
ни шамғалат қилиб, ўша шаробни қадаҳи билан ютиб
юборгудай ютоқиб шимирди. Ҳаммасини сезиб, кўзгудан
кўриб турдим. Эй, Франц, эҳтиёт бўл! Бало-қазо ўрала-
шар оёқ остингда. (Карлнинг портретига тикилиб қола-
ди.) Ҳоз бўйнидай узун бўйни, ёниб турган қора кўзла-
ри... Ҳм! Ҳм! Унинг қора, қуюқ қошлари... (бирдан қат-

тиқ сесканиб.) Қаққах ур-эй, дўзахи иблис! Сен кўн-лимга солган эдинг бу даҳшатли гумовни! Бу — ўша! — Бу — Карл! Яна унинг қиёфаси кўз олдимда жонланди! Уйқусиз узоқ тунларим шу учунмиди, қояларни қўп-ганим, азоб билан йўл очганим шу учунмиди? Бутун инсон туйғуларини поймол қилсаму бебош дайди барбод этсин найрангларимни?! Энди менинг орқага чекинади-ган пайтим ўтиб кетган, гуноҳу жиноятларга бўғизимдан ботганман, бўлганича бўлди, орқага қайтиш йўқ. (*Кўн-ғироқ чалади.*) Боболари ёнига жўнай қолсин, арвоҳ бўлиб келса қўрқмайман. Менга арвоҳлардан кўра ти-риклар даҳшатлироқ. Даниэль! Эй Даниэль! Тагин бу чолни ҳам менга қарши қўйишган бўлмасин. Юриш-ту-ришлари галати...

Даниэль киради.

Даниэль. Хизмат, соҳиби муҳтарам.

Франц. Мана бу косага тўлатиб май қуйиб кел, тез бўл!

Даниэль чиқади.

Шошма, чол, мен сени бир қўлга туширай! Кўзла-ринга шундай тикилайки, шошиб қолган виждонингнинг ранги ўчиб кетсин. У ўлиши керак! Бошланган ишни чала қолдириб анқайиб турган — аҳмоқ.

Даниэль май олиб киради.

Франц. Мана бу ерга қўй. Кўзимга тикка қара! Тиззанг мунча қалтирамаса?! Нега титрайсан! Ростингни айт, нима қилдинг, чол?

Даниэль. Ҳеч нима қилганим йўқ, худо ҳаққи.

Франц. Қани, бу майни ич-чи! Ҳа? Нега қарайсан? Ростинг айта қол, тез! Майга нима солдинг?

Даниэль. Худо сақласин! Нима? Майга дедингиз-ми?

Франц. Сен майга заҳар солдинг. Бўлмаса нега қордай оқарасан? Бўйинингга олиб қўя қол! Ким ўргат-ди? Граф, граф берди сенга заҳарни, шундай эмасми?

Даниэль. Граф? Ё тавба! Граф менга ҳеч нарса бергани йўқ.

Франц (*унга ташланади*). Томоғингдан бўғиб ба-шарангни кўкартираман қари иблис! «Ҳеч нарса берга-ни йўқ» дедингми? Нима учун учовинг бир-бирингни этагингдан тутасан? Нималарни ҳадеб пичирлашасан? Айт дейман ҳозир! Граф сенга нималар деди?

Даниэль. Худойимнинг ўзи гувоҳ, у менга ҳеч нима дегани йўқ.

Франц. Тополмайсан, гапир, мени йўқ қилиш учун қандай тузоқ қуряпсанлар? Ухлаб ётганимда бўғизлаб ўлдирмоқчисанлар, шундай эмасми? Ёки соқол олдираётганимда кекиртагимга устара тортдирмоқчисанларми? Шоколодга заҳар сешиб бермоқчисанлар! Шундайми? Гапир! Гапир дейман, ҳаммасини билиб турибман.

Даниэль. Худо урсин, агар ёлғон гапирсам.

Франц. Бу сафар кечираман. Лекин у севга пул-мул берган бўлса керак-а? Қўлларингни қаттиқ сиқиб кўришадими?

Даниэль. Йўқ, ҳеч қачон, соҳиби муҳтарам.

Франц. Мен сени танийман дегани йўқми? Сен ҳам мени танишинг керак, бир кун эмас бир кун кўзинг очилиб қолади, дегандай гаплар гапирмадими? Хўш? Гапирмадими-а?

Даниэль. Йўқ, сира гапирмади.

Франц. Баъзи ишлар сабаб бўлиб, кечикиб қолганини... душманларни йўқ қилиш учун кўпинча ниқобланиб юришга тўғри келганини, мендан аёвсиз қасос олмақчи эканини гапирмадими?

Даниэль. Бу гапларнинг ҳеч бирини гапиргани йўқ.

Франц. Нима? Ҳеч бирини дедингми? Яхшироқ ўйлаб кўр! Кекса графни яхши билгани, унга яқинлиги, унга бўлган муҳаббатини... уни бир фарзанддай севганини гапирмадими...

Даниэль. Шунга ўхшашроқ бир нималар деган эди шекилли.

Франц (*ранги ўчиб*). Ростми? Ростданми? Гапир тезроқ! Менинг акам эканини айтгани йўқми?

Даниэль (*гаранг бўлиб*). Нима дедингиз, азизим? Йўқ, йўқ, ундай деб айтгани йўқ. Лекин хоним унга мана бу суратларни кўрсатиб юрганида мен ромларнинг чангини артаётган эдим — меҳмонимиз марҳум графнинг сурати ёнига келганида худди яшин ургандай бирдан қотиб қолди. Хоним бўлса суратни кўрсатиб «Ажойиб одам» дедилар. У йигит ҳам кўз ёшини артиб «ҳа, ажойиб одам!» деб жавоб берди.

Франц. Менга қара, Даниэль! Биласанки, мен сенга ҳамisha раҳмдилман, сени боқдим, қийинтирдим, кексалигингда бошпана бердим.

Даниэль. Худо хайрингизни берсин! Мен ҳам сизга сидқидил билан хизмат қилдим.

Франц. Мен ҳам худди шуни айтмоқчи эдим. Сен умрингда ҳеч бир вақт гапимни қайтарган эмассан, чунки менинг буйруқларимни бажариш фарз эканини яхши биласан.

Даниэль. Бир худонинг хоҳишига ҳамда виждонимга хилоф бўлмаса, жамики буйруғингизни сидқидил билан адо этгайман.

Франц. Ақмоқона гап! Уят-э! Шу ёшга кириб ҳам хотин-халажнинг чўпчагига ишониб юрибсанми! Қўй-э тентаклигингни. Мен сенинг хўжайинингман. Худо билан виждон асли бор бўлса, жазосини мана менга бераверсин.

Даниэль (*хайратда*). Ё тавба!

Франц. Қулга итоат фарз! Тушундингми? Буюраман, граф эртагаёқ тириклар рўйхатидан ўчирилиши керак!

Даниэль. Ё раббий, ўзинг сақла! Нима учун ахир?

Франц. Қулга итоат фарз! Бу иш сенга юклатилади.

Даниэль. Менга? Худоё марҳаматингдан бенасиб қилма! Мен чол нима гуноҳ қилдим ахир?

Франц. Сенинг билан ади-бади қилиб ўтиришга вақт йўқ, тақдиринг менинг қўлимда. Ер қаъридаги зиндонларимдан бирида очлигингдан ўз суякларингни гажиб, ташналик оловида ўз қонингни шимириб азоб чангалида ўлмоқчимасан, ёки... ёки кексалик ризқи-рўзингни еб осойишта фароғатда ётмоқчимасан?

Даниэль. Нима деярсиз, тақсир? Кексаликда қотил бўлгандан кейин осойишта фароғатингиз нимаси?

Франц. Саволимга жавоб бер!

Даниэль. Сочларимнинг оқи! Ё раббий!

Франц. Жавоб бер: «Ҳа»ми ё «Йўқ?»

Даниэль. Йўқ! О танграм, раҳм-шафқат қил!

Франц (*кетмоқчи бўлиб*). Яхши, сен яқин орада унинг раҳм-шафқатига муҳтож бўлиб қоласан.

Даниэль уни ушлаб қолади, оёрига тиз чўкади.

Даниэль. Раҳмингиз келсин, тақсир!

Франц. «Ҳа»ми ё «Йўқ?»

Даниэль. Соҳиб муҳтарам! Етмиш бирга кирдим, ахир, ота-онам ҳурматини ўрнига қўйдим, мен умримда ҳеч кимсани алдамаганман, ихлос билан дуо қилдим худо йўлида, ихлос билан бажо қилдим қирқ олти йил хизматингизни, бир оёгим гўрда ахир, сўнги кунларим... раҳмингиз келсин, раҳмингиз келсин! (*Титраб, унинг*

оёқларига ёпишади). Ўлганимда ахир кўнглим тасалли топсин, виждон азоби ўлим тўшагидаги сўнги ибодатимдан маҳрум этмасин! Раҳм қилинг, азизим, бебаҳо соҳибим, умрингизга барака берсин, етмиш яшар бечорадан шундай ишни талаб қилманг!

Франц. Сафсатагни қўй! «Ҳа»ми ё «Йўқ?»

Даниэль. То ўлгунча бажонидил хизматингизни қилай, сўнги қатра дармонимни сизга бағишлай, саҳар турай, кеч ётай, кечалари ухламай, эртаю кеч ибодатда исмингизни такрорлай...

Франц. Итоаткорлик ҳар қандай қурбондан афзал. Ҳукми ижро этаётган жаллоднинг раҳм-шафқат ҳақида ўйлаганини эшитганмисан?

Даниэль. Ахир, ахир... бир бегуноҳни...

Франц. Энди сенга ишларимдан берайми? Жаллод болтасининг ихтиёрини суриштирамайди. Кўриб турибсанки, мен жуда саховатлиман: сенинг бир оғиз буйруқ билан қилишинг керак бўлган иш учун мукофот ваъда қиляпман.

Даниэль. Христианлигимга содиқ қолиш умидим бор эди...

Франц. Гап қайтарма. Ўйлаб олишингга бир кун фурсат бераман. Астойдил ўйла. Бир томонинг — бахт қучоғи, бир томонинг — азоб чангали, танлаб ол. Эшитдингми? Ёки чексиз бахт-саодат, ёки чексиз азоб-мусибат! Қийноқ усулларин ўйлаб топишда мўъжизалар яратаман, билиб қўй.

Даниэль (анча ўйлагандан кейин). Хўп бўлади, эртага қиламан, эртага (кетди).

Франц. Хуш кўрдик, муҳтарам граф! Эртага кечаси энг сўнги сафарга жўнасангиз ажаб эмас!

ИККИНЧИ (УЧИНЧИ) САҲНА

Қасрда бошқа бир хона.

Бир томондан қароқчи Моор, иккинчи томондан Даниэль киради.

Моор (шошиб). Амалияхоним қайдалар?

Даниэль. Муҳтарам граф! Мен фақирга ижозат берсангиз, илтимосимни айтсам.

Моор. Қани, қани, нима илтимосинг бор?

Даниэль. Кичкина илтимос — лекин бутун ҳаёт-мамотим шунда: ижозат беринг — қўлингизни ўпай!

Моор. Йўқ, меҳрибон чол. *(Уни қучоқлайди.)* Чунки сен менга ота тенги одамсан.

Даниэль. Қўлингизни беринг, қўлингизни, ўтинаман.

Моор. Йўқ, йўқ!

Даниэль. Мен қўлингизни ўпишим керак. *(Унинг қўлини маҳкам ушлайди, тикилиб қарайди ва тиз чўкади.)* Азизим, Карл!

Моор *(сесканади, бироқ ўзини босиб олади)*. Биродар, сенга нима бўлди? Гапинга тушунмадим.

Даниэль. Ўзингизни танитмоқчи эмассиз — жуда со! Лекин сиз барибир менинг азиз, бебаҳо хўжайинимсиз! Ё тангрим, чолни шундай қувончли кунларга еткиздинг... Мен эси паст бўлсам сизни шу вақтгача... Ё парвардигор! Ниҳоят қайтиб келибсиз, кекса граф бўлса ер тагида... Мен кўр эшакни қаранг-а *(пешонасини уриб)*, шу пайтгача сизни танитай... Тавба, тавба, ким ўйлапти дейсиз! Шу кунлар келармикин деб йиғлаб худога ёлборганларим... Ё худо! Мана энди ўзи турибди, илгариги ўз хонасида.

Моор. Гапларингиз ғалати-я? Иситмангиз борми, нима бало? Ёки бирор комедиядаги ролингизни машқ қиляпсизми?

Даниэль. Яхши эмас! Кекса одамдан кулиш яхши эмас. Мана бу яра ўрни... болалигингизда йиқилган эдингиз, эсингиздами?

Моор *(уни қучоқлайди)*. Ҳа, азизим Даниэль, энди сиздан яширишимнинг ҳожати йўқ. Мен ўша Карлман, ўша адашган Карл. Менинг Амалиямдан гапир!

Даниэль *(йиғлай бошлайди)*. Мен бечора бу қувончли кунларга етарман деб ўйлаганмидим... Раҳматли граф ҳам бекорга ёш тўккан экан бояқиш! Мана энди оёқларимни беармон узатсам бўлади, севикли Карлим тирик, уни ўз кўзим билан кўрдим.

Моор. Мана буни ол, чол. *(Қўлларига оғир ҳамён тутқизади.)* Мен сени унутганим йўқ.

Даниэль. Йўге! Йўге! Бу жуда кўп-ку! Янглишаётганингиз йўқми?

Моор. Янглишаётганим йўқ, Даниэль.

Даниэль унинг оёқларига йиқилмоқчи бўлади.

Тур, ўрнингдан тур! Қани, менинг Амалиямдан гапир.

Даниэль. Худоё умрингиздан барака топинг. Амалиянгиз — оҳ, нима десам, у бунчалигини кўтара олмайди, қувончдан юраги ёрилиб ўлмаса!

Моор (шошиб). У мени эсидан чиқаргани йўқми?
Даниэль. Амалиями?! Нима деяпсиз ўзингиз? У сизни эсидан чиқарармиди?! Сиздан қора хат келганида шўрликнинг чеккан азобларини кўрсангиз эди! Уша қора хатни тарқатишни ҳозирги хўжайинимиз буюрган...

Моор. Нима-нима? Менинг укам-а?

Даниэль. Ҳа, укангиз, укангиз... Кейин бемалолроқ вақт топиб сизга ҳаммасини айтиб берарман. Укангиз уни менга тегасан деб қўярда-қўймай, худонинг берган куни этагига осилаверди. Қиз ҳам барака топгур уни роса бошлади. Қани тезроқ борай-чи, бояқишни бу қувончдан хабардор қилай. (Кетмоқчи бўлади.)

Моор. Тўхта, тўхта! У ҳеч нарсани билмаслиги керак! Ҳеч ким, укам ҳам ҳеч нарсани билмаслиги керак.

Даниэль. Укангизми? Худо сақласин, у ҳеч нарсани билмаслиги керак! Ҳеч нарсани! Лекин агар биздан олдин билиб олмаган бўлса. Менинг гапимга ишонинг, бу дунёда пасткаш одамлар, пасткаш иилар, пасткаш хўжайинлар бор, аммо мен хўжайинимнинг бутун хазинасини берсалар ҳам пасткаш хизматкор бўлишга рози эмасман. Соддадил кекса граф сизни ўлган деб ҳисоблаган эди.

Моор. Ҳм! Нима? Мингиллаяпсан, қаттиқроқ гапир.

Даниэль (яна ҳам секин). Албатта, бирданига тирилиб келишингиз... Укангиз раҳматли графнинг ягона ўғли бўлиб қолгандан кейин...

Моор. Менга қара, чол, аниқроқ гапирсанг-чи, гапларингда даҳшатли сир борга ўхшайди ё айтишдан қўрқяпсанми? Гапир!

Даниэль. Лекин мен қотиллик эвазига давлату фароғат топгандан кўра, очлик азобида ўз суякларимни ғажиганим минг марта афзал.

Шошиб чиқиб кетади.

Моор (даҳшатли жимликдан кейин, ғазаб билан). Алданибман! Алданибман! Дилим чақмоқ чаққан каби ёришиб кетди! Аблахнинг найрангларини энди тушундим! Аблахнинг найранглари! У туфайли қотил бўлдим, қароқчи бўлдим. У устимдан мағзава тўккан! Хатларимни йиртиб, отамга иволар тўқиган... Отам! Бечоранинг қалби тўла меҳру муҳаббат... Оҳ, мен ярамас, тентак! Отам қалби меҳр билан лиммо-лим эди... Унинг оёқларига тиз чўкиб, бир томчи ёш тўксам бас, (бошини деворга уриб) бахтиёр бўлишим мумкин эди-я... Қабиҳлик, қабиҳлик! Бутун ҳаётимнинг бахт-саодати аблахларча поймол қилинди. (Дарғазаб, у ёқ-бу ёққа юради.) Аблахнинг най-

ранглари туфайли қотил бўлдим, қароқчи бўлдим! Отам мендан хафа ҳам бўлган эмас. Мени лаънатлаш нияти кўнглига келган эмас. О маккор, пасткаш!

Роллер киради.

Роллер. Қаёқда қолдинг, атаман? Нима гап ўзи? Қарасам, бу ерда қолиб кетишдан ҳам тоймайдигансан.

Моор. Отларни эгарла! Кетдик! Кун ботгунча чегарадан ўтиб олиш керак.

Роллер. Ҳазиллашяпсанми?

Моор (*буйруқ оҳангида*). Бўл! Бўл! Бир нафас вақтни бекор ўтказма, ҳамма ишни йиғиштир ва ҳеч кимга билдирма.

Роллер чиқиб кетади.

Бу қасрдан тезроқ қочишим керак. Ҳазиллашмай қолишим бор, ахир ҳар ҳолда отамнинг ўғли. Иним! Иним! Сен туфайли мен дунёда энг бахтсиз одамман, мен сени ҳеч хафа қилган эмасдим, аммо сен қилган иш туғишганинг иши эмас. Ўз ёвузликларингнинг самарасини тати, мен фароғатингни бузмайман, аммо сен қилган иш туғишганинг иши эмас. Жиноятларингнинг зулмат қопласин, майли, уларни ўлим ҳам ошкор эта олмасин.

Роллер (*кириб*). Отлар эгарланди, йўлга чиқсак бўлади.

Моор. Шопилтиряпсан! Мунча тез? Наҳотки мен уни яна бир марта кўра олмайман?

Роллер. Бўлмаса, буюринг: сафарни тўхтатайлик. Ўзингиз шопил деб буюргангиз учун...

Моор. Яна бир марта! Энг сўнги видолашув! Мен бу фароғатнинг заҳарли шаробини тубигача сипқаришим керак, ана ўшанда... Сабр қил, Роллер, яна бир неча дақиқа сабр қил... Қасрдан чиқиб, ташқарида мени кутинглар... биз бу ердан тезда кетамиз!

УЧИНЧИ (ТҮРТИНЧИ) САҲНА

Боғда.

Амалия. «Амалия, йиғлаяпсанми?» Унинг бу сўзлари... қулоғимдан ҳали-ҳали кетмайди... Унинг овозини эшитганимда бутун борлиқ яшнаб кетгандай! Унинг овозини эшитганимда, қувончли муҳаббат баҳори худди яна гуркираб кетди. Худди ўша баҳор тонгидай булбуллар сайрайди, гуллар қулф урди, гул атрига мастона бўлиб

унинг кўкрагига бош қўйдим. О қалбаки, хиёнаткор қалб!
Қасам сўзларини поймол қилиб, тасалли излайсан ўзинга!
Хиёнатга бошловчи сиймо, чиқ қўнглимдан, чиқ! О,
менинг ягона умидим, қасам сўзларимни бузмайман! Хонин
хаёлотлар, чиқинг ақлимдан. Карл ҳукмрон бўлган қал-
бимда бошқа бир кимсага ўрин йўқ. Аммо нега қўнглим
бунча зўр бериб нотаниш графга интилар? Ё у севгилим-
нинг мангу йўлдошими? Ёки севгилимнинг мангу руҳи-
ми? Йўқ... мен ундан бекинишим керак... Йўқ, йўқ, кў-
зим сира кўрмасин!

Қароқчи Моор боғ эшигини очади.

(Амалия сесканиб тушади.) Бу нимаси? Эшик гир-
чиллади... (Карлни кўриб, сапчиб тушади.) Ушами?
Ҳа. Қайёққа? Нима? Турган жойимга миҳланиб қолдим,
югуриб кетолмаяпман.— Раббим, ҳимоянгдан бенасиб
қилма!— Йўқ, Карлимни тортиб ололмайсан! Икки ило-
ҳий зот сизмас қалбимга, мен оддий инсонман, оддий ин-
сонман! (Карлнинг суратини қўлига олади.) Сен менинг
севгилим, сен менинг Карлим, қалбимни ардоқла, қал-
бимни сақла, мана бу нотаниш одамдан!.. Сенга тикила-
ман, фақат сени дейман — қайрилиб боқмайман бу кел-
гиндига. (Жонсиз кўзлари билан портретга тикилиб, ун-
дан кўз олмасликка уриниб, жим ўтиради.)

Моор. Сиз шу ердасиз? Нега маъюссиз? Суратга
ёшингиз томишти.

Амалия унга жавоб бермайди.

Ким экан бу суратдаги бахтиёр йигит? У туфайли сулув
кўзда кумуш томчилар... Майлимикан шу суратга бир
қиё боқсам? (Суратга кўз солмоқчи.)

Амалия. Йўқ... Ҳа... йўқ...

Моор (орқага тисарилиб). А-а! Лекин у муносибми
кўз ёшингизга?

Амалия. Оҳ, сиз уни билсангиз эди!

Моор. Билсам ҳасад қилган бўлардим.

Амалия. Сиз, таъзим қилардим, демоқчидирсиз.

Моор. А!

Амалия. У, шубҳасиз, қўнглингизга ёқиб қоларди...
Унинг юзлари ҳам, кўз қараши ҳам, ҳатто овози ҳам...
сизга ўхшарди...

Моор ерга тикилиб турибди.

Шу сиз турган жойда, менинг рўпарамда балки минг мар-
талаб тургандир...

Моор. У энди йўқми?

Амалия. Асов денгизларда сузар кемаси, Амалия муҳаббати мангу раҳнамо. Чексиз саҳроларда дарбадар бўлса, Амалия муҳаббати унинг йўлдоши, саҳро йўлларини гулистон қилар. Ендирса, куйдирса жануб қўши, шамол тунларида қахратон турса, Амалия муҳаббати унга малҳам бўлар, қалбига куч берар, белига қувват... Орамизни тўсган тоғлар, денгизлар, эллар, масофалар, тошқин дарёлар... аммо қалбларимиз, аммо қалбларимиз севги бўстонида учрашар... Гамгин кўринасиз, граф?

Моор. Севги ҳақидаги гўзал сўзларингиз менинг ҳам севгимни тирилтирдилар.

Амалия (*оқариб кетади*). Ҳа, сиз ҳали бошқани севасизми? Вой ўлай, нима деяпман...

Моор. У мени ўлди деб ўйлаган, лекин севгилисига ҳамон вафодор. Тирик эканимни эшитиб, бир умр ёлғизликни ихтиёр этган. Менинг азоб йўлларида дарбадар эканимни билади — унинг муҳаббати бу йўлларда узоқ кезиб менга етиб келмоқда. Унинг ҳам исми — Амалия.

Амалия. Амалиянгизга ҳасад қиламан.

Моор. У жуда бахтсиз қиз.

Амалия. У бахтли қиз — сизнинг севгингизга муюссар.

Моор. У бахтсиз қиз, чунки мени севади! Борди-ю, мен бир қотил бўлиб чиқсам-чи? Агар сизнинг севгингиз сизни ҳар ўпганида неча-неча одамларни ўлдирганини сўзласа... Йўқ, йўқ, менинг Амалиям жуда бахтсиз қиз.

Амалия (*хурсанд бўлиб ўрнидан туради*). Вой, мен қандай бахтли қизман! Менинг севган йигитим — олижаноб эзгу бир зот, пок кўнгилли, раҳмдил! Пашшага ҳам озор бермасди... Қон тўкишдай қора ният юрагига бегона.

Моор тезда тескари қараб олади, узоққа тикилиб қолади.

ТҲРТИНЧИ (БЕШИНЧИ) САҲНА

Яқин ўрмон. Тун. Уртада кўҳна қаср харобалари. Қароқчилар тўдаси ерда ётипти.

Швейцер. Қош қорайиб қолди, атаман ҳали ҳам йўқ.

Рацман. Соат саккизга қолмай қайтиб келаман деган эди.

Швейцер. Агар у бир балога йўлиққан бўлса, ҳамма ёққа ўт қўйиб юборамиз.

Шпигельберг (*Рацманни бир четга имлаб*). Рацман, бери кел, гап бор.

Шварц (*Гриммга*). Айғоқчилар юбормаймизми?

Гримм. Қўй, битта ўзи оламжаҳон ўлжа олиб келиб, ҳаммамизни шарманда қилмасин тағин.

Швейцер. Олиб келиб бўпти. Кетишда авзойи ўлжа оладиган одамга ўхшамасди. Бу ерга келаётганимизда айтган гапини эшитмадингми? «Бу ернинг даласидан биронта шолғомни бесўроқ олган киши — ўзидан кўрсин. Қалласини олмасам — Моор эмасман!» Бу гапни эсингда тут. Ўлжа-пўлжани хаёлингга келтира кўрма.

Рацман (*Шпигельбергга секин*). Нима демоқчисан? Аниқроқ гапирсанг-чи.

Шпигельберг. Секин! Эркинлик ҳақида гап сотамизу, қўшга қўшилган ҳўкиздай бўйнимизда қўш бўйинтириқ. Эркинлик шуми? Йўқ, менга бунақаси кетмайди.

Швейцер (*Гриммга*). Яна нима дейди бу каллаваранг?

Рацман (*Шпигельбергга секин*). Атаманни айтяпсанми?..

Шпигельберг. Секин дейман, секинроқ! Атаман дедингизми? Уни бизга ким атаман қилиб қўйипти? Асли мен атаман бўлишим керак, зўравонлик билан олди унвонни! У туфайли ҳаётимиз хавфу-хатарда, ҳар куни жонимиз қилнинг устида, ҳаммамиз ўшанинг эркисиз қулимиз! Ўлай агар, Рацман, бунақаси менга кетмайди! Биз ахир қул эмас, князь бўлишимиз ҳеч гап эмас-а!

Швейцер (*бошқаларга*). Нима дейди бу! Орқадан биронтаси қаттиқроқ аксирса жони ҳалқумига келиб, шаталоқ отиб қочади-ю, яна гапиради-я!

Шпигельберг (*Рацманга*). Мен анчадан бери ўйлаб юрибман, бу аҳволда кетсак бўлмайди. Рацман, менга қара, мен сени ҳамма вақт фаросатли, жасоратли йигит деб биламан... Рацман, мен ҳам сезиб турибман, унинг ажали етган эди... Рўпарангга эркинликнинг эшиги очиқ, қувонмаганингга ҳайронман! Ишорамни пайқгани фаросатинг етмаяптими?

Рацман. А иблис! Мени йўлдан урмоқчимисан!

Шпигельберг. Фаҳмладингми? Жуда соз! Менинг кетимдан юрабер. Мен унинг қаёққа қочганини пайқаб қолганман. Юр! Икки тўшпончадан қочиб қутулолмайди, кейин... гўдакларнинг қонини сўрсак ҳам хўжайинимиз йўқ. (*Уни етаклаб кетмоқчи бўлади.*)

Швейцер (*дарғазаб хонжарини суғуради*). Ҳа,

йиртқич! Богем ўрмонини эсимга солдинг! «Душман кел-
япти» деганда тишинг тишингга тегмай зир титраган сен
эмасмидинг? Уша вақтда қасам ичганман... Нафасингни
ўчир, мунофиқ қотил! (*Ханжар уради.*)

Қароқчилар (*саросимада*). Ҳей, ханжарни таш-
ла! Швейцер! Шпигельберг! Ажратсанглар-чи!

Швейцер (*ханжарни ташлайди*). Мана энди ти-
ришсанг тиришавер!

Гримм. Ҳай, оғайни, бу нима қилганинг? Атаман
газабга келади, ахир!

Швейцер. Жавобини ўзим бераман. Менга қара,
сен аблаҳ (*Рацманга*), сен унинг думи эдинг! Йўқол,
кўзимга кўринма... Шуфтерлени ҳам шу гап билан бо-
шини еди... Уни ҳозир, худди атаман айтгандай, Швей-
царияда осиб ўлдиришганмиш...

Ўқ овози.

Шварц (*сапчиб туриб*). Эшитдингларми? Тўппонча!

Яна ўқ овози.

Ана тагин! Атаман!

Гримм. Шошма! У бўлса — уч марта отади.

Яна ўқ овози.

Шварц. Ушанинг ўзи! От, Швейцер, жавоб қилай-
лик!

Ўқ узишади.

Моор билан Роллер киради.

Швейцер (*истиқболига чиқиб*). Салом, атаман!
Қизиққонлик билан бир иш қилиб қўйдим. (*Ўлик ёнига
бошлайди.*) Орамизни ажрим қилиб бер. У сени пастқам
жойда орқангдан отиб ўлдирмоқчи бўлди.

Қароқчилар (*ҳайратда*). Атаманни-я?

Моор (*ўйчан*). Ҳазон тўкиляпти... менинг ҳам ум-
рим ҳазон бўлди. Кўзимдан йўқотинг.

Шпигельбергинг жасадини олиб чиқиб кетишади.

Гримм. Буйруғингни бер, атаман, энди бизлар ни-
ма қилайлик?

Моор. Яқинда, яқинда ҳаммаси ҳал бўлади. Қани
менинг торимни беринг. У ерга бордиму ақлу ҳушим бо-
шимдан учди... Торимни беринглар деяпман... Асабимни
босай соз билан... ёлғиз қўйинглар!

Қароқчилар. Вақт ярим тундан оғди, атаман.

Моор. Торимни беринглар... Ярим тун дедингми?

Шварц. Ҳа, ярим тун. Уйқумиз келди. Қўрғошиндай оғир бошимиз. Уч кечаю-кундуз мижда қоқмадик.

Моор. Ётинлар... эртага йўлга чиқамиз.

Қароқчилар. Яхши тушлар кўринг, атаман.

Ерга чўзилиб уйдуга кетадилар. Чуқур жимлик. Моор торини олиб, чалади.

Моор. Мана бу бадбахтни жиндак босилса (тўппончани юзига тақайди), доною аҳмоқ, кўрқоғу ботир, софдилу муттаҳам — бари тешпа-тенг. Бу дунёдан у дунёга ўтмоқ учун бир зум кифоя! (Тўппончани ўқлайди. Бирдан тўхтаб қолади.) Наҳотки мен азоб тўла ҳаётимдан кўрқиб жон берсам! Наҳотки бу бахтсизликлар мени енгиб тантана қилса! Йўқ, йўқ, бардош бераман! Ҳаммасига бардош бераман! (Тўппончани улоқтириб юборади.) Азобларни, кулфатларни янчиб ўтаман! Ўз йўлимдан манзилимга етиб бораман!

Тун тобора қоронғилашади.

Герман. Тўхта-чи! Бойўғлининг машъум товуши... Ярим тунга бонг уряпти... Яхши, яхши... ёвузлик уйқуда... Бу чакалакзорда оёқ шарпамни сезадиган бир тирик жон йўқ. (Кўҳна қаср эшигини тақиллатади.) Эй, зиндоннинг заҳматкаши, минорага чиқ! Ризқингни келтирдим.

Моор (секин чекинади). Бу қанақаси?

Овоз (минора ичидан). Қим у тақиллатган? Бу сенмисан, Герман, қузғуним*?

Герман. Ҳа, Германман, сенинг қузғунинг. Панжарага тирмаш, овқатингни е.

Бойқуш товуши. Тунги улфатингни товуши маълум. Овқат тузуқми?

Овоз. Жуда очикқанман. Ризқимни юборган худога шукур. Фарзандимдан хабар йўқми, қузғун?

Герман. Тўхта-чи... жим! Ниманинг шарпаси?.. Хурракка ўхшайди, эшитяпсанми?

Овоз. Қулофингга бир нарса чалиндими?

Герман. Бу қадим минорнинг ёриқларида шамол изғиб инграганида тишинг тишга тегмай титрайсан, тирноқларинг кўкариб кетади. Ана тагин... эшитяпсанми... Назаримда биров хуррак отгандай. Чамамда, чол, бунда... ёлғиз эмассан.

Овоз. Бирор шарпа сездингми?

Герман. Хайр, хайр! Вужудимни даҳшат чулғади!

Зиндонингга яна қайтиб туш. Халоскоринг қасрда, қасоскоринг келипти. Лаънатлаган ўрлинг келипти!

Моор (*дарғазаб унинг ёнига келади*). Тўхта!

Герман (*қичқириб юборади*). Оҳ, ҳалок бўлдим!

Моор. Тўхта деяпман!

Герман. Ҳалокат! Ҳалокат! Ҳамма нарса ошкор бўлди!

Моор. Тўхта! Гапир! Кимсан? Нима керак сенга бу ерда? Гапир!

Герман. Раҳм-шафқат қилинг, соҳиб-муҳтарам! Жонимни олишдан аввал икки оғиз гапимни эшитинг.

Моор (*найзасини суғуриб*). Қанақа гап?

Герман. Тўғри, сиз тақиқ қилган эдингиз, билиб қолсам жонингни оламан деган эдингиз... лекин мен илож тополмадим, чидамим етмади! Худо ҳаққи... ўз отангиз ахир... Унга жуда раҳмим келиб кетди... Ана энди мени ўлдирсангиз бўлади!

Моор. Бу ерда даҳшатли бир сир бор. Қани гапир! Мен ҳаммасини билишим керак!

Овоз (*зиндондан*). Ҳалокат! Ҳалокат! Гаплашаётган сенмисан, Герман? Ким билан гаплашаётгирсан?

Моор. Бу минор тубида яна биров бор... Нима гап ўзи? Ким? (*Минор ёнига югуриб келади*). Бу узлатга ҳукм этилган маҳбусми? Мен унинг кишанларини парчалаб ташлайман. Ҳой, овозингни чиқар! Эшик қаёқда?

Герман. Раҳм-шафқат қилинг, азизим! Шу ердан қайтинг... раҳмингиз келсин — четлаб ўтиб кетинг! (*Унинг йўлини тўсади.*)

Моор. Тўртга қулф! Нариги тур! Мен бу сирни билишим керак... Қароқчилик қуроғларим қани, менга биринчи бор бир иш кўрсатинг! (*Панжарали эшикнинг турмини бузиб очади.*)

Териси суягига ёпишиб кетган чол қоронғидан чиқиб келади.

Чол. Бу бечоранинг гуноҳидан ўтинг, раҳмингиз келсин!

Моор (*даҳшат ичида орқага тисарилиб*). Отамнинг товуши!

Кекса Моор. Шукур, марҳаматли тангрим! Еруғ дунёни яна бир кўрдим!

Моор. Кекса Моорнинг азиз арвоҳи! Ким безовта қилди қабрингда? Гапир! Гапир! Мен кўрқиб тилдан қоладиганлардан эмасман.

Кекса Моор. Мен арвоҳ эмасман. Бадашимга қўл

тегизиб кўр, мен тирик жонман, лекин нақадар шум, бахтсиз, аянч менинг ҳаётим!

Моор. Дафн этилган эмасмидинг сен?

Кекса Моор. Оилавий мақбарамизда менинг ўрнимга ит ўлиги дафн қилинган, мен бўлсам уч ойдан буён мана шу қоронғу зиндонда, бир қилча қуёш нурига, бир қултум илиқ ҳавога зор бўлиб, азоб-уқубатда ётибман. Бир тирик жон келиб хабар олмади, минор теппасида ўлаксаҳўр қузғунлар айланади, тунлари бойқушнинг машъум овози...

Моор. Е фалак! Ким қилди бу ишни?

Кекса Моор. Сен уни лаънатлама! Бу ишларни менинг ўғлим Франц қилди.

Моор. Франц? Франц? О чархи кажрафтор!

Кекса Моор. Агар инсон қалби бўлса кўксингда, оҳ, менинг нотаниш халоскорим, фарзанднинг ўз отасига қилган ёвузликлари ҳақидаги ҳикояга қулоқ сол. Мен бу ерда уч ой инградим, аччиқ дард-фигонимни биров эшитгани йўқ, фақат мана бу тош деворлардан акс-садо қайтиб, фарёдларим ўз қалбимни тиларди. Бинобарин, агар инсон зотидан бўлсанг, инсон қалби бўлса кўксингда...

Моор. Бу гапларга йиртқишлар ҳам ўз инидан чиқиб қочарди!

Кекса Моор. Ўғлим ўлганини эшитиб, мен ўшанда ҳушимдан кетдим. Улди деб ўйлашипти, кўз очсам тобутда ётибман. Кафандан қўлимни чиқариб, тобут қопқоғини тирнай бошладим. Очишди. Қоп-қора тун эди, кўз олдимда ўғлим Францни кўрдим. «Ҳа?!— деди у даҳшат билан ўшқариб,— мунча ҳам жонинг қаттиқ, ўласанми-йўқми?» Шунда тобут қопқоғи яна тарақ этиб ёпилди. Бу гапларнинг даҳшатидан мен яна ҳушимни йўқотдим. Яна ўзимга келганимда тобутни кўтариб кетишаётганини лайқадим. Ниҳоят қопқоғини яна очишди, қарасам мана бу зиндоннинг остонасида ётибман, тепамда ўғлим билан ҳалиги Карлнинг қоли ханжарини келтирган номаълум келгинди тикка туришти. Мен Францнинг оёғини ўпиб ёлбордим. Фарёд чекиб раҳм-шафқат тиладим, оҳ, отанинг аччиқ нолалари унинг юрагига таъсир қилмади. «Зиндонга улоқтир ҳилвираган суякларини, ёшини яшади — бас!» деб қичқирди. Мени тубсиз ер қаърига итариб юбордилар, эшикларни ўғлим Франц ўзи қулфлади.

Моор. Йўқ, менинг ақлимга сиғмайди!

Кекса Моор. Бу ёғига қулоқ сол. Неча кунлар, неча тунлар шу хилда ётдим, бир тирик жон шарпасини пайқаганим йўқ. Бу кимсасиз харобага асрлардан бери

инсон қадами етган эмас, чунки бунда кечалари аза қўшиғин айтиб, кишанларин жаранглатиб арвоқлар юрар эмиш... Ниҳоят зиндоннинг эшиги очилди; мана шу одам менга бир бурда нон билан сув олиб келди, очлик ўлимига маҳкум этилганимни айтди. Менга овқат берганлиги ошкор бўлса бу одамнинг боши кетади. Мана шундай қилиб, ҳаётим ўчар-ўчмас қўрдай узоқ вақт сақланиб турди, аммо зах, совуқ... чексиз алам, изтироб... қувватим соб бўлди... вужудим қуриди... Жопимни ол, ўлим бер деб, минг марта тангрига ёлбордим, йўқ ё ҳали жабру жафо поёнига етмаган. ёки мени ёруғ дунё қувончлари кутади. Тортган жабру жафоларим — қилмишимга яраша. Уғлим Карл! Менинг Карлим! Ахир унинг сочига бирорта ҳам оқ тушмаганди.

М о о р! Бас! Туринг, тўнгалар, муз қоялари, ҳисиз-туйғусиз ялқовлар! Тур дейман! Турасанми — йўқми? *(Ухлаб ётган қароқчилар тепасидан йўқ узади.)*

Қ а р о қ ч и л а р *(саросимада)*. Ҳой, нима гап? Нима бўлди?

М о о р. Наҳотки бу гаплар уйқунгизни қувмаган бўлса! Бу гапларга ўликлар гўридан тикка туради! Қаранг ахир! Қаранг! Бу дунёнинг қонунлари ўйинчоқ, табиатнинг энг қадимги бебош кучлари қутуриб галаён қўзғати, ўғил ўз отасини азоблаб ўлдирибди.

Қ а р о қ ч и л а р. Атаман нима деяпти?

М о о р. Йўқ... ўлдирса майли эди-я!.. Аста ёнган оловда қовурибди, минг азобу қийноқларда бағрини тилкалабди! Йўқ, йўқ, ҳали бу гаплар ҳам жуда инсоний! Бу ёвузлик қаршисида қонли жиноятлар шарманда, бундай ёвузликлар қонсираган жаллоднинг ҳам хаёлига келмайди. Уғил — ўз отасини... Қаранг, ахир... қаранг... У ҳушини йўқотди... Мана бу ер қаърида ўғил ўз отасини... зах-совуқ, очлик, ташналик... Оҳ, қаранг ахир, қаранг! Бу менинг ўз отам, сизга иқрор бўлай, бу менинг отам.

Қ а р о қ ч и л а р *(югуриб келиб, чолни қуршаб оладилар)*. Отанг? Сенинг ўз отанг?

Ш в е й ц е р *(эхтиром билан яқинлашиб, чолга тиз чўкади)*. Атаманимнинг муҳтарам отаси! Мен оёқларингга бош қўяман! Буюр, бу ханжарим сенинг хизматингга тайёр!

М о о р. Омонсиз таҳқир этилган, хўрланган отам, мен қасос оламан, қасос! Биродарлик риптасини мана бундай узиб ташладим. *(Устидаги кўйлагини йирғиб ташлайди.)* Мана фалак қаршисида ялонғоч кўксим — қардошлиқ қонининг ҳар бир қатрасига лаънат ўқийман!

Қулоқ солинг, ой, юлдузлар! Үша ёвузликнинг гувоҳи бўлган тун осмони, сен ҳам қулоқ сол! Қасамёд этаман, агар қасам сўзларимга хиёнат қилсам табиатнинг энг шафқатсиз кучлари мени ҳашаротдай янчиб ташласин, қасамёд этаманки, падаркушнинг мана шу тошга тўкилган қони қуёшда буғ бўлиб осмонга учмагунча кўзларимга ёруғ дунё қоронғи. *(Үрнидан туради.)*

Қ а р о қ ч и л а р. Иблиснинг қилмишларини қара-я!.. Яна бизни шафқатсиз дейишади! Йўқ, оғайнилар! Биз ҳали бунчалик бўлганимизча йўқ.

М о о р. Ҳа! Ханжарларингиз зарбидан даҳшат билан инграб жон берганлар, ёнгин ямлаб ютган беғуноҳлар, мен қулатган минор тагида қолиб янчилганлар номи билан қасамёд қиламанким, эгнингиздаги қўйлақлар у ёвузнинг қонига бўялмагунча, қотиллик ва ўғрилик ҳақидаги фикр биронтамизнинг хаёлимизга келмайди. Улуғ тангримнинг қасоскор қуроли бўлиш бирор вақт тушингизга кирганми? Тақдиримизнинг чигал тугуни ечилди! Бугун, кўзга қўринмас бир куч бизнинг пасткаш ҳунаримизга эзгулик бағишлади! Сизга бундай юксак тақдир бахш этган, шиддатли илоҳий ҳукмнинг қасоскор ижрочилари бўлишга мушарраф қилган тангримга ибодат қилинг! Бошларингизни қуйи солинг! Тупроққа тиз чўкинг, ўрнингиздан турганингизда виждонингиз мусаффо бўлади!

Тиз чўкадилар.

Ш в е й ц е р. Буюр, атаман! Нима қилайлик?

М о о р. Тур ўрнингдан, Швейцер, мана бу оппоқ сочга қўлингни тегиз! *(Уни отасининг ёнига олиб келиб, чолнинг оппоқ сочини қўлига тутқизади.)* Ўрмондаги жангларда ҳолдан тойиб йиқилганимда богем отлигининг қиличи тепамда ялтиради; ўшанда сен етиб келиб унинг калласини чошиб ташладинг — эсингда борми, ўшанда мен сенга шоҳона мукофот ваъда қилгандим; шу ваъдамни ҳануз бажарганим йўқ...

Ш в е й ц е р. Тўғри, шундай ваъда берган эдинг; лекин майли, бир умрга қарздорлигингча қола бер.

М о о р. Йўқ, энди мен қарзимни узаман! Швейцер, ҳали ҳеч бир инсон зоти бундай шарафга муяссар бўлган эмас. Отам учун қасос ол.

Ш в е й ц е р *(туради)*. Буюк атаман! Сен туфайли биринчи бор ўз қадримга етдим! Буюр, қачон жонини олай, қандай, қаерда?

М о о р. Дам ғанимат, шошил! Энг муносиб шерикларингни танлаб олиб, тўғри граф қасрига югур! Ухлаб

ётган бўлса тўшагидан, кайф-сафо сураётган бўлса фароғат қучоғидан, ибодат қилаётган бўлса меҳробидан судраб олиб чиқ! Аммо қатъий буюраман — тирик олиб кел! Мен унинг гўштини тилка-тилка қилиб, оч қузғунларга ем қиламан, аммо биронтанг унга қўл тегизсанг, мендан шафқат кутманг. Уни тирик ва саломат ҳолда етказсанг сенга миллион мукофот; мен жонимни ўртага тикиб, сенга у миллионни бирорта қиролликнинг хазинасидан ўғирлаб бераман. Ундан кейин даладаги шабодадай эркин, озодсан. Тушундингми? Бор!

Швейцер. Бас, атаман... қўлингни бер: иккимиз ҳам ҳузурингда бўламиз ё бўлмаса биримизни ҳам кўролмайсан. Қасоскорлар, қани кетдик! Изимдан қолма!

Қароқчилар бир тўда бўлиб кетишади.

Моор. Қолганлар ўрмонга тарқалинг. Мен шу ерда бўламан.

Парда

БЕШИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Қатор хоналар. Қоронғу тун.

Даниэль (*қўлида фонарь ва тугун*). Хайр энди, жонажон, азиз хоналар... Марҳум граф тириклигида мен бу ерда кўп яхшилиқлар кўрдим, кўп қувончларни бошимдан кечирдим. Қора тупроқда жасади чириб кетган марҳум, хоки-покинг ҳурматига аччиқ-аччиқ йиғларман. Бу хоналар етим-есирларга бошпана эди, энди эса ўғлинг Франц уни қассобхонага айлантирди. Хайр, азиз хоналар, кекса Даниэль сизни ихлос билан, меҳр билан супуриб-сидирар эди! Менга сизни ташлаб кетиш кўп қийин... бу ерда ҳамма нарса менинг сирдошим эди... Бу хонадонга яланг оёқ келган эдим, яна яланг оёқ кетаётирман, аммо номусимни бой берганим йўқ.

Кетмоқчи бўлганида Франц югуриб киради, эгнида халат.

Даниэль. Ё худо, ўзинг сақла! Хўжайин-ку! (*Фонарни ўчиради.*)

Франц. Хиёнат, хиёнат! Гўрлардан арвоҳлар чиқиб келмоқда... Ўлиқлар абадий уйқудан уйғониб: «Қотил! Қотил!» деб қичқирмоқдалар. Ким бор, ким қимирляпти?

Даниэль (*қўрқиб*). Улуғ танграм, паноҳинга ол! Бутун қасрни бошингизга кўтариб даҳшатли товуш билан қичқирган сизмисиз, соҳиби муҳтарам? Ухлаганлар сапчиб туришди...

Франц. Ухлаганлар дедингми? Ухлагани ким ижозат беришти? Бор, шамларни ёқ!

Даниэль кетади, бошқа бир хизматкор киради.

Бу аснода ҳеч ким мижжа қоқмасин! Эшитдингми! Ҳамма оёқ узра туриши керак, ҳамма қурол олсин қўлига. Милтиқларга ўқ жойлансин. Йўлакдан ўтиб кетишди, кўрдингми?

Хизматкор. Кимлар, соҳиби муҳтарам?

Франц. Кимлар дейди-я, эси паст! Бепарволик билан, бамайлихотир сўрайди тагин! Титраб эсим оғиб кетди-ю! Бу бўлса ким дейди! Эшшак! Ким бўлар эди? Арвоҳлар, аблаҳ! Тонг отай дедими?

Хизматкор. Ҳозиргина посбон икки қичқирди.

Франц. Нима? Нима бало, охиратга қадар тонг отмайдими!? Яқин орада шовқин-сурон эшитмадингми? Кимдир завқ билан қичқирди, отлиқлар чошиб ўтди, эшитмадингми? Кар... ихм, ҳалиги граф қани, демоқчимисан?

Хизматкор. Билолмадим, хўжайин.

Франц. Билолмадим дейсанми? Нима, сен ҳам фитначиларданмисан? Жонингни суғуриб оламан! Йўқол, безрайма, пасторни чақир!

Хизматкор. Соҳиби муҳтарам!

Франц. Нимага имиллайсан?

Хизматкор тез чиқиб кетади.

Наҳотки шу гадолар ҳам менга қарши фитнага бош қўшган бўлса? Осмон ҳам, дўзах ҳам — ҳаммаси менга қарши!

Даниэль (*чироқ кўтариб киради*). Соҳиби муҳтарам...

Франц. Йўқ, мен қалтираётганим йўқ! Жиндек туш кўрдим холос. Улиқлар уйғонгани йўқ! Ким айтади мени қалтираяпти деб? Юзим оқарган эмас! Яхшиман, соғман...

Даниэль. Улиқдай оқариб кетибсиз, товушингиз титроқ, даҳшатли... Қандга қўшиб икки томчи дори берайми?

Франц. Иситмам чиқиб кетяпти. Ҳа, ҳа, қандга то-

мизиб бер! Пастор ҳали-бери келмайди. Товушим титраб кетяпти. Қандга томизиб бер.

Д а н и э л ь. Қалитларни беринг, пастга тушиб, қанд олиб чиқай...

Ф р а н ц. Йўқ, йўқ, йўқ! Кетма! Еки ўзим сен билан борай! Кўриб турибсан-ку, мен ёлғиз қололмайман! Ёлғиз қолсам ҳушимни йўқотиб қўяман. Қўй, қўй, борма. Дорисиз ҳам яхши бўлиб кетаман, ёнимдан кетма.

Д а н и э л ь. Сиз ростдан ҳам қаттиқ касал бўлибсиз.

Ф р а н ц. Ҳа, ҳа, албатта, ҳамма гап шунда. Қасаллик мияни айвितिб, ақлга сиғмайдиган даҳшатли нарсалар кўзимга кўринапти... Туш... туш ҳеч гап эмас, тўғри-ми, Даниэль? Одам кўпроқ овқат еб қўйса ҳам ёмон туш кўради, шундай эмасми... Ҳозир ғалати туш кўрдим... *(Ҳушсиз йиқилади.)*

Д а н и э л ь. Ё парвардигор! Бу нима гап? Георг! Конрад! Бастиан! Мартин! Қаёқда қолдинглар ахир! *(Француни силкийди.)* Ё, авлиёлар, анбиёлар! Ҳали туҳматга қолсам-а! Худоё худовандо, банданга раҳм қил!

Ф р а н ц *(ҳушсиз)*. Йўқол, йўқол! Жирканч ўликлар, нега мени силкийсиз? Арвоҳлар гўридан тургани йўқ...

Д а н и э л ь. Оҳ, марҳаматли тангрим! Ақлдан озипти!

Ф р а н ц *(ҳолсиз ўрнидан қўзғалиб)*. Мен қаерда ётибман? Даниэлмисан? Мен нималарни гапирдим? Парво қилма! Нима гап айтган бўлсам ҳаммаси ёлғон! Берироқ кел, ўрнимдан турғизиб қўй! Мен... мен уйқудан қолганман, шунинг учун бошим айланяпти.

Д а н и э л ь. Иогани қаёқда қолиб кетди! Битта-ярим-тасини ёрдамга чақирай, докторга одам юборай.

Ф р а н ц. Кетма! Кел, бирпас ёнимда ўтир... мана мундақ... сен тадбирли, меҳрибон одамсан... Йўқ, йўқ! Югур, ҳозироқ югур, пасторни бошлаб кел, дарров!

Д а н и э л ь *(кегаётиб)*. Худойим ўзи паноҳида ас-расин сизни!

Х и з м а т к о р *(шошиб кириб)*. Амалия қочибди! Граф бирдан ғойиб бўлиб қолди.

Д а н и э л ь чўчиброқ киради.

Д а н и э л ь. Соҳиби муҳтарам, бир тўда отлиқлар қасрга бостириб келмоқда, «Ўлим, ўлим!» деб қичқирмоқдалар. Бутун аҳоли туриб, кўчага ёпирилди.

Ф р а н ц. Айт, барча қўнғироқлар чалинсин... Ҳамма бутхонага борсин... тиз чўкиб ибодат қилсин... Ҳамма маҳбуслар... чиқариб юборилсин... Фақирларга инъом улашаман... мен... югурсанг-чи... руҳонийни бу ёққа чақир...

гуноҳларимдан кечсин... ҳали ҳам шу ердამисан?.. Ўлим!
кўряпсанми! Ўлим! Кеч қоласан.

Швейцернинг гумбурлаган овози эшитилади.

Дуо қил! Ибодат қил!

Швейцер (*кўчада*). Дарвозасини буз! Ур! Бос! Ана
чироқ ёниқ турипти, ўша ерда бўлса керак.

Халойиқ (*саросимада*). Ўғрилар! Қотиллар! Ярим
тунда ваҳимали шовқин кўтарган ким?

Швейцер (*ҳали ҳам кўчада*). Оғайнилар, ҳайданг
буларни! Ҳой халойиқ, бу иблис, хўжайинларингизни олиб
қочмоқчи... Шварц тўдаси қани? Қасрни қурша! Гримм...
Бошла, панжарадан ош!

Гримм. Машғалларни бу ёққа олиб келинглари!.. Ё
биз ичкарига кирамиз, ё у ташқарига чиқади! Ётоғига
ташла, тўшагига ўт қўй!

Даниэль. Ё худо! Қутқаринглари... Дод! Қасрга ўт
кетди!

Франц. Мана бу найзани қўлингга ол! Орқамга
шундай санчгинки, кўкрагимдан тешиб чиқсин, уларнинг
қўлида хўрланмасам бас.

Енғин кучаяди.

Даниэль. Худо сақласин! Мен ҳеч кимни жаннат-
га ҳам йўллаган эмасман... (*қочиб кетади.*)

Франц (*қимир этмай тикилиб қолади; анча жим-
ликдан кейин*). «Сендай дўзахилар у ёқда турсин» де-
моқчи эди. Дарҳақиқат! Ҳозирдан дўзахда ёнгандай бў-
лаётирман... (*Талвасада*) Оҳ, дўзах илонлари, бу сизнинг
вишиллашингиз эмасми? Улар бу ёққа келишяпти, эшик-
ларни бузишяпти... Нега бу найзани қўлимга ололмаям-
ман? Эшик бузилаётир... ана йиқилди... нажот йўқ! Ҳеч
бўлмаса сенинг раҳминг келсин, лаънати! (*Телпагидан
олгин шнурни узиб олиб, ўзини бўғади.*)

Ўз одамлари билан Швейцер киради.

Швейцер. Қаердасан, Фирибгар? Кўрдинглари,
тум-тарақай қочишганини? Наҳотки дўстлари шу қадар
кам бўлса? Бу ҳашарот ўзи қайқа бекинди экан?

Гримм (*мурдага қоқиниб*). Тўхта-чи! Йўлда ётган
нимади? Чироқ олиб кел-чи!

Шварц. Атаманнинг гапини унутманглари — ханжар-
лар қинида бўлсин. Мана, кучала еган мушукдай тири-
шиб ётипти.

Швейцер. Үликми? Үлик-ку! Менсиз ўлиптими-а? Елрон, мана мени айтган дейсизлар. Ҳозир сапчиб туришини томоша қиласизлар! *(Силкийди.)* Ҳей, тур! Тур дейман, отангни ўлдиргани хонаси келди!

Гримм. Овора бўласан. Үлик.

Швейцер *(нари кетиб)*. Ҳа, хонаси келди десам ҳам хурсанд бўлмаяпти, чиндан ўлибди. Боринглар, атаманимга хабар қилинглар: ўлибди. Мен эса энди унинг кўзига кўринолмайман. *(Ўз манглайига ўқ узади.)*

ИККИНЧИ САҲНА

Тўртинчи парданинг сўнги саҳнасидаги кўриниш.
Кекса Моор тош устида ўтирипти. Рўпарасида — қароқчи Моор... Қароқчилар ўрмонга тарқаб кетган.

Қароқчи Моор. У ҳамон келгани йўқ. *(Ханжар билан тошга уради, учқун сақрайди.)*

Кекса Моор. Афв этишим унга жазо бўлсин, муҳаббатим билан қасос оламан *(ийғлайди)*. Оҳ, ўғлим!

Қароқчи Моор. Унга раҳмингиз келиб йиғлап-сизми? Мана минорнинг ёнида-я!

Кекса Моор. Шафқат қил! Шафқат! *(Азобда тўлғанади.)* Ҳозир, ҳозир шу топдаёқ ўғлимнинг тақдири ҳал этилади!

Қароқчи Моор *(қўрқиб)*. Қайси ўғлингизни айтасиз?

Кекса Моор. «Қайси ўғлинг» деганинг нимаси?

Қароқчи Моор. Йўқ, йўқ, ҳеч нима!

Кекса Моор. Мен шўрликни масхара қилгани келганмидинг?

Қароқчи Моор. Хиёнаткор виждон! Сиз менинг сўзларимга парво қилманг.

Кекса Моор. Ҳа, бир ўғлимга мен зулм ўтказдим, иккинчиси ўзимга зулм қилди. Оҳ, Карлим менинг! Карлим!

Қароқчи Моор *(жуда таъсирланиб)*. Тўнғич ўғлингизни шундай қаттиқ севармидингиз?

Кекса Моор. Тангрим гувоҳ! Кичик ўғлимнинг макр тузоғига тушиб қолдим. Бўлмаса дунёда энг бахтиёр ота мен эдим. Атрофимда шу қадар умидвор ўғилларим улғаймоқдайди. Аммо — не балоғиг кун эдиким, кенжамни шайтон алмаштириб кетди; мени илон авради — икки

ўғлимдан ҳам маҳрум бўлдим. (*Юзини қўллари билан бекитади.*)

Қароқчи Моор (*ундан узоқлашиб*). Мангу! Мангу! Маҳрумсиз!

Кекса Моор. Нотаниш бир одам қўлида жон бераман... Ортиқ менинг ўғилларим йўқ... Улганимда қатра ёш тўкувчи бир меҳрибоним йўқ...

Қароқчи Моор. Пешонамдан ўнгин, эзгу мўйсафид!

Кекса Моор (*ўнади.*) Отам қучоқлади дея фараз қил, мен ҳам ўғлимни ўпдим деб фараз қиламан. Наҳот сен ҳам кўзларинга ёш ололсанг?

Қароқчи Моор. Отамнинг қучоғидаман деб ўйлабман. Агар ҳозир уни олиб келишса... оҳ, нима қилиб қўйдим!

Ҳасратда бош эгиб, индамай юзларини бекитиб, Швейцернинг одамлари кириб келади.

Қароқчи Моор. Ё раббий!! (*Чўчиб орқага чекинади, бекинмоқчи бўлади. Одамлар унинг ёнидан ўтиб кетишади. Улардан юз ўгиради. Чуқур жимлик. Тўхтайдилар.*)

Гримм (*секин*). Атаман!

Қароқчи Моор жавоб бермай, яна чекинади.

Шварц. Севимли атаманимиз!

Қароқчи Моор ҳамон чекинади.

Гримм. Биз айбдор эмасмиз, атаман!

Қароқчи Моор (*унга боқмай*). Сиз кимсиз?

Гримм. Сен бизларни кўрмайсанми? Сенинг содиқ дўстларингмиз!

Қароқчи Моор. Содиқ бўлган бўлсангиз — шўрингиз қурсин!

Гримм. Садоқатли Швейцерингдан сўнги алвидони қабул эт... Энди мангу кўрмайсан уни... садоқатли хизматкорингни...

Қароқчи Моор (*титраб кетди*). Ҳали сиз Францни топмадингизми?

Шварц. Ўлигини топдик.

Қароқчи Моор (*хурсанд*). Қучоқлангиз мени, жон фарзандларим! Бундан кейин раҳм-шафқат шиоримиздир. Бунисидан ўтиб олдикми — ҳар балодан ўтиб кетамиз.

Яна бир тўда қароқчилар ва Амалия киради.

Қароқчилар. Ура! Ура! Ўлжа олдик, ажойиб ўлжа!

Амалия (*сочлари паршон*). Унинг овозини эшитиб ўликлар гўрида тикка турармиш... Мени тоғам тирик эмиш... мана шу ўрмонда. Қани у? Карл! Тоға! Оҳ! (*Чолнинг қучоғига отилади.*)

Кекса Моор. Амалия! Қизим! Амалия! (*Кўксига босади.*)

Қароқчи Моор. Унинг қиёфаси кўзларимга кўринапти...

Амалия (*чолнинг қучоғидан чиқиб, қароқчига отилади, ўзида йўқ қувонч билан қучоқлайди*). Тангрим уни менга қайтариб берди. О, фалакнинг ой юлдузлари! Тангрим уни менга қайтариб берди!..

Қароқчи Моор (*қизнинг қучоғидан чиқиб, қароқчиларга*). Сафарга! Иблис мени йўлдан урди!

Амалия. Севгилим, севгилим, ҳушинг жойида эмас. Севинчдан! Шундай бахтга дуч келсаму нега мен бу қадар нохушман?

Кекса Моор (*сўнги дармонини тўплаб*). Севгилим дедингми? Қизим! Қизим! Севгилим дедингми?

Амалия. Тобад уникиман. У ҳам мангу, мангу, мангу меники! Ё фалак, мени қутқаз, бу қадар қувончи, бу фароғатни кўтаролмасдан ўлиб кетмайин!

Қароқчи Моор. Юлиб олинг буни кўксимдан! Ўлдилинг буни! Ўлдилинг чолни! Мени! Ўзингизни! Ҳамани ўлдилинг! Бутун олам қирилиб кетсин! (*Қочмоқчи.*)

Амалия. Қаёққа, қаёққа? Ишқ-муҳаббат — абадийликдир. Ҳузур-ҳаловат битмас-туганмас, сен қочмоқчисан?

Қароқчи Моор. Йўқол, йўқол! Бу оламда энг бадбахт қизсан! Бу оламда энг бадбахт ота, ўзинг қара, ўзинг сўра, ўзинг тингла бунинг гапини! Қўйинг мени, бу ердан мангуга қочай!

Амалия. Ушланг мени, худо ҳаққи, ушланг — йиқиламан! Кўзларимга бутун олам қоронғу!.. У қочмоқчи!

Қароқчи Моор. Энди кеч! Энди бари беҳуда! Сенинг лаънатларинг, ота! Энди мендан ҳеч нарсани сўрама! Мен... мен... сенинг лаънатларинг... ноҳақ лаънатларинг. Мени бу жойларга ким бошлаб келди? (*Найзасини суғуриб, қароқчиларга ташланади.*) Ҳей, дўзакнинг устунлари, мени бу жойларга ким бошлаб келди? Ҳалок бўл, сен, Амалия! Ҳалок бўл, отам!.. Мен туфайли

учинчи бор жон беришинг бу! Қароқчилар, қотиллар — нажоткорларинг! Сенинг Карлинг — уларнинг атамани! Кекса Моор ўлади. Амалия тош ҳайкалдай қотиб қолади. Даҳшатли жимлик.

Қароқчи Моор (*чинорға бошини уради*). Ишқ-муҳаббат оғушида бўғиб ўлдирганларим... Тинч оромда ётганида санчиб ўлдирганларим... Ҳа-ҳа-ҳа! Тўлғоқ тутган хотинларнинг боши устида порох минорининг портлашини эшитяпсизми? Бешикдаги чақалоқни олов тили ямлаб кетди, кўряпсизми? Ана тўй, ана гулханлар, ана базм садолари, эшитдингизми? Оҳ, у ҳеч нарсани унутмайди, ҳаммасини бир-бирига боғлай билади. Муҳаббатнинг фароғати, менга яқин йўлама! Ишқ-муҳаббат мен учун — қийноқ! Бу жазо, интиқомдир!

Амалия. Бу — ҳақиқат! Улуғ тангрим, бу — ҳақиқатдир! Мен бегуноҳ нималар қилдим? Мен уни севар эдим!

Қароқчи Моор. Йўқ, бунга инсон бардош беролмайди! Мен ажал уруғини сочувчи минглаб ўқлар ҳуштагини эшитганда бир қадам орқага чекинган эмасман. Наҳот энди вужудимни қалтироқ босса! Қиз бола олдида-я? Йўқ, хотин зоти иродамни синдира олмас... Қон, қон талабман! Мен бу қизга бир зумгина маҳлиё бўлдим, қон шимирсам бари ўтиб кетади. (*Қочмоқчи.*)

Амалия (*унинг кўксига йиқилади*). Қотил! Иблис! Сендан жудо бўла олмайман, фариштам.

Қароқчи Моор (*ўзидан итариб четлагади*). Йўқол, фирибгар илон! Сен изтиробда ақлдан озаётган одамни масхара қилмоқдасан, аммо мен золим тақдирга қарши тикка олға бораман. Сен ёш тўкяпсанми? Оҳ, хиёнатчи, маккор юлдузлар! Йиғлагани ёлғон, кўз ёши ёлғон, мени деб йиғлайдиган инсон қолган эмас!

Амалия унинг кўксига йиқилади.

Аммо бунинг маънисини нима? У нега юзимга туфлама-япти? Амалия? Ёдингдан кўтарилдими? Кимга қучоқ очганингни билияпсанми? Амалия?

Амалия. Ягона севгилимсан, биз мангу биргамиз!

Қароқчи Моор (*чексиз қувонч билан юзлари ёришиб кетади*). У мени афв этмоқда, у мени ҳамон севади! Тонг нуридай мусаффоман, у мени ҳамон севади! О, марҳаматли тангрим, кўзимга ёш олиб ибодат қилай! (*Тиз чўкади, юм-юм йиғлайди*). Кўнглимга оромбахш осойиш чўкди, дард кўтарилди, кўзларимга дўзах кўринмас! Қа-

ранг, олам нуғли қувонч ёшларини тўқмоқда. (*Қароқчиларга.*) Сиз ҳам йиғланг! Йиғланг, йиғланг! Ахир сиз бахтиёрсиз. Амалия, оҳ, Амалия! (*Лабига лабини босади, қиз унинг оғушида қотиб қолади.*)

Қароқчиларнинг бири (*дарғазаб, олдинга отилиб чиқиб*). Бас қил, хоин! Қиздан қўлингни торт, бўлмаса сенга шундай бир сўзни эслатайки, даҳшатдан қалтираб, тишингни тишинга қўёлмай қоласан! (*Қиз-йигитни бир-биридан қилич билан ажратишга уринади.*)

Кекса қароқчи. Богем ўрмонини эслагин! Эшит-япсанми? Нега имиллайсан? Богем ўрмонини эслагин ахир! Қасамнинг эсиндан чиқдим, хоин! Наҳот эски жароҳатлар ёдингдан чиқса! Сени деб бахтимизни, шаънимизни, ҳаётимизни ўртага қўйдик, кўкрагимиз билан ҳимоя қилдик, сенга тушган зарбаларга кўксимизни қалқон қилдик! Қўл кўтариб қаршимизда қасам ичган сен эмасмидинг, сизларни ҳеч қачон ташлаб кетмайман деб қасамёд қилганинг хотирингдами? Бадбахт! Мунофиқ! Қаёқдаги қиз боланинг кўз ёши деб бизни ташлаб кетмоқчисан?

Учинчи қароқчи. Шарманда, қасамхўр! Сенинг учун фидокорлик билан жон берган Роллернинг руҳи у дунёда гувоҳлик берганда бу қўрқоқлигиндан номусда қолади, у ҳозир гўрида тикка тургандир, кечалари сени азоблагани ёнинга келади.

Қароқчилар (*уст-бошларини йиртиб, шовқин соладилар*). Мана, бу ёққа қара! Бу яра ўринларини эсла-япсанми? Сен бизникисан! Юрак қонимиз эвазига сени қулдай сотиб олганмиз. Сен бизникисан, қани юр! Биз қурбон берганмиз, сен ҳам қурбон бер! Қароқчилар туфайли Амалияни ташлаб кетасан!

Қароқчи Моор (*қизнинг қўлини қўйиб*). Тамом! Мен ҳақиқат йўлини танлаб, севгимга, ўз отам ёнига қайтмоқчи эдим, аммо тангрим насиб қилмади (*совуқ-қонлик билан*). Кетдик, биродарлар!

Амалия (*уни қаттиқ ушлаб олади*). Тўхта, тўхта! Яна ташлаб кетяпсанми? Бир зарб, биргина зарб ур! Ханжаринг ол, раҳминг келсин!

Қароқчи Моор. Раҳм-шафқат йўқ, мен сени ўлдира олмайман!

Амалия (*унинг тиззаларини қучиб*). Оҳ, худо ҳаққи! Марҳаматли тангрим ҳаққи! Энди сендан муҳаббат тилаб ёлбораётганим йўқ, мен биламан, юлдузларимиз бир-биридан қочаётир... мен ўлим тилаяпман. Яна жудолик! Жудолик! Бу сўзда нақадар даҳшат борлигини би-

ласанми!? Мен бу даҳшатга бардош бера олмайман. Мен ўлим тилайман, ўлим! Қара, мана қўлларим титрамоқда! Ўзимга зарб ургани мажолим йўқ. Раҳм-шафқат қил... бу сенга осон, жуда осон, жуда осон, ахир сен қотилсан-ку. Ханжарингни қинидан суғур — менинг бахтим шунда.

Қ а р о қ ч и М о о р. Сен ёлғиз ўз бахтингни ўйла-япсанми? Йўқол! Мен хотин зотини ўлдиროлмайман.

А м а л и я. Оҳ, ёвуз! Бахтлиларни қатл этасану ҳаётдан тўйганларнинг ёнидан бепарво ўтиб кетасан. (*Тиз чўкканча, қароқчилар томонга силжийди.*) Сиз, жаллодиннинг шогирдлари, сизнинг раҳмингиз келсин! Кўзларингиздаги қонсираган раҳмдиллик нишонаси мен бадбахтга тасалли бермоқда. Устодингиз — қуруқ, кўрқоқ, мақтанчоқ экан.

Қ а р о қ ч и М о о р. Ҳей, заифа, нима деяпсан!

Қароқчилар тескари қарайдилар.

А м а л и я. Биронта ҳам дўстим йўқ! Булар орасида ҳам биронта меҳрибон топилмади. (*Туради.*) О, Дидона* ўлишнинг йўлини энди сен ўргат!

Чиқиб кетмоқчи.

Қароқчилардан бири уни нишонга олади.

Қ а р о қ ч и М о о р. Тўхта! Моорнинг маҳбуби фақат Моор қўлидан ўлиши керак.

Қизга ханжар уради.

Қ а р о қ ч и л а р. Атаман! Атаман! Нима қиляпсан? Е ақлдан оздингми?

Қ а р о қ ч и М о о р (*ўликдан кўзини узмай*). Жон бeryпти. Яна бир тўлганса — бас. Кўринглар? Сизларга яна нима керак? Сиз мен учун ўзингизнинг ҳаётингизни, сотқин ҳаётингизни, шармисор ва ифлос ҳаётингизни тиккан эдингиз, мен сизни деб пок фаришта жонини олдим. Қаранг, ана, кўринг! Энди розимисиз?

Г р и м м. Сен қарзингни ортиғи билан тўладинг. Сен ўз шаънинг учун ҳеч ким қилолмайдиган ишни қилдинг. Энди юр биз билан.

Қ а р о қ ч и М о о р. Сенинча шундайми? Аблахлар ҳаёти учун бегуноҳ бир жонни қурбон қилиш адолатдан эмас-ку? Билиб қўйинг, ҳар бирингизни қонли миҳга осиб, қизиган омбир билан гўштингизни бурда-бурда қилиб юлиб ташланса, шу азобни саратонда қирқ кечаю, қирқ кундузга чўзса ҳам — мана шу қизнинг икки қатра ёшига

арзитайди. (Аччиқ истеъзо билан.) Яра излари! Богом ўрмонлари! Ҳа, албатта, буларнинг ҳаммасига хун тўлаш керак эди.

Ш в а р ц. Ўзингни бос, атаман! Юр биз билан, бу томоша сен учун эмас. Қани, бизни олға бошла!

Қ а р о қ ч и М о о р. Тўхта! Жўнаш олдидан бир оғиз гапим бор. Эшитинглар: мана шу дамдан бошлаб мен сизнинг атаманингиз эмасман. Истаган томонга кетаверинглар, энди сизнинг йўлингиз бошқа, меники — бошқа.

Қ а р о қ ч и л а р. А, қўрқоқ! Мағрур хаёлларинг қаёққа учди? Мана бу заифанинг бир оқ тортиши билан совун пуфагидай ёрилиб тамом бўлдимиз? Ханжарини олинг қўлидан, ўзини ўлдириб қутулмоқчи.

Қ а р о қ ч и М о о р. Одам ҳаёти билан ўйнашадиган ўша ҳакамларингга бориб айт: мен тангибозлик туфайли йўлга чиққан ўғри эмасман! Менинг мақсадим — қасос, менинг ҳунарим ҳам қасос!

Патерга орқасини ўгиради.

П а т е р. Демак, сен шафқату марҳаматдан воз кечяпсан? Ундай бўлса бас, сен билан гап тамом (*тўдага қараб*). Энди сиз эшитинг, адолатли ҳакамларнинг хоҳиши шундай: агар сиз ўлимга ҳукм этилган мана шу ёвузни қўл-оёғини боғлаб тутиб берсангиз, барча жинояту хиёнатларингиз афв этилажак, муқаддас ибодатхона сиз адашган бечораларни янги меҳру-оқибат билан она қучоғига қабул этажак, ҳар бирингиз учун рутбаи-аъмаллар эшиги очиқ (*яйраб илжайди*). Хўш, нима дейсиз? Қани тез бўлинг, қўл-оёғини боғланг — шу ондаёқ озод бўласиз!

Қ а р о қ ч и М о о р. Эшитяпсизларми? Эшитдингларми? Нимага қотиб қолдинглар? Нимага бош эгиб турипсиз? Сиз ҳозир асирсиз — сизга озодлик ваъда қилишяпти! Ахир сиз, худо ҳаққи, ўлимга ҳукм этилган одамларсиз, бу одам эса ҳаётингизни сақлаб қолишга сўз берапти, мақтанаётгани йўқ, қўлидан келади. Бу турмушингизда сизни ўлим кутади, борди-ю, қочиб қутулсангиз ҳам бир умр қувғиндасиз, бир умр шармисорсиз, бу ёқда эса сизга амал, обрў ваъда қилишяпти. Ҳаммангиз лаънату қаҳру ғазабларга дучор бўлган одамлар, ҳаммангиз дўзахи, тукингизга қадар жаҳаннамда ёнадиган одамлар бўлсангиз бу ёқда барча гуноҳларингиздан кечишга ваъда бериб туришган бўлса, хўш, яна нимани ўйлаб иккиланиб турипсиз? Наҳотки жаннат билан дўзахнинг қайси бири

афзал эканини ажратип шу қадар қийин бўлса! Ахир ёрдам беринг буларга, тақсир!

П а т е р (*четга*). Жинни бўлиб қолдими, нима бало!
(*Тўдага*.) Бу сизни тирик қўлга тушириш учун ишлатилаётган найранг деб хавотир олаётганингиз йўқми? Мана, ўзингиз ўқинг: афв этилганлигингиз ҳақида имзо чекилган фармон. (*Қоғозни Швейцерга беради*.) Ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин йўқ.

Қ а р о қ ч и М о о р. Кўрдингизми, кўряпсизми? Яна нима керак сизларга? Подшоҳ ўз қўли билан имзо чекипти — бейихоя шафқат, мурувват! Мен ўзимни қонун ҳукмига топшираман.

Қ а р о қ ч и л а р. Кишанланг уни! Ақлдан озди.

Қ а р о қ ч и М о о р. Бу ерга келаётганимда бир камбағал мардикор билан гаплашиб қолдим, ўн битта боласи бор экан. Буюк қароқчини тирик ушлаб келтирган одамга минг луидор* мукофот ваъда қилган. Ўша камбағалга мадад бериш хонаси келди. (*Кетадилар*.)

Парда

МАРИЯ СТЮАРТ

Тўрт пардали шеърин фожиа

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Елизавета — Англия қироличаси.
Мария Стюарт — Шотландия қироличаси, Англия қалъасида
тутқинда.
Роберт Дадли — граф Лестер.
Роберт Гальбот — граф Шрусбери.
Вильям Сесил — барон Берли — давлат хазиначиси.
Граф Кент
Вильям Девисон — давлат секретари.
Эмиас Паулет — Мария Стюартнинг бош назоратчиси.
Мортимер — унинг жияни.
Граф Обепин — Франция вакили.
Граф Бельвер — Франциянинг фавқулудда элчиси.
Окелли — Мортимернинг дўсти.
Дрежен Друри — Мария Стюартнинг иккинчи назоратчиси,
Паулетнинг ёрдамчиси.
Мельвиль — Мариянинг эшик оғаси.
Бергойи — унинг табиби.
Анна Кеннеди — унинг энагаси.
Маргарита Керл — унинг канизаги.
Графлик Шерифи.
Гардия офицери.
Франция амалдори.
Алиса.
Розамунда
Гертруда
Гардиячилар.

} Мариянинг канизаклари.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Фотерингей қалъаси. Хона.

БИРИНЧИ МАНЗАРА

Парда Анна Кеннеди билан Паулетнинг қаттиқ жан-жали устида очилади. Паулет Марияга тааллуқли жавонни очиб кўрмоқчи, Анна кўрсатмоқчимас. Друрининг қўлида лўм.

Кеннеди

Шошманг, сэр. Қанақа сурбетлик, тагин!
Тегманг у жавонга.

Паулет

Қайдан бу гавҳар,
Билагузук? Еки томдан тушдимиди?
Нима, ё боғбонга аталганмиди?
Наҳотки, кўз-қулоқ бўлганимиз, ҳатто —
Тинтув, титкилашлар билан ҳам битмас —
Туганмас хотинлар қақир-қуқури!

(Зўрлик билан жавон тарафга ўтади.)

Қани, бундай тур-чи!

Кеннеди

Йўқол, ярамас!
Леди буюмлари, ахир!

Паулет

Жуда соз!

(Ғаладондан қоғозлар олади)

Кеннеди

Шунчаки эрмакка ёзилган гаплар,
Хат, мактубдан бошқа ҳеч бир нарса йўқ.

Паулет

Ҳамма ағдар-гўнтар ана шулардан!

Кеннеди

Маликанинг ҳали чала мактуби
Буюк Англия маликасига.

Паулет

Яхши, топшираман.

Бу нима тагин?

*(Хуфия ғаладонга қўл солади ва безаклар қўлига
илашиб чиқади.)*

Фаранг нилуфари, қимматбаҳо тошлар...
Ажойиб гулчамбар.

(Друрига узатади.)

Аввалгиларига

Қўшиб қўй!

Кеннеди

Илтимос қиламан, олманг,
Қолган умримизнинг сўнги безаги.
Айирманг уни бу илинжидан ҳам,
Бошқа ҳаммасини тортиб олдингиз.

Паулет

Қўрқманг, булар бари ишончли қўлда,
Вақти келиб, барин қайтиб олади.

(Друрини жўнатади.)

Кеннеди

Ана, унинг ўзи!

Паулет

Қўлларига бут,
Ҳаёт ишқи эса кўнглида!

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Уша жой. Мариянинг юзида ўртик, қўлида бут.

Кеннеди

(Мариянинг истиқболига шошилади.)

Оёқости бўлдик бунда, маликам.

Мария

Тагин нима бўлди? Эс-хушингни йиғ.

Кеннеди

Ғаладонларингни титкилади у.
Олиб қўйди ҳамма қоғозларингни,
Қандай азоб билан сақлаб келганим
Тўй либосларингни, зийнатларингни,
Кечмиш Франция хотираларин,
Ҳамма-ҳаммасини!.. Энди қиролича,
Қолмади битта ҳам шоҳона белгинг.

Мария

Энди ҳаммасига кўникиб қолдим,
Чидарман, эҳ Анна, бунисига ҳам.
Сэр, бугун мен ўзим бермоқчи бўлган —
Нарсани олишга чакки шошибсиз.
Бир хат бор сиз олган қоғозларимда,
Опамга — Англия маликасига.
Уни шахсан унинг ўз қўлига
Топширишга ваъда қилоласизми,
Кўрсатмай ғазначи хоин Берлига?

Паулет

Мен бунни, миледи, ўйлаб кўраман!

Мария

Мактуб мазмунидан хабардор бўлинг:
Сўрайман малика марҳаматини,
Унинг қабулини, юз кўришмоқни.
Мен уни ҳеч қачон кўрган эмасман.
Эркаклар тергади мени. Мен билан

Унвон, табақада ҳеч тенг бўлмаган
Кишилар суд қилди, мени, беҳаё.
Лекин қиролича билан биз битта —
Жинсдан, унвонданмиз, табақаданмиз,
Мен унга, ягона қироличага,
Опамга, ниҳоят аёл кишига
Ҳамма гапни очиқ айта оламан!

П а у л е т

Шараф — тақдирлари олдида аввал,
Миледи, эркаклар табақасининг
Зотан сизга фарқи йўқ эди шекил.

М а р и я

Тагин кетасизми ҳеч нарса демай,
Нохуш ҳасрат билан қолдириб мени?
Бир ой бўляпти. Қирқ комиссарингиз *
Дўқ ва доврұқ билан келиб-кегишди.
Тергадилар мени ҳуда-беҳуда,
Нари-бери ўтди кулгили суд ҳам.
Арвоҳдай келишиб — кетишди бари.
Дараклари ҳам йўқ ўшандан буён.
Билмоқчиман ахир, оқибатини,
Ҳеч бўлмаса сизнинг назарингизда!
Қим устун?
Дўстларнинг меҳнатларими,
Бегуноҳлигимми, ёки бўлмасам
Қирдикорларими душманларимнинг?
Бир нарса денг, ахир! Қимга таяниб,
Қимга мурожаат қилай, ахир, сэр!

П а у л е т

(ўйлаб)

Аламингиз бўлса тангридан олинг.

М а р и я

Тангри шафқатидан бутун умидим.
Ва лекин шубҳам йўқ ҳали ердаги —
Бандаларининг ҳам одиллигига.

Паулет

Суд одил, миледи, хотиржам бўлинг.

Мария

Тергов тугадими? Очиқ айтинг, сэр.

Паулет

Билмадим.

Мария

Ҳукм-чи? Ҳукм чиқдими?

Паулет

Билмадим.

Мария

Бу ерда тез битади иш,
Худди шу суд каби баногоҳ, осон.
Тўсатдан келарми ҳатто ўлим ҳам?

Паулет

Тахминингиз тўғри, аҳтиёти шарт
Тайёр турганингиз яхшироқ, леди.

Мария

О, сэр, ҳайратимни билсангиз эди,
Берли ва Гастонлар суди неларга —
Қодирлиги менга ойнадай равшан!
Масала бундамас. Ҳамма масала —
Буюк Англия қироличасининг
Жасорати ҳамда иродасида.

Паулет

Қиролича фақат ўз виждонидан
Ҳамда парламентдан* чўчийди, холос.
Суд ҳукмин ҳукумат ижро этади,
Қатъий ва бегумон ҳамма ерда ҳам!

УЧИНЧИ МАНЗАРА

Уша ер. Мортимер киради.

Тога, сўрашяпти.

(Чиқади. Унинг бу қилиғи қиролчага малол келди ва унинг орқасидан чиқишга ҳозирланган Паулетни тўтатади.)

М а р и я

Бир оз тўхтанг, сэр!
Нима десангиз ҳам майли, кечирдим,
Ешингиз ҳурмати, кечирдим... Аммо
Тобим йўқ такаббур йигитингизга,
Халос эгинг мени дағдағасидан.

П а у л е т

Ўанча қабиҳ бўлса, шунча яхши менга,
Хотинларнинг сохта кўз ёшларига
Дарров учадиган ёш бола эмас
Шуни яхши билинг, леди, бир пақир
Сизнинг сеҳрингиз ҳам унинг олдида?!

(Кетади.)

ТҲРТИНЧИ МАНЗАРА

М а р и я, К е н н е д и.

К е н н е д и

Шунча чарс дағаллик юзингизга қараб?!
Бу қандай бетсизлик!

М а р и я

(фикрга толади)

Салтанатимизда
Ортиқча эрк бердик хушомадларга.

Бунақа гапларий эшитиш, Анна
Бу қора кунларга қонуний энди.

К е н н е д и

Ўксиманг, маликам, қўйинг, бўшашманг,
Ахир доим мени ғамдан йироқ юр —
Дегучи ким эди, сизмасмидингиз?
Мен бўлсам кулардим сизнинг бепарво
Ва беғам, ҳавойи шўхлигингиздан.

М а р и я

Асти кетмаяпти кўзимдан, Анна,
Қониға беланган эрим Дарилей.

К е н н е д и

Маликам!
Эсламанг ўшани энди,
Ювдингиз-ку уни, гуноҳ бўлган бўлса,
Виждон азоби-ла! Ахир аллақачон —
Черков ҳам, худо ҳам кечирган сизни,
Бошқалар ўлдирди уни, сиз эмас!

М а р и я

Билардим барини, аралашмадим,
Ҳалокатга тортдим эркалаб туриб.

К е н н е д и

Қамраб олган эди сизни жаҳолат
Уша дақиқада, кушандангиз Ботвель —
Юз ўғиртирганда сизни дунёдан,
Сизни шу аҳволга келтирмоқ учун
Юртни қутуртириб, масхара қилиб
Бадбахт, ишга солди ҳатто шайтонни!
Хуллас, йўл бердингиз шармандаликка.
Бундан кейин эса, оҳ парвардигор...

М а р и я

Давом эт, давом эт: сўнгра қотилнинг
Никоҳига кирдинг...

Кеннеди

У, малъун иблис —
Бошлаган йўл эди, умрингиз шаънига
Мангу ўчмас бўлиб тушган қора доғ.
Кейин қилмадингиз бошқа жиноят.
Тамом тузалдингиз, бунга шоҳидман
Тушманг тушқунликка, хотиржам бўлинг,
Англия олдида гуноҳингиз йўқ.
Тамомила ҳақсиз, ҳақсиз, маликам,
Нечун ноҳақликка бўйин эгасиз?!
Бу ерда тутишга ҳақлари йўқ сизни,
Сизга хўжайинмас Елизавета!

Мария

Ким у?

Эшикда Мортимер кўринади.

Кеннеди

Кетинг энди, жияни унинг.

БЕШИНЧИ МАНЗАРА

Уша саҳна. Мортимер аста аланглаб киради.

Мортимер

(Кеннедига)

Бизни холи қўйинг. Эшикда туринг.
Озгина гапим бор қироличага.

Мария

(жиддий)

Кетма, тўхта, Анна.

Мортимер

Қўрқманг, маликам.
Мадавини ўқинг.

(унга хат беради)

Мария

(Хатни очиб, ҳайратда чекинади.)

Нима, нимади?

Мортимер

(Кеннедига)

Чиқиб туринг, Анна. Кўз-қулоқ бўлинг,
Устимизга тоғам келиб қолмасин.

Мария

(Кеннедига)

Бор, Анна, чиқиб тур, айтганини қил.

Кеннеди ҳайратда чиқади.

ОЛТИНЧИ МАНЗАРА

Мортимер, Мария.

Мария

Тоғам — кардиналдан, Франциядан!*

(Ўқийди.)

«Бу хатни элтгувчи жаноб Мортимер,
Ғурбатда ишончли, яхши дўстингиз»

(Ҳайрат билан Мортимерга қарайди.)

Наҳотки кўзимга ишоналмайман?
Менга тушунтиринг нима гап ўзи?
Гапиринг, қанақа, қаердан бу бахт?

Мортимер

Машъум хабар билан келади ҳозир —
Менинг тоғам — сизнинг мухолифингиз.
Айтиб қўяй, леди, сизни бу зарбдан —
Қутқариш пайида тақдири азал!

Мария

Гапиринг.

Мортимер

Йигирма ёшларда эдим,
Уйдан чиқиб кетдим бошимни олиб,
Ўсдим пуританлар тарбиясида.
Нафрат билан ўсдим католикларча*!
Аввал кезиб чиқдим Францияни,
Сўнгра Италия бўлди бошпана,
Дуч келдим шу ерда шотландлар билан
Яширин французлар тўғарагига.
Ана шу уюшма сабаб бўлди-ю,
Таниб қолди мени сизнинг тоғангиз —
Донишманд, улуғвор кардинал* де Гиз.
Нақадар ажойиб мардона инсон!»!

Мария

Наҳотки, кўрдингиз уни ёнма-ён!
Мураббийим эди болалигимда.
Хўш, қалай, у қайда, гапиринг тезроқ.

Мортимер

У мени қайтарди черков бағрига,
Юз ўтирдим бадбахт бидъатларимдан.
У сизнинг азобу, рақибларингизни
Битта қолдирмасдан гапириб берди,
Айтиб берди наслу насабингизни.
Ойдай равшан менга ҳамма гап, леги,
Қитдай ҳам гуноҳ йўқ сизда. Ва лекин
Ягона айбингиз шулки, аслида —
Ўзи сизга қарам мамлакат сизни
Тобе қилиб бунда ушлаб ётибди.
Келдиму Тальботдан сизни бу ерга
Олиб ўтганларини эшитиб қолдим.
Ўзи ёрлақади, дедим, тангри мени,
Мени, сизнинг халоскорингизни.
Дўстлар кўмаклашди, режа ҳам туздик,
Мана, ўн кундирки, ватанимдаман.
Билишингиз керак энди бу гапни,
Очмоқ вақти етди хавфу хатарни!

М а р и я

Нима, очиқ айтинг, ҳукм чиқдими?
Қўрқманг мендан асти, қулоғим сизда!

М о р т и м е р

Ҳукм чиқди, леди... Қирқ икки ҳакам
Гувоҳкор деб топди, олий палата *
Қуйи палата ҳам, Лондон ҳам ҳатто,
Ҳамма ижросини кутмоқда энди,
Елғиз қиролича ушлаб турибди.
Сақлаб қолиш учун эмас, аксинча,
Мажбур бўлганини тазйиқ остида
Мамлакатга гўё кўрсатмоқ учун!

М а р и я

(ўзини туггани ҳолда)

Наҳот журъат этса, тожли бошимни
Ойболта остига қўйдиришга у?

М о р т и м е р

У буни, маликам, қила олади.

М а р и я

Наҳот остин-устин қилишга қодир
Ҳокимлик асосин, подшолик номин?
Наҳот ҳайиқмайди Франциядан?

М о р т и м е р

Тинчлик шартномаси тузади, леди,
Анжуя герцогига тегиб олади.

М а р и я

Испан қироли-чи, жим турармикан?

М о р т и м е р

Қўрқмайди ер юзи бош кўтарса ҳам,
Халқ билан ҳамжиҳат.

Мария

У ҳали мени
Халқига кўрсатиб ўлдирмоқчими?

Мортимер

Бунақа гапларга бизда, маликам,
Ўрганиб қолишган. Қонли кундага —
Бош қўйган олия аёллар каммас.
Елизаветанинг ўз волидаси,
Катерина Говард ва леди Грей!..

Мария

(Бир неча дақиқа жимликдан сўнг.)

Йўқ, сэр, менга бўлган садоқатингиздан
Сизга шундай бўлиб кўривяпти.
Менинг хавфим ўзга, кунда ҳам эмас.
Ҳеч нима билдирмай жаллод юбориб,
Изсиз ўлдирмаса, дея кўрқаман.
Оғудан кўрқаман. Бирон қадаҳни
Беташвиш, бешубҳа бўшатолмаيمان.

Мортимер

Миледи, кўрқманг ҳеч, сизнинг жонингизга
Қасд қилганлар ўзи бўлишади маст.
Ҳамма нарса тайёр, менинг ёнимда
Ун икки ёш йигит қасамёд қилди
Шу кечаёқ сизни олиб қочишга.
Франция вакили граф Обепин
Хабардор, ёрдамга ваъдаси ҳам бор.
Учрашув жойимиз — унинг саройи.

Мария

Наҳот кўтарилди хотирингиздан
Лондон кўпригида санчилиб ётган
Тичберн, Бабингтон боши, Мортимер?

Мортимер

Йўқ, леди, кўрқмаймиз, сиз учун майли,
Шундай ўлимга ҳам тайёرمىз!

М а р и я

Бизни --

Қутқара олмайди ҳеч қанақа куч.
Душман кучли, айёр, сиз ўйлагандан!
Битта тоғангиз, посбонлар эмас,
Бутун Англия қоровулликда.
Фақат Елизавета фармонигина
Бу дарбозаларни оча олади.

М о р т и м е р

Ўйламасангиз ҳам бўлади буни.

М а р и я

Тагин бир одам бор, мени зиндондан
Олиб чиқадиган ундан ўзга ҳам.

М о р т и м е р

Ким у?

М а р и я

Граф Лестер!

М о р т и м е р

(ҳайрон)

Граф? Кушандангиз?
Яқин маслакдоши қироличанинг?

М а р и я

Кимга насиб бўлса мени қутқариш,
Фақат якка-ёлғиз ўша бўлади.
Боринг, унга айтинг бор гапингизни.
Сизни бу ердан мен юборганимга,
Гувоҳ бўлур, мана суратим, хатим.

*Кўксидан яширин хатини Мортимерга олиб беради.
Мортимер бир оз иккиланган ҳолда хатни олади.*

Олинг, кўпдан бери олиб юрибман.

Асти йўл бермади баттол тоғангиз.
Сизни асли менга тангри юборди.

М о р т и м е р

Бу жумбоқни менга очсангиз бир оз.

М а р и я

Яхшиси, эшитинг граф Лестердан,
Очиқ айтаверинг унга батамом.
Очиқ сўзлашади у ҳам сиз билан.
Ким унда?

К е н н е д и

(Шошиб киради.)

Сэр Паулет ва бир амалдор.

М о р т и м е р

Бу Берли,
Бўшашманг, нима деса ҳам
Гапларини тингланг бамайлихотир.

(Узга эшикдан чиқиб кетади, Кеннеди ҳам.)

ЕТТИНЧИ МАНЗАРА

Мария, Лорд, Берли, Паулет.

П а у л е т

Билмоқчи эдингиз тақдирингизни,
Лорд Берли тафсилин айтгани келди.
Қабул қилмоқ лозим итоат билан.

М а р и я

Ўйлайман, ҳақиқат қилинган шаксиз.

(курсига чўкади)

Б е р л и

Хукми фармон билан келдим мен сизга!

М а р и я

Хукми фармон... қандай камтаринона!

Б е р л и

Хукми олий, леда, сизга маълумми?

М а р и я

Маълум, модомики Берли хабардор!

Б е р л и

Бузганингиз учун бултурги сулҳни,
Тахтга тақдид қилган исёнкорларни
Ўлим жазосига ҳукм этганидек,
Хукм этди сизни ҳам иккам қирқ ҳакам.
Сиз хоин Баббингтон фитначиларига
Ҳомийлик қилгансиз, йўл кўрсатгансиз.

М а р и я

Қани бунга исбот! Қани хат-ҳужжат?

Б е р л и

Судда кўрсатилган хат-чи, исботмасми?

М а р и я

Бировнинг қўли у, менинг қўлиммас!
Нима билан исбот қила оласиз
Уни менинг хатим эканлигини?

Б е р л и

Ўлими олдида Баббингтон айтди,
Мен ёздим, қиролича айтиб турди, деб.

М а р и я

Кимга керак бўлди унинг ўлими,
Мен билан юзма-юз келтирмай туриб?

Б е р л и

Шахсий котибингиз Керл ҳам, Нау ҳам
Унга айтиб туриб ёздирганингизни
Тасдиқлашди қасамёд билан.

М а р и я

Демак, аламзада, лақма малайлар,
Сохта гувоҳларнинг чақуви билан
Ҳукм чиқарилди!

Б е р л и

Муҳтарам леди,
Котибингиз Керл салтанатингизнинг —
Шаън-шавкати эмасмиди, ахир?

М а р и я

Шундай деб ўйлардим. Аммо ва лекин
Одам билинади хавф хатарда.
Азоб орқасида, бу майда гаплар
Зарар бермас дея қироличага
Ёлғон гапирган ҳам бўлиши мумкин.

Б е р л и

Ҳеч кимса тилидан тортгани ҳам йўқ.

М а р и я

Менинг олдимдамас, албатта бироқ
Лорд Берли, бу бари ярашмаган гап!
Икки гувоҳим бор, улар тирикдир,
Мени улар билан юзма-юз қилинг.
Бор гапни айтишсин менинг олдимда!
Ахир, қотилга ҳам сўнгги сўз бор-ку!
Ҳамма гапни, деди Тальбот даъвогар —
Айбдор олдида айтмоғи зарур!
Бу юртда шунақа қонун бор, деди.
Сэр Паулет, айтинг-чи, нотўғрими ё?
Мен сизни ростгўй деб биламан, айтинг,
Борми юртингизда шунақа қонун?

Паулет

Шунақа қонун бор, буниси тўғри!

Мария

Ажаб, Шотландия маликасини
Қораламоқ учун қонун керагу,
Оқламоқда эса аҳамиятсиз...
Нечун оёқости қилиб қонунингизни,
Учраштирмадилар Баббингтон билан?
Ақалли ҳозирча тириклари билан —
Малайлари билан юзма-юз қилсин.
Нега,
Нега жимсиз?

Берли

Қизишманг, леди.
Битта Баббингтонмас сизни қораловчи...

Мария

Мен бандиман фақат шулар туфайли,
Шулар фақат мени оқлаши керак.
Жавоб беринг, милорд.

Берли

Леди, сиз испан —
Элчиси Мендоза билан бирлашиб...

Мария

(тетикланади)

Жавоб беринг, милорд,
Четга чиқмасдан.

Берли

Диний эътиқодни ўзгартмоқ учун
Бутун Европани Англияга —
Қарши отлантирмоқ бўлдингиз.

Мария

Борди,

Шундай ҳам деяйлик, хўш, нима бўпти?!
Лекин мен уларни ундаганим йўқ.
Мени ноҳақ бунда тутиб турибсиз.
Ахир, мен от солиб келганим йўқ-ку.
Паноҳ тортиб келдим ўз эгачимга.
Кишан топдим аммо паноҳ ўрнига.
Урунда ҳамма гап бўлиши мумкин.
Шундай қилар эдим мен ҳам эҳтимол.
Лекин, қатл этмасдим зимдан ҳеч кимни,
Махфий қотилларнинг қўлида бу тарз.
Демак, менинг ишим қонун биланмас,
Зўравонлик билан ҳал этилмоқда.

Берли

(жиддий)

Бу томонга бурманг гапни, миледи,
Фойдаси йўқ бунинг мағлуб кишига.

Мария

Майли мен мағлубман, у ғолиб, майли,
Хотири жам бўлсин мени ўлдириб.
Лекин ваҳшиёна қонли ишини
Чеккада қилмасин эзгу қонундан.
У эмас, аслида менман даъвогар!

(Кечади.)

САККИЗИНЧИ МАНЗАРА

Берли, Паулет.

Берли

Унинг ғурурини синдирмоқ маҳол,
Кўрдингизми қандай такаббур, ўжар.

Паулет

Беодоблигимни кечиринг, милорд,
Бир оз хато ўтди терговда биздан.

Чакки бўпти уни котиблари билан,
Тичберн, ҳалиги Баббингтон билан
Чақриб юзма-юз қилинмагани.

Б е р л и

(тез)

Яхшики, шунақа қилинмади, рицарь,
Керлми, бе, уни кўргани замон
Тонади гапирган ҳамма сўзидан.

П а у л е т

Унда, мана Англия одил суди ўзи
Ўз суд қонунига риоя қилмай,
Жазоламоқда деб кишиларни ноҳақ,
Бутун ер юзига жар солмайдими?

Б е р л и

Елизаветанинг имзо чектирмай,
Қўлин ушлаб турган мана шу, холос.
«Тирик қолмаслиги керак Мариянинг!»
Мана шу — тинчини, уйқусини бузган.
Ўз этини ўзи ейди у шундай,
Кўзларидан уни ўқиб турибман.
Наҳот бирон киши, дейди ичида,
Топилмаса кўмак учун бу ишда:
Титраб ўтиради тахтида гўё,
Топшира олмасдан жаллод қўлига
Ўзининг туғишган эгачисини.

П а у л е т

Нега бунча ташвиш муқаррар бўлса?

Б е р л и

Ҳамма гап шунда-да. Қироличага
Бу мушкулни осон қила оладиган
Малай лозим, зийрак ҳамда ишончли.

П а у л е т

Ҳамда ишончли?

Б е р л и

Ҳа, сўзсиз, буйруқни
Бир имодаёқ
англаб етадиган!

П а у л е т

Сўзсиз, буйруқни?

Б е р л и

Шундай бўлмаганда, ўз қучоғида
Сақлай олмас эди бу хил авайлаб
Бу хавфли илонни, хизматкорлари.

П а у л е т

(жиддий тусда)

Қироличамизнинг шаънини, милорд,
Шундай авайламоқ менинг учун фарз!

Б е р л и

Рицарь Паулет, сизга бу маликани
Олиб берилганда Тальботдан...

П а у л е т

Милорд!
Жуда оғир хизмат юкланган эди
Ниҳоятда ҳалол назоратчига.
Бу ернинг соқчиси юртда энг ҳалол
Одам бўлишини билмаганимда
Ҳеч қачон турмаган бўлардим бунда.
Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Б е р л и

Ўз ажали билан ўлди деб уни
Овоза қилса ҳам ўтиб кетарди,
Кетар эди тезда унутилиб ҳам,
Таъна ҳам қилмасди ҳеч ким...

Паулет

Виждон-чи?

Берли

Агар уддасидан чиқолмасангиз,
Уддаловчиларга халақит берманг.

Паулет

(гапани бўлади)

Ҳозирча бу ерда мен бор эканман,
Қотил киромайди унинг олдига.
Мен учун бандининг ҳаёти билан
Қироличамизнинг ҳаёти битта.
Сизнинг вазифангиз ҳукм чиқармоқ,
Дор тикламоқ учун уста юбориш.
Ҳукм ва жаллодга дарбоза очиқ,
Ватанни бандидан, бандини эса
Қилич ва заҳардан сақлаш вазифам!

(Қоронғилик.)

ИККИНЧИ КУРИНИШ

«Тахт»

БИРИНЧИ МАНЗАРА

Елизавета, Лестер уни кузатиб киради. Орқаларидан граф
Обепин, граф Белъевр, француз амалдори, граф
Тальбот, лорд Берли, гвардиячилар ҳам киришади.

Елизавета

(Обепинга)

Менга қийин бўлур, граф Обепин,
Денгиз ошиб келган элчиларингизни
Сен-Жермен саройи сингари кутмоқ,
Келтира олмасман қондасин ҳам.
Фахрланадиган ёлғиз нарсам, граф,
Меҳр-оқибати халқимнинг, холос.
Олдига чиқдимми, ўраб олади.
Ва лекин қўрқаман, маликангиздай

Гўзаллар ичида юришдан ҳаргиз.
Билиниб қолади кўримсизлигим.

Обеин

Аксинча, бу юртда, леди, муҳожирнинг —
Биргина хонимда қолади кўзи.
Хонимларда бўлган барча афзаллик,
Ҳаммаси муҳайё шу зотда, леди!

Бельевр

Азиз Олампаноҳ, бораи, валиаҳдни —
Бахтиёр этайин хушхабар билан.
Шаҳзода Эмьендан то Калега қадар
Чопар қўйиб унда интизор кутар,
Никоҳига сенинг розилигингни.

Елизавета

Мени кўп қийнаманг, граф Бельевр,
Никоҳ гулханига ҳали вақт эрта.
Ҳозир юрагимга қил ҳам сиғмайди.

Бельевр

Бизга розилигинг керак, вассалом,
Тўйни эса майли қачон десанг ҳам.

Елизавета

Вакил жаноблари, хотиржам бўлинг,
Буюк Франция валиаҳдига.
Чиқишни шараф деб биламан, зотан,
Шу экан қисматда халқим истаги,
Ғарбда у кишидан бўлак шаҳзода
Бўлмас деб ўйлайман менга муносиб.
Шунга кўниб туринг ҳозирча, граф.

Обеин

Бу — умид учқуни. Бироқ, шаҳзода —
Истаги умиддан ортиқроқ, леди.

Елизавета

(Бармоғидан узугини олиб, унга хаёлчан тикилиб).

Мана бу узукни беринг шаҳзодага,
Ва лекин бу — никоҳ узуги эмас.
Эркимизни чеклаб қўйиши мумкин
Агар уни никоҳ узуги десам.

Бельевр

(Тиз букиб, узукни олади.)

Тиз чўкиб ва чексиз ташаккур билан
Шоҳона қўлингиз суртайин кўзга.

Елизавета

(Лестерга мурожаат қилади. У сўнги сўзлар айтилаётганда, Лестердан кўзини узмаган эди.)

Рухсат этинг, милорд...

(Лестердан ҳаворанг уқани ечиб олиб, Бельеврга тақади.)

Бу уқа билан
Муносиб биламан Олий ҳазратларни
Алвон Орденига. Едингизда бўлсин,
«Онни суа ки малим панз», яъни:
Ёмон ниятлилар, таҳқирга лойиқ!¹
Битсин бундан буён Англия билан
Буюк Франция орасидаги
Ҳамма адовату, гумон.
Икки тож
Бирлашсин ҳақиқий муҳаббат билан.

Обеин

Ҳокими, шундайин ажойиб айём
Ҳамма хурсанд бўлсин, баҳраманд бўлсин
Сенинг олижаноб марҳаматингдан.
Қанийди шундайин олий илтифот

¹ Тиззадан пастга тақиб юриладиган орден белгиси — ҳаворанг барқут лентага ёзилган вардал лавҳа.

Францияга ҳам, Англияга ҳам
Бегона бўлмаган мушфиқ, бегуноҳ —
Стюарт бошига ҳам тапласа шуъла.

Е л и з а в е т а

Илтимос қиламан, граф фарқ этсангиз
Бир-бирига тамом зид икки ишни.
Агар лозим бўлса, айтганингиздай,
Вирлиги мен билан Франциянинг
Дардимни бўлишсин мамлакатингиз!
Дўстликнинг даҳли йўқ менинг ёнимга.

О б е п и н

Ўзинг айт, шундаин бахтли соатда
Мааҳабдошимизни, буюк Франция —
Қиролининг битта ўксиз бевасини
Унутишни сен ҳам лойиқ кўрмассан.
Инсофдан ҳам эмас, инсонликдан ҳам.

Е л и з а в е т а

Жуда қадрлайман Франциянинг
Дўстона кенгаши, ҳомийлигини.
Аммо, салтанатим шаъни ҳақи, граф,
Қўйинг бунисини ихтиёримга.

*(Музыка. Элчилар таъзим, Елизавета жавоб таъзимини
бажо келтириб, ўз одамлари билан чиқади.)*

У Ч И Н Ч И К Ҳ У Р И Н И Ш

Б И Р И Н Ч И М А Н З А Р А

«Кенгаш»
Елизавета, Лестер, Берли, Тальбот. Қиролича
ўтиради.

Б е р л и

Улуғ қиролича, бугун мана сен
Халқинг истагини бажо келтирдинг.
Аммо бир нарсадан безовта юртинг
Диққати ҳукмингда — сўнги қурбонда!

Илтимос қиламан, бажар буни ҳам,
Мангу бахтиёр эт Англияни.

Е л и з а в е т а

Халқимнинг истаги нимадир? Айтинг,
Нима истайди у?

Б е р л и

Стюарт бошин!

Сендан хотиримиз жам бўлсин десанг,
Бас энди, душманнинг ўлиши керак.
Аҳиллик бўлмайди орангизда ҳеч,
Ёки у қолиши керак, ёки сен!
Унинг тириклиги — сенинг ўлиминг,
Унинг ўлимида ҳаётинг сенинг!

Е л и з а в е т а

Милорд, хизматингиз жуда ҳам оғир,
Тушунаман сизнинг ташвишингизни,
Маслаҳатларингиз доно, қимматли.
Аммо, милорд, менга малол келади
Қон ҳиди анқиса у маслаҳатдан.
Балки, сизда, бордир, граф Шрусбери,
Кўнгилга яқинроқ бирон маслаҳат.

Т а л ь б о т

Берли мақтовида адолатлисан.
Каммас лекин менинг муҳаббатим ҳам,
Чечан бўлмасам ҳам гапга унчалик.
Давлатни сақлашга топ бошқа чора,
Қонунсиз чорамас. Эсингда бўлсин,
Стюарт — у сенга фуқаро эмас,
Ҳақинг йўқ сен уни ҳукм қилишга.

Е л и з а в е т а

Демак, ҳаққинг бор деб эътироф этган
Менинг парламентим, махфий мажлисим,
Бутун суд — ҳаммаси хато фикрда?

Т а л ь б о т

Ҳақиқат ўлчови овозда эмас,
Уларга қарама, ўзинг қил ҳукм.
Авомдан аяма марҳаматингни.
Тангри ҳамиятдан яратган, леди,
Тошдан яратганмас аёл қалбини.
Аёл бошидадир тожимиз,
Демак,
Унга муносибмас вулм ва зўрлик.

Е л и з а в е т а

Граф Шрусбери жони дили билан
Еини оляпти душманимизнинг
Лекин тинчимизни, ҳаётимизни —
Кўзлаган дўстона маслаҳат маъқул.

Т а л ь б о т

Унга берилмади ҳимоячи ҳам,
Ҳимоя қилишни истаганлар эса
Журъат этолмайди сендан ҳайиқиб.
Ижозат эт, леди, бир оёғи тўрда,
Бир оёғи гўрда турган, ниҳоят
Маишатларни ҳам унутаёзган —
Мўйсафид, ўлимга маҳкум бу тутқин —
Ҳақида гапирсин бир-икки оғиз.
Бахтсизлик мактаби эш эди сенга,
Тахтни ўйлашга ҳам ҳаққинг йўқ эди.
Отанг ҳукми билан сургун экансан,
Фикрлаш ақлингни эрта киритди.
Беғам катта бўлди Францияда
Стюарт.
У, ўйин-кулги, зиёфатлар,
Қабул, дабдабалар ичида ўсди.
Етиб бормас эди унга ҳақиқат.
Худо берган эди ҳусндан унга,
Қадди-қомати ҳам йўқ эди тенги...

Е л и з а в е т а

Эсингизни йиғинг, граф Шрусбери,
Маслаҳат мажлиси йиғинидасиз.
Ажойиб гўзаллик бир мўйсафидни

Жазавага солиб, қийнаб қўйсаю,
Нега сиз анграйиб турибсиз, Лестер!
Нима, бу кишини ўтга солганда,
Сизни тилингиздан оладими у?

Лестер

Ҳайрон бўлиб қолдим ҳайратдан, леди,
Сабринг етганидан бу даҳшатларга,
Лондон кўчаларин мағзавасигача
Кириб келганидан муҳокамангга.
Ҳайронман кечаги Шотландиянинг
Бугунги беватан қироличаси
Сенга даҳшат солса, қамоқда ётиб.
Худо ҳаққи, унинг нимаси қолди?
Четлатилмаганми эди унинг ўзи
Сўнгги амри билан ахир Генрихнинг?
Наҳот, Англия сени, ўзининг —
Оқил, олижаноб қироличасини
Эрини ўлдирган битта католик —
Хотинга алишса, тушунолмайма!
Нега сени бунча қўрқитадилар —
Аллақандай ворис — меросхўр билан?
Аллақандай никоҳ... худди давлатинг,
Салтанатинг катта мушкул хатарда,
Ўзинг ҳам гўёки етилмагансан.
Имоним комилки, ҳали кўп йиллар
Унинг қабри узра ҳукм сурасан.

Берли

Лорд Лестер бошқача фикрдайдилар.

Лестер

Тўғри, овоз бердим судда ўлимга.
Маслаҳат мажлиси бу ер, суд эмас!
Кенгашга бошқача фикрда келдим.
Ҳақ-ҳуқуқдамас гап, манфаатда ҳозир.
Хўш, уни не учун ўлдириш керак?
Бусиз ҳам у энди ўлик. Айтинг-чи,
Қайси ўлимдан кам нафрат ва дашном?
Хўш, жазолайдилар, нима бўлади?
Абадийлаштириш эмасми номин?!
Жазолаш — қайтага уни халқ олдида

Буюклаштирмасми абадул-абад?
Мен бўлсам ҳукми кучда қолдириб,
Бошига ойболта осиб қўярдим,
Чопадиган қилиб керак бўлган он.

Е л и з а в е т а

(Ўрнидан туради)

Азизлар, тингладим, фикрларингизни,
Ташаккур. Ҳаммасин ўйлаб кўраман.
Қанақа қарорга келишимга шаксиз
Тангри ёрдам берар...
Ташаккур,
Хайр...

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Уша жой. Паулет ва Мортимер.

Е л и з а в е т а

Сэр Паулет, марҳамат, гапингиз борми?

П а у л е т

Машҳури замона, узоқ сафардан
Қайтиб келаётган жияним, азиз
Пойингга йиқилмоқ истайди, кечир.
Мунтазир турибди истиқболингга,
Кам қилма офтоби иноятингдан.

М о р т и м е р

(Киради, бир тизини букиб, таъзим қилади.)

Яшасин ҳукмдор, буюк қиролича,
Бахт қуши бошида абадий бўлсин!

Е л и з а в е т а

Хайрли соат, сэр, хуш келибсиз бунда.
Ўрнингиздан туринг. Шунча йўл босиб,
Римни ўтиб, ўтиб Францияни,
Реймсини* кезиб, нима кўрдингиз?
Нима қилишмоқда душманларимиз?

Мортимер

Шотланд қочоқлари бари Реймсда,
Улар бизга қарши фитна билан банд.
Кирдим, билиб келдим режаларини.

Елизавета

Қани, режалари қанақа экан?

Мортимер

Чақмоқдай ёндириб юборди уларни
Марияни ташлаб, сен билан ногоҳ
Иттифоқ тузгани Франциянинг
Энди умидлари Испаниядан.

Елизавета

(Мортимерга синчковлик билан тикилади.)

Реймс монахлари мазхабига кириб,
Қайтган эмишсиз ўз динингиздан?..

Мортимер

Тўғри, диндан қайтдим хўжа кўрсинга,
Содиқ қолай дея, сенга, ишингга.

Елизавета

(Унга қоғоз тутқазган Паулетга.)

Нима бу?

Паулет

Шотландия маликасидан.

Берли

Менга, менга беринг!

Паулет

Кечиринг, милорд,
Мен ваъда қилганман хатини шахсан

Зоти олийларга етказаман деб,
Душман деб билади мени Стюарт.
Тўғри, душманман қилмишлари-чун,
Унута олмайман бурчимни, аммо.

(хатни беради)

Б е р л и

Нима ёзди экан? Ҳасрат, арз-додми?
Нега керак экан сиёҳ қилиш ахир,
Қироличамизнинг нозик кўнглини.

П а у л е т

Жиндек хабарим бор. Стюарт фақат
Қабулин истайди маликамининг.

Б е р л и

(шошилинч)

Йўқ, йўқ, мумкин эмас!

Т а л ь б о т

Не учун милорд?
Емонроқ ният йўқ илтимосида.

Б е р л и

У ҳукм этилган. Унинг бошида —
Ойболта осифлик. Ҳукм — фармонинг, —
Чопилиши керак бўлган каллага
Назар ташлашлари муносиб эмас.
Гуноҳини кечмоқ бўлади бу иш
Ҳеч ким даф қилолмай қолади унга.

Е л и з а в е т а

(мактубни ўқиб, кўз ёшини артади)

Қандай савдолар бор одам бошида!
Болалигиданоқ бу қиролича,
Бу қадимий тахтга ўтирди ҳамки,
Уч тож бирлигидан узмади умид,

Нақадар бузилиб кетган автори,
Лекин, макгубида йўриғи бошқа.
Кечиринг, жаноблар, кўнглим эзилади,
Қон бўлиб кетади юрагим менинг,
Бебақолигидан бу кенг оламнинг.

Т а л ь б о т

О, азиз маликам, тангрининг ўзи —
Юмшатди кўнглингни, унга амал қил.
Энди Стюартнинг қасосин унут,
Уқубати билан ювилди айби.
Қабристондай совуқ ертўласин оч,
Фариштадай учиб қучоғига туш.

Б е р л и

Адашма, маликам, дадил бўл, асти —
Юмшатма кўнглингни. Улар ногаҳон
Йўлдан оздирмасин, деганинг — деган,
Қарорингдан қайтма!

Л е с т е р

Жаноб лордлар,
Ҳаддингиздан ошманг, қиролича буни
Ўзи ҳал қилади оқилона, ҳақ.
Икки қиролича учрашувини
Ҳукм иши билан аралаштирманг.
Елизаветамас айблаган уни,
Бизнинг қонунимиз. Хўш, модомики,
Шундай экан, қўйинг, қиролича ҳам
Кўнгил изми билан иш тутсин, ахир!
Қонун йўли бўлса — бошқа масала!

Е л и з а в е т а

Сизга жавоб, лордлар! Излаб кўрармиз
Бурч билан мурувват мурасасини.

*(Лордлар чиқади. Эшикка бориб қолган Мортимерни
тўхтатади.)*

Сэр Мортимер, бир оз сабр қилинг сиз.

УЧИНЧИ МАНЗАРА

Елизавета, Мортимер.

Елизавета

(синовчан назар билан)

Бу катта жасорат, уддабурролик,
Сизнинг ёшингизда, Мортимер, балли!
Хатто шайтонга ҳам дарс берсангиз
Бўладиган бўпти энди бемалол.
Омадингиз баланд, кўриб турибман,
Сэр, буни мен сизга ваъда қиламан!

Мортимер

Қўлимдан не келса, ҳамма-ҳаммаси,
Қироличам, сенинг ихтиёрингда!

Елизавета

Кўрибсиз Англия душманларини,
Аламзадаларни менга нисбатан.
Худованди карим асради мени.
Аммо, яшар экан Стюарт ҳамда
Унинг фитналари ва тентагона
Мақсадига етмоқ баҳоналари,
Омонат, Мортимер, бошимдаги тож.

Мортимер

Ўлимга маҳкум у. Фармон берсанг бас.

Елизавета

Мен уни қонунга ҳавола қилдим,
Булғамайин дедим, қўлимни қонга.
Мана оқибати ҳукм ҳам чиқди,
Менга қараб қолди ижроси энди.
Демак ҳамма айб менинг бўйнимда?
Йўқ, буни пинҳона бажармоқ керак,
Менсиз, фақат менсиз!

М о р т и м е р

(синамоқчи бўлади)

Шуми сиз ўйлаган энг тўғри чора?

Е л и з а в е т а

Оҳ, энди қанийди, кунлардан-бир кун
Мени уйғотсалар хушхабар билан:
«Оламдан ўтди,— деб,— Стюарт шу кеч».

М о р т и м е р

Бу ишни, маликам, менга қўйиб бер.

Е л и з а в е т а

Хайр, сэр. Ёр бўлсин оғир сукутда
Сизга ғойибона миннатдорлигим.
Сир ва сукунатнинг йўлдоши омад,
Қалб эса, ҳамоҳанг сукунат билан.

(Кетади.)

ТҲРТИНЧИ МАНЗАРА

М о р т и м е р

(ёлғиз)

Боравер, ҳийлагар тулки, маккора!
Нима қилган бўлсанг одамларга сен
Мендан ҳам ўшани топасан энди,
Ёлғон-яшиқларга кўмиб ташлайман.
Пандингга панд билан оласан жавоб.
Сени сотмоқ ўзи бир дунё савоб.
Менга ишонавер, кўпроқ бўлади
Қутқариш вақтимиз маликамитизи.

Чиқишга отланар экан, кираверишда унга Паулет дуч келади.

БЕШИНЧИ МАНЗАРА.

Мортимер, Паулет

Паулет

Нега олиб қолди сени қиролича?

Мортимер

Шунчаки...

Паулет

(унга қаттиқ тикилади)

Мортимер! Қалтис йўлдасан,
Малика устамон кўнги олишга,
Иззати нафсинга ҳазир бўл, бола.
Қанча шуҳрат, амал ваъда қилмасин,
Ишонма. Айтгани қила кўрдингми,
Шарманда қилади ўша куниёқ.
Соқит қилмоқ учун ҳамма айбни —
Ўзидан, жазога тортади сени.

Мортимер

Айбни? Қанақа?

Паулет

Айт ростини, ваъда берган бўлсанг,
Сендай жияним йўқ, лаънатлар бўлсин!

Лестер

(киради)

Хушxabар келтирдим Мортимерга мен.
Стюарт устидан назоратни энди
Унга топширади буюк қиролича
Ва унинг, албатта, пок виждонига!

Паулет

Ва унинг албатта, виждонига! Соз.

Лестер

Нима, сэр?

Паулет

Майлига, ишонаверинг
Унинг виждонига, мен эса фақат —
Ўзимга, кўзимга, ишончим комил.

(Кетади.)

ОЛТИНЧИ МАНЗАРА

Лестер

(хайрон)

Нима гап?

Мортимер

Наздимда, лол бўлиб қолди
Малиқамнинг менга ишонганидан.

Лестер

(унга синовчан тикилади)

Айтинг-чи, инониш мумкинми сизга?

Мортимер

(Унга ҳам шу оҳангда жавоб қилади.)

Сизга-чи, мумкинми сизга, сэр Лестер?

Лестер

Нимадир демоқчи эдингиз ҳали.

Мортимер

Панд еб қолмайманми, сўз беринг аввал.

Лестер

Сиз учун ким кафил бўлади унда?
Хар сафар саройда, хафа бўлмангу,
Икки қиёфада қўраман сизни.
Қай бири ҳақиқий, қай бири сохта,
Қай бири аслидир, қай бири ниқоб?

Мортимер

Бу саволни беринг ўзингизга ҳам.

Лестер

Ким очиши керак гапнинг учини?

Мортимер

Кимга хавф кам бўлса.

Лестер

Унда сиз очинг!

Мортимер

Йўқ, милорд. Бу ерда сизнинг сўзингиз
Эътиборли. Мени битта сўз билан
Яксон қилишлари ҳеч гапмас, менинг
Эътиборим йўқроқ сизга нисбатан.

Лестер

Жуда янглишасиз. Баъзи масалада
Шундайдир. Ва лекин сиз очмоқ бўлган
Нозик масалада ғоят ожизман.
Бунда қил устида менинг ҳаётим.
Орқамда айғоқчи.

Мортимер

Демак, модомики,
Марҳаматга келиб графнинг ўзи
Мени тутар экан ўзига яқин,
Мен ҳам олий назар, олижанобликда
Милордга намуна бўлишим мумкин.

Лестер

Муддаога кўчинг, мен ҳам кўчаман.

Мортимер

(тезлик билан мактубни олиб боради)

Сизга хат, Шотландия маликасидан.

Лестер

(Даҳшат билан хатни Мортимер қўлидан юлиб олади.)

Секинроқ, нима бу? Ҳа, суратими?

(суратни ўпади ва унга жим тикилиб қолади, ҳаяжонда.)

Мортимер

(Унинг мактуб ўқишини диққат билан кузатар экан.)

Милорд, кечирасиз, энди иновдим.

Лестер

(хатга кўз югуртириб)

Сизга аёнмиди бу хат мазмуни?

Мортимер

Йўқ, милорд.

Лестер

У сизга айтгандир ахир...

Мортимер

Ҳеч нарса айтмади.

Фақат дедими,

Лестерда калиди бу топишмоқнинг

Омонлик тилайди фақат Лестердан,

Қирқ ҳакамнинг бири ва энг ишончли —
Севиклиси, дейди қироличанинг
Бу менга топишмоқ ҳақиқат ҳам.

Лестер

Ҳайратга солдими бирдан ўзгаргани
Марияга менинг муносабатим?
Унинг рақибига айланмадиммикин
Оғирлашаётган муҳит туфайли.
Ҳали Дарилейга чиқмасидан биз
Унаштирилгандек, бўй етган эди.
Лекин мен рад этдим бу бахтни унда.
Эътибор бермадим ҳуснига. Менга
Кам эди Стюарт қўли, менинг ўйим
Банд эди Англия маликаси-ла.

Мортимер

Сизга унинг жуда ихлоси баланд.

Лестер

Эҳтимол. Ва лекин ўн йиллаб умрим
Бекор кетди унга илтижо билан.
Югурганникимас, буюрганники —
Бўлди, гўзал йигит банд этди уни,
Умидларим тутдай тўкилди-кетди...
Чўкиб кетаётиб тармашардим гўё
Қалқиб юрган кема парчаларига.
Мана, кўз олдимда тагин Мария,
Ўша малоҳату, ўша латофат.
Қаршисида бир пул иззати нафсинг!
Энди англадимки, ўша вақтда
Йўқотган эканман ноёб хазина!
Мана энди бўлса авахтада у.
Унга интиламан хавф ёқасида.
Ишончли кишидан хат қилган эдим,
Хатида айтипти кечирганини.
Халоскорим менинг, депти фақат сен
Бағишлапти менга тақдирини ҳам.

Мортимер

Бироқ, уни бундан халос этишга
Нима қиляпсиз ахир ҳеч вақо!

Хукм қилинганча қараб турдингиз,
Овоз ҳам бердингиз қатлига ҳатто.

Лестер

Менинг азобимни билсангиз эди!
Қўйиб берармидим қўлимдан келса!
Ҳали ҳам умидим йўқ эмас уни —
Қутқариб қолишга қатлдан, милорд.
Аммо чора топмай гарангман ёлғиз.

Мортимер

Топилгану, Лестер, фақат ёрдам керак.
Мен халос этаман уни зиндондан.
Шу мақсадда келдим. Тадбир ҳам тайёр.
Ишимизнинг, Лестер, ўнг келишига —
Гаров фақат сизнинг маслаҳатингиз.

Лестер

Нимади?.. Бу даҳшат!.. Сиз истайсизки...

Мортимер

Ҳа, Лестер, мен уни озод қиламан,
Авахта эшигин очишга тайёр,
Дўстлар шай!

Лестер

Ҳеч нарса қила олмайсиз.
Бу хавфли, Мортимер.

Мортимер

Сусткашлик хавфли!

Лестер

Бу ахир, мардликмас, тентаклик, холос!

Мортимер

Тентаклик бу — сизнинг танбаллигингиз!

Лестер

У ҳам, ўзингиз ҳам ҳалок бўласиз.

Мортимер

Ўрни аяб, қутқаролмайсиз.

Лестер

Ҳеч нарса кирмайди қулоғингизга,
Қизиққонлик билан ҳамма нарсани
Бузиб қўйишингиз мумкин, Мортимер,
Эндигина изга туширилганда.

Мортимер

Бу йўлга туширган сизмас, ҳар ҳолда!
Уни қутқариш-чун нима қилдингиз?
Ҳозир маликанинг сўзига кириб,
Уни разилона ўлдирмоқ бўлсам,
Нима қилардингиз, қайси йўл билан —
Марияга мадад берар эдингиз?

Лестер

(хайратда)

Наҳот қиролича шундай фармойиш
Берган бўлса сизга?

Мортимер

Менга ишониб
Қаттиқ хато қилди, худди Мария
Хато қилганидай сизга ишониб.

Лестер

Ваъда қилдингизми?

Мортимер

Бу фармойишини —
Адо этадиган бошқа қўлларни —
Қирқиб ташлаш учун, жаноби Лестер.

Лестер

Яхши, маликанинг кўнгли тўқ сиздан,
Кечиктирилади қатл ҳам бир оз,
Биз вақтдан ютамиз.

Мортимер

(бетоқат)

Йўқ, ютқазамиз.

Лестер

Сиздан энди, ахир унинг умиди.
Ипингизнинг учи унинг бурнида
Мен бўлсам, кўнглида рақибаси-ла
Учрашиш майлини уйғотиш учун
Бор ҳийла-найрангни ишга соламан.
Берли ҳақ, қўлини боғлаб қўяди
У билан учрашув. Қатл этолмайди —
Қабулида бўлгани малика ҳеч вақт.
Бўлди, мен тайёрман ҳамма нарсага!

Мортимер

Нега бошламайсиз бўлмаса ишни?
Хуқуқ, қалъа, ҳатто истехкоми ҳам
Сизнинг қўлингизда, қўшин тузинг-да,
Йўғинг аъёнларни, Мариянинг, граф,
Жуда кўп яширин тарафдорлари.
Қўйинг ҳийлангизни, маъшуқангиз учун
Жангга қиринг энди очиқчасига!

Лестер

Е тавба! Нима гап! Қайга судрапти
Сизни бу жаҳолат! Наҳот ёдингизда —
Бўлмаса бу ернинг феъли-атвори.
Эсингизни йўғинг, бутун мамлакат, —
Ахир амрида-ку хотин кишининг!
Тили қичиганнинг аҳволига вой.
Бу йўл қалтис жуда, буни қўйинг, сэр.
Биров келяпти. Хайр.

Мортимер

Мариянинг
Умиди сизда-ку, нима дей унга?

Лестер

Севгим, садоқатим ўла-ўлгунча.

Мортимер

Ўзингиз айтарсиз унга. Тобим йўқ —
Тобим йўқ ҳар хил гап ташиб юришга.

(Кетади.)

ЕТТИНЧИ МАНЗАРА

Елизавета, Лестер

Елизавета

Ким эди? Ким билан турган эдингиз?

Лестер

(У қўрққанидан шошиб, ўгирилади.)

Мортимер, маликам.

Елизавета

Нима қилди, лорд?
Бунча безовтасиз?

Лестер

(Ўзини тугиб)

Сабаби ўзинг,
Сени ҳеч бу ҳолда кўрмаган эдим,
Кўзларим қамашди латофатингдан.
Оҳ...

Елизавета

Нега хўрсиндингиз?

Лестер

Нега хўрсинмай.

Сабаби бор, ахир. Бахтиёр бир зот —
Баррига кирасан эртами-индин.
Валиаҳд, мен бўлсам... Агар бордию
Сен чўпон, шаҳаншоҳ бўлганимда мен,
Бутун давлатимни, тожи тахтимни
Оёғинг остига ташлардим, ҳамда
Баробар бўлардим табақада ҳам.

Елизавета

Оҳ, Дадли, шафқат қил, койима мени,
Юрагим амрига киришга менинг —
Ҳаққим йўқ. Албатта, юрагим шундай —
Қилмаган бўларди. О, Дадли, ўзга —
Аёлларга қандай ҳасад қиламан.
Улар ҳеч нарсадан ҳайиқмайдилар.
Стюарт эп кўрди ҳамма нарсани —
Ўзига. Татиди бор лаззатини у
Ҳузур ва ҳаловат пиёласида.

Лестер

Энди захри қотил ичмоқда ундан.

Елизавета

О, Дадли, истасам агарда мен ҳам
Емон сурмас эдим айши ишратни.
Аммо аъло кўрдим қироллик бурчин.
У эса, зеб берди ўзига фақат,
Ўзига ром этди эркак зотини.
Яшариб кетади ҳаттоки Тальбот
Гап очилиб қолса унинг ҳуснидан.

Лестер

Соддадил одам у. Гангитиб қўйди
Қалъада қўриқчи бўлиб турганда.

Елизавета

Жуда кўп эшитдим унинг мақтовин,
Ростдан ҳам шундайми? Бир кўриш керак.

Сурати беўшшов, таърифи чакки —
Бўлиши эҳтимол. Бир кўриш керак.
Хўш, менга ғалати қараб қолдингиз?

Лестер

Фикран қўйиб кўрдим сизни ёнма-ён.
Қани кўрсам сени Мария билан,
Чеки бўлмас эди хурсандлигимнинг.
Сен ҳам хуморингдан чиқардинг кўриб
Мағлуб рақибингни у ҳам кўрса эди
Хар жиҳатдан ундан афзаллигини,
Ақл, идрокда ҳам, бўйи бастда ҳам.

Елизавета

(беихтиёр)

Ҳамманинг истаги шундай.

Лестер

Унинг ҳам
-Истаги — сен билан учрашиш фақат.
Яна бир алам бер учрашув билан!

Елизавета

Йўқ, Дадли, ҳозирмас. Аввал Берлидан —
Сўрайин.

Лестер

(дадил)

Мамлакат ташвиши фақат
Шу Берли бўйнида. Берлига эса,
Бир пақир аёллик ҳаққи-ҳуқуқинг,
Сийёсий нуқтаи назардан ҳам гоҳо
Меҳр-шафқат қилсанг, зарар қилмайди.
Кўришсин, рухсат бер унга, сен билан,
Кейин нима қилсанг билганингни қил.

Елизавета

Яхши бўлармикин менга синглимни
Кўриш ночорликда, хўрликда, кейин —
Унга жуда ёмон қарар эмишлар.

Лестер

Бориш керак эмас авахтасига,
Ҳаммадан яхшиси тасодиф. Бугун —
Ов қуни. Овимиз қалъага яқин.
Мария дам олиб юради боғда.
Тасодиф сизларни юзма-юз қилсин,
Истасанг гаплашгин, ҳожат бўлмаса
Сўзлашма, бурилиб кетавер, тамом.

Елизавета

Агар хато қилиб қўйсам, гуноҳи
Сизнинг бўйиниғизда. Бугун малика
Ҳаммадан кўп хафа қилган кишисига
Беролмаса керак рад жавобини.

(Унга мулоим тикилади.)

Эҳтимол ўринсиз — илтимосингиз,
Тагин ён босаман сизга ортиқча,
Хоҳишимга қарши изн тутаман.

*(Лестер унинг оёғига йиқилади, қўлини ўпади.
Елизавета бош жади.)*

ИККИНЧИ ПАРДА

ТўРТИНЧИ КЎРИНИШ

«Фотерингей парк»

БИРИНЧИ МАНЗАРА

Паркининг бир чеккаси. Дарахтлар ораси, кенг манзара.

Кеннеди

Бунча учмасангиз, маликам, қушдай,
Етолмаётибман, бир нафас тўхтаг.

М а р и я

Мени қутқардилар, озодман, Анна,
Бирпас давом этсин бу оромбахш туш.

К е н н е д и

Беҳуда хаёллар. Наҳот кўрмасангиз,
Бурчак-бурчакдаги қоровулларни.

М а р и я

Йўқ, Анна, бекорга очганлари йўқ
Менга авахтанинг эшикларини.
Яхши каромат бу, Анна, ишимиз
Юмшаб кетишга далолат. Лестер,
Лестернинг қўли бу, қарздорман ундан.

К е н н е д и

Ақлим етмай қолди бу хил гапларга:
Кеча ўлимингдан дарак беришди.
Бугун истироҳат — очиқ далада,
Халос этадилар баъзан кишандан
Мангу таназулга юз тутганда ҳам.

М а р и я

Эшитяпсанми, бурги овози!
Анна, худди мени чорлаётгандай.
Улар биз томонга келишяпти.
Бизга бурилишди, эшитяпсанми?

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Ўша жой. Паулет.

П а у л е т

Энди розимисиз, ниҳоят, леди?
Энди каминадан миннатдормисиз?

М а р и я

Бу имтиёз ҳали сизданми, Паулет?

Паулет

Бўлмасам-чи, леги, ахир арзингани
Ким ҳам етказарди қироличага.

Мария

Шундайми? Ҳали бу сайр ҳам...

Паулет

(маъноли)

Бумас,
Ҳозирларинг бундан каттасига ҳам.

Мария

Қандай, каттасига?

Паулет

Эшитмаяпсизми?

Бурғу овозини!..

Мария

(тушуниб шошиб қолади)

Е раббий, Анна!

Паулет

Малика ўрмонда, ов қилипти.

Мария

Наҳотки!

Паулет

Бу ерга келади ҳозир.

Кеннеди

(ҳаяжондан йиқилаёзган Мария томон югуради)

Оқариб кетдингиз, не бўлди сизга?

Паулет

Керак эмасмиди? Ахир ўзингиз
Сўрамадингизми қўярда-қўймай?
Мана бажо бўлди қутилмаганда.

Мария

Огоҳ қилмадингиз нега олдинроқ?!
Йўқ-йўқ, учрашувга тайёр эмасман.
Назаримда мени қийнаган ўша
Даҳшат етиб келди. Юр, тезроқ, Анна,
Ўзимга келайин.

Паулет

Шопманг, миледи.
Қутишингиз керак уни бу ерда.

УЧИНЧИ МАНЗАРА

Ўша жой, граф Тальбот.

Мария

О, Тальбот, худойим юборди сизни.
Тоби тоқатим йўқ уни кўришга.
Ердам беринг менга, нима қилайин?

Тальбот

Ўзингизни босинг, қизишманг асти,
Оғир бўлинг, босинг газабингизни.
Шуни яхши билинг, хосияти йўқ
Газаб газаб билан тўқнаша кўрса.
Қаҳри газабингиз ошиб-тошса ҳам
Бари бир, кучингиз етмайди, леди,
Бўйин эгинг унга.

Мария

Бўйсунинг унга?
Ҳеч қачон!

Т а л ь б о т

Миледи, гурур вақтимас.
Оғир бўлинг, унинг кўнглини топинг.
Оғиз оча кўрманг ҳақман, деб асло.

М а р и я

Яраша олмаймиз.

Т а л ь б о т

Аввал кўришинг,
Мен ахир, шоҳидман, хатингизни ўқиб
Қанча йиғлаб олди. Ўйламанг, леги,
Ҳамиша ҳам уни қаҳри қаттиқ деб.
Ишонинг сиз унга. Шунинг учун ҳам
Шошилиб келдим мен, огоҳ этайин —
Бу гаплардан дея сизни, миледи.

М а р и я

(Унинг қўлларидан тугиб.)

Қандай дўст эдингиз менга, оҳ Тальбот.

Т а л ь б о т

Фақат итоатда бўлсин фикрингиз,
Бошқа ҳамма гапни эсдан чиқаринг.

М а р и я

Берли ҳам биргами, у ёвуз иблис?

Т а л ь б о т

Йўқ, фақат Лестер.

М а р и я

Лестер дедингизми?

П а у л е т

(киради)

Зоти олиялари!

*(Ҳамма четланади, фақат Мария Кеннедига суюниб,
ўз жойидан қимирламайди.)*

ТҮРТИНЧИ МАНЗАРА

Уша жой. Елизавета. Граф Лестер. Аъёнлар.

Елизавета

(Лестерга)

Кимнинг боғи бу?

Лестер

Фотерингейники.

Елизавета

(Тальботга)

Мулозимларни

Лондонга жўнатиб.

Кўча тўла одам.

Озгина юрайлик, овлоқ жой экан.

(Бир зина тўшиб Марияга қарайди. Тальбот аъёнларга жавоб беради. Елизавета тагин Марияга тикилиб қарайди. Сўнг Лестерга гапиришида давом этади.)

Чексиз муҳаббати халқимнинг менга,

Тангрини шунақа улуглайдилар,

Бандасини эмас.

Мария

(Шу вақтга қадар хаёли қочиб, энагасига суяниб турган Мария ўзини тугиб олади. Унга қаттиқ тикилиб турган Елизаветанинг кўзи билан кўзи тўқнашади ва яна даҳшатда Кеннеди қучоғига ташланади. Елизавета юзини ундан ўгиради.)

Қиёфасида,

Қўлларида жон йўқ, совуқ нақадар!

Елизавета

Ким экан бу, леди?

(ялпи жимлик)

Лестер

Фотерингейдасан.
Фотерингей богида, буюк маликам.

Елизавета

(Ўзини ҳайронликка солиб, норозилик билан Лестерга қарайди.)

Ким қилди бу ишни, Лестер?

Лестер

Маликам!

Шундай бўлиб чиқди, энди модомики,
Тангри солди экан сени бу йўлга.
Қаҳрингни йироқ тут марҳаматингдан.

Тальбот

Илтижо қиламиз, буюк олампаноҳ,
Қўрқувдан ўзини йўқотаёзган —
Бахтсиз бу аёлга назарингни сол.

Елизавета тагин икки зина тушади. Мария бир зина кўтарилиб,
тўхтаydi.

Елизавета

Ким гапирган эди, жаноблари, буни
Жуда пушаймон деб, ғамгин деб жуда?
Ҳали ҳам эгардан тушмаган чоғи!

Мария

Майлига ютаман бунисини ҳам.

(Елизаветага мурожаат қилади.)

Тангри ёрлақади сизни, Тожи тахт
Сизники! Бошимни эгаман ўша
Сизни ёрлақаган тангри амрига!

(Оёғига йиқилади.)

Сиз ҳам энди, опа, тантилик қилинг,

Мен ҳам бунда ётмай чанга беланиб.
Шоҳона қўлингиз тутсин қўлимни,
Ердамингиз билан турай оёққа.

Е л и з а в е т а

(чекиниб)

Ўз жойингиздасиз энди, миледи.
Худога минг шукур, мана ҳозир сизнинг —
Оёғим остида ётганингидай
Менинг ётишимни истамади у.

М а р и я

(Аста-секин ўзига келиб.)

Нақадар бетайин тақдир ўйини,
Қандай панд беради такаббурликка!
Сизга ибрат бўлсин менинг аҳволим.
Лоақал бегоналар олдида, менинг
Томиримда уриб турган Тюдорлар *
Қонини хўрламанг.
Чўкиб кетаётган —
Кишининг олдида чиқиб бўлмайдиган
Совуқ қоя тошдек қотиб турманг, леди.

Е л и з а в е т а

(совуқ ва қатъий)

Нима гапингиз бор менга, миледи?
Қироллик шаънига тўғри келмаса ҳам,
Мана мен, илтимос қилган экансиз.

М а р и я

Нимадан бошласам, қандай бошласам?
Қандай ранжитмасдан юмшата олсам —
Кўнглингни, леди?.. Ўзни оқлаш учун
Қоралашим керак сизни ноилож.
Яхши қилмадингиз менга нисбатан.
Ўз хоҳишим билан келувдим сизга,
Сиз эса, асира қилдингиз мени.
Муҳтожликда қолдим,

Мени дўстларимдан,
Хизматкорларимдан маҳрум этдилар.
Беорларча ҳатто суд ҳам қилдилар.
Лекин индамадим. Жим ўтирибман,
Унутилиб кетар азобларим ҳам.
Майли тасодифий бахтсизлик бўлсин,
Бизнинг орамизга болалиқданок
Шайтон оралаган экан, начора.
Бу эса, қўл келди ғаламисларга.

*(Елизаветага мулоҳим, кўнгилчанлик билан
яқинлашади.)*

Ниҳоят учрашдик — овлоқда, сўзланг,
Ўзимни оқлашга кучим етади.
Ушанда
Худонинг зорини қилиб
Сўрадим. Оҳ, қабул қилганингизда,
Иш ҳам бунчаликка бормасди,
Ҳатто
Учрашмасдик шунча ҳасратлар билан.

Е л и з а в е т а

Минг шукур бахтиёр қисматимгаки,
Илон каби ёвуз эмасман асло.
Ўзингиздан кўринг, тақдирдан эмас,
Бахил Стюартлар * хонадонидан!
Ҳали орамизда ниҳоқ йўқ эди,
Чоҳ қазиганида менга герцог Гиз:
Роҳиб ҳам қолмади, писмиқ муттаасиб.
Қиличидан қон топган лашкарбоши ҳам.
У сизни авради, сеники деб, менинг —
Қироллик гербиму унвонимгача.
Чоҳ қазимоқда менга тоғангиз,
Унга тушадиган сизнинг ўзингиз.

М а р и я

Тангри ҳукмидаман. Журъат этолмаймиз
Бундай офир, мудҳиш қонли жазога.

Е л и з а в е т а

Ким ҳалал беради?
Тоғангиз Гизми?

Душманга қанақа шафқат қилишни
Варфоломей тунидай* кўрсатган жуда,
Хўш, номус, қондошлик нима деган сўз?
Мазҳабингизда-ку бунинг ҳаммаси:
Шоҳларни ўлдириш, хоинлик, фириб.
Зўрлик қўл келади фақат бу ишда.
Ҳеч қандай омонлик, раият бўлмас.
Илон насли билан менинг орамда!

М а р и я

Сиз мени ҳамиша ёт кўрасиз, опа.
Агар меросхўр деб билганингизда,
Қандай миннатдорлик, меҳр-оқибат,
Қандайин содиқлик топар эдингиз —
Мендан, қондошингиз, дугонангиздан.

Е л и з а в е т а

Қариндошларингиз, Стюарт хоним,
Бегона юртларда хонадонингиз —
Папа муҳитида, ҳомийларингиз —
Роҳиблар. Ё тавба, қандай айёрлик,
Меросхўрлик эмиш. Бутун халқимни
Васвасага солиб кўзим олдида,
Йўлдан оздирсангиз ҳамда ёшларнинг
Хаёлини бузиб, кўзини очиб
Йўллаб юборсангиз бошқа дунёга.

М а р и я

Худо хайрингизни берсин, воз кечдим
Бутун тожи тахтдан. Энди менга, леги,
Керакмас ҳашамлар.
Мақсадингизга —
Етдингиз. Энди мен Мариямасмац,
Соясиман фақат. Опа, бас энди,
Айтинг нима учун келганингизни.
Ишонмайман, сизнинг оёқ остида
Етган қурбонингиз устидан атай —
Депсиниб, кулгани келганингизга.
Айтинг, айта қолинг, ҳамма эшитсин:
«Мария, озодсиз. Татиб кўрдингиз
Ҳукмимни етарли. Мана кўринг энди
Мурувватимни ҳам, ҳимматимни ҳам!»
Айтинг, озодлигим, бу қолган умрим

Сизнинг менга эзгу, тухфангиз бўлсин.
Битта сўз. Салавот ўтган гапларга!
Орзиқиб кутаман. Қулогим сизда.
Пушаймон бўласиз, учрашувимиз
Агар шу сўз билан тугалланмаса!
Келишда — фаришта бўлиб мабода,
Кетишда — асроил бўлиб кетсангиз,
Бу жаннат еримиз, шу жаннат макон —
Оролингиз ҳаққи, сизнинг мана шу
Меъни енгиб турган голиб ўрнингизда
Бўлишни ҳам ҳатто истамас эрдим!

Е л и з а в е т а

Мағлуб деб биласиз, демак, ўзингизни?
Фитналарингиз ҳам тугади, демак?
Бахтини синовчи битта ҳам рицарь
Энди топилмайди сизни деб бўлак!
Албатта. Вақт ўтди энди, Стюарт.
Ҳа-ҳа, бошқа ғамда энди одамлар.
Уч эрин ўлдирган хотинга зотан,
Энди тўртинчи эр топилармикан?

М а р и я

Опа! Опа! Худо, тўзим бер менга!

Е л и з а в е т а

(Марияга кибр билан нафратли тикилади.)

Мана, Лестер, ўша жоду, латофат,
Ақлдан оздириб эркак кишини,
Асти кун бермаган хотин зотига!
Ҳаммага чиройли бўлгандан кейин,
Ҳамманинг баҳраманд бўлиши керак!

М а р и я

Энди бу ортиқча!

Е л и з а в е т а

Мана энди сиз
Аниқ юзингизни очдингиз. Ҳали
Шу вақтгача у ниқобда эди.

Мария

(Ғазабдан ловуллаб, аммо олижаноблик билан.)

Тўғри, ёшлик экан, гуноҳ қилганман,
Яширмаганман ҳам уни ҳеч қачон.
Нимаики айбим бор, ҳамма билади.
Шуни айтиб қўяй, бу гаплар, ҳеч вақт
Еполмайди инсон ғазилатини
Лекин бу мишмиш гап сизнинг юзингиздан
Сидириб ташласа ниқобингизни,
Ва ифлос, бузуқлик ишларингизни —
Олиб чиқиб кетса, ҳолларига вой!
Бу ахир мерос-ку насларидан!
Ахир, онангизни — Анна Боленнинг
Жаллод кундасига бошин қўйдирган
Шу ифлос, ярамас бузуқликмасми?!

Тальбот

(Иккала қиролича ўргасига тушади)

Е тангри, бу нима, бу қанақа гап?!
Қани у вазминлик, итоат, леди?

Мария

Итоат? О, граф, одамнинг кучи
Нага қодир бўлса, шунга чидадим.
Бас энди! Англия тахти ҳийлагар,
Беникоҳ туғилган қаллоб қўлида.
Халқни аҳмоқ қилиб сўрмоқда иблис.
Ҳукм сурганида ҳақиқий қонун,
Оёғим остида ётар эдингиз
Маликангиз билан манави чангда!

Тальбот

Кечир, қиролича, ақлдан озди.

Ғазабдан тили калмага келмай қолган Елизавета Марияга ўқ-
раяди.

Лестер

Қаттиқ изгиробда Елизаветани олиб кетишга ҳаракат қилади.

Қулоқ солма унга, юр энди, бўлди,
Кетайлик, кетайлик бу бадбахт жойдан.

Елизавета шошилиб чиқиб кетади. Орқасидан лордлар
ҳам қаттиқ ҳаяжонда чиқишади.

БЕШИНЧИ МАНЗАРА

Мария, Кеннеди

Кеннеди

Не қилиб қўйдингиз! У кетиб қолди
Ғазабдан қутуриб. Тугади умид.

Мария

(Кеннедининг бўйинига ўзини ташлаб.)

Қандай енгил тортдим, Анна, ниҳоят,
Шунча йиллик азоб, уқубатимга
Бир оний тантана, қасос, голиблик!

Кеннеди

Шўрлик! Телбаларча, ўзингизда йўқ.
Евингизни қаттиқ яраладингиз.
Энди мурасага келмайди асти.
Уйнаши олдида кулдингиз ундан.

Мария

Ҳа, Лестер олдида. Кўрди барини.
Менинг ғалабамга шоҳид бўлди у!
Қувват бағишлади қаршимда туриб.
Қандайин шахтидан туширдим уни!

ОЛТИНЧИ МАНЗАРА

Уша ер. Мортимер.

Кеннеди

О, сэр, қандай зарба!

Мортимер

Эшитдим барин.

*(Кеннедига нарироқ бориб кўз-қулоқ бўлиб туришга
ишора қилади, ўзи Марияга яқинроқ боради. У қаттиқ
ҳис-ҳаяжонда.)*

Қўлинг баланд келди, янчиб ташладинг!
У — қабиҳ, хоиндир, сен — қиролича!

М а р и я

Айтинг, Лестер билан учрашдингизми,
Бердингизми унга менинг хатимни?

М о р т и м е р

Ким? Лестер? У қўрқоқ, бўлмағур одам.
Яхшиси, унутинг, умид боғламанг.

М а р и я

Демак, мактубимни бермадингизми?
Ҳамма нарса тамом!

М о р т и м е р

У қўрқоқ, номард,
Ўзини ўйлайди. Сизни деганда,
Қилча ўйлаганда, қутқариш учун
Ўлим ҳам кўзига кўринмас эди.

М а р и я

Ердам бермайдими?

М о р т и м е р

Арзимади у.
Нима қилолади? Нега керак у?
Ўзим қутқараман, овоз қиламан.

М а р и я

Қурбингиз етмайди.

М о р т и м е р

Шуни билингки,
Бугун аҳволингиз кечаги эмас.
Афву тамом эди. Бугунги гапга
Сизни кечирмайди Елизавета.
Жасорат ва зудлик керак,

Вақт етди!
Ўтмоқ керак энди амалий ишга,
Шу бугун тонггача озод бўласиз!

М а р и я

Шу бугун тонггача? Бу мумкин эмас.

М о р т и м е р

Қалъани оламиз шу кечасиёқ.
Қалиди қўлимда. Қоровулларни —
Ўлдириб, сўнг сизни олиб қочамиз.
Йўлимизда агар ким кўринса ҳам
Ўлдириб ўтамиз, токи ҳеч бир жон
Тоғиб беролмагай душманга бизни.
Жиноятимизни черков афву этган,
Нима керак бўлса қила оламан.

М а р и я

О, мудҳиш жиноят!

М о р т и м е р

Агар дуч келса,
Қироличага ҳам, ўйлаб ўтирмай,
Қилич солишгача қасамёд қилдим.

М а р и я

Йўқ-йўқ, бир мен учун шунча қон нечун!

М о р т и м е р

Нима бўпти булар сенинг олдингда,
Севгилим, сув боссин, майли, дунёни,
Майли, қайталасин қиёмат қойим,
Дунё қолиб кетсин тўфон остида,
Қолдиргандан кўра сени бу ерда!

М а р и я

(Ортга чекиниб.)

Бу қанақа фикр, бу қанақа тил?
Йўқ, сэр, мен қўрқаман, эй худовандо!

Кеннеди

(Югуриб киради.)

Қуроллилар билан тўлиб кетди парк,
Келяпти улар.

Мортимер

(Хушини йиғади ва қиличига қўл чўзади.)

Химоянгдаман!

Мария

Анна, узоқлашма! Ундан қўрқаман!
Бу олам кўзимга тор бўлиб қолди.
Эркинликда зўрлик таҳдиди, уйда —
Елланган қотилнинг қўлидан ўлим.

(Қалъага кириб йўқолади. Орқасидан Кеннеди.)

ЕТТИНЧИ МАНЗАРА

Мортимер, Паулет ва Друри ҳовлиқиб киришади. Саҳна
бўйлаб гвардиячилар чошиб ўтишади.

Паулет

Кўприк кўтарилсин, қопқа беркитилсин.

Мортимер

Бу ғалва не учун?

Паулет

Қани ялмоғиз?

Мортимер

Нима бўлди ўзи, тоға?

Паулет

Қиролича!
Даҳшатли суиқасд. Бу душман қўли.

Мортимер

Қандай қиролича?

Паулет

Ўзимизники.
Ўлди шундай катта гавжум кўчада.

(Тезда ичкари кириб кетади.)

САККИЗИНЧИ МАНЗАРА

Мортимер. Бир оздан кейин Окелли.

Мортимер

Алаҳлаш! Наздимда кимдир югуриб
Кирдию қичқирди: Малика ўлди!..
Йўқ, бу туш. О, менинг ҳамма хаёлим
Гўёки тушимда қарор топмоқда.
Манави Окелли наздимда. Ҳа, у.
Нега ваҳм босди бунча?

Окелли югуриб киради.

Окелли

Тез қочинг.
Ҳамма иш соб бўлди, қочинг, Мортимер.

Мортимер

Нима тамом бўлди?

Окелли

Савол вақтимас.
Тезроқ қочиб қолинг.

Мортимер

Нима гап бўлди?

Окелли

Соваж пичоқлади уни.

Мортимер

Наҳотки!

Окелли

Ҳа, тўғри, ҳа, нега қараб турибсиз!

Мортимер

У ўлди! Мария чиқади тахтга.

Окелли

У ўлди? Ким айтди ўлди деб сизга?

Мортимер

Сиз!

Окелли

Тирик. Биз энди қурбонлармиз.

Мортимер

У тирик?

Окелли

У тирик. Биз ўлдик энди батамом
Тез юринг. Паркни ўраб олишяпти.

Мортимер

Ким экан ўзи у, сунқасд қилган?

О к е л л и

Эсингизда борми, кичик бутхонада
Ҳадеб дуч келардик бир йигитчага,
Индамас католик монах. Француз.

М о р т и м е р

(Узоқ жимликдан сўнг.)

Бечора! Даҳшатли тақдиринг энди.
Ўлиминг муқаррар. Сенинг фариштанг
Ўзи ўлимингни тайёрламоқда.

О к е л л и

Сиз қайга қочасиз? Мен шимол томон —
Ўрмонга қочаман.

М о р т и м е р

Мен бўлсам, дўстим,
Уни қутқараман, қутқара олмасам,
Унинг билан бирга ҳалок бўламан.

(Бошқа-бошқа томонга чиқишади.)

УЧИНЧИ ПАРДА

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

«Қабулхона»

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Берли Девисон билан банд.

Б е р л и

Қатл ҳақидаги фармони олий
Кечикмаси керак, тезда муҳрлаб,
Тасдиқлатиш лозим қироличага,
Боринг, зудлик билан, фурсат ғанимат!

Д е в и с о н

Хўп бўлади, ҳозир!

(кетди)

Обе п и н

(Берлига дуч келиб)

Муҳтарам милорд,
Ғоят бахтли экан инглиз халқи.
Тоғга ҳамла қилган шаккок қўлларни
Даф қилган тангрига шарафлар!

Б е р л и

Балли!

Душман режасини бузиб юборган
Тангрига шарафлар!

Обе п и н

Жиноятчиларнинг
Тангри жазосини беради шаксиз.

Б е р л и

Шубҳасиз, қотилнинг ҳомийсини ҳам!

Обе п и н

(Кенга)

Лорд маршал, у зоти олияларига
Менинг келганимни хабар қилсангиз.
Этиборларига буюк қиролимнинг
Таъзим-тилақларин билдирмоқчиман.

Б е р л и

Уринманг.

Обе п и н

(совуқ мулойимлик билан)

Лорд Берли, мен ўз бурчимни
Сизсиз ҳам биламан!

Б е р л и

Сизнинг бурчингиз
Ташлаб чиқиб кетиш дарҳол оролни.

Обе п и н

(*Ҳайратда тинглайди.*)

Бу қандай гап бўлди?

Б е р л и

Вакил унвони
Бугунча ихота, эртага эмас.

Обе п и н

Менинг айбим нима?

Б е р л и

Оғзимни очманг.
Қилган айбингизга важ тополмайсиз.

Обе п и н

Ўйлайманки, милорд, вакил ҳуқуқи...

Б е р л и

Давлат душманига раият эмас!

К е н т

Ё, тавба!

Ё, тавба!

Обе п и н

Лорд, ахир, ўйлаб гапиринг!

Б е р л и

Қотилнинг паспортида, вакил жаноблари,
Сизнинг имзойингиз.

Обе п и н

Паспорт берганда
Одамлар қалбига кира олмайман.
Эшигимиз, милорд, ҳаммага очиқ.

Берли

Ҳамма Англия душманларига.

Обенин

Тафтиш қилишларини сўрайман.

Берли

Бу иш —

Сизга хавфли, граф!

Обенин

Бу энди, милорд,

Тухмат — Франция салтанатига.

Бузилди тузилган шартномамиз ҳам.

Берли

Узди аллақачон уни қиролича,

Сизга ваъда қилган никоҳини ҳам.

Кент, боринг, графни кузатиб қўйинг —

Денгизга, бехатар, эҳтиёт қилиб.

Оломон оёғи остида ҳозир —

Элчихоналари. Саройингиздан

Қурол-аслаҳалар топилди ҳадсиз.

Графни бир ёққа яшириб туринг.

Оломон тингунча, граф Кент, сизнинг

Бўйинингизда унинг ҳаёт-мамоти.

Обенин

Мен ҳам қололмайман, битим — беҳурмат,

Ҳуқуқ оёқости бўлган тупроқда!

Ва лекин қиролга жавоб берасиз!

Берли

Олади, албатта!

(Кент ва Обенин кетадилар.)

УЧИНЧИ МАНЗАРА

Лестер ва Берли.

Лестер

Битим, шундай қилиб, бузилади денг,
Эришган эдингиз қанча уриниб,
Ҳеч ким сиздан гарчи сўрамаса ҳам.

Берли

Уйдаги кўчага тўғри келмади.
Гуноҳи енгиллар ҳузур қилмоқда.

Лестер

Нима демоқчилар бу билан, милорд?

Берли

Сизмасми, орқамдан қироличани
Алдаб олиб борган Фотерингейга?

Лестер

Сизнинг орқангиздан? Қачон қўрқибман
Бирор иш қилишда олдиларида?

Берли

Демак, уни йўлдан оздирган сизмас,
У, сизни оздирган, қалъага бошлаб?

Лестер

Бу гапнинг тагида не гап бор, милорд?

Берли

Ажойиб аҳволга тушипти шўрлик.
Ишончли шу қадар масхара қилиш,
Маликани қўйиш шундай кулгига!
Давлат кенгашида топилган шунча —
Меҳрибонлик бежиз эмас экан-да.
Стюарт кучсиз ёв, арзимаёди эмиш
Унинг қони билан қўлни булғамоқ.

Лестер

Йўқолинг!

Мортимер

Уларга маълум, Обепин —
Уйдаги махфий йиғинимиз, милорд.

Лестер

Менга нима агар билишган бўлса?

Мортимер

Қотил ҳам бор эди ўша йиғинда.

Лестер

Бир камим шу эди!

Хўш, қани айтинг,
Нима ҳақингиз бор, бу ифлос, разил —
Қилмишларингизга тортишга мени?
Пиширган ошингиз ўзингизга тан!

Мортимер

Шошманг.

Лестер

(қаттиқ ғазабда)

Жўнанг энди, йўқолинг бундан!

Мортимер

Ахир, қулоқ солинг. Сиз ҳам фом бўлдингиз
Огоҳ этай, дедим, таваккал қилиб.

Лестер

О, малъун!

Мортимер

Фотерингейга югурган Берли.
Бориб тинтув қилган қироличани,
Тинтувда топилган...

Лестер
Топилган?..

Мортимер

Унинг
Сизга ёзаман деб бошлаган хати.

Лестер

Бекор гап!

Мортимер

Хатида эслатади у
Берган ваъдангизни, ўз ваъдасини.
Эслатади ҳатто суратини ҳам!

Лестер

О, малъун, жаҳаннам!

Мортимер

У мактуб ҳозир
Берлида.

Лестер

Мен ўлдим!

*(Мортимер сўзлар экан, энди у дадиллик билан у
ёқдан-бу ёққа юра бошлайди).*

Мортимер

Вақт ғанимат!
Ҳар лаҳза ғанимат, ҳаракат қилинг.
Уни, ўзингизни қутқаринг, милорд.
Ёрдам беролмайман энди мен сизга.
-Ташкилот тугади, дўстлар тўзиб кетди.
Мен ҳозир жўнайман Шотландияга,

Шериклар йиғаман. Иш сизга қолди,
Сизнинг қўлингизда унинг тақдири.

Лестер

(Бирдан миясига бир фикр келиб, тўхтади.)

Яхши!

(Эшикка бориб очади ва қичқиради.)

Ким бор бунда, соқчи!

Соқчи билан кирган офицерга.

Қаманг буни!

Уни хоинликда тутдим мен ҳозир.

Қабиҳ бир фитнани фош этдим, тезда

Етказишим керак қироличага.

(Кетади)

Мортимер

*(Аввал ҳайрон бўлиб қотиб қолади, сўнг ўзига келиб,
Лестернинг орқасидан ғазаб ва нафрат билан қараб
қолади.)*

Аблаҳ!

(Уни қамоққа олиб кетиш учун яқинлашган офицерга.)

Яқинлашманг, эй, қул, мен ўз эркимни
Топшириб қўймайман зўравонларга!

(Ханжарини яланғочлайди.)

Офицер

Ушланг уни!

(Солдатлар унга ташланишади, у ҳимояга ўтади.)

Мортимер

О, эркин юрагим, қаҳрингни кўрсат!
Ўлим ва лаънатлар бўлсин, ўзининг
Тангрисидан кечиб, еру кўкка ҳам
Қонуний, ҳақиқий, асл қиролича —
Марияни, ҳамда бутун салтанатни
Битта босқинчига алишганларга!

О ф и ц е р

Қуролсизлантинг! Ханжарини олинг!

М о р т и м е р

Мария, мен сени қутқаролмадим,
Лоақал шу зайл оғир йўлингни
Енгиллатиш учун бўлайин ибрат.

(Узига ханжар уради.)

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

«Елизавета оромгоҳи»

БИРИНЧИ МАНЗАРА

Елизавета қўлида хат, Берли.

Е л и з а в е т а

Ўйнаши олдида мени шу қадар
Қулгига қолдириб, ҳақорат қилиш!
Қандай шармандалик. Берли, ҳеч қачон
Бунақа шарманда бўлмаган аёл.

Б е р л и

Тушуна олмайман, қандай йўл билан,
Қандай сеҳр билан баттол шу қадар —
Қабиҳона олди экан ақлингни.

Е л и з а в е т а

Шарманда бўлдим, лорд, у эса, хурсанд.
Оёғим остида кўрай деб уни,
Ўзим оёқости бўлдим олдида.

Б е р л и

Ўшанда кўнмадинг маслаҳатимга.

Е л и з а в е т а

Жазосини тортдим, барон. Хўш, айтинг,
Кимга ишонайин, унга ишонмай?

Саройда ҳаммадан аълороқ билсам,
Ҳаммадан ҳам яқин тутсам кўнглимга,
Ҳамма қабулларда очиқдан-очиқ —
Қирол қабилида турса ёнимда!

Б е р л и

Сени сотган эди аллақачон
Сохта Шотландия маликасига.

Е л и з а в е т а

Ҳали боши билан жавоб беради!
Тайёрни ҳукми олий?

Б е р л и

Буюрганингдай
Тайёр ҳукми олий!

Е л и з а в е т а

Улимга маҳкум!

Унинг орқасидан у ҳам кетади.

Б е р л и

Узини ташлайди ҳали пойингга,
Узини оқлашга важ ҳам топади.

Е л и з а в е т а

Қаёқдан топади?
Мактуб-чи, мактуб?!
Ахир, бу нимади гувоҳ бўлмасдан?

Б е р л и

Иўқ, сенинг кўнглинг бўш,
Туриш беролмайсан
Унинг кўзи билан салобатига.

Елизавета

Ортиқ киритмайман уни ёнимга.
Унга салтанатнинг эшиклари берк.
Айтдингизми, ахир!

Берли

Айтдим, буюрдим.

Маҳрам

(киради)

Граф Лестер!

Елизавета

Иблис! У ярамасни
Кўришга тобим йўқ, қабул қилмайман!

Маҳрам

Графга бундай деб айта олмайман,
Ва унинг устига ишонмас менга.

Елизавета

Уни шундай бошга кўтарибманки,
Мендан эмас, ундан ҳайиқишади.

Берли

(маҳрамга)

Йўқ, деяпти зоти олиялари,
Бориб айт!

(маҳрам ноиллож кетади)

Елизавета

(Бир оз жимликдан сўнг.)

Қанийди топилса энди
Ўзини оқлашга имконияти...

Бу хат орамизни бузиншлик учун
Мария томонидан ўйлаб топилган
Ҳийла эмасмикин...

Б е р л и

Ахир, қиролича...

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Уша жойнинг ўзи. Лестер.

Л е с т е р

(Эшикни тарақлатиб очиб, салобат билан киради.)

Мен кўрмоқ истардим ким экан турган
Қироличам билан менинг ўртамда?

Е л и з а в е т а

Бу қандай дағаллик?

Л е с т е р

Мени рад этмоқ!
Аллақандай Берли бунда-ю, аммо
Лестерга рухсат йўқ!

Б е р л и

Ортиқча зўрлик,
Берухсат хонага бостириб кириш!

Л е с т е р

Ортиқча сурбетлик, бурнини суқмоқ
Асли ўзиники бўлмаган ишга.
Берухсат... Лестернинг хўжайини йўқ
Маликадан бўлаж бу ерда, милорд.

(Елизаветага келиб бош эгади.)

Ўзингдан эшитай...

Елизавета

Йўқол кўзимдан!

Лестер

Елизаветамнинг овозимас бу,
Берлининг овози — адоват тўла.
Малика қалбига мурожаатим:
Берлини тинглаган қиролича энди
Мени ҳам тингласин.

Елизавета

Аблаҳ! Гапиринг.
Тониб, мушкуллатинг тагин айбингизни.

Лестер

Йўқолсин бу ердан аввал мана бу —
Чет одам. Қани сиз чиқиб туринг, лорд.
Менинг қиролича билан гапимга
Гувоҳ керак эмас.

Елизавета

(Берлига)

Буюраман, лорд.
Кетмангиз.

Лестер

Халақит беради менга.
Ҳисоб бермоқчиман хатар ва виждон —
Ёқасида туриб қилган ишимдан.
Тан оламан фақат сенинг ҳукмингни,
Яқинлик ҳукмингни, Елизавета.

Елизавета

Сизни ҳукм этди худди шу ҳукм.
Лорд Берли, мактубни кўрсатинг унга.

Берли

Мана у.

Лестер

(Хатга дадил кўз югуртади.)

Стюарт қўли-ку бу қўл.

Елизавета

Мағзини чақиб, тошга айланинг.

Лестер

(Хатни ўқиётиб, хотиржам.)

Мактуб маъносидан менга ўхшайди,
Аммо бунданмасдир аталган жазо!

Елизавета

Демак, бўйнингизга олмоқчимассиз
У билан ёзишиб турганингизни,
Суратини олиб, озод этишга
Қасам ичиб, берган ваъдангизни ҳам?

Лестер

Ўзимни айбдор санаганимда,
Душман чиқимини жуда ҳам осон
Фош этган бўлардим. Лекин шайним ҳақи.
Виждонан айтишим керак: Мария
Тўғри ёзпти.

Елизавета

Етар энди, бас!

Берли

У иқрор айбига.

Елизавета

Йўқол кўзимдан!
Хоин! Тауэрга!

Лестер

Йўқ, хоинмасман.
Гарчанд айтолмадим сенга режамни,
Лекин тузилганди яхши ниятда,
Ўлдирмоқчи эди ўз қўли билан.

Елизавета

Келишмаган найранг!

Берли

Наҳотки бизни
Аҳмоқ қилмоқчисиз шундай гап билан?

Лестер

Биламан, ниҳоят қалтис ўйин қилдим,
Бу фақат Лестерга муносиб ўйин.
Ҳамма биладики, Стюартни мен
Жинимдан ҳам ортиқ ёмон кўраман.
Унвоним, мартабам, унинг устига
Малика ишончи, бунинг ҳаммаси
Бурчимни бемалол адо этишни,
Масалани эркин ечишни ҳатто
Тақоза қилар деб ўйлаган эдим.

Берли

Ниятингиз мақтовга лойиқ бўлса гар
Нега яширдингиз уни?

Лестер

Мен, милорд,
Сиз каби оғзида битириб ишни,
Шовқин-сурон қилиб жом чалолмасман.
Йўригим бошқача. Аввал иш. Сўнгра
Ўша сиз айтган сўз.

Берли

Тилингизга, милорд,
Ортиқ эрк бердингиз.

Лестер

(Уни мағрурона ва истеғзо билан кузатиб.)

Қаранг-а, қандай
Билимдон бу одам!
Биласизми, кимсиз, жирканч мақтанчоқ.
Стюарт бугуноқ озод бўлар эди,
Агар мен халақит бермаганимда!

Берли

Сиз, сиз-а?

Лестер

Ҳа-ҳа, мен халақит бердим.
Мортимер деганга буюк қиролича
Ваколат бердилар. Унга ишониб
Стюарт ҳақида ўйлаганларин
Ҳамма-ҳаммасини тўкиб-солдилар
Ва қонли топшириқ бердилар махфий.
Шундайми?

*(Қиролича ва Берли ҳайратда бир-бирларига
қараб оладилар.)*

Берли

Қаердан билдингиз буни?

Лестер

Хўш, милорд, гапиринг, ҳамми ёки йўқ?
Қани у сермақтов, зийраклигингиз?
Ҳали кирмагандир тушингизга ҳам,
Мортимернинг сизни алдаб кетгани,
Папа ва Гизларнинг ўқи экани,
Елизаветани отиб, Мариани —
Қутқаришга юборилгани...

Елизавета

(Даҳшатли ҳайратда.)

Мортимер?

Лестер

Мария ўша орқали

Мен билан алоқа боғлади.

Шундан

Билиб қолдим уни мана шу тахлит.

Уни олиб қочиш мўлжали бугун.

Кечасига эди. Ўзи айтди менга.

Мен уни ушлашга буюрган эдим,

Қўлга тушганидан очиқдан-очиқ,

Барбод бўлганидан бугун нияти,

Пичоқлаб ташлади ўзини-ўзи.

Кетишингиз мумкин, етади, жаноб.

(Офицер кетади.)

Елизавета

Нақадар ёвузлик!

Лестер

Қани, хўш, айт-чи,

Ким сени қутқарди? Сенинг Берлингми?

Қани, даф қилдими бошингга келган —

Балони? Йўқ, асло. Уни даф қилган —

Сенинг садоқатли фариштанг — Лестер.

Берли

Ўлиб кетди бироқ Мортимер, граф!

Елизавета

Нима дейман энди? Ишонаман ҳам,

Ишонмайман ҳам, айблайман ҳам,

Айблай олмайман. Аёл сифатида

Ўшани ўлгудай ёмон кўраман.

Ҳаммасига сабаб ўша!

Лестер

У энди

Ўлади. Розиман бу сафар мен ҳам.

Ҳукм ижро этилсин кечиктирилмай!

Берли

(Қиролычага.)

Модомики, граф киришган экан,
Хукм ижросини тезлаштирамоқни
Унга топширардим.

Лестер

Менга?

Берли

Албатта.
Ўзни оқлаш учун яхши баҳона
Ҳали ҳам гумонда, ахир, салтанат.
Ўзингизни оқланг уни ўлдириб.

Елизавета

(Лестерга диққат билан тикилар экан.)

Тўғри, шундай бўлсин, яхши маслаҳат.

Лестер

Мени, нафсламбирга, бу гурбат ишдан —
Қутқарса бўларди олий мартабам.
Ҳаммадан Берлига тўғри келарди.
Бироқ, ҳақлигимни исботлаш учун
Мажбурман бу бурчни адо этмакка.

Елизавета

Лорд Берли бўлади сиз билан бирга.
Фармони олийни тезроқ тайёрланг.

(Саҳна орқасида шовқин-сурон эшитилади.
Берли, Лестер кетишади.)

УЧИНЧИ МАНЗАРА

Елизавета, граф Кент.

Елизавета

Нима бўляпти унда, Кент?

К е н т

Халқинг

Ўраб олди бутун саройни, улар
Талаб қияпти чиқишингни тез.

Е л и з а в е т а

Нима керак экан?

К е н т

Бутун Лондон халқи
Ваҳимада эмиш хавф остида деб
Сенинг ҳаётингни. Теварагингни
Папа жаллодлари ўраб олганмиш.
Католиклар гўё Мариясини
Қалъадан қутқариб, сенинг ўрнингга
Қиролича қилиб кўтарар эмиш.
Фақат Мариянинг кесилган боши
Босади, маликам, бу ваҳимани.

Е л и з а в е т а

Нима, мени мажбур қилмоқчилар?

К е н т

Улар кетмайдилар токи Стюарт —
Ҳукмига қўлинггни қўймагунингча.

ТҮРТИНЧИ МАНЗАРА

Уша жой. Берли ва Девисон қўлларида қоғоз.

Е л и з а в е т а

Нима у, Девисон?

Д е в и с о н

(Яқин келиб, жиддий.)

Сен айтганмидинг.

Елизавета

Нима бу?

(Қоғозни олмоқчи бўладию мазмунига кўзи тушиб,
даҳшатда чекинади.)

Ё тангрим!

Берли

Халқингнинг амри!
Халқингнинг талаби — худо талаби.

Елизавета

(Қатъиятсиз, ўзи билан ўзи олишиб.)

Бордию бу талаб, жаноблар, агар,
Бутун дунёники, халқники бўлса,
Бордию сўзига кирсам халқимнинг
Хукмда бўлмасми адолатсизлик?

Тальбот киради.

БЕШИНЧИ МАНЗАРА

Уша саҳна. Тальбот.

Тальбот

(ҳаяжонда)

Сени ўз ҳолингга қўймаптиларми?
Қаттиқ тур, бўш келма, қиролича, ҳеч!

Қўлда қоғоз ушлаб турган Девисонга кўзи тушади.

Ҳамма гап битдими, ёки? Наҳотки?
Даҳшатли қоғозни кўрмоқда кўзим.

Елизавета

Мажбур қилмоқдалар, Тальбот!

Тальбот

Ким сени

Мажбур этаётган? Учир овозин.
Сен бизнинг севимли маликамизсан.
Овозини учир, ҳадеб ишларингга
Аралашаверган валломатларнинг.

Б е р л и

Суд бўлган. Гап энди ҳукмда эмас,
Гап энди ҳукми ижро этишда.

Т а л ь б о т

Сабр қил, сўрайман. Бу имзо
Азобга қўймасин истиқболингни.
Ўзингга келмасдан тасдиқ этма уни,
Орқароққа қолдир, муддатини чўз.

Б е р л и

(қизиққон)

Сабр қил, ўйлаб кўр, кутавер, майли,
Ўт олиб кетгунча бутун ўлкани.
Уч марта ўлимдан асради худо,
Кутишимиз керак тагин нимани?

Т а л ь б о т

Ишонса бўлади худога, тўғри.
Менинг бу ногирон кекса қўлимда
Тагин асраб қолди сени ўлимдан.
Тирик Мариядан қўрқасан, аммо
Даҳшатлироқ бўлур ўлиги, лекин.

Е л и з а в е т а

Бугун, Тальбот, мени асраб қолдингиз,
Нечун ўлдиришга бермадингиз йўл?
Жон деб ер қаърига кирган бўлардим.
Маликанинг бири кетиши керак.
Майли, мен кетаман, розиман шунга.
Қандай қиролича бўлдим? Қатъият
Ва сабот лозимдир ҳокимиятга
Мен бўлсам қўнгли бўш бир ожизаман.

Б е р л и

Ўзингга ахтариб ҳузур-ҳаловат,
Давлатни тўфонга отмоқчимисан?
Истайсанки, анов Стюарт билан
Қайтсинми хурофот, ҳукм сурсинми —
Роҳиблар, қироллар Римдан келсинми?
Бугун Тальбот сени қутқарган бўлса,
Англияни мен, ишимиз шуми?

Е л и з а в е т а

Мени холи қўйинг. Бу масалада
Бандасидан мадад йўқ кўринади.
Ўзига илтижо қиламан ёлғиз.
Тангри нима деса шуни қиламан.
Сиз бўшсиз, милордлар.

(Девисонга)

Сиз, муҳтарам сэр,

Узоқлашиб кетманг.

ОЛТИНЧИ МАНЗАРА

Е л и з а в е т а

(ёлғиз)

О, жонга тегди,
Халққа турли жафо ўйлаб чиқармоқ.
О, қандай разолат, таҳқирлаганинг
Худога сиғиниб ўтмоқ бир умр!
Ҳамманинг оғзида менинг ҳуқуқим,
Бу дудмал, беқарор ҳуқуқни тагин
Олий ҳиммат билан тутмоғим лозим.
Ҳаммаси бефойда. Рақибларимнинг
Ҳамиятлари бор. Даҳшатли шарпа...
Йўқ, барҳам топмоғи керак бу даҳшат.
Барҳам топсагина тинчий оламан,
Маҳрум қилди мени севгилигимдан.
Йўлдан уриб олиш унинг иллати.
Мария Стюарт номи билан боғлиқ
Ҳамма бахтсизлигим менинг мутлақо.
Қандай тикилди у менга заҳарли,

Худди еб қўйгудай!.. Сенинг наздингда
Қонунсиз туғилган қизман. Майлэга,
Жонинг халқумингга келгунга қадар.
Супуриб ташлайман ер юзидан сени,
Қонуний бўламан ўша кунийёқ.

(Хужмага қўл қўяди, перосини тушириб юборади ва даҳшатда чекинади. Бир оздан сўнг қўнғироқ чалади.)

ЕТТИНЧИ МАНЗАРА

Елизавета, Девисон.

Елизавета

Ҳани бошқа лордлар?

Девисон

Улар ҳаммаси

Халқни тинчитгани кетишди. Қаранг.
Бирдан тинди Тальбот чиқиши билан.

Елизавета

Ишониб бўлмайди бу халққа асти,
Озгина елга ҳам гандираклайди.
Сенга суянганнинг аҳволига вой.
Борингиз, Девисон,

(Эшикка юзланар экан.)

Мана буни олинг.

Шахсан ўзингизга қайтараман, сэр.

Девисон

Уни тасдиқлашга қарор қилдингми?
Имзо ҳам чекибсан! Бу — сенинг қўлинг!

Елизавета

Мендан сўрадилар тасдиқлашимни,
Мен кўндим. Ва лекин бу қоғоз ҳали —
Бош олиш, деган сўз эмас. Имзо ҳам
Улимга ваколат бермайди.

Девисон

Аммо,

Бу қоғоз остига қўйилган имзо
Яшиндай уради ҳаммани ҳозир.
Нега бердинг буни, ахир ҳукми —
Тўхтовсиз ижро эт, демоқчимисан?

Елизавета

Униси ҳавола ўз ақлингизга.

Девисон

(Шошиб, даҳшатда унинг сўзими бўлади.)

Худо хайр берсин. Мана менинг ақлим.
Бундай нарсаларни ечиш хокисоринг —
Қўлидан келмайди. Озгина янглиш —
Подшонинг ўлими деган сўз, тамом.
Яхниси бу улуғ ишда, маликам
Битта кўр қуролинг бўла қолайин.
Аниқ истагингни айтсанг бас, менга.

Елизавета

(бесабр)

Аниғи, бас қилинг машмашаларни.
Бас энди тинч, холи қўйинглар мени.

Девисон

Бир оғиз, аниқроқ қилиб айт менга,
Не қилишим керак бу қоғоз билан?

Елизавета

Ҳаммаси айтилган, мени қийнаманг.

Девисон

Ҳаммаси айтилган? Ҳеч қандай гап йўқ?
Мени афву этинг.

Елизавета

(Ер депсиниб.)

Қандай нодонлик!

Девисон

Мен, жаҳлинг чиқмасин, бу вазифада —
Янгиман. Ўсганман саройдан четда.
Сарой тили балки менга узоқроқ.
Ўтиниб сўрайман, кечир бу телбангни.
Бурчимни аниқроқ тушунтириб бер.

(Елвориб унга яқинлашади. Елизавета орқасини ўгириб олади. У бўлса нима қиларини билмайди, сўнг қатъият билан дейди.)

Қўлимни куйдирди, ол фармонингни,
Маликам, бу ишга бошқани ёлла!

Елизавета

Бурчингизни ўтанг, марҳамат қилиб!

(Кетади.)

САҚКИЗИНЧИ МАНЗАРА

Девисон, кейинроқ Берли киради.

Девисон

Энди нима қилсам? Бу қоғозни
Сақлашим керакми? Ёки топширишим?

(Кириб келаётган Берлига.)

Қандай яхши, милорд! Мени бу ишга
Сиз қўйган эдингиз. Менга бўлмади.
Билмаган эканман бу вазифанинг —
Нозик томонини. Қайта қолайин
Аввалги ишимга. Бўлмади бу иш.

Берли

Сизга нима бўлди? Бас! Хукм қани?
Қиролича нега чақирган экан?

Девисон

У кетди газабда. Нима қилсам энди?
Ердам беринг, милорд! Маслаҳат беринг!
Ақлим етмай қолди, жуда гангиб қолдим.
Мана ҳукм — фармон, мана имзоси...

Берли

(Сабрсизлик билан.)

У тасдиқ қилдими?
Бу ёққа беринг!

Девисон

Йўқ, бера олмайман, бера олмайман.

Берли

Нимага?

Девисон

Малика мақсадларини
Аниқ айтмадилар.

Берли

Қанақа тагин
Аниқлиги керак сенга? Менга бер!
Қўл борми? Мана шу аниқ бўлгани!

Девисон

Аниқмас фармони олий ижроси,
Қатл этиш керакми ва ёки йўқми.

Берли

(Уни қистаб.)

Бажаринг буйруқни кечиктирмасдан.
Балога қоласиз.

Девисон

Агар пошилсам,
Балога қоламан.

Берли

Тентак ва нодон!
Тез беринг!

(Қўлидан қоғозни юлиб олади ва тез чиқади.)

Девисон

(Етиб олишга шошиб.)

Тентаклик қилманг, қайтаринг.
О, мени сиз ҳалок қиласиз.

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Мария хонаси.

БИРИНЧИ МАНЗАРА

Кеннеди чуқур қайғуда, қўлидаги конвертни ёпиштирмоқда.
Паулет мотамсари, қимматбаҳо буюмлар солинган қутичани
беради. Мельвиль киради.

Кеннеди

(Уни кўрар экан, қичқириб юборади.)

Кимни кўряпман? Мельвилмисиз сиз?

Мельвиль

Ҳа, Анна,
Бор экан кўришар кун ҳам.

Кеннеди

Шунча айрилиқдан, аламдан кейин...

Мельвиль

Даҳшатли учрашув!

К е н н е д и

Видолашувга...

М е л ь в и л ь

Севимли маликам билан.

К е н н е д и

Оҳ, Мельвиль, оҳ, Мельвиль,
Қанақа кунлар
Бор экан бу шўрлик пешонамизда!

М е л ь в и л ь

Тўсатдаң келдими ўлим хабари?

К е н н е д и

Бошқа ташвишдайди, кутмаган эди.
Уни ўлим — қатл яқинлигимас,
Ваҳмага солганди янги халоскор.
Олиб қочмоқчийди бу кеча бизни,—
Мортимер деган зот. Мария шўрлик
Икки ўт ичида, умидвор аммо
У телба, қизиққон йигит қўлига
Ўзини ишониб-ишонмай маъюс
Тонгни кутар эди. Шунда тўсатдан
Оёқ товушлари, ола-ғовур гап,
Тақир-туқурларни эшитиб қолдик.
Келди, деб ўйладик озодлик пайти.
Бирдан эшик очиб Паулет кирди,
Кунда чопмоқдалар, деди эшикда.

(Алам билан ўгирилади.)

М е л ь в и л ь

Ё, танграм! У қандай чидай олдийкин
Ўқдай учиб келган бу ўзгаришга?

К е н н е д и

На ўкинч, на кўз ёш! Ҳеч қандай алам
Уни эголмади. Фақат Лестернинг
Хиёнати, ҳамда ҳалиги содиқ

Қизиққон йигитнинг ҳалокатидан.
Хабар келтирганда ғамгин Паулет.
Йиғлади, шунда ҳам ўзи-чун эмас,
Ўзга бир шўрликнинг бахтсизлиги-чун!

М е л ь в и л ь

Кўрсам бўладими? Ҳозир қайда у?

К е н н е д и

Тун бўйи тинмади, ибодат қилди,
Хатда видолашди дўстлари билан
Хотиржам ўтириб васият ёзди.
Умрининг охириги тунида бир оз
Мизғигани ётди бекам тонготар.

М е л ь в и л ь

Ҳозир ким олдида?

К е н н е д и

Бергойн. Унинг
Шахсий хизматкори, сарой табиби.

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Ўша жой. Маргарита Керл.

К е н н е д и

Хўш, нима, уйқудан турдимми хоним?

К е р л

(кўз ёшини артиб)

Ҳа, турди. Кийиниб сизни сўради.

К е н н е д и

Мен ҳозир.

(у билан бирга кирмоққа шошилган Мельвилга)

Сиз шошманг. Огоҳ қилайин.

К е р л

Сиз эшик ораси Мельвилсиз!

М е л ь в и л ь

Ҳа, мен.

К е р л

Ҳа, Мельвиль, Лондондан келдингиз ҳозир.
Хабарингиз борми менинг эримдан?

М е л ь в и л ь

Озод этишади, эшитишимча.
Фақат...

К е р л

Қиролича ўлганидан сўнг?
Виждонсиз фибгар, разил тухматчи!
Ҳалок этди буни унинг сўзлари.

М е л ь в и л ь

Шунақа дейдилар.

К е р л

Лаънатлар бўлсин
Леди қотилига! Ҳаммаси ёлғон!

М е л ь в и л ь

Ўйламай гапирманг, Керл!

К е р л

Йўқ, Мельвиль.
Қасамёд қиламан қайда десангиз,
Унинг ўзига ҳам айта оламан,
У ҳалок бўлмоқда ноҳақ, бегуноҳ!

М е л ь в и л ь

Е тавба!..

УЧИНЧИ МАНЗАРА

Уша жой Бергойн. Кейин Кеннеди киради.

Бергойн

(Мельвилни кўриб.)

О, Мельвиль!

Мельвиль

(Уни кучоқлаб.)

Бергойн!

Бергойн

(Маргарита Керга.)

Қироличага

Бир қадаҳ шароб бер! Тезроқ!

(Керг чиқади.)

Мельвиль

Аҳволи бадми?

Бергойн

Ҳаяжон шошириб қўймоқда уни.
Бўйин товлаяпти овқатдан. Ортиқ
Умид боғламоқда матонатига.
Ҳамма қийинчилик ҳали олдинда
Душманлар кўзига ўлим олдидан
Ожиз кўринишин истамас эдик.

Мельвиль

(Кириб келган Кеннедига.)

Кирсам бўладими?

Кеннеди

У ҳозир ўзи

Чиқмоқда бу ёққа.

ОЛТИНЧИ МАНЗАРА

Уша жой. Мария. У кўриниши билан ҳамма алам-ангизда чекинади. Мельвиль бейхтиёр тиз чўқади.

Мария

(Хотиржам салобат билан атрофга кўз югуртиради.)

Нега йиғлаяпсиз? Кувонмоқ керак,
Ахир, тугамоқда азоб-уқубат.
Бошимда яна тож ҳис этмоқдаман,
Яна эрк, ифтихор — табиатимда.

(Бир неча одим олдинга босиб.)

Мельвиль? Бу сизмисиз? Туринг ўрнингиздан!
Маликангиз билан айрилар они
Унга бахт, тантана олиб келдингиз.
Имоним комилки, рақиблар шаксиз
Ҳикоя тўқирлар менинг ҳақимда.
Ҳамдамим, ҳамдамим, менинг даҳшатли —
Ҳалокатим чоғи ёнимда бўлди.
Қандай қучоқлашиб видолашишни —
Истайман авлоди-аждодим билан!
Афсуски, буларни ато қилмади.
Охирги саломим уларга, Мельвиль,
Сизнинг қалбингизда борар албатта.

(Хизматкорларига ўгирилади.)

Сизни топшираман дўстларим, акам —
Фаранг қироллиги марҳаматига.
У сизга бошпана беради. Боринг,
Асти қола кўрманг Англияда.
Кўз ёшингиз билан қилманг уни шод.
Худо ҳаққи, ҳозир қасамёд қилинг,
Бу бадбахт ўлкадан бош олиб чиқиб —
Кетишга, оламдан ўтишим билан.

Мельвиль

(Бутга қўлини қўйиб.)

Қасамёд этаман, шу ерда бўлмиш
Ҳамманинг номидан!..

М а р и я

Азизлар, ҳозир

Нимаики бўлса ихтиёримда,
Ҳаммасини бўлиб чиқдим сизларга.
Алиса, Розамунда ва Гертруда,
Сизга кўйлақларим ва маржонларим.
Буюрсин, ярасин ёшлигингизга!
Ҳеч хафа эмасман Маргаритадан,
Эрининг айбига даҳли йўқ унинг.
Унга деганларим васиятимда.
У ҳаммадан бахтсиз ва олижаноб!
Сеving қимматбаҳо бойлигинг, Анна,
Олтинларда эмас, менинг хотиримда.
Мен сенга маъави рўмолни тикдим,
Қайноқ ёшим билан ҳимариб ипин.
Сўнгги бор хизматинг бўлур, кундада
У билан кўзимни боғларсан ҳали...

К е н н е д и

О, Мельвиль! О, Мельвиль!

М а р и я

Энди бери келинг,

Келинг, сўнгги марта видолашайлик!

Уларга қўлини узатади, қаттиқ-қаттиқ ўпиб, кўз ёш тўқади. Ҳам-
ма унинг оёғига йиқилишади.

Ташаккур, Бергойн, хизматингизга.
Хайр, Маргарита ва Гертруда.
Оловдай ёнмоқда лабинг. Бекангиз —
Ёмон эди, аммо севимли эди.
Худо, Гертруда, сенга ўзингдай
Ўт-олов, муносиб эр ато қилсин.
Алвидо, алвидо, алвидо, хайр!

Кескин улардан ўгирилади. Мельвилдан бошқа ҳамма чиқади.

ЕТТИНЧИ МАНЗАРА

М а р и я, М е л ь в и л ь.

М а р и я

Бу олам ишини саранжом қилдим,
Ҳеч кимсадан қарзим қолмади энди.

Менга ўзга нарса азоб бермоқда,
Аламда кетмоқда ҳавоий қалбим.

М е л ь в и л ь

Кўнглингни бўшатгин содиқ дўстинга.

М а р и я

Мен ҳозир мангулик эшигидаман.
Чақира олмадим бирон-бир роҳиб
Ўзим мазҳабимдан. Мана, кетмоқдаман
Шундай, тангри билан ярашмай туриб.

М е л ь в и л ь

Тинчлан, диёнатли бўлмоқ аслида —
Афзалроқ сақлашдан урфу одатни.

М а р ҷ я

Сиз менга роҳибсиз, айтилса ҳам,
Сиз тангри элчиси, тинчлик келтирган
Кета туриб сизга тавба қиламан,
Сиздан эшитаман афву сўзини.

М е л ь в и л ь

Топдинг, қиролича, чиндан ҳақиқатнинг —
Бир қисмини фақат, эшит ҳаммасин.
Сени кузатмоққа мени юборди,
Мени бағишлади Папанинг ўзи.

М а р и я

Ўлим ёқасида, демак, яна бир —
Бахт ато этипти менга тангримиз.
Оҳ, қандай кутардим халос бўлмоқни —
Бу фоний оламда, алданиб, ёниб.
Халоскорим келди кутмаганимда.
Менинг хизматкорим, тангри элчиси,
Қаршимда турарди икки букилиб,
Энди мен чўкаман унинг олдида.

(*тиз чўкади*)

Мельвиль

(хоч билан чўқинтириб)

Мария, қиролича
Самовий қувватлар, авлиёлар ҳақи,
Тангри тавбасига ҳаммасини де,
Ҳеч нарса қолмасин кўнглинг тубида!

Мария

Кўнглимда не бўлса ўзига аён.

Мельвиль

Ўзинг виждонан айт, гуноҳларингни,
Қай бирига чиндан қиласан тавба?

Мария

Ендим кеча-кундуз газабли ўтда.
Қотилимга тилаб қасос ва ўлим!
Худодан кечирим тиладим, лекин
Ўзим кечирмадим уни ҳеч қачон!

Мельвиль

Кўз юмоласанми ҳаётдан, леди,
Ўлимга тан бермоққа етарми қурбинг?

Мария

Қатъий, худо ҳаққи, қатъий, самимий!

Мельвиль

Қандай гуноҳинг бор тагин кўнглингда?

Мария

Наинки адоват, ғайри ишқ билан
Тангримас, бандага муҳаббат қўйдим,
Охири панд берди, хиёнат билан
Ўлим кундасига рўбарў қилди.

Мельвиль

Эсла, тагин қандай гуноҳинг қолди?

М а р и я

Эрдан афзал кўрдим жинояткорни,
Унинг қотилига қалбимни тутдим.
Мана афву бўлди, ювилди гуноҳ,
Аммо ўз ҳолимга қўймас пушаймон.

М е л ь в и л ь

Бошқа қолмадими иқрор бўлмаган
Ювидмаган тагин бирон гуноҳинг?

М а р и я

Ҳаммасини айтиб бўлдим, қолмади.

М е л ь в и л ь

Ҳаммадан бохабар тангри ва черков
Кечирмайди, иқрор тўла бўлмаса.
Бу гуноҳ халоват бермайди сенга,
Маликам, ҳаттоки у дунёда ҳам.

М а р и я

Ҳеч нарса қолмади энди кўнглимда.

М е л ь в и л ь

Наҳотки, тангридан яширсанг энди
Анови Баббингтон ва шериклари —
Билан қилган фитна-жиноятларингни?!
Бу жазо ҳаммаси ўша учун-ку!
Азобда бўлсинми қиёматинг ҳам?

М а р и я

Барига розиман, такрор айтаман:
Тамом иқрор бўлдим гуноҳларимга.
Барча қиролларга ялинганим рост,
Елғиз қутқаришни бу ердан.
Аммо рақибимга суиқасд қилиш
Ҳатто келгани йўқ хаёлимга ҳам.

М е л ь в и л ь

Демак, бундан чиқди, котибларинг сенга
Бўхтон қилипти-да?

М а р и я

Ҳа, бўҳтон қилган.

М е л ь в и л ь

Демак, бундан чиқди, жаллод кундасига
Тамоман бегуноҳ бош қўймоқдасан?

(дуо қилади)

Бор энди ўлимга маликалардек.
Ваколатим ҳаққи, озодсан энди
Бутун устингдаги гуноҳларингдан.

Мельвиль эшикка боради, Мария ибодатга жим ўтиради. Мель-
виль давом этади.

Энди яна битта оғир курашга —
Туриш бермоқликка борми қудратинг.

М а р и я

Фарқи йўқ ҳар қандай даҳшатнинг энди.

М е л ь в и л ь

Бўлмаса қарши ол лорд Берли билан
Паулет
Шу ёққа келишяпти.

САККИЗИНЧИ МАНЗАРА

Уша жой. Берли, Паулет.

Б е р л и

Миледи, мен келдим ҳузурингизга,
Билай, дея сўнгги хоҳишларини.

М а р и я

Раҳмат.

Б е р л и

Фармон олдим, ҳамма қонуний
Истақларингизни адо этишга.

М а р и я

Ҳаммаси айтилган васиятимда.
Паулет қўлида, истагим шуки,
Уша ёзганларим адо этилсин.

П а у л е т

Шубҳасиз.

М а р и я

Ва менинг хизматкорларим
Қаерни истаса, Шотландиями,
Ёки Франция, тез жўнатилсин.

Б е р л и

Яхши.

М а р и я

Модомики менинг жасадим
Бунда қабристонда қўйилмас экаң,
Содиқ бир қулимга рухсат этсангиз,
Юрагимни кесиб олса-да, уни
Олиб бориб қўйса Францияга.

Б е р л и

Яхши.

Тагин қандай хоҳишлари бор?

М а р и я

Салом денг Британия маликасига.
Ноҳақ қатлим учун кечирдим уни.
Узр у кечаги қаттиқ гапларга.
Узоқ ҳукм сурсин бахтиёр ва тинч.

Б е р л и

Қайтмадингиз лекин асосий гапга,
Роҳиб ёрдамига унамадингиз.

М а р и я

Менинг тангрим билан муросам яхши.
Сэр Паулет, койманг мени, азизим.
Сизни маломатга — азага қўйдим,
Жиянингиз кетди икки ўртада
Кечиринг...

П а у л е т

(унинг қўлини олади)

Алвидо, худо ёр бўлсин.

ТУҶҚИЗИНЧИ МАНЗАРА

Уша жой. Кеннеди билан Жориа киради, орқаларидан

Ш е р и ф.

М а р и я

Хўш, Анна? Кетишим керакми энди?
Видолашамизми? Етдими фурсат?
Шериф ҳам кўринди. Хўш ҳозир-ҳозир.
Ҳаммангизга хайр.

Хотинлар қучоқлашадилар.

Мельвиль, ҳа, Анна.
Мени сўнгги марта қўлтиқлаб олинг.
Берли, рухсат беринг, бирга боришсин.

Б е р л и

Бунга фармойиш йўқ.

М а р и я

Наҳот, рад этсангиз

Шу бир арзимаган илтимосни ҳам
Наҳотки, даҳшатли дақиқа, опам
Мени эркак — жаллод ечинтиришга —
Йўл қўяр, ўйламай ҳаёлигимни.

Б е р л и

Жориа жойимас, жазолаш жойи,
Фарёд, шовқин-сурон кўтарилади.

М а р и я

Фарёд кўтармайди менинг энагам,
Унинг бардошига кафилман, милорд,
Узоқлатманг уни менинг ёнимдан.
Ҳаётга йўллаган қадрдон қўли
Энди ўлимга ҳам кузатиб қолсин.

П а у л е т

(Берлига)

Рухсат беринг энди.

Б е р л и

Майли, розиман.

М а р и я

Бошқа сўровим йўқ.

(Бутни олиб ўнади.)

Менинг халоскорим!
Қўлингни ёйибсан бағрингни очиб,
Менинг руҳимни ҳам қучоғингга ол.

Кетади, хизматкорлари фарёд чекиб қолишади.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

«Қатл»

М а р и я, Л е с т е р

Лестер ва Мария кўзлари тўқнашади. Мария титраб кетади, тиззалари бўшашиб, йиқилаёзади, Лестерга қаттиқ тикилади. Лестер унинг қарашига дош беролмай, кўзини четга олади. Ниҳоят мурожаат қилади.

М а р и я

Сўзингиз устидан чиқдингиз, граф.
Тутқинликдан ўзим, ўз қўлим билан
Олиб чиқаман деб айтган эдингиз.

Мана айтганингиз бўлди, қатлга,
Улим кундасига олиб келишди.

(Лестер ерга кириб кетгудай туради. Мария мулойим давом этади.)

Узоқ умр кўринг, бахтиёр бўлинг,
Агар бахтни ўйлаш, унга эришмоқ —
Бахтига муяссар бўла олсангиз.
Икки қиролича кетидан қувиб,
Қандай қалбни хароб қилдингиз, Лестер!

(Кетади.)

ТУҶҚИЗИНЧИ КҶРИНИШ

«Тахт»

БИРИНЧИ МАНЗАРА

Елизавета Ёлғиз.

Елизавета

Ўлдирилдимикин, йўқми у ҳали?
Ўйлашга қўрқаман иккисини ҳам.
Лестер ҳам, Берли ҳам йўқолиб кетди.
Агар бўлишмаса Лондонда улар,
Қайда бўлишади... Ким у?

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Елизавета. Маҳрам.

Елизавета

Хўш, нега
Ёлғиз қайтиб келдинг? Лорд қани?

Маҳрам

Мен ҳам...

Билмадим. Билмайди ҳеч ким саройга
Пойтахтдан кетишган эди азонда.

Елизавета

(жонланиб)

Бор!
Энди Англия маликасиман!
У ўлди. Ниҳоят ёруғ оламда

Тинч ва осойишта юра оламан!
Нега қалтирайман қайдан бу даҳшат?
Ахир кўзларига тупроқ тўлди-ку.
Ким мени ўлдирди дея олади?
Кўз ёшим етарли йиғласам агар.

УЧИНЧИ МАНЗАРА

Елизавета, Тальбот, Кент

Елизавета

Қандай яхши гаплар айтасиз, Тальбот?

Тальбот

Сенинг гаминг билан бугун, маликам,
Тауэрга бордим, Мариянинг —
Котиблари. Керл, Нау ётган ерга
Бирдан оёғимга ёпишиб Керл,
Жазавага тушиб, худди тентаклардек
Бўхтон қилдим, дея Марияга мен,
Қалбаки эди, деб, ёзган хатим ҳам,
Мени йўлдан урди ўртоғим, дея,
Этагимдан ушлаб йиғлади ёмон.
Утинаман сендан, тез фармойиш қил,
Бу ишни қайтадан тафтиш қилишсин.

Елизавета

Қайтадан кўришга асос йўқ, Тальбот.
Лекин, мен айтаман, кўриб чиқишсин.
Салтанатимизнинг ишида, Тальбот.
Бўлмаслиги керак бирон шубҳа, шак.

ТўРТИНЧИ МАНЗАРА

Уша жой. Берли. Кейин Девисон.

Берли

(Қиролича ҳузурида тиз чўкиб.)

Кўп яша, омон бўл, буюк маликам!
Стюарт сингари мангу яксон бўлсин
Сенинг, бизнинг ҳамма душманларимиз.

Т а л ь б о т

(юзини яшириб, даҳшатда)

Е раббий!

Е л и з а в е т а

Айтинг, лорд,
қатл фармонини

Мендан олдингизми, ёки...

Б е р л и

Йўқ, бекам,

Уни Девисондан олдим.

Е л и з а в е т а

Девисон

Сизга топширдими менинг номимдан?

Б е р л и

Йўқ, асло!

Е л и з а в е т а

Бу қандай итоатсизлик?

Мен сизга Берлига беринг, дедимми?

Д е в и с о н

Бевосита эмас, албатта, лекин
Билвосита, яъни ишора билан.

Е л и з а в е т а

Бу қанақа қилиқ! Менинг сўзларимни
Бошқача, нотўғри изоҳлаб, уни
Қонли фожиага йўйиб юбормоқ?..
Жавобин берасиз бошингиз билан!
Кимга керак бўлиб қолди ҳукмни
Шундай зудлик билан сўрамай-нетмай,
Бажариб юбориш?..

Аммо ҳукми олий

Тўғри эди. Бунга шубҳа йўқ сира.

Лекин фойдаланмоқ сиздан лозим эди

Кўнгилчанлигимиз, шафқатимиздан.

Йўқотинг кўзимдан бу фирибгарни!
Сизни суд қиламиз, ҳуқуқингизни
Қилганингиз учун суинистеъмол.

(Чапак чалади, офицер кўринади).

Тауэрга жўнатинг, раҳм қилмай, уни
Қаттиқ жазолансин! Фақат сиз, Тальбот,
Мени етакловчи хайрли ишга,
Маслаҳатчим бўлинг, Тальбот, ёнимда,
Энг яқин, самимий дўстим.

Т а л ь б о т

Маликам.

Содиқ қулларингни қувма, уларни
Зиндонга ташлама, улар сени деб
Бу ишларни қилди, сени деб энди
Пинҳон тутишади бу сирларни ҳам.
Мен бўлсам кетаман. Мени афву эт.
Ожизлик қилади энди қўлларим
Муҳрлашга сенинг юмушларингни.

Е л и з а в е т а

Наҳот ташлаб кетса мени ўлимдан —
Сақлаб қолган киши?..

Т а л ь б о т

Аҳамиятсиз

Бундан яхшисини қила олмадим.
Давр сур. Рақибанг қатл этилди.
Ҳеч нарса халалмас. Тўсиқ тугади.

(Кетади.)

Е л и з а в е т а

(Кириб келаётган К е н т г а.)

Лестерни чақиринг.

К е н т

Лестер кемада
Жўнаб кетди ҳозир Францияга.

(Кетади.)

*(Елизавета креслога ўтириб қолади, бошини қуйи
солади, бор бўйи билан тикланади.)*

Парда

ВИЛЬГЕЛЬМ ТЕЛЛЬ

УЧИНЧИ САҲНА

Кюснахт* яқинидаги дара.

Бу ерга қоялар орасидаги сўқмоқ йўлдан тушилади, ҳар бир йўловчи саҳнага тушишдан олдин юқориданоқ кўрилади. Атроф қоялар билан ўралган, буталар билан қопланган бир қоя олдинга туртиб чиққан.

Телль

(Кўлида камон билан киради.)

У албатта бу дарадан кечади,
Кюснахт томон бундан бошқа йўл ҳам йўқ.
Ва шу ерда ишни адо этаман...
Бундан яхши қулай фурсат бўлмайди.
Бу дарахтнинг танасига биқиниб
Бир ўқ билан мен нишонга оламан,
Қувлаш учун бу йўллар торлик қилар
Тангри билан ҳақ-ҳисобни тахт қил, фохт!
Сен ўласан, етди сенинг ажалинг.
Мен илгари тинч, ғазабсиз яшардим,
Фақат ўрмон ҳайвонига ўқ узиб,
Узоқ эдим қотил бўлмоқ фикридан...
Энди эса руҳимдаги тинчликни
Лойқалатиб, булғаб-қўйган сен ўзинг,
Фикримдаги суддек ошпоқ тақвони
Айлантирдинг илонларнинг заҳрига.
Менга камон тутқазган ҳам ўзингсан:
Ўз ўғлининг бошин қорага олиб —
Ўқ узолган киши, энди душмanning
Юрагига отмоққа ҳам ярайди.

Вафодорим билан фарзандларимни
Сенинг қаҳру ғазабингдан сақлашга
Мажбурман, фохт!.. Эдингдами, ўша кун...
Қалтираган қўлим билан, бўй бермас —
Камонимни шиддат билан тортганим...
Ўшанда сен иблисона мазах-ла
Ўз ўғлимга ўқ узмоққа амр этдинг,

Елборардим, шафқат қил, деб беҳуда.
Ушанда мен, қаттол қасам ичганман:—
Бу қасамни фақат тангри эшитган
Ўз боламга отажак шу ўқдан сўнг
Энг биринчи оладиган мўлжалим
Фақат сенинг кўкрагингдир!— деганман.
Мана энди ўша чексиз қийноқда
Пайдо бўлган муқаддас ўз онтимни
Бажараман... Камоним — мададкорим.
Сен хўжамсан, император фохтисан,
Аммо бизнинг император шунчалик
Шунчалик бўлишига берганмикан ижозат...
Сени ҳақли ҳукм қил, деб юборган,
Ҳукм қатъий, аёвсиз бўлса бўлар...
Аммо сенга туриш беролмас энди...
Ғазаб билан ҳақоратли кулишга
Ва жинойи зарбаларга ҳақнинг йўқ.
Кўкда қасос, жазо учун худо бор.
Қани энди, ажал бўлиб учиб бор,
Ўқим-тенгсиз ва бебаҳо хазинам!
Мана сенга таппа-тайёр нишона.
Ҳанузгача илтимосу илтижо —
Барчасига қулоқлари кар эди,
Аммо сенга туриш беролмас энди...
Эй, сен менинг маҳкам, таранг камоним,
Машқ чоғлари яхши хизмат қилгансан,
Шиддатли дам — шармисор қилиб қўйма!
Қадрдоним, итоат қил, тўғри от.
Бахш этгансан доим ўқимга қанот.
Хато кетмай ёв кўксини тешсин ўқ,
Шу ўқ қолди — ўқдонимда бошқа йўқ.

Саҳнадаги йўловчилар ўта бошлайдилар.

Тош супада бир оз ўлтириб турай,
Бу дарадан йўловчилар ўтаркан
Бир оз муддат қўниб ўтиш одати...
Ўз юртлари жуда узоқ... ва тезроқ —
Етмоқ учун шопадилар... Ўзлари —
Бир-бирига тамомила бегона,
Юрагингда не ҳасрат бор сўрашмас
Бари ўтар, ташвишли савдогар ҳам,
Елкасига тўрва осган художўй,
Тарки дунё қилган тақводор монах,
Шум қароқчи ва бепарво яллаци,

Узоқ юртнинг совғалари ортилган
Отин ҳайдаб келаётган суворий...
Ҳаммасининг бу ерда ўз жон иши,
Менинг ҳушим тортган нарса — қон иши!

(ўлгиради)

Илгарилар, отангиз овдан қайтса
Болаларим, сизга байрам бўларди!
У, ҳар сафар сизлар учун, атайлаб
Кўрсанг ҳайрон қоларлик бир қушчами,
Тоғ бағрида унган ажойиб гулми,
Ё тоғларда баъзан учраб қолувчи
Ўзи рангдор бирор ялтироқ тошми,
Совға қилиб уйга келтирар эди.
Бу сафар у бошқа овнинг пайдидан:
Йўл юзида кимнидир ўлдирмоқчи
Ва бу ерда душманини кутмоқда.
Ва лекин у шу тоғда ҳам сизни деб
Ташвиш тортар, маъсумгина болалар...
У сизларни қўриқламоқ истайди.
У малъундан сизлар бўлинг деб омон,
Аямасдан, душманга тортар камон.

(ўрнидан туради)

Битта йирик ҳайвоннинг пайидаман...
Овчи деган куну тун парво қилмай,
Қора совуқларда тоғма-тоғ ошиб,
Қоялардан-қоялар сари ҳатлаб,
Қўрқинч, қинғир йўлдан чиқиб чўққига,
Қўл, тирноғи қон бўлиб, тимдаланиб,
Битта ориқ тоғ эчкиси овлайди.
Мени кутган ўлжа кўп қимматбаҳо —
Мен бу ерда қаттол ёвни отаман.

Узоқдан, борган сари яқинлашиб, қувноқ музика овози эшити-
лади.

Бутун умрим камонимдан ажралмай
Шу мерганлик санъатини қилдим машқ.
Қоқ нишонга уриб келдим ҳаминча,
Шунинг учун бизнинг ким ўзишларда —
Мен ажойиб тухфалар ҳам олганман...
Бу гал ўқни маҳорат-ла отаман
Ва оламан тоғда юксақ мукофот.

ТҮРТҮНЧИ САҲНА

Саҳна оша йўл бўйлаб тўй маросими юқорилаб боради. Телль камонига суяниб томоша қилмоқда. Шу ерларни кузатувчи қоронғу Штюзси унинг олдида келади.

Ш т ю с с и

Монастир ерларин мутаваллиси
Уйланмоқда... ўзи бадавлат одам —
Тоғ бағрида сурув-сурув қўйи бор!..
Қайлиқчаси асли Имензеелик.*
Кюснахта бугун тонготар базм.
Юр, борамиз! Улар жуда меҳмондўст.

Телль

Йўқ, бормайман, бадқовоқ меҳмон учун
Тўю ҳашам бўлган ерда ўрин йўқ.

Ш т ю с с и

Ҳамма ғамни юракдан юлқиб ташланг!
Замон қалтис. Неки бўлса кўникинг.
Қуруқ қолманг ҳар бир хурсандчиликдан,
Бу ерда — тўй, балки, унда — мотамдир.

Телль

Баъзан бўлар ҳар иккови ёнма-ён,

Ш т ю с с и

Ҳа, дунёда нима ишлар бўлмайди,
Теварақда тўлиб ётар фалокат...
Гларисда * битта чўққи қулади,
Майдаланган тошу шағал десангиз,
Каттагина майдонни босиб ётар.

Телль

Демак, тоғ ҳам абадиймас, шундай-да?
Дунёдаги барча нарса омонат.

Ш т ю с с и

Яқинда бир йўловчи айтиб қолди,
Жуда қизиқ ҳодиса рўй берипти,

Маълум, машҳур битта рицарь от миниб
Кетар экан қиролнинг ҳузурига,
Йўл устида қовоқари тўдаси
Епирилицти ва талапти отини,
От чидолмай қулаптию ўлипти,
Рицарь яёв жўнапти қиролига.

Т е л ь

Ожизга ҳам тиф бергандир табиат.

Армгарда бир неча болалари билан кириб келади ва
йўл устида тўхтади.

Ш т ю с с и

Булар бари юртга солур фалокат,
Турли жабру, жафолару ёвузлик.

Т е л ь

Бирор кун ҳам шундай мудҳиш жафосиз,
Фалокатсиз, тинчликча ўтмай қолди.

Ш т ю с с и

Ҳа, ерида осойишта қўш ҳайдаб,
Тўрт кўз тугал яшаганлар бахтиёр.

Т е л ь

Ёвуз қўшни ёқтирмаган ҳар киши
Тинч яшолмас, қанча юввош бўлса ҳам.

*(Суҳбат устида безовта мунтазирлик билан ўқтин-ўқтин
йўлга қараб қўяди.)*

Ш т ю с с и

Хайр, бўлмасам... Тахминимча кимнидир
Кутмоқдасиз...

Т е л ь

Балли, кутаётirman.

Ш т ю с с и

Омон-эсон уйга етиб борингиз.
Сиз Уридан бўларсиз? Бизнинг ландфохт
Худди бугун ўша ёқдан қайтажак.

Бир йўловчи ўтиб кетаётиб.

Фохтни бугун кутиб овора бўлманг,
Кучли селдан дарё қирғоқдан ошиб,
Оқинлардан барча кўприк бузилган.

Телль ўридан туради.

Армгарда

(яқинроқ келиб)

Фохт бу ердан, афсус, ўтмас экан-да!

Ш т ю с с и

Унда ишингиз борми?

Армгарда

Ҳа, ишим бор!

Ш т ю с с и

Не бўлдики, тўсмоқдасиз йўлини?

Армгарда

Ўтолмасдан, гапга қулоқ солсин деб.

Фаристгард

(юқоридан тез тушиб келаётиб, қичқиради).

Ҳани, ҳей пўшт! Хўжам ландфохт келмоқда
Хув орқамдан изма-из, йўл бўшатинг.

Телль

(Кетади.)

Армгарда

(ҳаяжонланиб)

Ландфохт келар эмиш!

(Болалари билан сағна олдига келиб туради.)

От минган Геслер билан Рудольф Гаррас узоқда, тоғ
устида кўринадилар.

Ш т ю с с и

Қандай келдингиз?
Кўприкларни сув олган дейдилар-ку?

Ф р и с г а р д

Катта кўлда бўрон билан олишдик —
Тоғдан оққан шалолалар хавфлимас.

Ш т ю с с и

Шу бўронда қайиқда эдингизми?

Ф р и с г а р д

Шундай эди. Бир умр унутмайман...

Ш т ю с с и

Сўзлаб беринг!

Ф р и с г а р д

Йўқ, саройга борайин,
Фохт келишин хабар қилмоғим керак.

Ш т ю с с и

Гар қайиқда соғ кишилар бўлганда,
Гарқ бўларди албатта. Аммо булар
Сувда чўкмас, ўтда ёнмас мутлақо.

(агрофга қараб)

Жўнаб қолипти-да мерган опнамиз?

(кетади)

Геслер ва Рудольф Гаррас от устида.

Г е с л е р

Содиқ хизматкорман императорга,
Раъйи билан иш қилмоққа мажбурман.

Мени бунда юбораркан у, ахир.
Юрмаган халқ елкасин сила, деб.
Йўқ, у фақат итоатни кутади.
Кураш шуки, аниқлаш лозим, бунда.
Ким хўжайин, императорми, деҳқон.

Армгарда

Фурсат келди, у билан сўзлашаман.

(Кўрқа-писа уларга яқинлашади.)

Геслер

Мен жўрттага қалпоқ осиб қўймадим,
Бу иш халқни синаш учун ҳам эмас,
Сиз ишонинг, мен бу халқни биламан,
Мен бу ишни деҳқонларнинг тўнг бўйни
Таъзим учун ўргансин деб қилганман.
Мен уларнинг ҳар гал қатнов йўлига
Ушбу говни қўйиб қўйдим, то улар
Унга келиб туртинганда, бу ернинг
Хўжайини кимлигини эсласинлар,
Йўқса уни унутиб қўймоқдалар.

Рудольф Гаррас

Ахир халқнинг ўз ҳуқуқи ҳам бор-ку...

Геслер

Бу гапларни текширмоққа фурсат йўқ
Катта ишлар бўлаётган бу пайтда!
Габсбурглар* хонадони кундан-кун
Маҳкамланиб бормоқдадир. Уғиллар
Охирига етказажак албатта.
Оталари бошлаган шонли ишни.
Бу халқ эса бизга бўлмоқдадир гов,
Биз, итоат қилдирмасдан қўймаймиз.

Йўлларида давом этмоқчи бўлганларида Армгарда Геслернинг олдидан чиқиб, тиз чўкади.

Армгарда

Шафқат қилинг, шафқат қилинг! Раҳм қилинг!

Геслер

Нима учун йўлга тўсиқ бўлдингиз?
Нари кетинг!

Армгарда

Менинг эрим зиндонда,
Етимларим очликдан зор йиғлайди...
Ҳолимизга раҳм қилинг, жанобим!

Рудольф Гаррас

Ўзингиз ким? Эрингиз ким?

Армгарда

Бир шўрлик
Сал тойилса ўнгурга қулагудай
Даҳшатли, тик қоялар ёнбағрида
Пичан ўриб қилар эди тириклик.
Бу хатарли ёнбағирда, тоғларнинг
Баланд, эгри сўқмоғига ўрганган
Ҳайвонлар ҳам ўтлолмайди ботиниб...

Рудольф Гаррас

(ландфохтга)

Оҳ, муҳтожлик, оғир-аччиқ кўргулик!
Сўрар эдим, эрини озод қилинг!
Гуноҳлари қанча оғир бўлса ҳам,
Мудҳиш касби эзган экан шўрликни.

(хотинга)

Ҳонун билан текширади валиаҳд,
Сиз саройга бориб, қилинг илтимос,
Бу ер, ахир, йўл усти, ўрни эмас.

Армгарда

Йўқ эримни озод қилмагунча фохт,
Мен бу ердан бир қадам ҳам жилмайман!
Ярим йилча бўлди зиндон ичра у,
Интизорлик билан кутар ҳукмни.

Г е с л е р

Сиз бу ерда зўрлик қилмоқчимисиз?
Қани қочинг!

А р м г а р д а

Инсоф қилгин-да, ландфохт!
Тангри билан император номидан,
Сенсан ахир ҳокимимиз бу ерда!
Ўз бурчингни инсоф билан адо эт!
Сен тангридан кутар бўлсанг марҳамат,
Бизларга ҳам марҳамат, шафқат кўрсат?

Г е с л е р

Қоч, беадаб! Буни йўлдан четлатинг!

А р м г а р д а

(отнинг жиловига ёпишиб)

Йўқ, йўқ, ортиқ нима бўлсам бўларман!
Менинг учун адолат кўрсатмасдан
Бир қадам ҳам жилолмайсан, тўхта, фохт!
Кўзларингни ола-кула қилабер!..
Ҳаддан ошиб кетди бахтсизлигимиз,
Йўқ, йўқ, энди бунча қаҳру ғазабинг
Бизларни ҳеч қўрқитолмас, ландфохт...

Г е с л е р

Йўлимдан қоч, ё бостириб кетаман.

А р м г а р д а

Бостирсанг, бос! Мана сенга...

(Болаларини ушлаб улар билан ерга ётиб олади.)

Босабер,
Мени болаларим билан топтаб ўт...
Етимларни аяма, отга бостир!
Баттарроқ ҳам ёвузликлар қилгансан...

Рудольф Гаррас

Тентак хотин!

Армгарда

(тугоқиб)

Аллақачондан буён
Элни, юртни оёқости қиласан!
Эҳ, агарда мен эркак бўлсайдим, фохт,
Етмас эдим бу тупроққа қорилиб,
Бошқа бирор чора излаб топардим...

Узоқдан яна тўй музыкаси келади. У бўриқ эшитилади.

Геслер

Бу одамлар, қаяқларга йўқолди?
Бу хотинни ҳайданг, йўқса, ўзда йўқ,
Бирор хунук иш қилишим турган гап...

Рудольф Гаррас

Отряд бунда ўтиб келолмайди...
Йўлни тўсган тўй-куракчи оломон.

Геслер

Бу халқ учун, мен чиндан ҳам кўнгли бўш,
Жуда ёввош ҳукмронман, билсангиз...
Бўйин эгмас тоғлиларнинг тиллари
Заҳардан ҳам аччиқроқдир...

Онт бўлсин,

Бундан буён ишлар бўлар бошқача:
Мен буларнинг ўжар тўнглиklarини
Тамомила муте қилиб оламан,
Озодликнинг мағрур руҳин янчаман!
Мен бу юртга янги қонун чиқариб,
Буюраман...

*(Унга ўқ тегади, у дарров юрагини ушлайди, эгар
устуда чайқала бошлайди, инграб гапиради.)*

Раҳминг келсин, ё раббий!

Рудольф Гаррас

Не фалокат... Қаёқдан бу? Нима гап?

Армгарда

(сапчиб туриб)

Қуламоқда! Ұлдирилди! Ұқ тегди!
Ұқ юрагин қоқ устига қадалди.

Рудольф Гаррас

(отдан ирғиб тушади)

Вой худойим!.. Қандай дахшат!.. Тангрига,
Жаноб ландфохт, қилинг тезроқ илтижо!..
Ұлмоқдасиз!..

Геслер

Ҳайҳот, бу ўқ Телльники...

Отдан сирғилиб туриб, Рудольф Гарраснинг қўлига йиқилади.
Рудольф уни скамейкага ётқизади.

Телль

(юқорида, чўққи устида кўринади)

Отган мерган кимлигини таний олдингми,
Демак бошқа бир кишини қидирмаёқ қўй!
Кулбаларга — эрк, озодлик, гуноҳсизларга —
Тинч умрлар!

Энди ландфохт бундан буён сен
Менинг азиз ватанимга хавфли эмассан!

(Қоя орқасига ўтиб кетади.)

Саҳнага халқ ёпирилиб киради.

Шт ю с с и

(олдинда)

Бунда нима содир бўлди? Нима гап ўзи?

Армгарда

Уцқа учиб ўлди ландфохт.

Халқ

(югуриб келатуриб)

Ким? Ким ўлди?

Тўйчиларнинг бош қисми саҳнага етиб кирган, қолганлари ҳали орқада, тоғ устида. Музыка давом қилмоқда.

Рудольф Гаррас

Қани келинг, ёрдам беринг! Қонсираб қолди!
Қотилининг орқасидан югуринг тезроқ.
Бадбахт шўрлик, мана охир ажалинг етди.
Қулоқ солай демадинг ҳеч маслаҳатимга!

Ш т ю с с и

Вой худойим! Ранги ўчган, қимирламайди!

О в о з л а р

Ким ўлдирди!

Рудольф Гаррас

Хой, жим дейман! Нима деган гап —
Одам ўлиб ётипти-ю, сиз саз чаласиз!

Музыка бирданга тўхтади. Халқ борган сари кўпаяди.

Ландфохт, менга қувватингиз борида айтинг:
Менга бирор топшириғу ишингиз йўқми?

Гесләр қўли билан қандайдир ишоралар қилади, бу ишоралар тушунилмай қолаётганидан афсусланиб ҳаракатларини такрорлайди.

Қай томонни айтяпсиз?

Кюснахтдами?

Ишоратни тушунолмайт турибман... Ландфохт,
Бунчалик ҳам бетоқатлик қилабермангиз,
Ердаги бор ҳақ-ҳисобни тамоу унутиб,
Худойимнинг раҳматидан умидвор бўлинг!

Тўйчилар даҳшат ичида, ўлаётган Геслерни ўраб оладилар.

Ш т ю с с и

Борган сари ранги ўчиб, қони қочмоқда,
Улим энди юрагига човут солмоқда...
Ана қаранг, кўзлари ҳам юмилиб қолди.

А р м г а р д а

(бир боласини кўтариб)

Золимларнинг ўлишини кўриб қўй, болам!

Р у д о л ь ф Г а р р а с

Вой эси паст хотинлар-эй! Наҳотки сизда
Юрак деган, меҳру шафқат деган бўлмаса,
Бу манзара сизлар учун эрмак бўлдими?
Турганлардан бирор киши, мурда танидан
Ўқни олиб ташлаш учун ёрдам бермаса!

Х о т и н л а р

(орқага чекиниб)

Худо жазо берганларни қутқармоқ маҳол!

Р у д о л ь ф Г а р р а с

Шундай экан, ҳаммангизга лаънатлар бўлсин!

(Қиличини суғурмоқчи бўлади.)

Ш т ю с с и

(унинг қўлини тугиб)

Ҳаддан ошманг!

Тугади шум салтанат

Улдирилди юртимизнинг элим ҳокими.

Бундан буён ҳақоратга чидай олмаймиз,

Биз озодмиз!

Ҳ а м м а

(баланд овоз билан)

Озод бўлди она юртимиз!

ИЗОҲЛАР

«АСОРАТДАГИ ПЕГАС»

«Асоратдаги Пегас» рамзий-мифологик асари Шиллер ижодида алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур ўткир танқидий шеърнинг русча матни бутун ҳаётини жаҳон адабиёти намуналарини ўтиришга бағишлаган шоир — таржимон Вильгельм Левик қаламига мансубдир. Бу асарни ўзбек ўқувчиларига 1966 йили шоир Муҳаммад Али тақдим этди.

Шиллер ўз асарига оч қолган шоирни қаҳрамон қилиб олади ва унинг илҳомини қадимги грек мифологиясидаги учқур қанотли от — Пегасга қиёс қилади. Ижодкор асардаги мажозий образ Пегас воситасида ўзи яшаган давр ижтимоий-сиёсий муҳитини ва шу муҳитдаги қарама-қарши ҳодисаларга муносабатини ифодалайди. Шиллер «чор-ночор, оч қолган шоир» образи орқали ўз ғоясини, ғоявий ниятини илгари суради. Асардаги илҳом тулпори бўлиб гавдаланган Пегас шунчаки қўлланилган образ эмас, у ўзида жуда катта маъно ташийди. У шоир вужудидаги туганмас куч-қудрат, юрагидаги жўшқинлик, тошқинлик рамзи бўлиб намоён бўлади. Илҳом билан ижод қилиш ижодкорни поёнсиз кенгликларга, кўз илғамас чўққиларга, сеҳрли юлдузлар оламига олиб чиқади. Бу ерда фақат жўшқин илҳом билан олдинга, юксакликка интилиб яшашдек бир рамзий маъно образли ифодаланган.

1. Пегас — 29-бет. Қадимги юнонларда афсонавий илҳом аргумоғи.

2. Х а й м а р к е т — 29-бет. Тарихий-географик ном — Лондондаги шаҳар кварталаридан бирининг номи бўлиб, бу ерда савдосотиқ ишлари жуда авж олган. Ҳатто, эски урф-одатларга кўра эркаклар бевафолик қилган хотинларини шу ерга келтириб сотганлар.

3. Феб — 30-бет. Қадимги юнонларда Қуёш ва Нур худоси Аполлоннинг исмларидан бири.

«МАКР ВА МУҲАББАТ»

Германиянинг ўша даврдаги энг машҳур театрларидан бўлган Мангейм «Қароқчилар» романтик асарини саҳналаштиради. У ўзининг Ғоявий-бадий концепцияси билан кенг томошабинлар эътиборини қозонади. Хусусан герцогликлар ҳаётини, маънавий-ахлоқий томонларини кескин танқид қилгани боисдан ёш Шиллер татқиботига олинади. Немис герцогликлари Шиллерни Штутгарт қамоқхонасига қамаш билан ўз ғазабларини бир қадар соғутгандай бўладилар.

Лекин бу маҳбуслик даври Шиллер учун психологик жиҳатдан руҳиятига таъсир кўрсатган бўлса-да, бесамар ўтмади. Айнан шу заҳ хоналарда «Макр ва муҳаббат» драматург кўнглида гоёвий ният бўлиб туғилган эди. Шу ерда асар воқеалари, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари шоир кўнглида ёруғ чизгилар касб этган эди.

«Сийёсий тенденцияли биринчи немис драмаси» (Ф. Энгельс) деб таърифланган бу асар биринчи бор «Луиза Миллер» номи билан дунёга келди. Кейинчалик Ф. Шиллернинг яқин сафдоши, маслакдоши, адиб ва режиссёр Ифланднинг тақлифига кўра асарнинг номи «Макр ва муҳаббат» деб ўзгартирилди. Асар Мангөйм театри коллективи томонидан биринчи марта сахналаштирилди ва драматургга катта шухрат келтирди.

Адибнинг «Қароқчилар», «Генуяда Флесконинг фитнаси», «Макр ва муҳаббат» асарлари унинг ижодий камолотида ҳал қилувчи босқич бўлиб қолди. Биргина «Макр ва муҳаббат» асарини оладиган бўлсак, унда кичик бир немис оиласининг фожиаси орқали немис халқининг фожиаги тақдир, кўплаб майда давлатларга бўлинган эски Германиянинг ижтимоий давлат тузуми, сийёсий воқелиги билан боғлиқликда бадиий талқин этилади.

Орадан йигирма йилдан ошиқроқ вақт ўтгач, яъни 1806 йилда «Макр ва муҳаббат» рус тилига, Октябрь инқилобидан кейин эса қардош халқлар тилларига, шу жумладан ўзбек тилига ҳам таржима қилинди.

Хуршид (Шамсиддин Шарофиддинов) илк бор «Макр ва муҳаббат»ни ўзек тилига таржима қилди. Шу таржима асосида 1921 йилда Тошкентда, 1925 йилда эса Самарқанд ўзбек драмтеатрида «Макр ва муҳаббат»нинг илк премьераси бўлди. Кейинчалик Аъзам Аюб ва Комил Яшин, Маъруф Ҳақимлар ҳамкорлигида ҳам асар ўзбек тилига таржима қилинган.

«Макр ва муҳаббат» фожиаси адабий ҳаётда мафкуравий курашлар давом этаётган бир пайтда ўзбек театри сахнасига дадил кириб келди, ҳамда халқимиз орасида «Севги, муҳаббат дostonи» номи билан эътибор қозонди. Асарнинг бундай нуфузга эга бўлишида таржимонлар қатори Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театри коллективининг ҳам хизмати катта бўлди.

Гарчанд «Макр ва муҳаббат»нинг уч хил вариантдаги таржимаси намунаси бўлса-да, Хуршид таржимасидаги нусха номаълум сабабларга кўра йўқолган. Ҳозир Комил Яшин ва Маъруф Ҳақим, ҳамда Аъзам Аюб қаламига мансуб икки таржима нусхаси мавжуд. Биз ушбу нашрга Комил Яшин ва Маъруф Ҳақимлар таржима қилган намунани киритдик. Чунки бу ўзининг бадиий хусусиятларига кўра қолган икки таржима нусхасидан анча мукамаллиги билан ажралиб туради.

1. Родней (Rodney)—38-бет. Джорж Брайджес (1718—1792, Лондон)—барон, инглиз адмирали (1778). 1744—48 йиллардаги Франция билан бўлган урушда қатнашган. 1775—1783 йилларда Шимолий Америка халқларининг мустақиллик учун бўлган курашида, ғарбий денгиз флотига қўмондонлик қилиб, 1780 йилнинг январида Финистерра (Шимоли-ғарбий Португалия) бурунидаги испан флотини мағлубиятга учратади. Бу мағлубият испан флоти билан ўраб олинган Гибралторнинг аҳолини енгиллаштиради. У 1782 йилги Доминикс жангида француз эскадрасини тор-мор қилди.

2. Камергеръ—50-бет. Ғарбий Европанинг баъзи монархияли давлатларида сарой аҳлларига бериладиган унвонлардан

бири. Биринчи бор бу унвоц ўрта асрда Испанияда, кейинчалик Карл V томонидан Германияда ва XVIII асрга келиб Екатерина II томонидан Россияда жорий қилинган.

3. Иккинчи саҳна—59-бет. «Хизматкор ва леди Мильфорд» саҳнаси. Ҳша давр тарихчилари Шимолий Америка халқларига олтин-бриллиантлар эвазига 1775 ва 1783 йиллар орасида 29166 ёлланма аскарлар сотганликларини маълум қиладилар. Шулардан 11853 солдат она ватани—Германия тупроғига қайтиб келмаган, хоки ёт ўлкаларда қолиб кетган. Бу аянчли воқеанинг жонли гувоҳи бўлган ва бундан қаттиқ таъсирланиб ғазабга келган Шиллер, замонасининг бундай реал воқеа-ҳодисаларига бефарқ қарай олмайди, балки содир бўлган ва бўлаётган ситамларнинг туб илдизини, ижтимоий-сиёсий моҳиятини чуқурроқ англаб етишга ва уларни ўз асарларида ёритишга ва бундай фожиади воқеаларни туғдираётган маккорларнинг макрларини фош қилишга интилади. Шу сабабдан асарга «Леди Мильфорд ва Каммердинер» саҳнаси орқали «Одам сотиш» саҳнасини олиб киради. Ушбу жамиятнинг жирканч башарасини ёрқин ифода қилувчи фожиади хизматчи ва Леди Мильфорд нутқи айнақса характерлидир. Унда Шиллернинг даҳшатли воқеага муносабати, қалб турғени, ғазаби ва асардаги асосий фигуралардан бири хизматчи образи орқали бутун заҳматканч немис халқининг диёнатсиз, шафқатсиз немис князларига бўлган нафрати ўз инъикосини тошган.

4. Венеция—59-бет (Venezia). Италиядаги шаҳар. Бу шаҳар Адриатика денгизининг шимолий қисмидаги лагуналардан биридаги ороларда материкдан 3,5 км масофада жойлашган. Шаҳар денгиздан узун тил (Маломокко ороли) ва тўғон билан тўсилган; денгиз кемалари кириб кела олади. Бир неча темир йўлнинг охириги пункти. Шаҳарда алоқа асосан каналлар орқали бўлади. Диққатга сазовор жойларидан бири Авлиё Марк майдонидир. Бу майдонда Дождлар саройи бўлиб, унда Венеция рассомлари мактабининг қадимги усталарининг (Тинторетто, Тициана, Веронезе ва бошқаларнинг) расмлари ва санъат буюмлари сақланган. Шаҳарда рангдор металлургия, нефтни қайта ишловчи саноат, ойна-шиша, мозаика, тўр тўқиш, заргарлик ривож топган. Шаҳарни V асрда венецлар (Иллирия қабиласи) қурган, бу ерда улар гуналардан сақланиб турганлар.

5. Кеча ватанимизнинг 7000 асл ўғиллари Америкага жўнатилди...—59-бет. Бу ерда қимматбаҳо тошлар, зебу зийнатлар эвазига Америкадаги озодлик ҳаракатини бостириш учун Англияга жўнатилган немис солдатлари назарда тutilяпти.

6. Гамбург—64-бет. ГФРидаги катта шаҳар. Немисча «Hamburg» «ўрмон қалъаси» демакдир. Эльба дарёсининг Шимолий денгизга қўйиладиган жойидан 110 км. берида, Эльба дарёсининг ҳар иккала соҳилида ўрнашган. (Альтона-Гамбург.) Ҳозирги Гамбург шаҳри ўрнида дастлаб Гаммабург қалъаси бўлган. Гамбург катталиги жиҳатдан Германиянинг иккинчи шаҳри, халқаро аҳамияти жиҳатдан биринчи денгиз порти. Гамбург—маданият маркази. Университет бор. (1919 йилда ташкил топган.) Шунингдек Гамбург ишчилар ҳаракатининг ҳам муҳим маркази. Бу ерда немис ишчилар ҳаракатининг йўлбошчиси Эрнест Тельман туғилган ва унинг революцион фаолиятининг асосий қисми ҳам шу ерда ўтган. Гамбургнинг давлат чегараси 1938 йилда белгилади. Унинг составига Альтона, Харбург-Вильгельмсбург, Вандсбек, Бергедорф, шунингдек бир қанча район ва қишлоқлар киради.

Иккинчи жаҳон уруши даврида шаҳар жуда қаттиқ жароҳатланди. Гамбург шаҳри 808 йилда бино бўлган.

«ҚАРОҚЧИЛАР»

Фридрих Шиллер ҳали герцог Карл Евгенийнинг Ғарбий Академиясида (Карлсруеда) ўқиб юрган чоғларидаёқ (1777 йилда) «Қароқчилар» драмасини ёзиш нияти кўнглида туғилган ва кўпгина саҳифаларнинг қоралама нусхасини ёзиб қўйганди. У ўшанда ўн саккиз ёшда эди. Орадан бир йил вақт ўтгач «Қароқчилар» драмаси ёзиб тугалланди. Шиллер асарни ўн тўққиз ёшида ниҳоясига етказган бўлса-да, орадан сал кам беш йил ўтгандан кейингина нашр қилинди. 1782 йилнинг 13 январида Мангейм театрида асарнинг дастлабки премьераси бўлди.

«Шиллер идеяларининг жарчиси» (К. Маркс) бўлган бу асар ҳали Шиллер тириклигидаёқ, 1793 йилда Россияга етиб келган эди. Н. Н. Савдунов «Қароқчилар»ни биринчи марта рус китобхонага таништирди. Шундан сўнг «Қароқчилар»ни бир қатор рус ёзувчилари таржима қилганлар.

Шиллер ижоди рус адабий муҳтида алоҳида ўрин тутади. Рус адабиёти ва танқидчилигида унинг ижодини ўрганиш XVIII—XIX асрларга тўғри келади. Рус ўқувчиларига Шиллерни танитиш борасида рус адиблари орасида айниқса В. А. Жуковскийнинг хизматлари жуда катта. Шиллер ижоди рус ёзувчи ва шoirларига самарали таъсир кўрсатди. Шу боисдан ҳам XIX асрни рус адабий ҳаракатчилигида «Шиллер даври» деб аташгани бежиз эмас.

Ўзбек китобхонлари ва томошабинлари эса Шиллернинг ўзбек тилига таржима қилинган барча асарлари қатори «Қароқчилар» билан ҳам инқилоб шарофати-ла танишдилар.

Шиллернинг бу асари инқилобдан кейинги даврда «Босмачилар» номи билан таржима қилиниб, Топшкентда (1921 йилда), Самарқандда (1925 йилда) «Қароқчилар» номи билан саҳналаштирилган. Лекин асарнинг халқ орасидаги доврўғи 30—40-йилларга тўғри келади. Айнан шу йилларда Ўзбекистондаги адабий жараёнда Шиллер ва Шекспир ижодига қизиқиш ниҳоятда салмоқли бўлди. Шу маънода адабий жамоатчилик ўртасида 30—50-йилларни Шиллер ва Шекспир ижодининг гуллаган таъсир даври деб ҳам юригилади. «Қароқчилар» романтик драмаси 1974—1979 йиллар ичида Ҳамза театри саҳнасида 65 марта қўйилган. «Қароқчилар»нинг араб алифбосида Хуршид қаламига мансуб биринчи таржимаси ЎзССР ФА қошидаги Х. Сулаймонов номидаги қўлёзмадр институтининг Хуршид фондида сақланмоқда.

Хуршид таржимасидаги ушбу асар 1921 йил Топшкент, 1925 йил Самарқанд театри саҳналарида намойиш қилинди. Араб графикасида кўчирилган ушбу таржима қўлёзмасининг охириги саҳнасида 1926 йил 25 декабрь санаси қайд этилган. Бу чамаси, ушбу асарнинг таржима қилинган йили эмас, балки қоралама нусхадан оққа кўчирилган нусхаси бўлса керак.

1. Г и п о к р а т — 135-бет. (Эрамиздан олдинги IV—III аср.) Машҳур юнон файласуфи. Қадимги Грецияда «табобат илмининг отаси» деб ном олган. «Қароқчилар» драмасига қўйилган «Дори тузатмагани темир тузатар, темир тузатмагани олов» эпиграфи ҳам Гиппократнинг «Афоризмлар»идан («Изречений») олинган ҳикматли иборадир. Бу ибора жабр-зулм туғдираётган мавжуд

жамиятнинг қонун-қоидаларини йўқотиб бўлмас экан, уни туб илдизи билан оловда қуйдириб ташлаш керак деган бир рамзий маъно ташийди. Революцион руҳдаги «Қароқчилар» асарининг мазмуни билан ҳамоҳанг бу афоризм асарнинг сюжети билан боғлиқ, шунинг учун драманинг сийёсий мазмунини ҳам очишга ёрдам беради.

2. *In tyrannos* 135-бет, «На тиранов!»—«Мустабидларга қарши!» «Қароқчилар» романтик драмасининг бошланишида (биринчи бетида, оригиналда) сакраётган шернинг сурати туширилган ва шу ерга латин тилида «*In tyrannos!*» яъни «Золим подшоҳларга қарши!» деб ёзиб қўйилган. Бу иллюстрация эса асарнинг революцион руҳини яна ҳам кучайтирган.

3. *Франкония*—136-бет (*Franken*). Германия империясидаги тарихий областлардан бири. XVIII асрнинг охирига келиб Германия империяси 69 та алоҳида-алоҳида давлатга, шу жумладан 25 графликларга бўлинган.

4. *Дукат*—137-бет (лат. *ducatus*—герцоглик). Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларида муомалада бўлган қадимий кумуш (кейинчалик олтин) танга. Кумуш дукат Сицилия ва Жанубий Италияда зарб этилган. У 1559—1857 йилларда Германия ва Австриянинг давлат пули ҳисобланган. Дукатнинг оғирлиги 3,44 г. атрофида. Дукат Голландияда 1875 йилгача, Австрия—Венгрияда XX аср бошларигача муомалада бўлган.

5. Нима учун она қоридан мен биринчи бўлиб тушмадим?—140-бет. Бу сўроқ гап Франц Моор монологидан олинган. Франц Моор граф Моорнинг кенжа ўғли. Феодал системаси бўйича наслдан-насла мерос бўлиб ўтадиган кўчмас мулк, асосан ер-мулк, бешерик, бутунасига катта ўғилга ёки агар эгаллик қилиш ҳақ-ҳуқуқи берилса, унвон билан биргаликда авлодидаги катталардан бирига ўтарди. Шунинг учун ҳам Францга онадан биринчи ўғил бўлиб туғилмагани алам қилади ва у кечаю-кундуз фақат олдидаги тўсиқларни (акаси Карл Моор ва отаси граф Моорни) йўқ қилиш йўллорини излаб изтироб чекади.

6. *Саксония*—140-бет (нем. *Sachsen*). Асосий шаҳарлари Лейпциг ва Дрезден ҳисобланган, ўша даврдаги жуда кўп майда давлатларга бўлинган немис қиролигининг биттаси. Олдин князликлардан, кейинчалик қироликлардан иборат бўлган Саксониянинг территорияси 1871 йилда Германия империяси составига кирган. 1919 йилдан бошлаб эса Германия республикасининг асосий ерларидан бирига айланади. 1945 йилда, яъни Гитлер Германияси таслим бўлгандан кейин, бу ерлар совет оккупацияси зонасига киради. ГДР ташкил топгандан бошлаб (1949) Саксониянинг асосий қисми ГДР составига кирди. Саксониянинг ГФР идаги қисми Қуйи Саксония деб аталади, у 1946 йилда ташкил топган. Маркази—Ганновер. ГДР даги Саксония эса 1952 йилги маъмурий территориал ислохотдан кейин 3 округга бўлинган: Дрезден, Лейпциг, Карл-Маркс—Штадт.

7. *Ганнибал*, *Канна* қошидаги жанг, Сципиондаги ғалаба—140—141-бет. Ганнибал, Аннибал Барка (247 ёки 246—183 эра-мизга қадар) Гамилькар Барканинг ўғли Ганнибал зодагонлар оиласидан чиққан. У 4 тилни билган, ҳарбий маълумотга эга бўлган билимдон шахс бўлган. Ганнибал ва унинг отаси Гамилькар жуда кўп мустамлака мамлакатларга эга бўлган Шимолий Африкадаги савдо давлат шахри Карфагеннинг машҳур саркардаси ва давлат арбоби бўлганлар. Карфаген (шаҳри) Римга нисбатан душманона муносабатлар ўрнатган. Карфагенликларнинг

мустамлакачилик фаолияти ва савдо ҳаракати ҳамма жойда босқинчилик сисъатига дуч келган эди. Ганнибал курашларда бир неча бор римликлар устидан галаба қилган. Шулардан энг муваффақиятлиси, 80 минг кишидан иборат Рим пиеда аскарлари ер билан яқсон бўлган Каннадаги жанг эди (эрамиздан аввалги 216 йилда). Бу жангдан кейин жуда кўп жанубий италияликлар ва Сицилия шаҳарлари Ганнибал тарафга ўтдилар.

...Каннадаги жанг ҳарбий санъатда мисли кўрилмаган даражада намуна бўлиб қолди. Бу жанг ҳақида Ф. Энгельс: «Хали ҳеч қачон ҳаётда бутун бир армиянинг бундай тор-мор бўлиши кўрилмаган»,— деб ёзган эди. Сципцион Старший (Катта) 203 йилда Испаниядаги римликларга итоат этиб, Карфагенга ҳужум қилиш учун Теснимий Сципцион билан Африкага ўтади. Ганнибал 202 йилда Нарагаре ёки Замеда жанг қилишга мажбур бўлади ва бу жангда Ганнибал қўшинлари римликлар томонидан енгелади. 201 йилда Ганнибал Рим билан сулҳ тузади ва яна Карфагенни идора қила бошлайди. 195 йилда у Сиривя подшоҳи Антиоха III томонга қочиб ўтади ва у ерда унинг ҳарбий маслаҳатчиси бўлади. Антиоха III нинг мағлубиятидан кейин римликлар Ганнибални беришни талаб қиладилар, бироқ у аввалига Арманистонда, сўнгра Вифинияда яшириниб юради. Ганнибалнинг турар жойидан хабар топган рим элчиси Тит Фламиний уни беришни талаб қилади, бироқ Ганнибал римликлар қўлига тириклай тушмаслик учун 183 йилда заҳар ичиб ўлади. 149 йилда, яъни Ганнибал зарбасидан ярим аср ўтгандан кейин, римликлар яна Африкага, Карфагенга қарши қўшин жўнатадилар. Фақат 3 йиллик қамалдан сўнгра, 146 йилда Публий Корнелий Сципцион Младший (Кичкина) шаҳарни қўлга киритади.

8. Даҳшатли ҳужум—144-бет. Бу ерда христиан мифологиясидаги энг охириги қиёмат қойим бўлган кун (рўзи қиёмат, рўзи машҳар— вселенский суд или страшный суд) назарда тутиляпти. Бу қиёмат куннинг манзараси асарнинг оригинали ва русча вариантларида, Қароқчи Карлнинг йигитлари қаср атрофини қурсаб олганда, Франц Моорнинг граф фон-Моорнинг эшик оғаси Даниэлга талвасага тушиб гапириб берган, бемаъни тушида тасвирланган. (Қаранг: немисча ва русча вариантларида 5-парданинг бошида.) Қўлингиздаги театр вариантыда эса асарнинг айнан шу жойи, туш тасвири қисқартирилган. Яъни Франц: «...Ҳозир галати туш кўрдим... (хушсиз йиқилади),— деб битта гап билан ифодаланган.

9. Фридрих—154-бет. Бу ерда 1712—1786 йилларда яшаб ўтган Пруссия қироли Фридрих II назарда тутиляпти. Фридрих Вильгельм I нинг ўғли, машҳур саркарда бўлган Фридрих II нинг диққат марказида доим армияни мустаҳкамлаш турган. У «Даврим тарихи» («История моего времени», 1746). «Етти йиллик уруш тарихи» («История Семилетней войны», 1763) каби бир қатор фалсафий ва тарихий ишларнинг муаллифи. Фридрих II 1740—1786 йилларда Пруссия давлатини бошқарган. Фридрих II даврида Пруссия дунёга донги кетган давлатлардан бирига айланган. Территорияси ҳам бирмунча кенгайган. Бироқ, мамлакатда прусс милитаризми авж олиб кетган. Фридрих II даврида давлат ичида ҳукм сурган режими К. Маркс: «Истибод, бюрократизм ва феодализм қоринмаси...» деб таърифлайди.

10. Богемия—155-бет (лат.—Bohemia нем.—Böhmen). Ҳозирги Чехословакия Халқ Демократик Республикасининг дастлабки номи. Богемия пойтахт шаҳар Прага жойлашган ерларга тўс-

ри келади. 1918 йилгача у Габсбург империясига, яъни ҳозирги Австрия составига кирган. Богемия ўрмони (нем.— Böhmerwald) эса Чехословакия билан Германия чегарасига жойлашган.

11. Шверен Курт—Кристоф—155-бет. Пруссиялик генерал фельдмаршал, 1757 йил 6 май Прага остонасидаги жангда ўлдирилган.

12. Прага ёнидаги жанг—161-бет. 1757 йил 6 майдаги жангда, Пруссия қиролиги Фридрих II австрияликлар устидан ғалаба қилади. Натижада у Прагани қамал қилиш имконига эга бўлади ва принц Карл Лотарингский армиясини шу ерга бекитиб қўяди. 18 июнь 1757 йили Фридрих II нинг қўшинлари Каллин (Чехия) ёнидаги жангда қириб ташланади, бунинг оқибатида пруссияликларга Прагани қамалдан чиқаришга ва бутун Богемияни бўшатиб қўйишга тўғри келади.

13. Патер—165-бет. Католик пр.

14. Рейхсграф—166-бет. Немисча das Reich (государство, империя) ҳамда der Graf (граф) сўзларидан ташкил топган қўшма сўз. Рейсграф—одатга кўра, ўзидан юқоридаги феодалларга (герцог, курфюрст ва ҳ. о. лар) қарам бўлмаган, бироқ ўзидан юқорида турган императорнинг ҳокимиятини (гарчи қисман расмийлик билан бўлса ҳам) тан олувчи империя графи.

15. Барбаросса—169-бет (аслида Фридрих I Барбаросса). Италиянча «рыжая борода»—«малла соқол», дегани. Бу сўз, Италияга 5 марта боқинчилик юришлари қилган, Милан ва шунга ўхшаш бир қанча ривожланган ва ривожланаётган итальян шаҳар-республикаларини хонавайрон қилган, Германия императори Фридрих I (1125—1190) нинг лақаби.

16. Бу сенмиса, Герман, қузғуним?—182-бет. Диний афсоналарнинг бирида айтилишига кўра, (бу ерда христиан ва яҳудийларнинг дини нзарда тутилмоқда) эмишким, пайғамбар Илия таъқиб қилинишидан қутулиб, сахрога қочган ва битта булоқ (чашма) бўйига жойлашган экан. «Қузғунлар эса унга эрталаб ҳам кечкурун нон ва гўшт олиб келиб турганлар, чапмадан эса у сув ичган». Граф Моор нутқидаги бу ибора ана шу афсонага бир ишорадир.

17. Дидона—196-бет. Дастлабки аёл худоси. Карфаген шаҳри ичидаги қалъанинг ҳомийси. (Карфаген ҳақида қаранг: 6-бет, «Ганнибал») Кейинчалик Дидонага ҳақиқатан ҳам ҳаётда яшаган тарихий шахс хислатлари берилган эмиш. Ривоятлар эса уни, Карфаген шаҳрининг асосчиси—Қадимги Финикия мамлакатининг подшоҳига айлангирган. Финикия—Ўрта Ер денгизи қирғоқлари, Ливан тоғи этаклари (Ливан ва шимоли-ғарбий Сириянинг денгиз бўйларигача чўзилиб кетган шарқдаги қадимий мамлакат. Рим шоири Вергилийнинг машҳур «Энеида» поэмасида, «эрамъздан аввалги I асрда). Севгилиси ташлаб кетгани учун Дидона ўзини оловга ташлаб ўлдирган экан.

18. Луидор—198-бет. Францияда муомалада бўлган, қадимий тилло пул бирлиги.

«МАРИЯ СТЮАРТ»

«Мария Стюарт» фожий драмасининг ёзилиш тарихи ўзига хос. Шиллерда шотланд қироличаси Мария Стюарт тақдири ҳақида асар ёзиш иштиёқи уйғонганда ҳали на «Қароқчилар» ва на

«Макр ва муҳаббат» асарлари яратилган эди. «Мария Стюарт» ҳақида асар ёзишга туртки бўлган биринчи омил Ҳарбий Академиянинг истеъдодли ёш тарих ўқитувчиси Готлиб Шоттанинг бахтсиз шотланд қироличаси Мариянинг фожияли тақдири ҳақида ҳаяжонлиниб гапирган мазмундор ҳикоялари бўлди. Бироқ Шиллер умрининг охириги йилларида, яъни 1799 йил 26 апрелдагина ўзининг иш календарига: «Мен Мария Стюарт тарихини ўргана бошладим», деб ёзиб қўйган эди. Орадан сал ўтмай 4 июнда Шиллернинг иш календарига янги ёзув пайдо бўлади: «Мария Стюарт»ни ишлашга киришдим. Шу ўтган йиллар орасида шотланд ва инглиз қироличалари Мария ҳамда Елизавета ҳақидаги сюжет шоирнинг хаёл оламида кенгайиб, шаклланиб боради. Шоир асар устида жуда қаттиқ ишлайди ва кундалик дафтарига ишнинг натижасини мунтазам белгилаб боради. Беш пардалик фожиянинг биринчи пардасини драматург ўша йилнинг 24 июль куни тугатади ва бир кун ўтказиб иккинчи парда устида иш бошлайди. Ишнинг бу қисми ҳам роппа-роса бир ой даганди, яъни 28 август куни якунланади. Шиллер асарни шу йилнинг охиригача тугатаман деган ишонч билан меҳнат қилади. Бироқ унинг иш календарига 1800 йилнинг 11 майида: «Меникида йиғилган актёрларга «Мария Стюарт»нинг тўртта пардасини ўқиб бердим», деган сатрлар бор. Охириги бешинчи пардани Шиллер 1800 йил 16 майдан 9 июнгача ёзиб тугатади ва одатдагидек календарига «Мария Стюарт»ни тугатдим деб ёзиб қўяди. Асар тугатгандан беш кун кейин (1800 йил 14 июнда) Веймер театрининг сахнасида «Мария Стюарт»нинг премьераси бўлади. Немис халқи бу фожий асарни яхши кутиб олади. Орадан ярим йил ўтгач, пьеса Берлин театри сахнасида қўйилади.

Бироқ Германияда ҳам, Россияда ҳам жуда қўп томошабинларга эга бўлган бу тарихий фожиявий асар ўзбек сахнасида Шиллернинг бошқа саҳна асарлари «Макр ва муҳаббат», «Қароқчилар»дек муваффақият қозона олмади. Бу фожияни сахнада томоша қилганимизда актёрларимизда немис маданияти ва санъатидаги мукамалликни эгаллашда санъатқорона маҳорат етишмаганлиги кўзга ташланди.

Асарда XVI асрда яшаган ва бир-бирларига қариндош бўлган икки диний мазабга (католик ва протестант) мансуб икки сулола (Тюдорлар ва Стюартлар) вакиллари Елизавета ва Мария ораларидаги кескин конфликт ёрқин тасвирланади.

Тюдорлар сулоласининг кенжа вакили инглиз қироличаси Елизавета (1533 йилда туғилган, 1558—1603 йилларда инглиз қироличаси) Генрих VIII (1491 йилда туғилган, 1509—1547 йилларда Англия қироли бўлиб турган)нинг қизи. Елизаветанинг онаси Анна Болейн эрига бевафолик қилгани учун қатл этилади. Генрих VIII эса қизи Елизаветани «қонуниймас» ва инглиз тахтига эгалик қилишга ҳақ-ҳуқуқ йўқ деб ҳукм чиқаради.

Мария Стюарт эса Англиядаги Тюдорлар династияси билан қариндош бўлган Стюартлар сулоласининг вакили Яков IV (1488—1513 йилларда ҳукмронлик қилган)нинг набираси. Мария (1542 йилда туғилган, 1587 йилда қатл қилинган) 1568 йилда ўзига қарши исён кўтарган шотланд аристократларидан қочиб Англия қироличаси Елизавета олдига боради. Бироқ, онаси Елизаветадан ўзига паноҳ излаб борган Мария, у ерда Фотерингей қалъасида тутқин қилинади. Орадан ўн тўққиз йил ўтгандан сўнг 1587 йилда Мария сохта ҳужжатлар асосида, қиролича Елизаветага суиқасдликда айбланиб қатл этилади.

Бу җожиавий асарда узоқ йиллар тутқинда, опаси Елизавета зулимдан азоб чеккан ана шу шотланд қироличаси Мария Стюартнинг тақдирини, руҳий кечинмаларини таъсирчан қилиб ифодаланган.

1. Қирқ комиссарингиз дўқ ва доврўқ билан келиб кетишди, 203-бет. Марияни суд қилиш учун 1586 йил 9 октябрда 46 комиссар белгиланган эди. 14 октябрда биринчи тергов бўлиб ўтади. 26 октябрда эса Лондонда (Звездная палатада) қайта сўроқланади ва ниҳоят 31 октябрда Англия қироличаси Елизаветага суиқасд қилди деб айбланиб қарор қабул қилинади. 1587 йил 1 февралда бу ҳукми қиролича Елизавета қўлига топширадилар. 8 февралда эса Мария қатл қилинади. Мария: «40 комиссарингиз» деганда қатл қилинишигача бўлган терговларга ишора қилипти.

2. Парламент—204-бет (французча «parleg» — гапирмоқ, сўзламоқ сўзидан). Буржуа давлатларида олий ваколатли орган. Биринчи марта 13-асрда Англияда таъсис этилган. XVII—XVIII асрлардаги буржуа революцияларидан кейин реал ҳозирги маъносига эга бўлди. «Парламент» ваколатли муассаса сифатида Буюк Британия, Франция, Италия, Япония, Канада, Бельгия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда мавжуд. Парламент бир ёки икки палатали бўлади. Федератив давлатлар (АҚШ, Канада, ГФР, Австралия ва бошқалар)да парламент икки палаталидир. Палаталарда қонун лойиҳалари ва бошқа масалаларни олдиндан кўрадиган комитетлар ёки комиссиялар тузилади.

Парламент функциясига қонун чиқариш, давлат бюджетини қабул қилиш, халқаро шартномаларни ратификация қилиш, конституцион назорат органларини тайинлаш масалалари киради.

3. Тоғам — кардиналдан, Франциядан!—208-бет. Герцог Шарль де Гиз Мариянинг тоғаси. Мария Стюарт — шотланд қироли Якова V ва француз католик партиясининг доҳийси, донишманд кардинал де Гизнинг синглиси Мария Гизнинг қизи.

4. Католик—209-бет. Христиан дини мазҳаби.

5. Кардинал—209-бет. Католиклар черковида энг юқори руҳонийлик рутбаси.

6. Палата—210-бет. (ат. palatium — сарой, қаср). Давлат ҳокимиятининг Олий органи ёки унинг бир қисми. (Масалан: СССР Олий Совети тенг ҳуқуқли 2 палатадан иборат — Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети.) Баъзи капиталистик мамлакатларда қонун чиқарувчи олий давлат органини (масалан парламентни) ташкил этувчи, турли табақа вакилларидан ёки депутатларидан иборат давлат муассасаси. Умумий палата эса Англия парламентининг юқори палатаси.

7. Реймс — 227-бет. Франциянинг шимоли-шарқий қисмида, Марна департаментидоғи жуда қадимий, бироқ анча ривожланган шаҳар. Дастлаб Дурокорторум, кейинроқ Реми деб аталган.

8. Тюдорлар—251-бет. Англиядаги (1485—1603) қироллар династияси. Бу сулоланинг асосчиси Генрих VII (1485—1509 йилларда қироллик қилган). Тюдорлар сулоласининг бошқа вакиллари Генрих VIII (1509—1547), Эдуард VI (1547—1553), Мария I (1553—1558), Тюдорлар династиясининг энг сўнгги вакили Елизавета I (1558—1603). Мария I дан ташқари ҳамма Тюдорлар давлат сиёсатини XVI аср дворянлари ва буржуа вакиллари манфаатларини кўзлаб юргизганлар. Парламент эса тож-тахтнинг иттифоқ қуролига айланган. Бироқ Елизавета қироллигининг охириги йилларида мустабид ҳокимиятига қарши парламентнинг кураши бош-

ланади. Бу кураш Стюартлар сулоласида ўзига хос рескивликни юзага келтиради.

9. Стюартлар — 252-бет. Стюартлар Шотландия (1371 йилдан) ва Англияда (1603—49, 1660—1714 йилларда) ҳукм сурган қироллар сулоласи. Сулола ҳукмдорларидан энг машҳурлари: Мария Стюарт (1561—1567), Яков I (1603—1625), Карл I (1625—1649); 1448—1513 йилларда ҳукмронлик қилган Стюартлар сулоласининг вакили Яков IV Англиядаги Тюдорлар династияси билан қариндош бўлган. Шотланд қиролчаси Мария Стюарт эса унинг набираси. Мария Стюарт 1587 йилда Англияда, Англия қиролчаси Елизавета I Тюдорга қарши суиқасд уюштиришда айбланиб қатл қилинади. Мариянинг ўғли шотланд қироли Яков VI Елизаветанинг васиятларига кўра Англия тахтига ўтиради ва Яков I номи билан Англия, Шотландия, Ирландия мамлакатларига ҳукмронлик қилади. 1603 йилдан то 1625 йилгача давлатни бошқаради. Яков I ва унинг ўғли Карл I қироллик қилган йилларда (1625—1649) юргизган сиёсат мамлакатда революцион кризиснинг келиб чиқишига сабаб бўлади. ~~Ингизия буржуа революцияси (XVII аср)~~ даврида Карл I қатл қилинади ва Англия республика деб эълон қилинади. Мамлакатда монархия тузуми тикланади. Шундан сўнг (1660) Стюартлар (Карл II, 1660—85 йиллар қироллик қилган) яна тахтни эгаллайди. Карл II нинг вориси Яков II (1685—88 йиллар қироллик қилган). 1688—89 йилги давлат тўнтариши натижасида тахтдан ағдарилади. Тахтни Вильгельм III Оранский эгаллайди (1689—1702 йиллар қироллик қилган). Анна Стюарт (1702—1714 йилларда давлатни бошқарган) вафотидан кейин тахт Стюартларнинг узоқ қариндошлари бўлган Ганноверлар династияси қўлига ўтади.

10. Варфоломей туни — 253-бет. 1572 йил 24 августга ўтар кечаси, христианларнинг «Авлиё Варфоломей»га бағишлаб ўтказиладиган диний байрамлари арафасида Парижда католиклар томонидан гугенотларнинг оммавий қирғин қилиниши. Гугенотларни қирғин қилиш тез орада Париждан бошқа вилоятларга тарқалиб, 3 мингга яқин киши ҳалок бўлган. Натижада католиклар билан гугенотлар ўртасида уруш келиб чиққан. Варфоломей туни кўчма маънода одамларни ваҳшийларча оммавий қирғин қилишни англатади.

«ВИЛЬГЕЛЬМ ТЕЛЛЬ»

Швейцар халқи XIV асрда чет элликлар зулмига қарши озодлик учун курашган қаҳрамон Вильгельм Теллнинг номини ҳанузгача чуқур эҳтиром билан эслайди. Аслида Вильгельм Телль тарихий шахс эмас, у халқ орзу-умидларининг ифодачиси, швейцар халқининг афсонавий қаҳрамонидир. Шиллернинг «Вильгельм Телль» драмаси ўша афсонавий қаҳрамон ҳақида. Асар камондан отилган ўқнинг беҳато мўлжалга текканлиги ҳақидаги ривоят асосига қурилган. Шиллер «Вильгельм Телль» драмасида қадимги швейцар халқининг чет эллик душманларга қарши олиб борган озодлик курашини тасвирлар экан, бу тасвир фонида фақат чет элликлардан гулм кўраётган швейцар халқинигина эмас, балки ўша даврда Наполеон жангларидан озор чекаётган Она юрти Германияни ҳам назарда тутди. Чунки бу жанглар туфайли талафотлар кўраётган бўлиган Германия давлатларига Шиллер берафқ қарай олмас эди. «Вильгельм Телль» драмаси орқали эса у тарқоқ немис халқини бирлаштиришга ва шу йўл билан халқини бу азоблардан қутқаришга чақиради.

Шиллер бу асарини ёзишга ҳам жуда катта тайёргарлик кўрди. Швейцария тарихини, географиясини, табиатини ўрганиб чиқди. Бу тоғли ўлканинг турли хил қабилаларидан иборат бўлган аҳолисининг турмушини, ўзига хос урф-одатларини, шу ерлик халқларга хос бўлган халқ қўшиқлари, ривоят ва афсоналарини ўрганди. Шиллер бир йиллик жиддий тайёргарликдан сўнг, ижодий имконларига ишонч ҳосил қилиб, 1803 йил 25 августда асарни ёзишга киришади. Ва ниҳоят 1804 йил 18 февралда драматург иш календарига «Теллини тугатдим» деб ёзиб қўяди.

«Вильгельм Телль» драмаси Шиллернинг бошқа асарларидан гоёвий-бадий концепцияси жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Асарнинг охириги саҳнаси асрлар давомида хўрланиб келаётган ва ниҳоят курашлар натижасида ғалабага эришган халқнинг: «Озодлик! Озодлик! Озодлик!» дея қичқирган таътанали сўзлари билан яқунланади. Асарда зулм ўтказётган чет элликларга қарши курашган ва ғалаба қилган исёнкор халқ образининг маҳорат билан яратилиши, Шиллер ижодининг бадий жиҳатдан юксалганлигидан ва тематикасининг ранг-баранглигидан далолат беради.

Афсуски, бу асар ўзбек тилига буткул таржима қилинмаган. Китобхон ушбу китобда фақат асарнинг бош қаҳрамони Вильгельм Теллнинг камонидан мўлжаллаб отилган ўққа тугилиб, ҳалок бўлган Австрия империясининг Швейцариядаги солиқ ҳокими Геслернинг ўлимидан қувонган халқ тасвирланган саҳнани (Ф. Гулом таржимасида) ўқиш имконига эга. Аммо, биз малакали мутахассисларимизнинг бу гоёвий-етук асарни тўлалигича таржима қилишларини истардик.

1. К ю с н а х т — 307-бет. Жой номи.

2. Имензее — 310-бет. Жой номи.

3. Гларис — 310-бет. Тоғ чўққиси.

4. Габсбурглар — 320-бет (Habsburger) 1282—1918 йилларда Австрияда, 1526—1918 йилларда Чехия ва Венгриядаги (1867 йилдан бошлаб Австро—Венгрияда) ҳокимлик қилган династиянинг номи. 1020 йилда Габсбург (Habsburg) қалъаси қурилган. Габсбурглар династиясининг номи шундан келиб чиққан. Габсбурглар сулоласининг уруғ бошлиғи X асрнинг ўрталарида Юқори Эльзасда яшаб ўтган Гунтрам Богатий деб тахмин қилинади.

МУНДАРИЖА

*Ровияжон Абдуллаева. Немис трагедиясини яратган даҳо . . . 5

ШЕЪРЛАР

*Геро ва Леандр. Эркин Воҳидов таржимаси	23
Асоратдаги Пегас. Муҳаммад Али таржимаси	29
*Руссо. Омон Матжон таржимаси	31
*Колумб. Омон Матжон таржимаси	32
*Замин тақсимоги. Омон Матжон таржимаси	32
*Қўлдоп. Омон Матжон таржимаси	33
*Нечук ширин бахт экан. Омон Матжон таржимаси	34

ДРАМАЛАР

*Макр ва муҳаббат. Комил Яшин ва Маъруф Ҳаким таржимаси	36
*Қароқчилар. Асқад Мухтор таржимаси	135
*Мария Стюарт. Туроб Тўла таржимаси	199
*Вильгельм Телль. Рафур Гулом таржимаси	307
*Изоҳлар	322

© Рафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985 й.

На узбекском языке

Шедевры мировой литературы

ФРИДРИХ ШИЛЛЕР

КОВАРСТВО И ЛЮБОВЬ

Стихи, драмы

Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар
муаллифи **РОВИЯЖОН АБДУЛЛАЕВА**

Тақризчи Салоҳиддин Мамажонов

«ИКАД» нашри учун масъуллар:

Ш. Усмонохўжаев

В. Барсукова

С. Азимова

Редактор **Х. Мансурова**

Рассом **М. Карпузас**

Расмлар редактори **А. Бобров**

Техн. редактор **В. Барсукова**

Корректор **Ш. Соатова**

ИБ № 2775

Босмахонага берилди 11.12.84. Босишга рухсат этилди 16.07.85. Формати 84x108/32. Босмахона қоғози № 1. Оддий янги гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 17,64. Шартли кр. — оттик 17,64. Нашр л. 17,85. Тиражи 8000. Заказ № 1758. Баҳоси 2с. 10 т.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Ўз ССР Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент — 700129, Навоий кўчаси, 30.

Шиллер, Фридрих.

Макр ва муҳаббат: Шеърлар. Драмалар ([Кириш сўзи Р. Абдуллаеваники].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.— 336 б. («Жаҳон адабиёти дурдоналари» (Сер. таҳрир ҳайъати: Зулфия ва бошқ.))

«Жаҳон адабиёти дурдоналари» сериясида нашр этилаётган ушбу тўпламга машҳур немис адиби Фридрих Шиллернинг «Макр ва муҳаббат», «Қароқчилар», «Мария Стюарт», «Вильгельм Телль» каби фовживий драмалари ва қатор шеърлари жамланди.

Шиллер, Фридрих. Коварство и любовь. Стихи.
Драмы.

И (нем)

III $\frac{4703000000-129}{M 352 (04)-85}$ 121-85